


Шайх Али Тантовий

Испом динини умумий таништириш



Кўқон - 2011й

Шайх Али Тантовий

**Ислом динини
умумий таништириш**

Таржимон: Олимхон Қодиров
Тошкент ислом университети бакалаври

Қўқон - 2011 й.



БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Китоб муқаддимаси

Бу китобнинг биринчи нашрини Миср номидан чиқаришга ҳақли эдим, чунки мен асли Мисрнинг “Тантадо” деб аталувчи Танта шаҳриданман. Бобом, яъни отамнинг отаси ҳам, унинг амакиси ҳам шу ердан етишиб чиққан. Бобомнинг амакиси ҳижрий 1255-йиллар оралиғида кибор уламолардан бири бўлган. Шу сабаблардан мен илк китобимни 1348-ҳижрий йилда Мисрнинг “Фатҳ” ва “Захро” нашриётларида, тоғам Муҳибиддийн ал-Хатийб кўмагида чоп этдим. Ўша пайтларда мен “Дорул ʼлулум” да ҳали ўқишни тугатмаган талаба эдим. Миср ҳам ўша даврларда “Уммуд дунё”-(дунё онаси), “уммуд дунё ал-араббия”-(араб дунёси онаси) номлари билан аталар эди. Араб дунёсида Миср университетидан ўзга университет йўқ эди. Араб дунёсининг барча талабалари шу университетда таҳсил оларди. Ал-Азҳар эса университетларнинг энг буюғи эди. У билим манбаи, нур чироқлари эди. Мусулмон диёрларидаги барча талабаларнинг бирдан-бир мақсади ҳам шу университетда ўқиш эди. Бошқа университетлар ал-Азҳарга тенглаша олмас эди. Ал-Азҳар ғарбдаги “Қорваяйн” университети, Тунидаги “Зайтуна” университети сингари минг йилдан ортиқ яшади. Ҳаттоки, “Қорваяйн” ва “Зайтуна” университетларида сақланиб қолган ёдгорликлар ҳам ал-Азҳарда сақланиб келаётган ёдгорликларга тенг кела олмайди. Мисрда катта-катта нашриётлар, қалами ўткир ёзувчилар бўларди. Ёзувчилар чоп этган китоблар барча араб мамлакатларига тарқатилар эди.

Шу сабабларни инобатга олганда, мен ҳам ушбу китобни шу ерда чоп этишим керак эди, лекин Аллоҳ бунга муяссар қилмади. Мана шу нашр Мисрда чоп этилгунга қадар китоб йигирма маротабага яқин босмадан чиқди. Баъзилари ўзимнинг рухсатим билан, баъзилари ўғринча ҳам чиқди. Китоб ўғрилаш замонавий маданиятнинг аччиқ меваларидан бири. Китоб ўғрилаш учун қулай воситалар, осон йўллар пайдо бўлди. Бундай йўл, воситалардан яхшилик истовчилар ҳам, ғаразғўйлар ҳам фойдаланишмоқда. Кимда дин бўлмаса ва Аллоҳдан кўркмасе бу ўғрилиқни қилишда давом этади. Чунки, ўғрилиқни ошкор бўлиши жуда қийин, ҳаттоки, олдинга асл нусха билан ўғирланган нусха қўйилса уларни бир-биридан фарқлай олмайсан. Варағи ҳам ўша, ҳарфлар, сиёҳ, мукова – ҳаммаси иккала нусхада бир хил. Шундан билиб олаверасизки, диндан ташқари бўлган ҳеч қандай маданият ҳам, илм ҳам, ахлоқ ҳам йўқ. Чунки улар одамлар томонидан ишлаб чиқилган. Бу маданият эгалари баъзи нарсалардан юз ўгиришади, унутишади, ўз шахватларига эргашиб кетишади. Дин соҳибии эса бир ўзи қолса ҳам, эшикларни кулфлаб олиб, пардалар билан беркитиб, одамлардан яширингани билан Аллоҳдан яширина олмаслигини билади. Шу билан бир қаторда Аллоҳ уни эшитиб, кўриб турганини ҳис қилади. Агар буни инкор қилса ҳам гуноҳ содир этган қўли, гуноҳ сари қадам қўйган оёғи бир кун келиб унга қарши гувоҳ беришини яхши билади. Эски либосини ечиб, янгисини кийиб олса кўрган одам билмаслиги мумкин, лекин ўз териси гуноҳга шохид бўладиган бўлса, уни ечиб ташлай олмаслигини ич-ичидан ҳис қилади.

Мен бир марта бир мударриснинг гапини айтиб бергандим. У бизнинг ёшлигимизда олдимизга келиб: “Қўл, оёқ қандай қилиб гувоҳлик бериши мумкин. Уларнинг гапирадиган тили борми?”, деб савол берган эди.

Бизнинг динимизга ҳар-хил шубҳалар тушиб, ақидамиздан оғишимизга сал қолган, ўшанда. Аллоҳ бизга фонограф, магнитофон, телевизор каби нарсаларни кўришни насиб қилди. Шунда иймонимиз янада кучайди. Айтдикки: “дунёда фонограф, магнитофон, телевизор каби жиҳозларни қандай қилиб гапиртиришни бизга ўргатган Зот охиратда қўл ва оёқни гапиртиришга қодир эмасми?!”

Бу илмий кашфиётлар, илмий ихтиролар иймон аҳлидан бўлган кишини иймонини кучайтиради. Шайтон аҳлидан бўлган кимсалар учун эса залолатга кеткизувчи воситалар бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, олтмиш йилдан буён китоб ёзиб нашр қиламан. Ёзган мақолаларимни, уларни чоп этган газета ва журналларни санаб саноғига ета олмайман. Элликка яқин китобим бор, лекин ёзган бошқа китобларимдан умид қилмаган савобни, мана шу китобимдан умид қиламан. Аллоҳ таолодан уни охирига етказишимни, ўқувчиларга фойдали бўлишини, унинг савобидан маҳрум бўлмастикни сўрайман.

Маккатул Мукаррама
сафар ойининг 24-куни, ҳижрий 1407-йил
Али Тантовий

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Китоб қиссаси

Аввалги нашрларнинг бошида ҳам “Китоб қиссаси” номли бўлим бўлар эди. Бугун уларга назар солсам қиссанинг бошидан айтиб бермаган эканман.

Қиссанинг бошланиши биринчи жаҳон уруши пайтларига (1914-йил) тўғри келади. Ўша кунларда мен оқ билан қорани ажратадиган, атрофимни ўраб турган нарсаларни идрок қиладиган ёшда эдим. Отам ўзининг ўқувчиларига уйимизда бомдоддан кейин ҳамда хуфтондан олдин дарс берар эди. У дарслар мен ҳар куни қатнайдиган мактаб дарсларидан фарқли, ўқувчилари ҳам мактаб ўқувчиларига ўхшаб кичкина эмас, балки, саллалар кийган, соқолли, ёши катта кишилар эди. Мен ҳам ҳеч нарса тушунмасамда, мактаб дарсларини тинглагандек, уларга кулоқ солиб ўтирар эдим. Шунинг учун менинг илмим икки тарафлама бўлган: мактабдан то университетни битиргунча дунёвий фанларни таҳсил олганман. Шу билан бир қаторда уламолардан диний илм ҳам ўрганганман. Аввало отам (Шайх Мустафо Тантовий) дан таълим олганман. У киши Шомнинг буюк фақиҳларидан бўлиб, муфтий Шайх Абул Хойр Обидийин хузурида фатво котиби эдилар. Отам 1343-ҳижрий йилнинг Шаъбон ойида вафот этганларидан сўнг (Аллоҳ у кишини ўз раҳматига олсин) бошқа олимлар⁽¹⁾ қўлида ўқидим.

⁽¹⁾ сўнгра Шомда, Мисрда ва Ироқда бир қанча олимлар хузурига қатнадим. Ҳозир уларнинг саноғига ета олмайман. Улардан баъзиларининг китобини ўқидим. Баъзиларининг дарсларига қатнашдим. Баъзилари билан бир мажлисда ўтириб фойда топдим. Улар ичида буюк муҳаддислардан Шайх Бадриддин Ҳасаний, унинг яқин дўсти, бир қанча рисоалар муаллифи Саййид Муҳаммад бин Жаъфар Каттоний, Шайх Абдулмуҳсин Устувоний, Шайх Сулаймон Жухдор, Шом муфтийси Ато ал-Қасам, унинг халифаси Шайх Муҳаммад Шукрий Устувоний, унинг ўринбосари муфтий (табиб) Шайх Абул Ясор Обидийин, ал-Азҳар университети шайхлари Саййид Муҳаммад ал-Хузр Хусайн, Шайх Абдулмажид Сулайм, Шайх Мустафо Абдурраззоқ, Шайх Маҳмуд Шалгут, тарихшунос, олим, ёзувчи бўлган тоғам Муҳибиддийин ал-Хатиб, катта ўқитувчилардан бўлган Шайх Абул Хойр Мийдоний, ровий муҳаддис олим Шайх Солиҳ Тунисий, салафлар адиби олим Наззор Шайх Муҳаммад Баҳжа Байтар, олим Шайх Тавфиқ ал-Айюбий, олим устозлардан бўлган Шайх Аҳмад Нуйлатий, муфассир Шайх Абдуллоҳ Илмий, воиз олимлардан бўлган Шайх Ҳошим Хатиб, араб ёзувчилардан икки шайх: Устоз Салиим Жундий ва Шайх Абдулқодир Муборак, тарихшунос ёзувчилар устози, Дамашқдаги илмий анжуман асосчиси ёзувчи Муҳаммад Кард Али, мусанниф, адиб шайхлардан Шайх Абдулқодир Мағрибий, ровий адиблардан устоз Иззуддин Танухий, истеъдодли ёзувчи устоз Маъруф Арнаут, ҳуқуқшунос олим устоз Шокир Ҳанбалий, устоз-олим Саъийд Мухосин, мусанниф олим Шайх Абдулқодир Бадрон Ҳанбалий, мусанниф олим Шайх Муҳаммад Кофий Моликий, фақиҳ Шайх Нажиб Кийвон Ҳанафий, аллома шайх Амин Сувайд, мусанниф ўқитувчи Шайх Зайд Зайнул Обидийин

Дамашқда таълимнинг икки йўналишини ўзида жам қилган илк киши мен бўлдим. Ўша пайтларда олимлар (шайхлар орасида) замонавий дунё билимларини билишмас эди. Мактаб ўқитувчилари эса дин илмларидан умуман беҳабар эди. Билса ҳам жуда саёз эди.

Мен ёшлигимдан асосий эътиборни исломни замонавий услуб билан очиб беришга қаратдим. Бу борада қарийб эллик йил мобайнида бир неча мақолалар ёздим, бир нечта рисоалар чоп этдим. Уларнинг ичидаги баъзи фикрларимни бу китобда ҳам келтириб ўтдим.

“Диний ислоҳ”⁽²⁾ китобимнинг 11-саҳифасида динни таълим бериш зарурати ҳақида гап кетганда: “Инсон динсиз яшай олиши мумкинми?”, - деб ёзганман. Бу савол билан “Инсон фақатгина моддийлик билан яшай оладими? Ундан бошқа ҳамма нарсага, ҳаттоки ўзининг нафсига, қалбини жунбушга келтирган муҳаббатга, табиий ҳиссиётга, табиат гўзаллигига, қушлар ва уларнинг сайрашига, қабрлар ва уларнинг қўрқинчига бепарво қараши мумкинми?” деган гапнинг орасида ҳеч қандай фарқ йўқдир.

Бу саволдан кейин олим Афлотуннинг гапини, Кант, Август Кант, Луис Пастер, Ньютон, Паскал, Молбранш, Уиллиам Ҳарвей, Галилэй, Томас Ҳокслининг мулоҳазаларини далил қилиб келтириб ўтганман. Чунки, мен ҳали фалсафа фанини энди ўрганаётган эдим. Китобнинг филофига “Тантовийнинг қаламига мансуб адабиёт ва фалсафа бўйича бакалавр иши” деб ёзилган эди.

Шундан сўнг, “бу олам тасодиф туфайли пайдо бўлган” деб даъво қилувчиларга бир қанча раддиялар ёздим. Жумладан қуйидагилар бор эди: “Бир қутига тўртта оқ ва битта қизил соққача солсак ва улар ичидан биттасини танлаб олсак, қизил соққача чиқиш эҳтимоли бешдан бир бўлади. Агар тўққизта оқ ва битта қизил соққача солсак, эҳтимоллик ўндан бир бўлади. Агар чексиз оқ соққача солсак, эҳтимоллик ҳам чексиздан бир бўлади. Оқил одам, бир марта, икки марта ёки юз марта танлаб олинганда аниқ қизил соққача чиқади, деб ҳеч қачон айтмайди”.

Осмондаги мана бу юлдузларнинг ҳам чеки йўқ. Уларнинг фақатгина битта ҳолати бор. Ана шу ҳолатдагина маълум тартиб-интизом билан ҳаракатланади. Ўзаро тўқнашиб кетмайди. Биз қандай қилиб, мана шу тартиб-интизом тасодифан пайдо бўлган, унинг ҳеч қандай тартибга солиб турувчиси йўқ, деб айта оламыз?!”

* * *

Мен қарийб эллик йилдан бери ўзимнинг чоп этилган китобларимда мана шу гапни гапириб келдим. Кейинчалик, мана шу мавзуда бирор китоб чиқариш нияти пайдо бўлди. Уни “Нима учун мен мусулмонман?”, деб номладим. Унинг бўлимларини тартибга солиб, тайёр ҳолга келтирдим. Унинг муқаддимасини 1349-ҳижрий (1930 милодий) йилда нашрга чиққан “Сайф ал-ислом” рисоаларимда чоп этдим. Аммо, матбуотнинг маълум сабабларига кўра китоб чоп этилмай қолди.

1932-йили Ироққа Бағдоддаги ўрта мактабда араб тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб келган пайтларимда, менга диний таълим беришни таклиф қилишди. Талабалар мендан тажвид, тавҳид, тафсир, фикх, усул, ҳадис, истилоҳлар китоби эмас, балки

Тунисий, ўқитувчи Шайх Аҳмад Нуйлатий, Ироқ олимлари шайхи Амжад Заҳовий, ҳуқуқшунос олим Ҳожи Ҳамадий Аъзомий Ироқий, Бағдод муфтийси Шайх Қосим Қайсий, фақиҳ, тарихшунос, муҳаддис Шайх Зоҳид Кавсарий, аллома, ёзувчи Шайх Башир Иброҳимий Жазоирий, ўқитувчи Шайх Комил Қассоб, Шайх Ийд Сафаржилонийлар бор эди. Қуръон тажвидини Шом қорилари шайхи Шайх Муҳаммад Ҳалвоний, Шайх Абдурроҳийм Дабсузайт ва у кишининг ўғли шайхимиз (отамнинг ўқувчиси) ҳанафий фақиҳи Шайх Абдулваҳҳоб, қори Шайх Абдуллоҳ Мунжид ва яна бошқа кўплаб кишилардан таълим олдим. Юқорида зикр қилган олимлар ва ҳозирда эсимдан кўтарилган бошқа устозлар ҳаққига Аллоҳдан раҳмат ва мағфират сўраб қоламан. Менимча уларни ҳар бирини санасам юзтадан ошиб кетади. Аллоҳ барчаларига яхшилик ато этсин.

⁽²⁾ 1348-ҳижрий йилда Дамашқда чоп этилган. У “Ислоҳ йўлидаги рисоалар” нинг биринчи жузъидир. Бу китобни бир нечта китоблардан, жумладан, Шайх Аҳмад Собуний Ҳалабийнинг “Ислоҳ рисоаларини баён қилиш” китобидан тўплам қилдим.

исломни тўлалигича қамраб оладиган бирор китоб борми, араб ёки саҳройи киши Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан ислом ҳақида сўраганда, унга қандай тушунтирган бўлсалар, бу китобда ислом дини ҳам ана шундай тарзда баён қилинган бўлсин. Бир кунда ёки ярим кунда ўқиб тушуниш мумкин бўлсин. Мана шундай китоб борми?!, — деб сўрашар эди.

Мен бунга ўхшаш китоб топа олмадим. Бу ҳақида рисоламда ҳам ёздим. Хуллас, бу мактаб таъсис этилганидан бошлаб то ёпилгунича тўлиқ йигирма йил шу ерда ишладим.

Бир неча мақолалар ёздим. Бу мақолаларимда олимларни мана шундай китоб таълиф қилишга чорладим. Аммо чақириғимга ҳеч ким жавоб бермади.

* * *

Кунлар ўтди. Қирқ йилдан бери биламанки, ҳам диний, ҳам дунёвий билимни ўзида жам қилиб китоб ёзиш йўлидан мендан бошқа ҳеч ким юрмайди. Ўша пайтларда бунақанги ёзувчилар жуда ҳам кам эди. Бўлса ҳам бир-иккита бор эди, холос.

Аллоҳга ҳамд-санолар бўлсинки, бугунги кунга келиб, бундай китоб ёзиш йўлидан юрадиганлар сони анча кўпайиб қолди. Аввалига ўнлаб, кейин эса юзлаб бу усулда китоб ёзадиган олимлар етишиб чиқди. Улар ичида мендан ҳам илми кўпроқ, қалами ўткирроқ, иймони кучлироқ, бошқа нарсаларда ҳам мендан афзал бўлган олимлар чиқди. Улар бир неча ўнлаб исломга доир ажойиб китоблар ёзишди. Лекин ҳалиги китоб ҳали ҳам таълиф қилинмас (тўплам ҳолига келтирилмас) эди.

1387-ҳижрий йил ҳам кириб келди. Мен “Ислом олами робитаси журнали” да бир мақола чоп этдим. Сарлавҳаси “Ислом динининг умумий тушунчаси” деб номланган эди. Унга ҳазратимиз Шайх Муҳаммад Умар Тавфиқ ўз фикрларини билдирдилар. У киши ўша пайтларда ҳаж ва вақф вазири эдилар. Сўнгра таклифим билан мана шу мавзуда бирор китоб таълиф қилиш кераклиги ҳақида робитага (Бутун дунё ислом олимларининг исломий ташкилотига) мактуб ёздилар.

Сўнгра, ҳазратимиз Шайх Мустафо Аттор унга ўз фикрларини билдирдилар. Бу ҳақида маориф вазири Шайх Ҳасан ибн Абдуллоҳ Оли Шайхга мактуб жўнатдилар. Хуллас, шу киши ва ҳазратимиз Шайх Абдулваҳҳоб АбдулВосиъ (бу киши ўша пайтда маориф вазирлиги вакили эдилар) мени бу борада кўп маъкулладилар.

Ёз бўйи ишладим. Ундан кейин бир ўқув йили ҳам ўтди. Лекин менда ҳали ҳам дангасалик ва малолланиш бор эди. Китобни ёзиш мақсадида учта катта конверт тўпладим. Уларда китобнинг мукамал бўлимлари, керакли қиссалар ва хотиралар бор эди. Энди буларни таснифлаш, тартибга солиш ва булар устида яна бошқа кўплаб ишларни амалга ошириш керак эди.

Янги ёз ҳам келди. Оманга бордим. Ҳалиги конвертларни йўқолиб қолишидан кўрқиб уларни қўлимга ушлаб олдим. Аниқ эслайман, аэропортдан чиқдим. Кейин қизимнинг уйига бориш учун машинага ўтирдим. Қизим ҳам мен билан бирга эди.

Сафар машаққати, қариндош-уруғлар билан кўришиш, яна бошқа сабаблар туфайли ҳалиги конвертлар икки ҳафтадан кейин эсимга тушди. Уни қидирдим, лекин топа олмадим. Уйдан паришонхотирлик билан ташқарига чиқдим. Ҳар бир машина ҳайдовчисидан ҳам, полиция маҳкамасидан ҳам у ҳақида сўраб, мурожаат қилдим. Лекин фойда бермади. Бир неча кун уйда аламли, паришонхотир бўлиб қолдим. На тузукроқ овқат ер эдим, на бемалол ухлар эдим. Хуллас, бир неча кундан сўнг ўзимни тинчлантирдим. Яхшилаб ўйлаб, Аллоҳдан мадад сўрашга ва яна янгитдан бошлашга қарор қилдим.

Ўзим Оман атрофидаман. Кутубхонам Дамашқда. Қўлёмаларим Маккада. Ҳузуримда фақатгина Қуръон бор. Ўзимга ўзим “Эҳтимол бу яхшиликкадир. Бу китобни фақиҳлар учун ҳам, олимлар учун ҳам таълиф қилмайман-ку, балки ёш болалар учун таълиф қиламан. Уларга ислом нима эканлигини тушунтираман. Ҳар сафар китоблардан нақл келтирсам, янги мулоҳазалар пайдо бўлади. Бу эса улар учун хайрлидир”, дедим.

Ишга киришдим ва ўн кун ичида ақида боби бўлмиш биринчи бобни ниҳоясига етказдим. Кейин бу қўлёзмаларимни ўзим билан бирга Маккага олиб кетдим.

Аллоҳнинг фазли-карами, қолаверса, устоз Усмон Ҳофизнинг кўмаги билан биринчи нашр Мадинада чоп этилди. Сўнгра уни Урдун маориф вазирлиги ҳам ўзининг “муаллим рисоласи” журналида бир неча ададда нашр қилди. Ундан ўн икки минг нусхада чоп этиб, Урдун мамлакатадаги барча муаллим ва муаллималарга тарқатди. Бу ишлар Аллоҳнинг фазли-карами, сўнгра, ўша пайтда вазирликдаги таълим соҳаси мудирлари бўлган собиқ маориф вазири доктор Ишқ Фараҳон жаноблари, ўша пайтдаги вазирлардан бўлган устоз Башир Сибоғ жаноблари, биродарларимиз доктор шайх Иброҳим Зайд Килоний, устоз Салим Рушдонлар кўмагида бўлди.

Кейинчалик Урдун мудофаа вазирлиги ҳам нашр қилди. Бунга ҳозирда Лондонда мамлакат элчиси бўлиб турган Муин Абу Наввор жаноблари ва Сиддиқ Абу Анвар Уқайд (Аҳмад Убайдот) лар бош-қош бўлишди. Ундан Урдун армияси хизматчилари таълим олишди.

Байрутдаги мақолалар муассасаси ҳам аввалига сифатсиз ҳолда нашр қилишди, кейинчалик, яна сифатли қоғозда ҳам чоп этишди. Мен мана шу муқаддимани айнан шу нашрда келтирдим. Бу китобнинг олтинчи марта чоп этилиши эди.

Мен ислом ва эҳсон (исломий ҳаёт йўли) ҳақида гапирмоқчи бўлган иккинчи ва учинчи жузларга келсак, Аллоҳга қасамки, бу борада мен ўқувчиларимдан хижолатдаман. Узрим шуки, қалблар Аллоҳнинг қўлидадир. Иштиёқни пайдо қилувчи ҳам, азм-қарорни вужудга келтирувчи ҳам Аллоҳнинг ўзи. Аллоҳга қасамки, шаштим пасайиб, азму қарор қилишим жуда қийинлашиб кетти. Ёшлигимда доим тетик юрар эдим. Фикрлаш доирам ҳали бир мунча тор, маълумотлар, керакли адабиётлар ҳам оз бўлишига қарамай, китоблар ёзиб, уларни нашр қилишга тинмай ҳаракат қилардим. Ҳозир эса, фикрлаш доирам анча кенг, маълумотлар етарли, нашр қилувчилар кўп бўлса ҳам, иш қилишга ўзимда қувват топа олмайман. Ўқувчилардан бирортасини Аллоҳ илҳомлантириб, ғойибдан менинг ҳаққимга бу икки жузни ҳам ёзишимни осон қилишини сўраб дуо қилса, Аллоҳнинг тавфиқи ва ёрдами ила ёзаман. Худди биринчи жузни ўн кун ичида ёзиб қўйганимдек. Лекин, бу ўн кун қачон келишини Аллоҳнинг ўзи билади.

* * *

Инсоф билан айтишим керакки, бир қанча биродарларимиз, ислом динини қисқа қилиб баён қилиш мақсадида кўпгина китоблар ёзишди. Мисол учун, биродарим ва шайхимнинг ўғиллари устоз Муҳаммад Муборак қисқа баён қилиш услубида “ислом низоми” номли учта китоб ёзди. Бу китоблар университетларда ўқитилди.

Шунингдек, ақидага доир китоблар ёзилмоқда. Ҳар бир китобнинг ўз услуби, ёзилиш йўли бор. Мисол учун, биродарларим устоз Муҳаммад Қосимий, устоз Доктор Саид ибн Мулло Рамазон Бутий, устоз Абдурроҳман ибн Шайх Ҳасан Ҳабанқалар бу борада кўплаб ижод қилишди. Аллоҳ барчаларини ўз хифзу ҳимоясида сақлаб, Ўзининг ёрдами ила уларни қавватлантирсин.

Аллоҳдан умид қиламанки, бу китобимни фойдали қилсин ҳамда уни тақво ва солиҳ амалдан бошқа захира йўқ кунда менга захира қилсин. Мен аввалги нашрнинг муқаддимасида айтиб ўтгандим, қарийб эллик йилдан (1347-ҳижрий йилдан) бери қўлимдан қалам тушмайди. Менинг чоп этган китоб ва мақолаларим 11 минг саҳифадан кўпроқ. Қирқдан ортиқ китобим бор. Улар қаторидан кичик рисоалар ҳам, катта-катта китоблар ҳам жой олган. 1345-ҳижрий йилдан бери йиғинларда қатнашиб келаман. Иккинчи жаҳон урушидан олдин Ёфадаги “Яқин Шарқ” станцияси бунёд этилгандан буён радиода узлуксиз эшиттириш олиб бораман. Ҳозир ҳам ёнимда ўн битта китобим бор. Буларни нашрга тайёрлаш учун бир оз устида ишлаш керак.

Аллоҳ менга қўлингиздаги ана шу китобни ҳамда “Ярим аср хотиралари” номли китобимни ўз ниҳоясига етказишни муяссар қилса, юқоридагиларнинг барчасига

алмаштиришга рози бўлардим. Мен ҳаётим давомида бир қанча кишиларни учратдим. Кўпгина давлатлар, ижтимоий ҳолатларнинг ўзгаришига гувоҳ бўлдим. Шомда Усманийлар ҳукумати ҳам, Шариф Файсал ҳукумати ҳам, французлар ҳукумати ҳам, мустақиллик ва ундан кейинги даврларни ҳам ўз кўзим билан кўрдим. Умрим давомида бир қанча муддат Мисрда, қолаверса, Ироқда, Ливанда, Саудияда яшадим. Машриқ томондан Австралиянинг Сидней шаҳригача, шимол томондан Голландиянинг Фуландом шаҳригача бордим. Аччиқни ҳам, ширинни ҳам кўрдим. Фақирликда ҳам, бойликда ҳам яшадим. Вафодорликни ҳам, алдаб кетишликни ҳам кўрдим. Сурия, Ироқ, Ливан, Саудия давлатларида минг-минглаб ўқувчилар қолдирдим. Улар орасида мамлакат президенти бўлганлари ҳам, Вазирлар Маҳкамаси раиси бўлганлари ҳам, вазир ёки катта қози бўлганлари ҳам, мансабдор ёки элчи бўлганлари ҳам, университетда ўқитувчи бўлганлари ҳам ва бошқа етук шахс бўлганлари ҳам бор. “Ярим аср хотиралари” номли китобимда ўзим гувоҳ бўлган мана шу ҳодисалар ҳақида батафсил ёзганман.

Бутун умрим одамлардан ажралган ҳолда, жамоалардан узоқда ўтди. Лекин мен ҳар нарсани кўрдим, ҳар нарсани эшитдим. Аллақачон одамлар орасида машҳур бўлиб бўлдим. Номим тилларда дoston бўлди.

Аммо мана шуларнинг барчаси ўтди. Умр ҳам ўтади. Худди ёшлик ўтиб кетгани сингари шон-шуҳрат ҳам, мол-дунё ҳам тарк этади. Инсонлар мен қилган ишларни ҳам, бошқалар қилган ишларни ҳам унутишади. Банданинг охирати учун қилган амалларигина ўзи билан бирга қолади. Мана шу нарсагина боқийдир. Қолган барча нарсалар йўқ бўлиб кетади.

Эй роббим! Менинг қилган амалларимни беҳуда кеткизмагин. Уларга Ўз фазлинг ва марҳаматинг ила савоблар бит. Аллоҳим, мен ёзган ва хутба қилган фойдали илмларни умрим тугаши билан улар ҳам тугайдиган қилиб қўйма.

Аллоҳим сендан мағфират сўрайман. Сенгагина тавба қиламан.

Сендан чиройли хотима топишни ҳамда иймон билан вафот этишни сўрайман.

Маккаи Муккарама (Ажёд), 23-жумадул аввал, 1394-ҳижрий сана
Али Тантовий

Китобга кириш олдидан

Бу ўйларимни
китобга кириш олдидан,
ўқувчиларимни янги муҳитга
тайёрлаш учун тақдим қиламан.

Агар сен бир ўзинг сафарда бўлсангу, олдинда икки йўл турганини кўрсанг: бири қийин, тоғга кўтарилиш йўли, иккинчиси, осон, пастликка тушиш йўли. Биринчи йўлда ваҳший ҳайвонлар, сочиб ташланган тошлар, тиканлар, чуқурликлар бор, унда йиқилмасдан юриш жуда қийин, лекин, йўлнинг олд қисмига ҳукумат томонидан шундай битик ёзиб қўйилган: Бу йўлнинг аввалида ваҳший ҳайвонлар бор, унда юриш қийин, аммо, мана шу тўғри йўл. У орзу қилинган катта шаҳарга олиб боради.

Иккинчиси эса, бутунлай бошқача. Дарахтлар билан салқин, унда гуллар, мевалар бор. Икки қирғоғида қаҳвахоналар, кўнгилочар жойлар бор. Қалб лаззатланадиган, кўз қувнайдиган, кулоқ роҳатланадиган нимаики лаззат бўлса, шу йўлда бор. Лекин кириш қисмида шундай битик ёзиб қўйилган: Бу - ғоят хатарли, ҳалокатли йўл. Унинг охирида аниқки, ўлим, ҳалокат бор.

Қани айтчи, бу йўлларнинг қайси биридан юрасан?!

Шак-шубҳа йўқки, нафс қийинчиликдан кўра, осонликка, аламлидан кўра, лаззатли нарсага мойил бўлади. Ўзи эркин бўлишни хуш кўради. Боғлаб қўйилишликни ёмон кўради. Мана шу Аллоҳ яратган фитратдир. Агар инсон нафси-ҳавосини ўз ҳолига ташлаб қўйиб, унга эргашадиган бўлса, иккинчи йўлдан юради. Лекин, ақл кўз ўнгида турган

киска муддатли лаззат ҳамда унинг ортидан келадиган узоқ алам билан олдиндаги вақтинчалик алам ва ундан кейинги боқий лаззатни солиштириб кўради-да, биринчи йўлни афзал деб билади.

Мана шу жаннат йўли билан жаҳаннам йўлининг мисолидир.

Жаҳаннам йўлида барча лаззатли, роҳатбахш нарсалар мавжуд. Нафс-ҳаво унга мойил бўлади, интилади. Унда чиройли ва мафтункор нарсаларга назар солиш бор. Унда шахват ва унинг лаззатларига эргашиш бор. Унда мол-дунёни турли йўллар билан қўлга киритиш бор. Мол-дунё эса маҳбуб, рағбат қилинадиган нарсадир. Унда эркинлик, хуррият бор. Нафс бундай эркинликни, хурликни жуда хуш кўради. Уни бошқариб турилишликни эса ҳеч ёқтирмайди.

Жаннатнинг йўличи, унда машаққатлар, қийинчиликлар бор. Унда бошқарилиб туришлик, чегараланиш бор, унда нафс-ҳавога хилоф келадиган, нафс-ҳаво ундан кўрқадиган нарсалар бор. Шундай бўлишига қарамай, бу йўлдаги вақтинчалик машаққатнинг оқибати охиратдаги доимий лаззатдир. Дўзах йўлидаги кўзга кўриниб турган лаззатнинг меваси эса жаҳаннамда доимий аламланишдир. Бунинг мисоли бир ўқувчига ўхшайди. У имтиҳондан олдин бир неча кун қийналади. Аҳли оиласи мазза қилиб телевизор кўриб турган бир пайтда уларни тарк қилади ҳамда ўзининг китоб ва дафтарлари билан ёлғиз қолади. Бу қийналишлардан кейин эса, имтиҳондан муваффақиятли ўтиш лаззатига эришади. Бемор ҳам бир неча кун иситма олиб, оғриққа сабр қилади. Ўзини лаззатли таомлардан тияди. Бундан кейин эса, саломатлик бахтига эришади.

Аллоҳ таоло ҳам бизнинг олдимизга икки йўлни қўйиб қўйган ва бизга уларни фарқлаш малакасини ҳам берган. Бу малака билан биз яхшилик ва ёмонликни, шу билан бир қаторда олим ва жоҳилни, катта ва кичикни ажрата оламиз. Барча одам яхшилик қилганда ич-ичидан қувонади. Ёмонлик қилиб қўйса оғринади. Бироқ, бу малака хайвонларда ҳам мавжуд: Мушукнинг олдида ўзинг гўшт ташласанг, сенинг олдинда бемалол, хотиржам ейди. Агар гўштни ўғирлаб кетса, узоқроққа олиб бориб, шошиб-пишиб ейди. Унга етиб олиб, гўштни олиб қўйишингдан кўрққанидан кўзи сен томонда бўлади. Ҳатто ана шу мушук ҳам ҳалиги биринчи лўқма ўзининг ҳаққи, иккинчиси эса ўзига душманлигини ҳис қилганлигининг маъноси шу эмасми?! Мана шу сезги ҳақ ва ботилни, ҳалол ва ҳаромни фарқлаш эмасми?!

Ит агар бирор яхшилик қилса, бамисоли мукофот сўрагандек ўзининг хўжайинига суйкалади. Агар бирор гуноҳ иш қилиб қўйса, узоқроққа қочиб, беркиниб туради. Худди узр билдираётгандек ёки калтак ейишдан кўрқётгандек қилиб қўйган гуноҳ ишидан хавотирланиб туради.

Мана шу Аллоҳ таолонинг

وَهَدَيْنَاهُ النَّجْدَيْنِ

“Яна уни (инсонни) икки баландликка (йўлга) йўллаб қўйдик-ку!”¹,

деган оятининг таъвилидир (тафсиридир).

Аллоҳ таоло жаннат йўлига даъватчиларни қўйиб қўйди. Улар жаннатга даъват қилишади, унга кириш учун тўғри йўлни кўрсатишади. Булар пайғамбарлардир. Шунингдек, дўзах йўлига ҳам даъватчиларни қўйиб қўйди. Улар бу йўлга чақириб, унга киришга ундашади. Булар шайтонлардир. Олимларни пайғамбарларнинг меросхўри қилиб қўйди. Фотима бинти Муҳаммаддан мол-мулк мерос қолмади. Олимлар ундан бу даъватни мерос қилиб олишди. Ким бу даъватнинг ҳаққини тўлиқ адо қилса, ана шу мерос шарафига эришибди.

Бу даъват қийин. Чунки, инсоний нафс табиатан хурликка мойил бўлади. Дин эса нафсни боғлаб, бошқариб туради. Нафсни эркин қўйиб бериш ортида лаззат бор. Дин эса

¹ Балад сураси, 10-оят

бундан тўсиб туради. Ким фиқ ва исён ишга даъват қилса, нафсининг табиати унга мувофиқ бўлади. Худди сув пастликка қараб юриб кетаётгандек, нафс ҳам унга эргашиб кетади. Сен тоғнинг тепасидаги сув омборига чиқкин. Лом билан уриб уни тешгин. Сув тепадан оқиб тушади. Ҳаттоки, водийни тўлдиради. Агар сен уни қайтармоқчи бўлсанг ҳам у қайтмайди. Бу ишни фақатгина катта-катта насослар, кўп қийинчиликлар, катта миқдордаги пуллар билангина уйдлаш мумкин. Тоғ чўққисидаги катта тошни олайлик. Уни бир оз туртиб юборсанг кифоя. Ҳеч бир қийинчиликсиз пастга қараб туша бошлайди. Агар уни жойига олиб чиқмоқчи бўлсанг, кўплаб машаққатлар, қийинчиликларга дуч келасан.

Мана шу инсоннинг мисолидир.

Ёмон шерик сенга айтади: “Мана бу очик ҳолда рақсга тушаётган аёлга назар сол!”. Нафсинг унга мойил бўлади. Ҳавоинг сени унга ундайди. Минглаб шайтон сени унга бошлаб боради. Унинг эшиги остига келиб қолганингни сезмай қоласан. Агар воиз келиб сени ундан бурмоқчи бўлса, воизга сенинг ижобат қилишинг, нафсинга, қалбингнинг хоҳишига қарши туришинг жуда қийин кечади.

Ёмонликка даъват қилувчилар ҳеч қачон чарчамайди ва бу ишда бор кучини аямайди. Лекин чарчаш, ўзини аяш яхшиликка даъват қилувчиларда, воизларда бўлади. Ёмонликка чақирувчининг хузурида нафс мойил бўладиган ҳамма нарса бор. Очик авратлар, ҳаром хоҳишлар, кўз, қулоқни хузурлантирадиган, қалбга, жасадга лаззат ато қиладиган нарсалар шулар жумласидандир. Яхшиликка даъват қилувчида эса фақат қайтариқ, маън қилиш бор.

Очик-сочик юрган қизни кўрасан. Унинг гўзаллигига маҳлиё бўласан. У (яхшиликка чақирувчи) бўлса сенга: “кўзингни ундан олиб қоч! Унга қарама!”, дейди. Тижоратчи рибодан осонлик билан, ҳеч қийинчиликсиз пул топишни режалаштиради. Нафс ҳам унга мойил бўлади. У (яхшиликка чақирувчи) бўлса унга: “уни ташла, ундан воз кеч, унга қўлингни чўзма!”, дейди. Мансабдор ўз дўстидан бир дақиқада ўзининг олти ойлик маблағига тенг порани олишни истайди. Шу пора билан бир оз кенглик бўлишини, бирор ҳожатини чиқаришини хаёлидан ўтказди. У (яхшиликка чақирувчи) бўлса унга: “уни олма, ундан фойдаланма!”, дейди.

Уларга айтадики: “Яширин, ҳали энди келадиган лаззатларга эришиш учун бу кўзга кўриниб турган, ҳозир нақд турган лаззатларни тарк қилинг. Кўз билан кўриб турган нарсангизни, ҳозир кўз билан кўрмай турган нарсангиз эвазига ташлаб юборинг. Нафсларингизни майлига, қалбларингизнинг хоҳишига қарши чиқиб, уларга бошчи бўлинг”. Буларнинг барчаси нафсга оғирдир. Диннинг қийинлигини сиз инкор қилманг, чунки, Аллоҳ таолонинг ўзи бу динни шундай деб номлаган:

إِنَّا سَنُلْقِي عَلَيْكَ قَوْلًا ثَقِيلًا ﴿٥٠﴾

“Зеро, Биз Сизга оғир Сўзни (Қуръонни) туширажакмиз”².

Ҳар бир фазилатли иш нафсга қийиндир. Ўқувчининг телевизор кўришни тарк этиб, дарс қилишга юзланиши қийин. Олимнинг кўнгилочар мажлисларни тарк этиб, қироат билан машғул бўлиши қийин. Уйкудаги одам ўзининг тўшагини тарк этиб, бомдод намозига туриши қийин, киши хотин, бола-чақасини тарк этиб, урушга кетиши қийин.

Шу сабабли солиҳ кишилардан кўра ёмон кишилар кўпроқ эканлигини, тўғри йўлда юрадиган зокир кишилардан кўра гумроҳликда юрувчи ғофил кишиларнинг кўпроқ эканлигини кўрасан. Шунинг учун ҳам кўпчиликка эргашиш аксар ҳолатларда залолатга олиб боради.

² Муззаммил сураси, 5-оят.

وَأَنْ تَطْعَمَ أَكْثَرَ مَنْ فِي الْأَرْضِ يُضِلُّوكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ إِنَّ يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنْ هُمْ إِلَّا

مَخْرُصُونَ ﴿١١٦﴾

“Ер (юзи)даги кўп кишилар (сўзи)га итоат қиладиган бўлсангиз, Сизни Аллоҳ йўлидан янглиштирадилар. (Улар) фақат гумонга бериладилар ва фақат ёлгончилик қиладилар”³.

Агар камёблик ва нодирлик олийжаноблик сифатидан бўлмаганида эди, олмос нодир, кўмир эса мўл-кўл бўлмас эди. Одамлар орасида ҳам жасур, баҳодир, довюраклари кам эканлиги шу сабабдандир.

Пайғамбарлар ва уларнинг меросхўрлари бўлмиш солиҳ уламолар жаннат йўлига даъват қилувчилардир. Шайтонлар ва уларнинг ёрдамчилари бўлмиш муфсид одамлар дўзах йўлига даъват қилувчилардир. Бизнинг ички аъзоларимизда икки тоифа гуруҳ бор. Бири пайғамбарлар билан бирга бўлган ёрдамчилар, иккинчиси шайтонлар билан бирга бўлган, ёмонликка ундовчи нафс ичидаги кўшинлардир.

Сиз “ақл ва нафс нима?”, деб сўрашингиз мумкин. Мен бу иккисини тўлиқ ҳад чегараларигача очиб, баён қилиб бераман, деб даъво қилмоқчи эмасман. Чунки, бу ишлар бизнинг билимсизлигимиз туфайли мавхумлигича қолади. Илм унинг охириги чегараларигача етишдан ожиздир. Ҳар биримиз ўзимизча “нафсимга айтдим”, “ақлим менга шундай деди” каби ибораларни ишлатамиз. Лекин, аслида нафс нима? Ақлчи? Бу саволлар бизга бундан кейин ҳам номаълумлигича қолади⁴. Мен бу ерда ана шу мажхуллик ҳақида гапирмоқчи эмасман, балки, маълум бир мисол билан тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Қиш кечаларидан бирида, иссиқ тўшак устида мазза қилиб ухлаб ётибсан. Бирдан муаззиннинг намозга чақираётган овозини эшитиб қоласан. Ичингдан сенга гапираётган бир овозни эшитасан: “Намозга тур!”. Агар турмоқчи бўлсанг, яна бошқа овозни эшитасан: “озгина ухлай қол!”. Биринчи овоз яна айтади: “Намоз уйқудан афзал”. Иккинчиси эса: “уйқу лаззатли. Ҳали вақт бор. Озгина кечиктиравер”, дейди. Ҳар икки овоз шу гапларни қайтараверади: “ухла!, тур!, ухла!, тур!”⁵. Мана шу ақл ва нафсдир. Бу

³ Анъом сураси, 116-оят.

⁴ Агар мен “мен” деб айтсам, менинг жасадим тўлиқ “мен” эмас, балки, “мен” дан бир бўлакдир. Чунки, бир киши қўл ва оёқлари кесилса ҳам, унинг “мен” идан шу “мен” га нисбатан ҳеч нарса камаймайди. Менинг нафсим, яъни, майлларим, сезгиларим, лаззатланишим, аламланишим ҳам тўлиқ “мен” эмас, балки, “мен” дан бир бўлакдир. Чунки, инсоннинг сезги ва майллари ўзгариб туради. Мен ҳозир етмиш ёшда бўлсам, ҳозирда менга лаззат бахш этиб турган нарса, менинг ёшлигимда аламлантирган бўлиши мумкин. Ёшлигимда лаззат берган нарса эса, ҳозирда менга алам бериши мумкин. Бу кўриниб турган ҳақиқат. Жасад ҳам бир неча йил олдинги ҳолатидан тамомила ўзгаради. Нафснинг ҳам орзу-умидлари, дард-аламлари ўзгариб туради. Ундай бўлса, ичимда ўзгармай турадиган нарса нима? У ҳақиқатда “мен” ми?

У руҳдир. Руҳнинг ўзи нима?

Аллоҳ таоло бизга жисм аъзоларининг кўпгина вазифаларини, сир-асрорларини, касалликларини ва муолажаларини билдирди. Нафснинг кўпгина ҳолатларини ҳам, касалликларини ҳам ўргатди. Бизга айтдики: “нафс уч турли бўлади: ёмонликка ундовчи нафс, маломатчи нафс ва хотиржам нафс. Нафс ўлимни тогтувчидир”. Аммо бизга руҳнинг ҳолати ҳақида ҳеч нарса билдирмади. Чунки у Роббимнинг ўз ишларидандир.

Руҳ замон ва маконга боғлиқ эмас. Бир одам ёнингда тўрт соат ухлайди. Тушида Америкага ёки Ҳиндистонга сафар қилганини, йигирма ёки ўттиз йил яшаганини, қаттиқ хурсанд бўлганлигини ёки улкан дард-алам чекканлигини кўради. Қандай қилиб йигирма дақиқада йигирма ёшга кириш мумкин? Бир макондан иккинчи маконга қандай ўтиш мумкин? Мана шу қабр азоби ва роҳатининг мисолидир.

Руҳга касаллик ҳам, соғлиқ ҳам таъсир қилмайди. Руҳ бу жасадга ва нафсга боғланишдан олдин ҳам мавжуд эди. Бу жасаддан кейин, нафс йўқолиб кетса ҳам руҳ боқий қолади. Мен у ҳолда руҳ эканманда. Бу маънолар менга китобни бешинчи нашрга тайёрлаб турганимда аён бўлди.

⁵ Кудуқ устидан сакрамоқчи бўлган одам ҳам ана шунга ўхшаш овозни хис қилади. Ўтиб кетишни умид қилади, лекин тушиб кетишдан кўрқади. Ичида иккита овоз тинмай шундай деяётганини эшитади: “сакра!,

мисол минг маротабалаб, минглаб суратда келтирилади. Инсон доимо мана шундай ҳолатда бўлади. Олдида ҳаром лаззат бўлиб, нафси унга даъват қилади. Агар қалбида иймон бўладиган бўлса, ақл бундан қайтаради. Қалбдаги иймоннинг миқдори ақлнинг бу нарсадан қайтаришга кўрсатган ёрдами миқдорига қараб белгиланади.

Бундан, ақл ҳар доим ҳам ёрдам беради, деган маъно чиқмайди. Мусулмон одам маъсиятга (гуноҳга) умуман яқинлашмаслиги мумкин эмас. Ислому фитрати - соф табиат динидир. Воқеълик динидир. Воқеълик шуки, Аллоҳ таоло бир халқни фақатгина ихлос билан тоат қилиш, ибодат билан машғул бўлиш учун яратди. Улар фаришталардир. Аллоҳ бизни фаришталар қилгани йўқ. Аллоҳ таоло бир халқни фақат маъсиятга, куфр амал қилиш учун яратди. Улар шайтонлардир. Аллоҳ бизни шайтонлар қилгани ҳам йўқ. Аллоҳ таоло яна бир халқни яратди. Уларга ақл бермади. Лекин сезги аъзоларини берди. Уларга ҳеч нарсани таклиф ҳам қилмади, улар ҳеч нарсадан сўралмайдилар ҳам. Улар чорва ва ваҳший ҳайвонлардир. Аллоҳ бизни чорва ҳайвонлари ҳам, ваҳший ҳайвонлар ҳам қилгани йўқ.

У ҳолда биз киммиз? Инсон ким ўзи?

Инсон булардан бошқача махлуқдир. Унда фаришталардан ҳам, шайтонлардан ҳам, чорва ва ваҳший ҳайвонлардан ҳам озгина-озгинадан бор. Агар инсон ибодатга берилса, қалбини Аллоҳга муножот этишда мусаффо қилса ва иймон ҳаловатини татиб кўрса, бу ҳолатда унда фаришталик сифати ғолиб бўлади. Шунда у Аллоҳга осий бўлмайдиган, унинг айтган ишини сўзсиз бажарадиган фаришталарга ўхшаб қолади.

Агар ўзининг яратган холиқига қарши чиқса, роббисини инкор қилса, унга куфр келтирса ёки унга ибодатда бошқани шерик қилса, бу ҳолатда унда шайтонлик сифати ғолиб бўлади.

Агар ғазабдан ёнса, асаблари кўзиса, қони қайнаб кетса, мушаклари таранглашса, қани энди, имкон бўлса-ю, душманини тишлари билан тишлаб оладиган бўлса, тирноқлари билан уни тилка-пора қилишни истаса, қўллари билан томоғидан бўғиб, ўлдирмоқчи бўлса, бу ҳолатда унда ваҳший ҳайвонлик сифати ғолиб бўлади. Шундай пайтда у билан қоплон ёки шер ўртасида катта фарқ қолмайди.

Агар очлик ва ташналиқдан тинкаси қуриса, фақат қорнини тўйдириш ғамида бўлса, шаҳвати кўзиб, жинсий рағбат иштиёқида ёнса, томирлари бўртиб, қонлари жўшиб кетса, зехни шундай хаёлотлар билан тўлиб-тошса, бундай ҳолатда унда чорва ҳайвонлари сифати ғолиб бўлади. Шунда от ёки шу каби чорва ҳайвонига ўхшаб қолади.

Инсоннинг ҳақиқати мана шу. Унда яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам тайёр туриш бор. Аллоҳ унга икки ишни берган ва шу ишларни бир-биридан ажратувчи ақл ҳамда булардан бирини амалга оширувчи ирода неъматларини ҳам ато қилган. Агар оқ билан қорани ажратишда ақлини яхшилаб ишлатса, яхшиликни амалга оширишда иродасини кўлга олиб, шу ишга эришса, охиратда бахтлилар қаторида бўлади. Агар бошқача бўладиган бўлса, азобланувчилардан бўлади.

Нафс табиатан ҳурликни хошлаши очиқ ҳақиқатдир. Дин эса уни боғлаб, ушлаб туради. Аслида ана шу боғич бўлиши ҳам керакда. Агар биз нафсни ўз ҳолига ташлаб кўйсак у фаҳш ишларни амалга ошириш билан бир қаторда янада ҳур бўлишни истайди. Бу нафслар бирлашиб охири катта жиннихонага айланади. Чунки, мутлоқ ҳуррият жинниларга тегишлидир. Мажнун хаёлига келган ҳар қандай ишни қилаверади. Кўчаларда яланғоч ҳам юраверади, транспорт воситаси ҳайдовчисининг елкасига ҳам чиқиб олаверади, кийиминг ёқиб қолса, ечиб олиш учун уни тортишдан ҳам қайтмайди, қизингни ёқтириб қолса, ислому шарияти билан эмас, ўзича қандайдир муҳаббатни ўртага қўйиб сендан унинг қўлини сўраши ҳам мумкин.

Мажнун мутлоқ ҳур кишидир. Оқил эса, ақли унинг ҳурриятини бошқариб турадиган кишидир. Ақл ўзи нима? У боғлаб, тутиб турувчидир. Ақл сўзи “ал-иқол” сўзидан олинган, яъни, туяни боғлаб қўядиган арқонга нисбатан ишлатилади. Ҳикмат сўзи

қайт!, сакра!, қайт!”, Агар “сакра!”, деганда иккиланмасдан сакраса муваффақиятга эришади. Агар иккиланиб, “қайт!”, деган гап билан сакрайдиган бўлса йиқилиб тушади. Бу тажрибадан ўтган.

хам “хакамату ал-даабба” сўзига яқиндир. У ҳам ҳайвонни боғлаб қўядиган нарсага нисбатан ишлатилади. Маданият ҳам боғич. У ҳам сенинг хоҳлаган ишингни қилишинга йўл қўймайди, балки, инсон ҳуқуқлари, бир мажлисдаги шериклар риоясини қилиш мажбуриятини юклайди. Адолат ҳам боғич. Чунки, у қўшнингни хурлиги бошланган жойда, сенинг хурлигинг ниҳоясига етишини белгилаб беради.

Аввалги гапга қайтадиган бўлсак, маъсиятлар лаззатли, чунки улар нафсининг табиатига мувофиқ келади. Сен ғийбатни эшитиш ва унга шерик бўлиш лаззатини ҳис қиласан. Чунки ғийбат сенга ғийбат қилинаётган кишидан яхши, афзал эканлигини ҳис қилдиради. Ўғрилиқ лаззатли. Чунки унда мол-дунёни ҳеч қийинчиликсиз қўлга киритиш бор. Зино ҳам лаззатли. Чунки унда нафсга ўзи хоҳлаган нарсасини ато қилиш ва иштаҳаси тотган нарсага етишиш бор. Имтиҳонда шпаргалка (тайёр жавоблар ёзилган қоғоз) ишлатиш ҳам лаззатли, чунки, бу билан ҳеч бир ҳаракатсиз муваффақиятга эришилади. Мажбуриятдан қочиш ҳам лаззатли, чунки, бунда роҳат ва дангасалик бор.

Шунга қарамай, инсон фикр қилиб, ақлини ишлатса, мана шу вақтинчалик хуррият билан жаҳаннамдаги узоқ қамоқ жазоси тенг бўлмаслигини, бу ҳаром лаззат ортидан келадиган азобга тенг келмаслигини билади.

Бир киши билан биз бир йил муддатга шартлашсак (адолатли котиб олдида иттифоқ тузсак), шу муддат давомида биз унга ўзи хоҳлаганча мол-дунё ато этсак, истаган шаҳарида кўнгли тусагандек қасрлар қуриб берсак, аёллардан кўнгли тортганига, истаса, иккита, учта ёки тўрттасига уйланса, кунда кечқурун бирини талоқ қилиб, эртасига яна янгисига уйланиб олса, ўзи хоҳлаган нарсаларнинг бирортасига тўсқинлик қилмасак, лекин, унга мана шу бир йил тугагандан сўнг, дорга осиб ўлдирамиз, деб айтасан, у шунга рози бўладими?!

Ахир “бир йилдан сўнг ортидан ўлим келадиган бунақанги лаззатга туф-е, йўқолсин!”, - деб айтмайдими?! Шу пайтда дорга осилиб турган ҳолати ҳамда қўлида мана бу лаззатлардан ҳеч нарса қолмагани кўз ўнгида гавдаланмайдими?!

Дорга осиб ўлдиришлик азоби бир неча дақиқагина давом этар, лекин охираат азобичи, абадий, узоқ давом этгувчидир.

Умри давомида бирор марта ҳам маъсият (гуноҳ) қилмаган ва шу маъсиятининг лаззатини топмаган бирор киши йўқ. Ҳеч бўлмаганда бир марта ўзининг иссиқ тўшагини бомдод намозига туришдан афзал кўрган. Ҳозир қўлимизда ўн йил аввал ҳис қилган лаззатларимиздан бирор нарса қолдими?! Умри давомида бирор марта ҳам тоат-ибодатни адо қилишни нафси ёмон кўрмаган, шу тоат давомида алам чекмаган бирор киши йўқ. Лоақал, рамазондаги очлик ва ташналикни ҳис қилган. Ўн йил олдин ўтиб кетган рамазондаги очлик аламидан ҳозир нафсимизда бирор нарса қолганми?! Ҳеч нарса қолмаган.

Маъсиятлар лаззати кетди, энди унинг жазоси қолди. Тоатлар машаққати кетди, энди унинг савоби қолди.

Ўлим соатини эсла. Ўша соатда бизнинг қўлимизда нима қолади. Ўзимиз татиб кўрган лаззатларми? Ёки чеккан аламларимизми?!

Ҳар бир мўъмин инсон Аллоҳга қайтиб, тавба қилишни хоҳлайди. Лекин бу ишни кечиктиради. Мен ўзимга айтардим: “Агар ҳаж қилсам кейин тавба қиламан”, деб. Ҳаж ҳам қилдим, лекин тавба қилмадим. Кейин яна айтардим: “Қирқ ёшга тўлсам, тавба қиламан”, деб. Қирқ ёшга ҳам тўлдим, тавба қилмадим. Олтмиш ёшдан ўтдим, ҳануз тавба қилганим йўқ. Қариб, соч-соқолимга оқ тушди. Тавбадан ҳамон дарак йўқ. Бу гапим билан мен ҳаром ва фаҳш ишлар қилиб юрибман, демоқчи эмасман. Йўқ, Аллоҳга шукрки, бундай эмас. Гапимнинг мазмуни шуки, инсон нафсини ислоҳ қилишни чин дилдан истайди, лекин кечга сураверади. Ҳали фурсат кўп, деб гумон қилади. Умр узун, деб ҳисоблайди. Ўлим тўсатдан келиб қолганини билмай қолади. Мен ўз кўзим билан ҳаётим давомида икки маротаба ўлимни кўрганман. Ўлик одамнинг ичидан кечадиган хаёлларни ҳам сезганман. Тоатсиз бекор ўтказган ҳар бир дақиқам учун надомат қилганман ўшанда. Аллоҳга қасамки, шулар бошимдан ўтган. Ўлимдан нажот топганимдан кейин бу

хиссиётлар мени бир неча ой тарк этмади. Шу муддат давомида солиҳ кишига айланиб қолдим. Кейин яна ҳаётга янги келгандек ҳамма нарсани унутдим. Ўлим ҳам эсдан чикди.

Ҳаммамиз ўлимни унутамиз. Ҳар куни ёнимиздан ўтаётган ўликни кўрамыз. Ўзимиз ҳам бир кун ўламыз деб ҳеч тасаввур қилмаймыз. Жаноза намозларида қатнашамиз, аммо дунё ҳақида фикр қиламыз. Ҳар биримиз ўзича ўлим ўзидан бошқа ҳар бир кишига етади, деб гумон қилади. Инсон биладики, дунё бир кун бундан юз ўгириб кетади. Шундай бўлса ҳам, ўзи дунё томон интилаверади.

Инсон ҳар қанча яшамасин, барибир ўлади. Олтмиш йил яшасин, етмиш йил яшасин, юз йил яшасин, барибир бир кун ўлмайдами?! Юз йил яшаб, кейин барибир ўлган бирор кишини кўрмаганмисиз?! Нух (а.с) тўққиз юз эллик йил ўз қавмини даъват қилди. Ҳозир Нух (а.с) қаерда?! Унинг дунёси боқий қолдимиз?! Ўлимдан саломат қолдимиз?! Ўлим ҳар биримизнинг бошимизда бор экан, нима учун у ҳақида тафаккур қилмаймыз, унга тайёргарлик кўрмаймиз?!

Бир кишини вақти белгиланмаган сафар кутиб турган бўлса, чақирилганда, лаббай, деб жавоб бериш учун унга тайёргарлик кўриб, шай бўлиб турмайдами?! Мен ўткан йили ёзда, Омандалик пайтимда, Урдун ўқитувчиларини кўргандим. Улар Саудия Арабистони мамлакатига ишлаш учун жалб этилган эдилар. Уларга тайёргарлик кўриб туришлари, бир куни самолёт келиб уларни олиб кетиши ҳақида хабар берилди. Улар сафар тадоригини кўра бошлашди. Матоҳларини йиғиштиришди. Аҳли оилалари билан хайрлашишди. Кийимларини ўзлари билан олиб олишди. Энди, қачон чақирилса, лаббай деб жавоб беришади. Кийимларини кийишади-ю, аэропортга жўнашади. Агар бирор киши сусткашлик қилиб, кечикса, чақирилганда: “менга озгина муҳлат беринглар, бозорга тушиб, керакли нарсаларимни сотиб олай, қишлоғимга бориб, аҳли оилам билан хайрлашиб олай, ҳукуматдан четга чиқиш учун рухсатнома (виза) олиб олай”, деса улар унга муҳлат беришадими?! Муҳлат беришмайди, балки, уни ташлаб ўзлари кетиб юборишади. Аммо ўлим фариштаси келганда, уни ташлаб ўзи кетиб юбормайди, балки, мажбурлаб, бош тортса ҳам ушлаб, уни ҳам олиб кетади. Бир соатга ҳам, бир дақиқага ҳам, бир сонияга ҳам муҳлат бермайди. Унга муҳлат беришга унинг ҳаққи ҳам йўқ. Бирортамиз қачон ўлим фариштаси келиб, уни олиб кетишини билмайди.

Ўлим ўзи нима? Унинг ҳақиқати қандай? Инсоннинг ҳаётида бир неча босқичлар бор: онасининг қорнида ҳомила бўлган босқич, бу дунёда яшаб турган босқич, ўлган кунидан то қиёмат кунигача давом этадиган, дунё ва охираат ўртасидаги барзах (икки нарсанинг ўртасини ажратиб турувчи нарса) ҳаётидаги босқич ҳамда доимий, ҳақиқий ҳаёт бўлмиш охираат босқичи. Ҳар бир босқичнинг ўзидан олдинги босқичга нисбати, ўзидан кейинги босқичнинг шу босқичга нисбатига тенг.

Бу дунё кенглигининг она қорни торлигига нисбати, барзах кенлиги (дунё ва охираат орасидаги кенлик)нинг бу дунёга нисбатига тенг. Охираат кенглигининг барзах ҳаётига нисбати ҳам шу қадардир.

Она қорнидаги чақалоқ ўзи жойлашган мана шу қоринни ўзининг дунёси деб ҳисоблайди. Агар у ақлли, фикрлайдиган ҳамда бирор киши савол сўраганда жавоб беришга лаёқатли бўлганда эди, у “мана шу қориндан чиқиш, аниқ ўлимдир”, деб айтган бўлар эди. Агар қоринда эгизак бўлса, бири иккинчисидан аввал туғилса, кейин туғиладиган чақалоқ аввал ўзи билан бирга бўлган шеригидан ажраб қолганлигини кўриб “у ўлди”, деб ўйлар эди. Боласига гард юқишидан кўрқадиган она ўз боласи ўлиб, тупроқ остида ётганини кўрганда қандай йиғласа, у ҳам ўзидан олдин туғилган шеригидан ажраб қолганлиги туфайли шундай кўз ёш тўкар эди. Бу жасад ҳам ана шу эгизак кабидир. Жасад бамисоли кўйлаққа ўхшайдики, вақти ўтиб эскирса, кераксиз буюмдек ташлаб юборилади.

Айни мана шу нарса ўлимдир. У янгитдан туғилиш, дунё босқичидан узунроқ ва кенроқ бўлган бошқа босқичга чиқишдир. Бу дунё фақатгина бир йўлдир. Ундаги ҳаётимиз Америкага сафар қилаётган муҳожир ҳаётига ўхшайди. У кемадаги хонани яхшисини ихтиёр этади. Унда бемалол, роҳатланиб кетишни режалаштиради, лекин бор

пулини мана шу хонанинг ётоғини янгилаш, деворларига нақш солиш учун сарфлаб, Америкага бир тийинсиз, қуруқ қўл билан етиб боришни хоҳлайдими ёки “бу хонада бир хафта тураман. Имкони борича, вазиятга чидаб яшаб турай, пулимни Америкада уй олиш учун сақлаб турсам, у ерда бир умр яшайман”, деб фикр юритадими?!

Дунё ва охиратни бир мисол билан тушунтириб берайми? Америка “бир куни тинч океанидаги кичик бир оролчада ўтказган тажрибаси” ҳақида эълон беради. Бу ўн беш йил (ёки шунча атрофида) олдин содир бўлган. Оролда бир неча юзлаб балиқ овловчи кишилар яшар эди. Америка улардан ўз уйларини бўшатиб қўйишни талаб қилди. Эвазига ўзлари хоҳлаган шаҳардан катта-катта уйлар беришни ваъда қилди. Шу билан бирга уларга уйларини бўшатиш, нарсаларини йиғиштириб олиш учун муҳлат таъйин қилди. Фалон муддатгача тайёргарлик кўриб олинг, кейин самолётлар келиб сизларни оролдан олиб кетади, деб эълон қилди.

Оролдаги баъзи тоифа одамлар муҳлат келгунча, нарсаларини йиғиштириб тайёргарлик кўрди. Баъзилар сусткашлик қилиб, белгиланган муддат келгунча ишни кечиктирди. Баъзи тоифалар: “Буларнинг барчаси ёлғон. Америка деган жойнинг ўзи йўқ. Дунё деб фақат мана шу оролчани айтади. Биз бу ерни тарк қилмаймиз. Ундан ажралишликка рози бўлмаймиз”, деб айтди. Орол бир куни сув остида қолиб кетган бир жисмга айланиб қолишини унутишди.

Дунёнинг мисоли шу. Биринчи тоифа охирати ҳақида тафаккур қиладиган мўъминнинг мисоли. У доимо Робби билан учрашувга тайёргарлик кўриб, тавба ва тоат билан умр кўради.

Иккинчи тоифа камчилиги бор, гуноҳкор мўъминнинг мисоли. Учунчиси эса, динсиз, кофир одамнинг мисолига ўхшайди. У “Дунё деб фақат мана шу дунёга айтилади. Ундан кейин ҳаёт йўқ. Ўлим узоқ уйқу, доимий роҳат ва умрбод йўқ бўлиб кетишдир”, деб айтади.

Ислом мусулмон кишидан зоҳид бўлишликни, бу дунёга қўл силташликни, фақат масжидларда яшаб, ундан чиқмасликни ёки бутун ҳаётини бир ғорда ўтказишни талаб қилмайди. Йўқ, ундай эмас. Балки, ислом мусулмонлардан энг етук маданиятда бўлишларини, мол-дунёда бойларнинг энг бойи бўлишларини, илмда (ҳар қандай илмда) олимларнинг энг олими бўлишларини талаб қилади. Ҳар бир мусулмон ўз жасадининг овқатланиш ва риёзат чекиш ҳақлари борлигини, ўз нафсининг ҳалол йўл билан кўнгилхуши қилиш, ҳузурланиш ҳақлари борлигини, ўз аҳли оиласининг риоясини қилиш, чиройли муомалада бўлиш ҳақлари борлигини, боласига тарбия бериш, хайрихоҳлик кўрсатиш ҳақлари борлигини, ҳамсуҳбатларига маслаҳат бериш ҳақлари борлигини билсин. Шунингдек, Аллоҳнинг тавҳид ва тоат ҳақларини ҳам билсин.

Мол-дунё тўпласин, лекин ҳалолдан бўлсин. Пок ва мубоҳ нарсалардан ҳузурлансин. Дунёдаги энг яхши мақом ва юксак обрў-эътиборда бўлсин. Шу билан бир қаторда тўғри тавҳид ақидасида собит турсин. Иймонига ширкнинг зоҳирийсини ҳам, махфийсини ҳам аралаштирмасин. Ислом динида, тўғри йўлда юрсин. Ҳаром ишлардан юз ўгирсин. Фарз амалларни адо қилсин. Мол-дунё қўлида бўлсин, қалбида эмас. Мол-дунёсига суяниб қолмасин, балки, Роббисига суянсин. Аллоҳнинг розилиги унинг бош мақсади бўлсин.



ИСЛОМ ДИНИ

Ислом нима?

Бир куни ўқувчиларимдан: “агар сизларнинг ҳузурингизга бегона киши келиб, бир соат вақти борлигини ва шу вақт мобайнида исломни ўрганмоқчи эканлигини айтса, бир соат ичида унга қандай қилиб исломни тушунтирасизлар? ”, деб сўрадим. Улар “бу маҳол ишдир. У тавҳидни, тажвидни, тафсири, ҳадисни, фикҳни ва усул илмларини ўрганиши керак. Турли мушкулот ва масалаларга киришиб ўрганиш учун камида беш йил керак бўлади”, деб жавоб беришди. Мен “Субҳаналлоҳ, бир саҳройи Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, бир кун ёки ундан ҳам камроқ муддат турар, исломни ўрганиб, қавмининг ҳузурига бу динни таълим берувчи устоз, унга тарғиб қиладиган даъватчи бўлиб қайтмасмиди?! Росул динининг ҳаммаси (Жаброил савол сўраган ҳадисда) иймон, ислом ва эҳсон ҳақида гап кетган учта жумла билан шарҳланмаганми?! Нима учун биз бугунги кунга келиб уни бир соатда шарҳ қилиб бера олмаймиз?...”

Ислом нима? Унга қандай қилиб кирилади?

Ҳар бир саҳиҳ ва ботил диний фирқанинг, ҳар бир фойдали ва зарарли жамиятнинг, ҳар бир яхши ва ёмон гуруҳларнинг манбаси, фикрий асоси, ақидавий масалалари бўлади. Шу орқали уларнинг мақсадлари, йўналишлари белгиланади. Шу фирқа, гуруҳ ёки жамият аъзолари ва унга эргашувчилар учун бу манба ва асослар дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Кимда-ким мана шу гуруҳлардан бирига аъзо бўлишни ирода этса авваламбор мана шу манбаларга назар солади. Агар буларга рози бўлиб, тўғрилига ишонса, ўз тафаккури ва ботиний ақли билан уни қабул қилса, унда ҳеч қандай шак шубҳа қолмаса мана шу жамиятга аъзо бўлади. Шу жамият аъзоларининг йўлини ўзига низом қилиб олади. Жамият дастурига киритилган вазифаларни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Унинг низоми белгилаб берган расмий йиғинларда қатнашади. Шундан сўнг у мана шу жамият манбаларига ихлос қилиб, кўрсатилган йўлдан юради. Бу манбаларни доимо эсда сақлайди. Бу манбаларга зид келадиган ишларни қилмайди. Ўз ахлоқи билан шу йўлнинг намунали аъзоси, унга чиройли йўл билан даъват қилувчи бўлади.

Жамиятдаги аъзолик булар: низомини билиш, манбаларига суяниш, ҳукмларига бўйсунуш ва шунга мувофиқ ҳаёт кечиришдан иборат. Мана шу исломга ҳам татбиқ қилинадиган умумий ҳолатдир. Ким ислом динига киришни истаса, аввало, унинг ақлий асосини қабул қилади. Уни жазм ила тасдиқ қилади. Унга эътиқод қилади. Бу асос ила шунга ишонадики, бу моддий олам нарсаларнинг барчаси эмас ва бу дунё ҳаёти ҳаётнинг барчаси дегани эмас. Инсон туғилишидан олдин ҳам мавжуд эди, ўлгандан кейин ҳам мавжудлигича қолади. У ўзини ўзи яратгани йўқ, балки ўзини танишидан олдин ҳам мавжуд эди. Уни атрофини ўраб турган мана бу жонсиз нарсалар ҳам яратгани йўқ. Чунки инсон ақлли жонзот, бу жонсиз нарсаларда эса ақл йўқ. Инсонни ҳам, мана бу оламларни ҳам барча-барчасини йўқдан бор қилиб яратган зот ягона илоҳдир. Унинг ўзигина тирилтиради ва ўлдиради. У ҳар бир нарсани Ўзи яратган, истаса яна йўқ қилиб юборади. Бу илоҳ оламлардаги бирор нарсага ўхшамайди. Аввали йўқ Қадим ва охири йўқ Боқий зотдир. Қудратининг чеки йўқ Қодир зот. Илмидан ҳеч нарса махфий қолмайдиган Олим зот. У Одил зот, лекин унинг мутлоқ адолати башарият адолати ўлчови билан қиёсланмайди. У борлиқнинг тартиб-низомларини яратган зотдир. Биз уларни табиат қонунлари дейишга ўрганиб қолганмиз. Ундаги ҳар бир нарсани аниқ ўлчов билан барпо қилган. Азалдан коинотнинг бўлақларини, навларини, унда пайдо бўладиган тирик ва жонсиз нарсаларни, уларнинг ҳаракати ва тинч ҳолатини, барқарорлиги ва ўзгариб туришини, бажарадиган ва бажармайдиган ишини белгилаб қўйган. Инсонга ақл неъматини берган. Бу неъмат билан у кўпгина ишларда ҳукм қилади. Уни тасарруф этиш учун ўзига бўйсундиради.

Аллоҳ таоло инсонга ақл ва ирода ато этди. Ақл билан у истаган нарсасини танлайди, ирода билан эса танлаган нарсасини амалга оширади. Бу вақтинчалик ҳаёт кетидан охиратда доимий ҳаёт келадиган қилиб қўйди. Яхшилик қилувчини охиратда жаннат билан мукофотлайди. Ёмонлик қилувчини эса жаҳаннамда азоблайди.

Мана шу илоҳ ягона зотдир. Унинг ибодат қилинадиган ҳеч қандай шериги йўқ. Унга яқинлаштирадиган ва ҳузурида унинг изнисиз шафоат қиладиган ҳеч қандай воситачи йўқ. Ҳар қандай ибодат фақатгина Унгадир.

Унинг бизга кўринадиган, сезги аъзолари ила ҳис қилинадиган моддий махлуқлари ҳам, кўз билан кўриб бўлмайдиган махлуқлари ҳам бор. Уларнинг баъзилари жонсиз нарсалар, баъзилари эса ибодат қилиш буюрилган жонзотлардир. Жонлилари ичида фақатгина ибодат ва холис яхшилик қилувчилари бор. Улар фаришталардир. Фақатгина ёмонлик учун хосланганлари ҳам бор. Улар шайтонлардир⁶. Ҳам яхшилик ҳам ёмонлик қилувчи аралаш махлуқлари ҳам бор. Булар инсонлар ва жинлардир. У башарият ичидан баъзи инсонларни танлаб олди ва инсонларга илоҳий шариятни етказсин деб уларга фариштани туширди. Булар пайғамбарлардир.

Бу шариятлар бир неча самовий китоблар, саҳифаларни ўз ичига олади. Кейин келгани аввалгисини бекор қилади ёки тўғрилайди. Бу китобларнинг охиргиси Қуръондир. Ундан олдинги китоб ва саҳифалар ўзгариб кетган ёки бекор бўлиб, унутилиб кетган. Қуръон эса ўзгартириш ва бекор бўлишдан саломат қолган. Пайғамбарларнинг энг охиргиси эса асли араб бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Қурайшийдир. У билан рисолат тамом бўлган. Унинг дини билин динлар камолига етган. Ундан кейин ҳеч қандай пайғамбар йўқ.

Қуръон ислом динининг дастуридир. Ким уни Аллоҳнинг ҳузуридан эканлигини тасдиқласа, унга тўлалигича иймон келтирса мўъмин деб номланади. Асл иймонни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Чунки, инсонларнинг қалбини ёриб, ичидаги нарсани билиб бўлмайди. Шунинг учун мусулмонлар икки шаҳодат калималарини тили билан айтиб, исломини оғзаки эълон қилган кишини мусулмон деб ҳисоблайверишади.

Шаҳодат калималари: “Ашҳаду аллаа илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна муҳаммадан росулуллоҳ”

Бу калималарни нутқ қилиш билан мусулмон бўлади, яъни, диндош ҳисобланади. Мусулмонлар фойдалана оладиган барча ҳуқуқлардан фойдаланиш имконига эга бўлади. Шу билан бирга ислом буюрган барча амалларни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Бу амаллар (яъни ибодатлар) жуда ҳам оз, енгил ва осондир. Унда ҳеч бир қийинчилик ва машаққат йўқ.

Биринчиси: эрта тонгда Роббисига муножот қилиб икки ракъат намоз ўқийди. Ундан яхшиликни сўраб, азобидан паноҳ тилайди. Ундан олдин таҳорат қилади, яъни, бадан аъзоларини ювади. Агар жанобат бўладиган бўлса бутун жасадини ювади.

Кун ўртасига келиб тўрт ракъат намоз ўқийди. Кейин яна тўрт ракъат. Куёш ботгандан кейин уч ракъат, кечанинг аввалида тўрт ракъат намоз ўқийди.⁷

Мана шулар фарз намозларидир. Буларни адо этиш учун бир кунда бор йўғи ярим соат вақт кетади. Уларни адо этиш учун маълум бир макон, муайян шахс (яъни диний киши) шарт қилинмайди. Ёлғиз ўзи ҳам адо қилиши мумкин. Бу намозларда (умуман ибодатларнинг барчасида) мусулмон ва унинг Роббиси ўртасида бирор-бир воситачи бўлмайди.

Иккинчиси: Бир йилда муайян бир ой бор. У ойда мусулмон одам нонуштасини эрта тонгда эмас, балки, кечанинг охирида қилади. Тушлигини куёш ботгунча қилмай туради. Кун бўйи ейиш, ичиш ва аёллар билан яқинлик қилишдан ўзини тийиб туради. Шу туфайли бу ой унинг нафсини мусаффо қилади. Ошқозони дам олади. Хулқи яхшиланади.

⁶ яъни, жиндан бўлган шайтонлар

⁷ Аниқ вақти ва қандай ўқилиши кейинчалик ёритилади.

Жасади соғлом бўлади. Бу ой яхшиликка жам бўлиш ва турмушда ўзаро тенгликнинг кўринишларидан биридир.

Учинчиси: Агар пули ўзидан, аҳли аёлидан ва маълум бир миқдордан ортса, бойлиги сабабидан бир йил муддатда унга эҳтиёжи тушмаган ҳолда турса, бир йил ўтгандан сўнг шу пулининг 2,5 фоизини фақирлар, мухтожлар учун чиқариш ундан талаб этилади. Бойлигининг атиги 2,5 фоизини чиқариш унга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Шу билан бирга берган пули мухтожларга моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоянинг мустаҳкам устунни ва энг ёмон касалликлардан бири бўлмиш фақирлик касалига муносиб даво бўлади.

Тўртинчиси: Ислом дини мусулмонларнинг даврий йиғилишларини тартибга солиб туради. Биринчи йиғин худди мактаб ўқув соатларига ўхшаш бир кунда беш маҳал ўтказиладиган бир кўча аҳолиси тўпланадиган йиғиндир. Бу жамоат намозидир. Ундаги ҳар бир қатнашувчилар Аллоҳ ҳузурда туриб унга бўлган бандалигини мустаҳкамлайди. Кучлиларнинг заифларга ёрдам бериши, олимларнинг билмаганларга ўргатиши, бойларнинг фақирларга моддий кўмак бериши жамоат намозининг фойдаларидандир. Жамоат намози ўн беш дақиқагина давом этади. Ишчи ўзининг ишидан, тижоратчи савдосидан қолиб кетмайди. Агар мусулмон киши жамоат намозига чиқа олмаса уйда ўқийди. Жамоат намозидан қолгани учун азобланмайди, лекин, унинг савобидан бебахра қолади.

Иккинчи йиғилиш, ҳафтада бир марта ўтказиладиган маҳалла аҳолиси йиғилишидир. Бу жумъа намозидир. У бир соатдан камроқ муддат давом этади. Жумъа намозига бориш эркаклар учун вожибдир.

Учинчи йиғилиш, бир йилда икки марта ўтказиладиган шаҳар аҳолиси йиғилишидир. Бу ҳайит намозидир. Ҳайит намозига бориш ҳам вожиб, аммо унга мажбурлаб олиб борилмайди. Ҳайит намози ҳам бир соатдан камроқ муддат давом этади.

Охириги йиғин, муайян маконда ҳар йили ўтказиладиган барча халқлар конференциясига ўхшаш йиғиндир. Мусулмон киши агар қодир бўлса, умри давомида бир марта унда иштирок этиши шарт. Бу ҳаж амалидир.

Мана шулар мусулмон кишининг зиммасидаги асл ибодатлардир.

Баъзи ишлардан ўзини тийиш ҳам ибодатлар сафига киради. Ноҳақ одам ўлдириш, инсонларга зўравонлик қилиш, зулмнинг барча турлари, ақлни ўғирлайдиган маст қилувчи нарсалар, обрў-эътиборни кетказиб, насл-насабни чалкаштирувчи зино, рибо, ёлғон, алдамчилик, товламачилик, Аллоҳнинг калимаси олий бўлиши учун ташкиллаштирилган ҳарбий хизматдан қочиш, энг ёмони ота-онага оқ бўлиш, ёлғон ваъда бериш, ёлғон гувоҳлик бериш каби оқил одам ёмон деб ҳисоблайдиган амалларни қилмаслик шулар жумласидандир.

Мусулмон одам агар баъзи ибодатларни бажаришда камчиликка йўл қўйса ёки маън қилинган баъзи ишларни қилиб қўйса, сўнгра тавба қилиб, Аллоҳдан авф сўраса, албатта, Аллоҳ уни авф этади. Агар тавба қилмаса, мусулмонлар орасида мусулмонлигича қолади, лекин осий бўлиб, охиратда азобга дучор бўлади. Аммо унинг азоби вақтинчалик бўлади. Кофирнинг азобланишига ўхшаш доимий азобда бўлмайди.

Борди-ю баъзи манбаъларни, яъни, асл ақидаларни инкор этса, ёки шак келтирса ёки баъзи фарзлиги ижмоъ қилинган (уламолар томонидан бир фикрга келинган) ёхуд ҳаромлиги ижмоъ қилинган нарсаларга қарши чиқса, Қуръондан биргина оятни инкор этса, у диндан чиқади, муртад деб ҳисобланади. Унинг ислом динига мансублиги йўқолади. Диндан қайтиш ислом динидаги энг катта жиноятдир. Бу жиноят ҳозирги кундаги қонунларга хиёнат қилиш билан баробардир. Агар қайтишдан бош тортса унинг жазоси ўлимдир.

Мусулмон инсон баъзи фарз амалларни тарк этди ёхуд баъзи маън қилинган ишларни қилиб қўйди. Лекин у фарз ва ҳаром ишларни тўғрилигини эътироф қилади. У ҳолда бу мусулмонлигича қолади. Лекин осий бўлади. Иймон қисмларга бўлинмайди.

Масалан, ақиданинг тўқсон тўққизига иймон келтириб, фақатгина биттасини инкор қилса ҳам кофир бўлади.

Мусулмон мўъмин бўлмаслиги ҳам мумкин. Баъзилар бир гуруҳга ёки жамиятга аъзо бўлишади. Унинг йиғинларида қатнашиб юради. Унинг аъзолари бажарадиган ишни бу ҳам қилади. Лекин аслида гуруҳнинг асосий манбаларини қабул қилмаган, унинг тўғрилигига ишонмаган бўлади. Гуруҳга киришдан мақсади жосуслик ёхуд шу гуруҳ аъзоларини йўлдан уриш бўлади.

Мана шундай кишилар мунофиқ⁸ кимсалардир. Улар икки шаҳодат калимасини тил билан айтадилар. Ибодатларни зоҳиран адо этавиришади, лекин ҳақиқатда мўъмин эмас. Одамлар орасида мусулмон деб эътибор қилингани билан Аллоҳнинг хузурида уларга нажот йўқ. Чунки, одамлар уларнинг зоҳиринигина кўра олишади. Аллоҳ эса уларнинг ботинини ҳам, қалбларини ҳам билиб турувчи ягона зотдир.

Инсон исломнинг асосларига иймон келтирса, Аллоҳни мутлоқ тасдиқ этса, Уни шерик ва воситачилардан пок деб ишонса, фаришталарга, пайғамбарларга, китобларга, охират ҳаётига, қадарга иймон келтириб, икки шаҳодат калимасини нутқ қилса, фарз намозларини ўқиса, рамазон рўзасини тутса, (закот фарз бўлган тақдирда) молининг закотини берса, (имкон топса) умрида бир марта ҳаж қилса, ҳаромлигига ижмоъ қилинган ҳаром нарсалардан ўзини тийса, бу ҳолда у мусулмон мўъмин деб ҳисобланади. Аммо мусулмон мўъмин юриши лозим бўлган йўлдан юрмагунча иймоннинг меваси унда намоён бўлмайди, иймоннинг ҳаловатини топмайди ҳамда комил мусулмон бўла олмайди. Бу йўлни Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биргина жумла билан, жавомеъул-калим⁹ бўлган биргина калима билан изоҳлаб берганлар.

Мана шу биргина калима дунёдаги барча яхшиликни ҳам, дунёнинг ортидан келадиган охиратдаги барча яхшиликни ҳам ўзида жам қилгандир.

Бу мусулмон инсон турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ёлғиз ҳолда ҳам, одамлар билан бирга бўлганда ҳам, жиддий бўлганда ҳам, ҳазил қилаётган пайтда ҳам, умуман барча ҳолатида Аллоҳ уни билиб турганлигини, унга назар солиб турганлигини эса сақлашидир. Аллоҳ уни кўриб турганлигини ҳис қилган одам ҳеч қачон исён қилмайди. Аллоҳ у билан бирга эканлигини билиб турган одам ҳеч қачон кўрқмайди ёхуд тушқунликка тушмайди. Аллоҳга муножот қилиб турган одам ҳеч қачан кўрқинч сезмайди. Аллоҳдан сўраб, Унга дуо қилувчи одам бошқа ҳеч кимга ҳожати тушганини ҳис қилмайди. Агар осийлик қилиб қўйса (осийлик қилиш унинг табиатида бор) дарҳол қайтиб, тавба қилади. Аллоҳ эса унинг тавбасини қабул қилади.

Мана шуларнинг барчаси Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “эҳсон” нинг таърифидида айтган мана бу сўзларида акс этган: “Аллоҳга худди уни кўриб тургандек ибодат қилишинг, агар уни кўра олмасанг, У сени кўриб турганини ҳис қилишингдир”.

Мана шу - ислом динини биргина жумлада акс эттиришдир. Ислом динининг тафсилотлари мана шу бўлимдаги ақида бобида ҳамда кейинги бўлимларда келажак “ислом” ва “эҳсон” бобларида ёритилади иншаАллоҳ.



⁸ Нифоқ (мунофиқлик) иймонни ошкор қилиб, куфрни беркитишдир. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “мунофиқнинг аломати учтадир ...”, деган ҳадислари бу маънода эмас. Бир киши ваъдасига хилоф қилса, ёлғон гапирса, омонатга хиёнат қилса мана шуларнинг ўзи билан кофир деб эътиборга олинмайди. Бу ердаги нифоқ ижтимоий нифоқдир. Биз айтиб ўтган асл ақидадаги нифоқ эмас.

⁹ Жавомеъул-калим – “жамловчи калималар”. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “менга жавомеъул-калим” берилган, деганлар. Жавомеъул-калим, қисқа иборалар билан олам-олам маънони ёритиб беришдир. (тарж.)

КИРИШ

Бу бўлимга киришдан олдин уламолар тилида кўп айланиб юрадиган, ақида китобларида кўп учрайдиган баъзи истилоҳ – атамалар билан таништириб ўтишим зарур. Булар: “шак”, “зонн”¹⁰ ва “илм” дир.

Декарт ўзининг машҳур асарларида, ундан олдин Ғаззолий ўзининг “Залолатдан кутқарувчи” номли китобида келтиришича, яқинга – аниқ ишончга етишиш шакдан бошланади. Декарт шакдан ҳақиқатга йўл топаман деб шак қилган. Шак ўзи нима?

Мисол учун сен Маккада бўлсанг, бир киши сендан: “Ҳозир Тоифда ёмғир ёғаяптими?”, деб сўраса, сен “ҳа”, деб ҳам, “йўқ”, деб ҳам жавоб бера олмайсан. Чунки, ўша пайтда Тоифда ёмғир бўлиши ҳам мумкин, ёмғирсиз, ҳаво очиқ бўлиши ҳам мумкин. Ёмғир бўлиш эҳтимоли 50 фоиз, бўлмаслиги ҳам 50 фоиз бўлади. Ҳар икки эҳтимоллик тенг. Ёмғир борлигига ҳам, йўқлигига ҳам аниқ далил йўқ. Мана шу шакдир.

Агар сен шарқ томонга қарасанг (Тоиф Макканинг шарқида), узоқдан уфқни тўлдириб келаётган булутларни кўрсанг Тоифда ёмғир бўлиши эҳтимоли сенда бир оз кучаяди. Ёмғирнинг мавжудлигига бўлган мана шу бир оз кучлироқ эҳтимоллик “зонн” деб аталади. Сен “ўйлашимча, ҳозир Тоифда ёмғир ёғаяпти”, деб айтасан. “Зонн” даги эҳтимоллик 60 фоиз “ҳа”, 40 фоиз “йўқ” ни англатади.

Агар булутлар жуда ҳам кўпайиб, осмон қора булутга тўлганини, булутлар орасидан яшин чиқаётганини кўрсанг, Тоифда ёмғир ёғаётганига бўлган “зонн” инг кучаяди. Энди “ҳа” жавобидаги эҳтимоллик 70 ёки 75 фоизга чиқади. Олимларимиз буни “ғолабатуз зонн” – “зонинг ғолиб бўлиши” деб номлайдилар. Сендан сўраган одамга айтасанки: “Аниқроқ тахминим шуки, ҳозир Тоифда ёмғир ёғаяпти”. Агар Тоифга борсанг, у ерда ёмғир ёғаётганини ўз кўзинг билан кўрсанг, юзингга ёмғир тушаётганини ҳис қилсанг, унинг ёғаётганига аниқ ишонч ҳосил қиласан. Уламоларимиз бу аниқ ишончни “илм” деб номлайдилар.

“Илм” сўзининг бир нечта маънолари бор: “жаҳолат” – билимсизликнинг муқобили бўлган мутлоқ “илм”, “санъат” ва “фалсафанинг” муқобили бўлган “илм”. Кимё фани ҳам илм, физика фани ҳам илмдир. Чизмачилик эса санъатдир. Шеърят ҳам санъатдир. Бу ердаги илмдан мурод мақсади ҳақиқат, предмети ақл, василаси – олиб борувчи йўли муҳокама, тажриба ва тадқиқот бўлган илмдир. Санъатнинг мақсади – гўзаллик, предмети ҳиссиёт, василаси – олиб борувчи йўли эса завқдир.

Биз бу ерда кўзда тутган илм эса аниқ ишонч маъносини билдирадиган, “шак” ва “зонн” нинг муқобили бўлган илмдир¹¹.

Зарурий илм ва назарий илм.

Ҳис қилиш ва кўриш орқали ҳосил бўладиган илмнинг далилга эҳтиёжи йўқ. Олдинда кўриб турган тоғнинг борлигига далил келтиришга ҳожат йўқ. Сен биласанки – заруран – у мавжуддир. У тоғни кўрадиган ҳар бир ақли бор одам биладик, у мавжуд.

Мана шу зарурий илм деб номланади. Тўғри бурчакли учбурчакда гипотенузанинг квадрати унинг катетлари квадрати йиғиндисига тенг. Бундай илмга ақлий далил зарур бўлади. Олим одам ёки бу далилни билган талаба биладик, бу ҳақиқат, лекин билимсиз оми одам бу нарсани билмайди. Бу далилни англаб етмагунча мазкур теоремани тасдиқламайди, гарчи кўз ўнгида тўғри бурчакли учбурчак турса ҳам. Мана шу илмни назарий илм деб аталади. Назарий илм ақлий далил билангина ҳосил бўлади.

Очиқ ҳақиқат ва ақида.

¹⁰ зонн – “гумон”, “тахмин”, “фараз” каби маъноларни англатади. (тарж.)

¹¹ Биз “грамматика илми”, “кимё илми” деб атайдиган махсус маънодаги илмга ҳам уламоларимиз бир қанча таърифлар айтишган. Бу таърифларнинг энг аниғи Саратон келтирган таърифидир: “Илм аниқ ва тартибли маърифатлар мажмуасидир”. Унинг “маърифатлар” деган гапидан ҳар хил ҳиссиёт ва ҳаётлар чиқиб кетади. “Аниқ” деган гапидан назарий ва фаразлар чиқиб кетади. “Тартибли” деган гапидан эса ҳар хил тарқоқ маърифатлар чиқиб кетади.

Назарий илмнинг аслида ақлий далилга эҳтиёжи бор. У хис қилиш ва кўриш билангина ҳосил бўлмайди. Лекин назарий илмлар ичида шундайлари ҳам борки, улар зарурий илмга жуда яқин туради. Бу илмларни олим ҳам, жоҳил ҳам, катта-ю кичик, ҳамма билади. Улар одамлар орасида оммалашган ва машҳур бўлиб кетган: Мисол учун: “қисм бутундан кичикроқ”, деган илмни олайлик. Синиқ нон бутун нондан кичик. Бу ҳақиқат аслида далилга эҳтиёжи бор бўлган назарий илмга тегишлидир. Лекин сен бунга ҳеч қандай шак-шубҳа қилмайсан. Бунга далил сўрамайсан. Агар ёш боланинг кўлидаги бутун шоколадни олиб, ўрнига синиқ шоколадни берсанг, у ҳеч қачон қабул қилмайди. Агар тескарисини қилсанг, у жон деб қабул қилади. Нимага шундай? Чунки, “қисм бутундан кичикроқ”, деган илм очиқ ҳақиқатдир.

Мавжудлик мулоҳазаси, яъни, “нарсанинг мавжудлиги унинг ўзидир”, деган гап очиқ ҳақиқатдир. Агар бир киши сенга: “қўлингда турган мана бу қалам чой қошиқ эмаслигини менга исботлаб бер!”, деб айтса, сен: “бу очиқ ҳақиқатку. Қалам қалам эканлигига ҳеч қандай исботнинг кераги йўқ”, дейсан.

Очиқ ҳақиқатлар - барча инсонлар қабул қиладиган ва унга ҳеч ким далил талаб қилмайдиган ақлий ҳақиқатлардир. Агар очиқ ҳақиқат ботиний ақлга кириб, унда мустаҳкам қарор топса, ўй ва ҳиссиётга таъсир қилиб, инсон ўз ақлини мана шу нарса ҳақида тафаккур қилишга йўналтирса, бу нарса “ақида”, деб номланади. Мана шу ақидага эътиқод қилиш эса “иймон”, деб номланади.

Аммо биз биламизки, инсон баъзан ҳаққа, баъзан ботилга эътиқод қилади. Бугунги кунда баъзи одамлар эгри йўлларга, ботил манбаларга эргашиб кетаётганини ҳам ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бор мол-дунёсини мана шу ботил эътиқодга сарф қилмоқда. Мана шундай кимсаларни ҳам “мўъминлар” - яъни “иймони борлар”, деб айта оламизми?

Мутлақо йўқ. Лекин уларга нисбатан иймон сўзини ўзлари ишонган ботил сўзига илова қилиб ишлатамиз. Аллоҳ таолонинг мана бу оятига ўхшаб:

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ أُوتُوا نَصِيبًا مِّنَ الْكِتَابِ يُؤْمِنُونَ بِالْحِجَبِ وَالطَّغُوتِ وَيَقُولُونَ لِلَّذِينَ

كَفَرُوا هَتُّوْا أَوْ هَدَىٰ مِّنَ الَّذِينَ ءَامَنُوا سَبِيلًا ﴿٥٦﴾

“Китоб (Таврот)дан насибадор бўлганларнинг "Жибт" ва "Тоғут"га иймон келтиришларини ва кофирларга "Шулар мўъминлардан кўра тўғрироқ йўлдадир" дейишларини кўрмадингизми?!”¹²

Аллоҳ таолонинг мана бу оятига ўхшаб иймон сўзини сифатга боғлаб ишлатиш мумкин:

وَمَا يُؤْمِنُ أَكْثَرُهُمْ بِاللَّهِ إِلَّا وَهُمْ مُّشْرِكُونَ ﴿١٦﴾

“Уларнинг аксарияти Аллоҳга фақат мушириклик ҳолларидагина "иймон" келтирадилар”.¹³

Иймоннинг хусусий маъносини эса бошқа маънога мутлақо буриб бўлмайди. Суннат китобларида, уламолар тилида “иймон” ва унинг ҳосилалари ҳақида гап кетганда фақат биргина маъно англанади. Бу:

- Аллоҳни ягона робб деб;
- Ёлғиз ўзи тасарруф қиладиган Малик (Подшоҳ) деб;
- Ибодатга сазовор ягона Илоҳ деб; ҳар қандай ибодатда унинг шериги йўқ деб эътиқод қилиш;
- Пайғамбарига ваҳий қилган барча нарсага: фаришталар хабарига, пайғамбарларга, охират кунига, яхши ва ёмон қадарга эътиқод қилишдир.

¹² Нисо сураси, 51-оят.

¹³ Юсуф сураси, 106-оят

Мана шу эътиқоднинг эгаси мўъмин, яъни, иймони бор кишидир. Агар бундан бирор нарсада нуқсонга йўл қўйса¹⁴ ёки рад қилса, ёхуд уни тасдиқлашда иккиланса, унга шак келтирса, иймон сифати йўқолади. Мўъминлардан деб ҳисобланмайди.



¹⁴ яъни, эътиқодда камчиликка йўл қўйилса

АҚИДА ҚОИДАЛАРИ¹⁵

Биринчи қоида:

Сезги аъзоларимиз орқали идрок қилинган нарсада шак-шубҳа йўқки, у мавжуддир. Бу ақлий очик ҳақиқатдир. Лекин, саҳрода туш пайти юрганда узокдан сув тўпланиб турганини кўраман. Аммо, у ерга борсам тупроқдан бошқа ҳеч нарса бўлмайди. Чунки мен кўрган нарса сароб бўлади. Тўғри қаламни сув тўлдирилган идишга соламан. Сув ичида уни синик ҳолида кўраман, аслида у синик эмас. Бу ҳам кўриниб турган ҳақиқат.

Бир киши зиёфат кечасида жин ва алвастилар ҳақида ҳар хил гаплар тинглайди. Кейин уйига қайтиш учун кўчага чиқади. Агар йўл зим-зиё, тим қоронғу, қалбга кўрқинч соладиган бўлса ҳар хил хаёллар келиб, рўпарасида жин ёки алвасти турганини кўради. Унинг мавжудлигини ҳис қилади. Аммо кўрган нарсаси ҳақиқатда йўқ. Кўзбўямачи сеҳргарлар ҳам асли ҳақиқат бўлмаган ғаройиб нарсаларни кўрсатишади.

У ҳолда ҳиссиётлар ҳам адашар, алдар, хаёл қилар эканда? Мен ҳис қилган мана шу нарсаларнинг мавжудлигида шубҳа қиламанми?

Йўқ. Чунки, агар мен кўрган, эшитган ва ҳис қилган нарсамда шубҳалансам менда ҳақиқатлар ва хаёлотлар аралашиб кетади. У ҳолда мен мажнун каби бўлиб қоламан.

Лекин мен ҳис қилган нарсамнинг мавжудлигида илм (яъни, аниқ ишонч) ҳосил бўлиши учун бошқа шарт қўшимча қиламан. Ақл ўтказилган тажриба билан ҳукм чиқармайдикки, аслида мен ҳис қилган нарса хаёл ёки ҳиссиётнинг ёлғончилигидир. Ақл дастлаб алдайди. Саробни сув деб ҳисоблайди, иккинчи марта кўрганида эса у сароб эканлигини билади. Ақл биринчи мартада қаламни кўриб, уни синган деб ҳукм қилади. Аслида у синмаган, аввалгидек тўғри ҳолда эди. Кейинги сафар эса, гарчи кўзга синик кўрингани билан, унинг тўғри эканлигини билади. Сезги аъзолари хато қиладиган ёки алдайдиган ишлар ҳаммага маълум, бор йўғи бир нечта ва чегаралангандир. Улар қоидани ботил ҳам қилмайди, унга таъсир ҳам қилмайди. Фиръавн сеҳргарларининг ва бугунги кундаги цирк артистларининг амаллари ҳам шулар жумласидандир.

Иккинчи қоида:

Шундай нарсалар борки, биз уларни кўрмаймиз ва сезмаймиз, лекин уларнинг борлигига худди ўзимиз кўриб, ҳис қилиб тургандек аниқ ишонамиз. Ҳиндистон ва Бразилия давлатлари борлигига аниқ ишонамиз, лекин биз на у ерларга борганмиз ва на кўрганмиз. Искандар Македонский Форс давлатини фатҳ қилганига аниқ ишонамиз. Валид ибн Абдулмалик Уммавийлар давлатига асос солганига аниқ ишонамиз. Лекин биз на Искандарнинг жангларида қатнашганмиз ва на Уммавийлар давлатига асос солинганига шоҳид бўлганмиз.

¹⁵ Китоб ўқувчисидан бу қоидаларни ёзишим сабаби, унинг қиссасини китоб мавзуси ичида эмас, балки шу ерда келтиришга изн сўрайман. Бунинг батафсил қиссаси шундан иборат: Мен иккинчи жаҳон урушидан аввал Бағдодда араб адабиёти фанидан дарс бериб юрардим. Йилнинг иккинчи ярмида менга диндан дарс бериш ҳам таклиф қилинди. Ўша пайтда дин фанининг ўқув дарслиги Куръони Карим суралари, тафсири ва шарҳидан иборат эди. Бу таклифни қабул қилиб, ишга киришдим. Синфга кирсам шовқин-сурон бўлиб ётибди. Адабиёт фанидан дарс ўтганимда тинч, сокин бўлар эди. Талабалар дин дарсида кўнгилхуши қилиб, вақтларини бекор ўтказиб ўтирардилар. Бунинг сабаби уларнинг иймони заифлигидан деб ўйладим. Уларга: “Мусхафларингизни олиб кўйинг ва менга қулоқ солинг”, дедим. Тўсатдан Аллоҳ менга бир илҳом бағишладики, олдиндан ҳеч тайёргарликсиз иймон ҳақида янги баҳс олиб бордим. Уларга мана шу қоидаларнинг баъзиларини ҳам айтиб бердим. Бунинг хулосасини 1937-йилда ёки 1938-йилда нашрга бердим. У “фикр ва тадқиқотлар” номли китобимда чоп этилди. Сурияда менга мактабларда дин фанининг ўқув дарслигини ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Мазкур дарсликни бир ўзим тузиб чиқдим. Уларни гуруҳларга ажратдим. Бу қоидаларни ана шу дарсликка ҳам киритдим. Ақоид китоби муаллифларидан бири уни олиб ўзиники эканлигини даъво қилди, ҳаттоки китобида чоп этиб чиқарди. Лекин, мен ундан кўзлаган мақсадга эриша олмади. Бошида яхши жонбозлик кўрсатди-ю, лекин охирига бориб ҳатти-ҳаракати зоеъ бўлди. Нафақага чиққанимдан сўнг (аввал қозилик маҳкамасида маслаҳатчи эдим) Ар-Риёдга бордим, кейин Маккага бордим. 1384-ҳижрий йилда тарбия факултетида дарс бердим. Шунда мана шу қоидалар устида яна ишладим. Уларни кўпайтириб, саккизта қоидага етказдим. Уларни мана шу ерда келтириб ўтаман.

Агар ҳар биримиз ўзига теран бир назар солса, ўзи кўрмайдиган бир қанча нарсаларнинг мавжудлигига аниқ ишонишининг гувоҳи бўлади. Кўплаб мамлакат ва шаҳарлар, тарихда бўлиб ўтган ва бугунги кунимизда ҳам содир бўлаётган ҳодисалар шулар жумласидандир.

Инсон қандай қилиб бу нарсаларнинг борлигига ишонади, холбуки, уларни ўз сезги аъзолари билан идрок қилмаган-ку?

Бу нарсаларни бир жамоа бошқалардан нақл қилганлиги сабабли уларга аниқ ишонади. Чунки, одатда ўша жамоа бу хабарларни ўзининг ичидан тўқиб, одамлар орасида тарқатишга келишиб олиши мумкин эмас.

Демак, иккинчи қоида шундан иборатки, сезиш ва кўриш орқали ҳосил бўладиган ишонч биз содиқ деб ҳисоблайдиган киши етказган хабар орқали ҳам ҳосил бўлади.

Учинчи қоида:

Сезги аъзолари идрок қила оладиган илмнинг чегараси қаер? Сезги аъзолари ҳар бир мавжуд нарсани идрок қила оладими?

Нафс, сезги аъзолари ҳамда мавжудотларнинг мисоли ҳоким қалъадаги бир кўрғонга қамаб қўйган бир кишига ўхшайди. Эшик ва деразалар кулфланган. Фақатгина қалъа деволарида бир нечта ёриқлар бор. Биринчи ёриқдан шарқ томондан оқиб ўтадиган дарё кўринади. Иккинчи ёриқдан ғарб томонда турган тоғ кўринади. Учинчи ёриқдан шимол томондан қад ростлаган қаср кўринади. Тўртинчи ёриқдан жануб томондаги ўйин майдони кўринади.

Нафс ана ўша қамокдаги кишидир. Жасад қалъадир. Мана бу ёриқлар эса сезги аъзолардир.

Кўриш ҳисси ранглар олами учун, эшитиш ҳисси товушлар олами учун, завқ ҳисси таъмлار олами учун, ҳид билиш ҳисси ҳидлар олами учун, ушлаб кўриш ҳисси жисмлар олами учун мушарраф бўлгандир.

Энди шундай савол пайдо бўлади: 1) Ана шу сезги аъзолари ила улар мушарраф бўладиган дунёдаги ҳар бир нарсани идрок қилиш мумкинми? Қамокдаги маҳбус дарё томондаги тирқишдан назар солса дарёни тўла кўра олмайди, балки, бир қисминигина кўради. Худди шунга ўхшаб, кўз ранглар олами учун яратилган бўлса-да, бу рангларни тўлиқ кўра олмайди, балки, маълум чегарагача кўра олади.

Мен уч мил¹⁶ нарида юриб кетаётган чумолини кўра олмайман. Холбуки, чумоли мавжуд. Шунингдек, мен тоза коса ичидаги микроб ва бактерияларни ҳам кўра олмайман, ваҳоланки, мен тоза деб кўриб турган бу косада миллионлаб микроблар мавжуд. Электр симида айланиб юрган электр токини ҳам, осмонларда кезиб юрган бир қанча юлдузларни ҳам кўра олмайман. Ҳалиги чумолининг овози ҳам бор, аммо мен эшита олмайман. Чунки, қулоғим 5 дан 20000 Гц частотагача бўлган товушларнигина қабул қилади. Бундан паст частотадаги товуш эшитилмайди. Бундан юқори частотадагиси эса қулоқ пардаларини йиртиб, эшитиш қобилятини йўқотиши ҳам мумкин. Мен шакарнинг ҳидини ҳам сезмайман. Чумоли ва пашшалар эса ҳидидан дарҳол билиб, у томонга шошилади. Демак, сезги аъзолари оламлардаги нарсалардан бир бўлагини идрок этар экан холос.

2) Кўз кўра оладиган ранглар олами ва қулоқ эшита оладиган товушлар олами ўртасида яна бир бошқа олам бўлиши мумкин эмасми? Менда идрок қилиш учун сезги аъзойим йўқ бўлгани сабабли уни идрок эта олмайгандирман, балки?

Қамокдаги маҳбусга нисбатан ҳалиги дарё ва тоғ орасида катта боғ бўлиши мумкин эмасми? Маҳбус уни кўрмайди ва билмайди. Чунки, қамокда у боғ кўриниб турадиган тирқиш йўқ. Маҳбус бу боғни кўра олмайгани сабабидан унинг борлигини инкор қилишга ҳаққи борми?

Кўзи ожиз (туғма кўр) одам денгиз мовий, майсазорлар яшил деб эшитгани учунгина бу ҳақида маърифатга эга бўла олади. Лекин, у аслида мовий, яшил нима эканлигини идрок эта олмайди. Кар одам ўрганиш орқали билдики, қўшиқда шеър, кофия

¹⁶ 1 мил=1860 метр

ва оҳанг бўлади. Лекин у ҳақиқатда кўшиқни нима эканлиги билмайди. Демак, кўр одам мавжуд нарсани инкор қилишга ва кар одам кўшиқнинг ҳақиқатини идрок қилмагани учун уни йўқ, деб даъво қилишга ҳаққи борми?

Сенга ғоятда тинч туюлган хонанинг ичида айни чоғда турли товуш ва куйлар ҳар томонга тарқамокда. Сен буни ҳис қилмайсан, чунки, у кўзинг билан кўрадиган ранг ҳам, кулоғинг билан эшитадиган товуш ҳам эмас. У бошқа турдаги тебранишлардир. Бу тебранишларда товуш бор, лекин кулоқ буни эшитмайди. Агар сен бу ерга радио келтирсанг, тебранишни қабул қилиб сенга товуш қилиб қайтариб беради ва сен уни эшита оласан.

Озгина миқдордаги ҳаво босими сенга сезилмайди. Чунки, сенда уни идрок қиладиган сезги аъзойинг йўқ. Агар сен шу ерга барометр олиб келсанг, буни идрок этишинг мумкин. Кичик тебранишларни ҳам идрок қила олмайсан, лекин радар буни идрок қилади. Аслида ҳаётда кўпгина нарсалар мавжуд. Уларни сезги аъзолари орқали сезиб бўлмайди. Чунки, улар кўринадиган ранг ҳам, эшитиладиган товуш ҳам, ушлаб кўриладиган жисм ҳам, ҳидланадиган ҳид ҳам, сезиладиган таъм ҳам эмас. Менинг хиссиётларим бу нарсаларни идрок қилишдан чегараланганлиги туфайли бу нарсаларни инкор қилишга ҳаққим борми?

3) Сезги аъзолари комилми? Қадимги одамлар фақатгина бешта сезги аъзолари бор, деб ҳисоблаб юришар эди. Бундан ортиғини тасаввур қила олишмасди. Лекин, бугунги кунга келиб, инсонда Аллоҳ унга ато қилган яна бошқа сезги аъзолари ҳам борлиги кашф қилинди.

Мен кўзимни юмаман ва кўлимни ёяман ёхуд йиғаман. Мен кўлим ёйилганлигини ёки йиғилганлигини ҳис қиламан. Мен уни ушлаб кўрганим ҳам, кўз билан кўрганим ҳам йўқ. Буни қайси сезги аъзоси орқали ҳис қилдим? Азалий ҳис деб номланувчи сезги аъзоси орқали. Мен чарчоқ ва хорғинликни, ғазабни, хурсандчилик ва ғам-қайғуни ҳис қиламан, лекин буларни бешта сезги аъзоларимнинг бирортаси билан ҳам ҳис қилмайман, балки ички ҳиссим билан сезаман. Юрганимда йиқилиб кетмайман, ёш бола эса илк бор юрганда йиқилиб кетади. Велосипед ҳайдовчиси, ғаройиб нарсаларни кўрсатувчи цирк усталари қайси сезги орқали мувозанатни сақлаб турадилар?

Бу ерда саккизинчи сезги аъзоси бор. У мувозанат сезгиси деб аталади. Олимлар Аллоҳ таоло бу хиссиётни яратиб, жойлаштириб қўйган ўринни кашф қилдилар. Кулоқнинг ичкари қисмида озгинагина суюқ модда бўлар экан. Мана шу орқали мувозанат сақланиб турар экан. Олимлар тажрибалар орқали қуёндан мана шу суюқликни чиқариб олдилар. Натижада қуён худди маст одамга ўхшаб гандираклаб юра бошлади.

Хулоса қилиб айтганда, учинчи қоида шуки, ўз сезги аъзоларимиз орқали идрок қилишдан ожиз қолган нарсаларимизнинг мавжудлигини инкор қилишга ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ.

Тўртинчи қоида:

Ҳиссиётлар чегараланган, деб айтдик. Кўринадиган ҳар қандай нарсани баъзан мен ўз кўзим билан кўра олмайман. Бу ҳақиқат, лекин Аллоҳ бизга шундай малака берганки, у билан сезги аъзолари йўл қўйган камчиликларни тўлдирамиз. Бу хаёлдир. Мен Маккада туриб Дамашқдаги уйимни кўра олмасамда, худди уни кўриб тургандек хаёл қила оламан. Демак, хаёл сезги аъзоларини тўлдиради. Хаёлда чегара борми ёки у мутлоқ чексизми? Мен сезги аъзоларим орқали идрок қила олмаган нарсаларимни ҳам хаёл қила оламанми?

Хаёл психолог олимлар наздида икки турга бўлинади: биринчиси, *қайтарувчи хаёл*, худди Маккада туриб Дамашқдаги уйимни хаёл қилганимдек. Иккинчиси, *яратувчи хаёл*. Бу шоирлар, ёзувчилар, рассомлар ва санъат усталарининг хаёлидир. Анави санъаткорларнинг хаёлотиға бир разм солинг. Улар асли воқеъликда йўқ нарсани кўрсата олишадими? Венус ҳайкалини ясаган ҳайкалтарош биз умримизда ҳеч кўрмаган суратни пайдо қилди. Лекин мана шу сурат янгитдан яратилганми ёки воқеъликдан бўлак-бўлак қилиб олиб бирлаштирилганми? Ўзи кўрган бурунларнинг энг чиройлисини олган, энг чиройли оғизни, энг чиройли жисмни олиб мана шуларни бирлаштирган. Натижада янги

сурат пайдо бўлган. Лекин шу янги сурат бор нарсалардан бўлак-бўлак қилиб олиб бирлаштирилган.

Париж музейида сақланадиган Оссурия қанотли бургут тимсолини ясаган ҳайкалтарош ҳам одамнинг калласини олиб бургутнинг жасадига қўйган. Унга куш қанотини бириктирган. Янги сурат, лекин эски нарсалардан бўлиб-бўлиб ишланган.

Адиба Хавла Қазвиний ўйлаб топган ғаройиб ҳайвон ҳам шу кабидир. Шоирларнинг хаёлоти ҳам истиора, ташбеҳ, киноя ва ажиб муболағаларга ҳар қанча чуқур кирмасин, аслида воқеъликда бор бўлган турли бўлақлардан жамланган холос.

Агар биз мана шу бўлақларни жамлаш учун янада чуқуроқ киришни истасак, энди, хаёлнинг ўзи ҳам бундай жамлашдан ожиз қолади. Мисол учун, ранглар оламидан бир бўлак ва товушлар оламидан бир бўлак олинг. Энди: “фалончи қўшиқчи атиргул хиди таралиб турадиган қўшиқ айтди” ёки “фалончининг атири қизил рангли хид таратар экан”, деб айтиб кўринг. Мана шу манзарани хаёлингизга келтиринг. Биласизки, бу нарсани ҳеч тасаввур қила олмайсиз. Холбуки, бу ҳам воқеъликда бор бўлган нарсалардан ташкил топган эди.

Биз хушбўй куйни, қизил хидни хаёлимизга сиғдира олмаймиз. Биз уч ўлчамли фазо (узунлик, кенглик, баландлик) дан ташқари нарсани ҳам тасаввур қила олмаймиз. Масалан, тўртинчи фазони¹⁷, юзаси йўқ доирани, бурчаги йўқ учбурчакни тасаввур қила олмаймиз. У ҳолда қандай қилиб охиратни ва ундаги нарсаларни хаёл қила оламиз, ваҳоланки, у бизнинг оламимизга ўхшамайдику? Охиратнинг бу дунёга нисбати, бу дунёнинг она қорнига нисбатига ўхшайди. Агар биз она қорнидаги чақалоқдан сўрашимиз ва унинг жавоб бериши мумкин бўлганда эди, “дунё нима?”, десак, у “мана шу мени ўраб турган парда ва мени қамраб олган мана бу қоронғулик дунёдир”, деб жавоб берган бўлар эди.

Агар биз унга: “мана бу ерда бошқа дунё ҳам бор. Унда қуёш ва ой бор. Тун ва кун бор. Қуруқлик ва денгиз бор. Пастлик ва тоғликлар бор. Қақшаган саҳролар, серсоя боғлар бор”, десак, бу гапларнинг маъносига умуман тушунмайди. Тушунган тақдирда ҳам, унинг ҳақиқатини хаёлига сиғдира олмайди.

Мана шунинг учун Абдуллоҳ Ибн Аббос айтганларки: “Дунёдаги нарсалар охиратдаги нарсаларнинг исмлари холос”. Охиратнинг ҳамри дунё ҳамрига ўхшаган эмас. Унинг ҳурлари дунё аёлларига ўхшамайди. Жаҳаннам олови дунё оловидек эмас. Жаҳаннам устига қўйилган сирот кўприги бу дунёда водийлар ва дарёлар устига қўйиладиган кўприк сингари эмас. Демак, тўртинчи коида бу – инсоният хаёли сезги аъзолари ҳис қилган нарсаларнигина идрок эта олади.

Бешинчи қоида:

Кўз тўғри таёқчани сув солинган идишда қийшиқ ҳолда кўради. Ақл кўз кўрган нарсага алданмайди. У биладика, таёқча тўғрилигича турибди. Кўз саҳродаги тупроқни сув деб кўрса ҳам, ақл бу нарса сароб эканлигини билади. У аслида сув эмас, балки тупроқ. Цирк устаси оғзидан юзлаб ҳанжарлар, шляпасидан йигирматта қуён чиқараётганини кўзимиз билан кўрсак ҳам, ақл бунинг ёлғон эканлигини идрок қилади. Демак, ақл ҳукм чиқарувчи экан. Унинг ҳукми кўпроқ чегарагача етади. Лекин ақл ҳар бир нарсада ҳукм чиқара оладими, унинг ҳукми чексиз нарсаларга ҳам етадими?

Ақл бирор нарсани идрок қила олмайди токи иккита нарса билан чегараланмагунича. Булар замон ва макондир. Агар бу иккиси билан чегараланмаса, ақл ёлғиз ўзи бирор нарсани идрок қила олмайди. Агар тарих ўқитувчиси сенга: “араб ва форслар ўртасида жанг бўлиб ўтган, лекин бу исломдан аввал ҳам, кейин ҳам, балки, бирор-бир замонда ҳам юз бермаган. Аммо аниқ бўлиб ўтган”, деса, сен бу гапни идрок эта олмайсан. Буни на тасдиқлайсан ва на қабул қиласан. Агар сенга география ўқитувчиси: “Бир шаҳар бор. У пастликда ҳам, тоғли жойда ҳам эмас. Қуруқликда ҳам, денгизда ҳам жойлашмаган. Ерда ҳам эмас, осмонда ҳам эмас. Бирор-бир макони йўқ.

¹⁷ Бу ердаги тўртинчи фазодан мурод ҳақиқий фазодир. Эйнштейн ҳам аслида тўртинчи фазони англай олмаган. У замон эътиборидан тўртинчи фазо деб фикр юритган. Бу ҳақиқий эмас, балки фаразий нарса.


Лекин ўзи бор”, деса, сен бу гапни идрок эта олмайсан. Буни ҳам на тасдиқлайсан ва на қабул қиласан.

Ақл замон ва макон чегарасидагина ҳукм қилади. Улардан ташқарига чиқа олмайди. Руҳ масаласи, қазо ва қадар ишлари, Аллоҳнинг исм ва сифатларида ақл ҳукм қила олмайди.

Ақл чегараланган. Чегарасиз нарсада ҳукм қила олмайди. Бундай нарсаларни қамраб олишга қурби етмайди. Мўъминларни жаннатда абадий қолишларини тасаввур қилиб кўр! Мўъминнинг ақли аниқ ишонадики, бу ҳақиқат. Бу аниқ ишонч содиқ хабар орқали етиб келган. Лекин назар солиб кўрчи, абадийликни қамраб олишга ақлинг етадими? Фикрингни шу нарсага қарат. Жаннатда бир аср ёки икки аср, юз аср, миллион аср, миллиард аср қолишни тасаввур қила олишинг мумкин. Сўнгра ақлинг ожиз ҳолда тўхтаб қолади ва “хўп, бундан кейинчи?”, деб сўрайди. Ақлинг бу нарсанинг чегараси бўлишини хоҳлайди. У “чексиз” деган нарсани идрок қила олмайди. Бу нарсага етишишни фарз қилса ҳам, “бу нарса ёлғон”, деган икки қарама-қарши фикр ўртасига тушиб қолади.

Олмон файласуфи Кантнинг машҳур китоби бор. Унда ақл фақат моддий оламдагина ҳукм чиқара олиши исботланган. Лекин Кант бу гапни айтмаган. Буни қадимги уламоларимиз таъкидлаб, исботлаб беришган. Кейинчалик бу нарса очиқ-ойдин ҳақиқатга, одат бўлиб қолган гапга айланиб кетди. Олимларимиз аввалдан аниқлаб қўйишган Кантнинг машҳур парадокси ҳам математик далиллар билан аниқланди ва даврлар ва кетма-кетликлар ботил эканлиги исботланди.

Бу далиллар ичида энг соддаси шуки, мисол учун М нуқтадан икки нур (яъни, икки параллел ва бир-биридан узоклашиб борувчи чизик) чиқсин (расмга қаранг). Ҳар бир чизик чексизликкача давом этади. Икки чизик орасини бир-биридан тенг узокликдаги (АВ), (А1В1), (А2В2) ва ҳоказо чизиклар бирлаштириб турсин. Бу чизиклар ($\infty; \infty$) гача давом этади. Мана шу ($\infty; \infty$) чизик чегараланганми ёки чексизми?



Агар сен уни чегараланган деб айтсанг, у икки чексиз нуқта орасида ётибди-ю, қанақасига чегараланган бўлади, деб сенга эътироз билдиради. Агар у чексиз деб жавоб берадиган бўлсанг, у икки нуқта орасидаги чизик, қандай қилиб икки нуқта ораси чексиз бўлади, деб жавобингни рад қилади. У ҳам чегараланган, ҳам чексиздир. Мана шу парадокс!

Маълум бўлдики, ақл чексиз нарсага ҳукм қилганда унинг мезони бузилади, парадоксда мушкул аҳволга тушиб қолади, бу нарсада ҳар қанча баҳс қилса ҳам тугамайди.

У ҳолда ақл ҳукм чиқаришга қодир эмас экан. Чиқарган ҳукми фақатгина чегараланган моддий нарсалардагина тўғри бўлади. Моддийликдан ташқарида эса, яъни ғайб оламида (метафизикада) ақл ҳукм қилишдан ожиздир. Кант китобида исботлаган нарса мана шу. Ундан аввал эса олимларимиз бу нарсани таъкидлаб кетишган. Саййиднинг “Мавқифлар шарҳи” номли китобида, Ғаззолий¹⁸нинг “Ал-мақсад ал-асно”

¹⁸ “Ал-мақсад ал-асна фи шарҳи асмоуллоҳи ал-хусна” номли рисола ўттиз йилдан бери кутубхонада сақланиб келади. Уни бирор марта ҳам ўқиб кўрмаган эканман. Бир куни уни кўлимга олиб ўқиб кўрдим. Ичида Ғаззолий истеъдодидан ажиб нарсага гувоҳ бўлдим. У исм ва ном ҳамда улар орасидаги боғланиш ҳақида сўз юритган экан. Аллоҳнинг исмлари ва мусулмон кишининг яшаш тарзини бир-бирига боғлиқ эканлигини янгича ва ажойиб услубда кўрсатиб берган. Ғаззолий ўз китобларида ёзган мавзуларнинг барчасида ана шундай услубни қўллаган. Унинг энг буюк китоби бўлмиш “Ихё” да сўфийлик ва суннатга

номли рисоласида ва бошқа кўплаб калом илмидаги китобларда бу ҳақида маълумотлар бор.

Олтинчи қоида:

Барча одамлар, хоҳ мўъмин бўлсин, хоҳ кофир бўлсин, хоҳ ибодатга берилган киши бўлсин, хоҳ фикс ишларда муккасидан кетган бўлсин, бирор оғриқ билан оғриганда, юраги сиқилиб, уни даф этиш чорасини топа олмаса, бу коинотда мавжуд бўлган бирор нарсадан эмас, балки, коинотдан ташқарида бўлган қувватдан паноҳ сўрайди. У қувватни кўришмайди, лекин ўз руҳлари, қалблари ва барча ички аъзолари ила унинг бор эканлигини, унинг қудрати ва буюклигини ҳис қилишади. Бу нарса кўпгина талабаларда имтиҳон пайтида, кўп касалларда оғриқ кучайиб, табиб ожиз қолган пайтда кузатилади. Ҳаммалари роббиларига қайтишади. Унга ибодат қилишга ўтишади. Сиз ўзингиздан ҳеч сўраб кўрганмисиз, бунга ўхшаган ҳодисаларнинг сабаби нима? Нима учун танг аҳволга тушиб қолган барча киши Аллоҳга қайтиб қолади? Ўтган жаҳон урушида ҳам, ундан аввалгисида ҳам, одамлар қандай қилиб динни қабул қилганлари ва Аллоҳдан паноҳ сўраганлари ҳаммамизнинг эсимизда¹⁹. Бошлиқлар, қўмондонлар ибодатхоналарда имом бўлиб, қўшинларни намозга чақиритган эди ўшанда.

“Мухтор” номли журналда “Ридерз Дайжест” номли журналдан таржима қилинган бир мақолани ўқигандим. Жаҳон уруши пайтларида чоп этилган экан. Парашютчи (ўша пайтда парашют ва ундан сакраш янгилик нарса эди) қўшинлар сафидаги бир ёшроқ бола бошидан ўтган қиссани айтиб беришича, у униб-ўсиб, катта бўлган уйда на Аллоҳ зикр қилинган ва на намоз ўқилган. У ўқиган мактабда ҳам диний дарс умуман ўтилмаган экан, балки диндор ўқитувчининг ўзи бўлмаган экан. Немис моддапарастлиги (атеизм) фанидан дарс олган, ҳайвонлар ҳам биладиган ейиш, ичиш ва жинсий яқинлик қилишдан бошқа нарсани таълим кўрмаган экан. Биринчи марта парашютдан сакраганида, парашют очилгунга қадар гўё фазода қулаб тушаётганини ҳис қилган жангчи: “эй Аллоҳ! эй Роббим!”, дейишни бошлаган экан. Қалбининг ич-ичидан дуо қилган. Бу иймон унга қаердан келганини билмай ўзидан ажабланган экан.

Сталиннинг кизи яқинда ўз хотираларини қоғозга тушириб чоп этди. Унда динга қандай қайтганлиги ҳақида айтиб ўтди. У динсизлик муҳитида катта бўлди. Қандай қилиб динга қайтганидан ўзи ҳам ажабланади. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Илоҳнинг мавжудлигига бўлган иймон ҳар бир нафснинг ичида яширинган нарсадир. У асл инсоний табиатдир. Инсон дини бор ҳайвондир.

Лекин бу фитратни шаҳватлар, рағбатлар, орзу-умидлар, моддий нарсаларга бўлган истаклар парда бўлиб яшириб туради. Қачонки, кучли хавф-хатардан титроққа тушса, бу парда кўтарилиб, соф фитрат намоён бўлади. Шунинг учун, мўъмин бўлмаган одам “кофир” деб номланади. Кофир сўзи араблар тилида “тўсиб турувчи” деган маънони англатади. Ажабланарлиси шундаки, мен бу фикрнинг тасдиғини замон ва макон бўйича бир-биридан узок бўлган иккита гапда кўрдим. Лекин бу икки гап маъно жиҳатдан бир-бирига жуда яқин.

хилоф нарсалар, кўпгина асли йўқ ҳадислар киритилган. Ундаги гаплар китоб ўқувчисини бошқалардан ажраб, узлатда ёлғиз яшашга, жангу-жадаллардан йироқ бўлишга ундаган. Холбуки, китоб ёзилган замонда жангу-жадаллар авжига чиққан эди. Бугунги кунимиз ҳам худди шундай ҳолатда. Мусулмонлар бўшашмасликлари, ўзларини химоя қилишлари, уларнинг диёрларига зўравонларча кириб олган ислом душманларини сиқиб чиқаришга жидду жаҳд қилишлари лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Имом Ғаззолий буюк ислом мутафаккири, шу билан бир қаторда айблардан холи эмас. Илмий адолат ила айтиш керакки, унинг санокли айблари бор. Инсон айбларининг санокли бўлишининг ўзи унинг олийжаноблигига кифоя қилади.

¹⁹ Охирги Жаҳон Урушининг гувоҳи бўлган ўрта ёш ва қариялар яхши эслашади. Бу 1939-йилда, ундан аввалги Биринчи Жаҳон уруши эса 1914-йилда содир бўлган. Бу урушларнинг икковига ҳам гувоҳ бўлганман. Улар ҳақида асарларимда ҳам бир неча мароталаб ёзганман.

Биринчиси, тақводор, муслима, обида бўлган таниқли Робиътул Адавийя²⁰нинг гаплари. Иккинчиси эса, динсиз бўлган машхур француз ёзувчиси Анатол Франсининг гапи. Анатол Франс ўзининг куфрини билдириб айтадики: “Киши сийдигининг анализи маълум бўлгандан кейингина у қанд касалига мубтало бўлганлигига ишонади (ўша пайтларда инсулин ҳали кашф қилинмаган эди)”. Робиъатул Адавийяга: “Фалончи Аллоҳнинг мавжудлигига мингта далил йиғибди”, дейилганда, у киши табассум қилдилар ва “биргина далил кифоя қилади”, дедилар. “Қанақа далил?”, деб сўралди. У киши: “сахрода ёлғиз юрганингда, оёғинг тойиб чуқурга йиқилиб кетсанг ва ундан чиқа олмасанг нима қиласан?”, дедилар. «эй Аллоҳим, деб нидо қиламан», деб жавоб берилди. У киши эса: “мана шу далил кифоя...”, дедилар.

Ҳар бир инсон қалбининг тўрида илоҳга бўлган иймон бор. Биз мусулмонлар бунинг ҳақиқат эканлигини яхши биламиз. Чунки Аллоҳ бизга “иймон инсоннинг соф фитратидандир”, деб хабар берган.

Яқиндан бери европаликлар ҳам бу нарсани эътироф этишмоқда. Машхур француз социологи Эмил Дуркейм²¹нинг илоҳнинг мавжудлигига бўлган иймон очик ҳақиқат эканлигига бағишланган бир китоби бор. Инсон умри давомида бирор марта ҳам бу коинотнинг илоҳи мавжудлиги ҳақида тафаккур қилмай яшаб ўтиши мумкин эмас. Лекин, баъзида инсон ақли камчиликка йўл қўйиб, ҳақиқий маъбудни топа олмайди. Натижада, ундан бошқа нарсаларга ибодат қилади. Бу жонсиз нарсаларни Аллоҳ деб гумон қилади ёки Аллоҳга яқинлаштиради деб ўйлайди.

Вақтлар ўтиб, хатарли пайт келганда ёлғиз Аллоҳга қайтади ва бу маъбудларни ташлаб юборади. Қурайш мушриклари Ҳубал, Лот ва Уззо деб номланувчи тош ва санамларга ибодат қилиб юришар эди. Ҳубал ақиқ²²дан ясалган санамдир. Уни Амр ибн Луҳай бизнинг диёрлардан, Ҳимма²³дан олиб борган. Амр ибн Луҳайга: “Бу буюк ва қодир илоҳдир”, деб айтилган. У бўлса уни туясига ортиб олиб борган. У йўлда йиқилиб, қўли синиб қолган. Кейин унга тиллодан қўл ясаб беришган. Илоҳ бўлсини, қўли синиб қолсин! Шундай бўлишига қарамай унга ибодат қилишар эди!! Унга эмин-эркинлик пайтларда ибодат қилишарди. Денгизга чиқишганда эса, денгиз тўлқинланиб, ғарқ бўлишга яқин келиб қолганда “эй, Ҳубал!”, дейишмас эди, балки, «эй Аллоҳ!”, дейишарди.

Кема ғарқ бўлаётган, ўт кетган, касал кучайган пайтда ёки хатарли ҳолатда худосиз кофирларни ҳам динга қайтиб қолганини кўрасан.

Нима учун? Чунки, иймон табиий ҳиссиётдир. Инсонга энг тўғри таъриф бу – дини бор ҳайвон. Анави моддапараст худосизларга ўлим вақти келганда бир назар солинг. Нима деб ўйлайсиз, Маркс ёки Лениннинг кўзига ўлим кўрингандан кейин ўзи илоҳ санаб юрган воситаларга дуо қилганми ёки Аллоҳга мурожаат қилганми? Аллоҳга дуо қилишларидан олдин ўлмаймиз деб ишонишарди. Ўлим келганда эса уларнинг дуоси фойда бермади. Фиръавнчи? У кибр қилди, зўравонлик қилди. Ҳаттоки, “мен сизларнинг олий роббингизман”, дейишгача борди. Сувга ғарқ бўлишини билгач, “Бани Исроил иймон келтирган Зотга мен ҳам иймон келтирдим”, деди.

Муҳаббат қилувчи кишилар ҳис қиладиган ишқ туйғусида ҳам иймон нафсда бўладиган соф табиат эканлигига далил бор. Муҳаббат иймоннинг кичрайтирилган кўриниши ҳамда ибодат навларидан бир навдир. Французлар динни тарк этишганда ибодат сўзини муҳаббатга нисбатан ишлатганлар²⁴. Биздаги баъзи кимсалар уларга тақлид

²⁰ Бир неча йилдан буён у киши ҳақида лирик қисса пайдо бўлиб келади. Одамлар у қиссани Робиатул Адавийянинг ҳаёти деб гумон қилишади. Аслида улар қисса муаллифининг хаёллари ва бўрттирмалари ҳолос. Тарихда у киши ҳақида ҳақиқий маълумотлар жуда оз.

²¹ Француз социологи Эмил Дуркейм ҳам бир неча йилдан буён инсонларнинг онгини бузиб келаётган Зигмунд Фреуд сингари яхудийдир.

²² минерал тош (тарж.)

²³ Ҳимма – маъданий булоқларга бой шаҳар. Яхудийлар уни олти кунлик урушдан сўнг Суриядан тортиб, босиб олишган.

²⁴ Ибодат калимаси французлар тилида “Адорер” деб юритилади.

хам қилишган. Улар ўз қиссаларида “уни севиб, унга ибодат қилди”, “мен уни ибодат даражасигача севаман” каби ибораларни ишлата бошлашди. Бунинг бирдан-бир сабаби шуки, ибодат илоҳга бўлган эътиқоднинг соф фитратда кўринишидир, чунки муҳаббатда иймонга ўхшашлик бор.

Ошиқ ўз маҳбубига итоат қилади. Унинг ҳар бир истагини бажо келтиради. Мўъмин киши ҳам Аллоҳга нисбатан ана шундайдир. Ошиқ барча одамлар унга ғазаб қилса ҳам парво қилмайди. Унга маҳбубининг розилиги бўлса бўлди. Маҳбуб ғазабидан кўрқади. Ундан содир бўлган ҳар қандай нарсага рози бўлаверади. Мўъмин ҳам Аллоҳга нисбатан ана шундайдир. Муҳаббат, яъни ишқ иймон нафслардаги соф фитрат эканлигига далилдир.

Лафзларнинг торлиги:

Юқоридаги фикрдан Аллоҳнинг муҳаббати маъшукнинг муҳаббати жинсидан деган маъно келиб чиқмайди. Йўқ, бундай эмас. Ошиқ маъшуқига итоат қилади ва ундан кўрқади. Унинг номидан келган барча нарсага рози бўлади. Унинг розилигини одамлар розилигидан устун кўради. Нима учун? Ундан лаззатланиш учун. Уни севади. Нима учун? Нафсининг хоҳиши бўлгани учун. Агар Лайли мохов касалига учраб юзи оқиб тушганидан бурун ва кўзи буришиб кетганида эди, Қайс унга ҳеч қачон яқинлашмаган бўлар эди. Унга мойил бўлиш у ёқда турсин, ундан қочарди, ундан яширинар эди. Мана шу махлук севгиси билан холиқ севгиси ўртасидаги фарқдир.

Улар бир-биридан фарқ қилади. Лекин башарият луғатлари руҳий маъноларни қамраб олишдан ожиз бўлганлиги учун кўпгина маъноларда битта лафз ишлатилади. Биз “фалончи тоғ манзараларини яхши кўради”, “фалончи тарих фанини яхши кўради”, “фалончи ошни яхши кўради”, “ота боласини яхши кўради”, “Мажнун Лайлини яхши кўради”, “мўъмин Аллоҳни яхши кўради” каби ибораларни ишлатамиз. Бу иборалардаги ҳар бир муҳаббат бир-биридан фарқ қилади. Шунга ўхшаш гўзаллик сўзини ҳам бир лафз ила ишлатамиз. Аслида мингта маънога ишора қилади.

Шулардан бири “Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи зотдир” ва “фалончи эшитувчи ва кўрувчидир (яъни, кар ва кўр эмас)” деган ибораларимиздир. Аллоҳнинг эшитиши ва кўриши банданинг эшитиши ва кўришига ҳечам ўхшамайди. Чунки, Аллоҳ махлуқотлардан ҳеч бирига ўхшамайди ва ҳеч бир нарса Аллоҳга ўхшамайди. Бу бобда келадиган Аллоҳнинг сифатлари ҳақидаги барча оятлар “*Унинг мислидек бирор нарса йўқдир*”²⁵ оятига мувофиқдир.

Еттинчи қоида:

Инсон ўзининг ички ҳиссиётлари ила идрок қиладики, бу моддий олам мавжуд нарсаларнинг бари эмас. Бу дунёнинг ортида номаълум руҳий олам бор. У оламга ишора қиладиган баъзи фикрларни идрок қилади. Инсон моддий лаззатларнинг охиригача етишса уларни чегараланган эканлигини кўради. Натижада, бу лаззат лаззат деб ҳисобланмайди, балки, одатга айланиб қолади. Унинг мазаси кетиб, унинг сеҳри йўқолади, одатланиб қолинган гапга айланиб қолади.

Фақир киши олдидан бой одамни машинада ўтиб кетаётганини кўради. Агар шунга ўхшаш машинам бўлса, бутун дунёни қўлга киритган бўлардим, деб ҳисоблайди. Агар у машинага эришса, ундан ҳузурни сезмайдиган бўлиб қолади. Ошиқ ўз маҳбубига етишишни орзу қилиб, кечалари бедор бўлади. Дунёнинг барча роҳати унинг севгисида деб гумон қилади. Барча орзу-умиди унга яқинлашишда бўлади. Ўзи севган кишисига уйланиб, икки йил ўтгандан кейин ҳалиги орзу-умидлари умуман йўқолади. Ҳалиги роҳатланиш ҳам ўлади. У лаззатлардан бирортаси қолмайди, фақатгина унинг ёди қолади холос. Бетоб одам касалланиб оғривса, барча лаззат мана шу оғриқ йўқолиб, касалликдан шифо топишда деб тасаввур қилади. Соғлиғи тиклангандан кейин эса, касаллик кунларини унутади. Сихат-саломатчиликда ҳалиги лаззатларнинг бирортасини ҳам кўрмайди.

²⁵ Зухруф сураси, 11-оят

Ёш йигит шон-шуҳратни орзу қилади. Номлари дунёга таралишини, суратлари газеталарда чоп этилишини истайди. Машҳур бўлиб, номи бутун дунёга таралса, шон-шуҳрат унинг учун одатий ишга айланиб қолади.

Тун қоронғусида ошиқ кўшиқчининг қалбидан чиқаётган чиройли кўшиқ эшитилади. Бу кўшиқни тинглаган одамнинг қалби титраб, руҳ оламига тушиб қолади. Инсон истеъдодли ёзувчининг машҳур қиссасини ўқийди. Ўзини худди сеҳрли оламда юргандек ҳис қилади. Унинг муаттар бўйидан баҳраманд бўлади. Қисса тугагач эса, ўзини мафтункор лаззат оғушида юрганлигини ҳис қилади. Унинг лаззатларидан, мафтункорлигидан кечишни хоҳламайди.

Бир неча лаҳзага нафс мусаффолашиб, мулоҳаза орқали моддийлик юкидан халос бўлади, софлик ва озодлик қанотлари ила юксакка кўтарилади. Оч одамнинг таомга бўлган лаззати, бир-биридан ажраган кимсага висол лаззати, фақир кишининг бойлик ва шон-шуҳратга бўлган лаззати руҳнинг лаззатига ҳечам тенг кела олмайди.

Нафс олий бўлган бу руҳий оламга абадул-абад интилаваради. Бу олам номаълум олам бўлиб, у ҳақида мана шу ўйларнигина била оламиз. Бу оламда яшаб кўрмагунча унинг ҳақиқий лаззатига эришиб бўлмайди. Шундан билиб олса бўладики, моддий олам лаззатлари чегараланган, руҳий олам лаззатлари эса ундан бир неча марта катта ва нафсга таъсири ҳам чуқурроқдир. Инсон (ақлий далил билан эмас, балки нафсий сезги орқали) аниқ ишонадики, бу моддий ҳаёт мавжуд нарсаларнинг бари эмас. Моддийлик оламининг ортида номаълум олам бор ва у руҳлар унга интиладиган, унга учиб боришни хоҳлайдиган ҳақиқий оламдир. Лекин мана бу кўпол жасад у уламдан тўсилгандир. Руҳни бу моддий оламнинг ортига ўтишига тўсқинлик қилади. Мана шу нарса бошқа олам ҳам бор эканлигига нафсий далилдир.

Саккизинчи қоида:

Бошқа ҳаётнинг борлигига бўлган эътиқод Аллоҳнинг бор эканлигига бўлган эътиқоднинг натижасидир. Бунинг баёни шуки, илоҳ фақатгина одил Зот бўлади. Одил зулмга йўл қўймайди. Золимни жазосиз қолдирмайди. Мазлумга ҳаққини олиб бермасдан ташлаб қўймайди. Биз бу дунёда золим ҳолда яшаб, жазоланмасдан яна золим ҳолида ўлиб турган кимсаларни, мазлум ҳолда яшаб, ҳаққи ундирилмасдан яна мазлум ҳолда вафот этаётган кимсаларни кўрамиз. Бунинг нима маъноси бор? Модомики, Аллоҳ мавжуд ва у одил Зот экан, булар қандай ниҳоя топади? Бунинг маъноси шуки, бу оламдан бошқа ҳаёт ҳам бор. Унда яхшилик қилувчи мокофотини олади, ёмон одам жазоланади.

Бу дунё тугагани билан “ривоят” ниҳоя топмайди. Телевизорда бир филм намойиш этилса, кинонинг ўртасида узиб қўйилиб, “кино тугади”, дейилса, томошабинлардан бирортаси унинг тугаганига ишонадими? “Қаҳрамоннинг ҳаёти нима бўлди?”, “қиссанинг якуни қани?”, деб нидо қилишади. Чунки, улар муаллифдан қиссани охирига етказишини интизорлик билан кутишади. Қаҳрамонларнинг ҳисоб-китоб хотимаси бўлишини хоҳлашади. Мана шу муаллиф инсониятдир. Оқил одам ҳаёт қиссаси ўлим билан тугашига қандай қилиб ишонади? Қанақасига? Ҳисоб-китоб хотимаси қилинмади, ривоят охирига етмади-ку? Ана шу ердан ақл аниқ ишонадики, бу коинотнинг роббиси бор ва бу дунёдан кейин охират бор. У мажҳул олам бўлиб, руҳ ёқимли куйда, маҳорат билан ёзилган қиссада унинг нуридан завқ олади, муаттар бўйидан баҳраманд бўлади. У олам Афлотун ҳаёл қилган идеал²⁶ олам эмас, балки Афлотуннинг ҳам Холиқи яратган ҳақиқий охират оламидир. Инсон дунёнинг энг катта лаззати висол лаззати эканлигини яхши билади. Ваҳоланки, у ярим дақиқагина давом этади. Висол лаззати охират лаззатларининг бир ўхшаши холос. Бир лўқма таом ҳам лаззатли. Агар кўнглинг тусаса уни сотиб олиб ейсан ва қорнинг тўяди. Тижорат матоси ҳам лаззатли. Агар рози бўлсанг ундан сотиб оласан. Бу лаззат ярим дақиқагина давом этади. Худди охират олами лаззатларининг кичрайтирилганига ўхшайди. У лаззатлар шундай лаззатки, абадий давом этади. Унинг

²⁶ Идеал олам Афлотуннинг машҳур “идеализм” назариясидир. “Идеал” сўзи шундан олинган.

етиб борадиган чегараси йўқ. У доимо лаззатлигича боқий қолади. Дунёдаги лаззатлар одатларга айланиб қолгани каби одатга айланиб қолмайди.



АЛЛОҲГА БЎЛГАН ИЙМОН

Аллоҳга бўлган иймон тўртта масалани ўз ичига олади. Булар: Аллоҳ таоло яратилмаган мавжуд, У бутун оламлар Роббиси, коинотни Ўзи тасарруф этувчи подшоҳ, ибодатга лойиқ ягона Илоҳ бўлиб, ундан бошқага ибодат қилинмайди.

Аллоҳнинг мавжудлиги:

Олтинчи қоидада айтдикки, Аллоҳнинг борлигига бўлган эътиқод ақлий далилсиз ҳам нафсий сезги орқали идрок қилинадиган очиқ ҳақиқатлардандир. Бунга далилнинг ҳожати йўқ. Агар далил ахтараман деса, ҳар бир нарсада далил бор. Мен бу далилларни келтириб ўтирмақчи эмасман, чунки уларни санаб санаёғига етиб бўлмайди. Дамашқлик олим Шайх Жамолиддин Қосимий ўзининг “далаил ат-тавҳид” китобида бунақанги далилларнинг кўпдан-кўпини айтиб ўтган. У китобнинг ёзилганига ярим асрдан ошди. Бугунги кунда замонавий илм эллик йил аввал маълум бўлмаган яна бир қанча далилларни кашф қилди. Ўттиз нафар етук физик ва астрономик олимлар томонидан ёзилган “Аллоҳу ятажалла фи ʼасрил илм” (Аллоҳ илм асрида тажалли қилади) номли китобни ва шунга ўхшаш “Ал-илму ядъу лил ийман” (Илм иймонга чақиради) номли китобни ўқиб чиққан одам уларда шундай сатрларга гувоҳ бўлади: “Ҳақиқий олим ҳам, оми одам ҳам фақатгина мўъмин бўлади. Худосизлик ва куфр озгинагина таълим олган уламоларнинг ярми, балки тўртдан биридагина намоён бўлади. Улар мўъминлик фитратини йўқотишган, иймонга чақирувчи илмга етиша олишмаган. Натижада, куфрга тушиб қолишган”.

Бу икки китобда бир неча мақолалар бўлиб, улар юқоридаги уламоларнинг тафаккур мевасидир. Улардан бири Френк Алан юнон файласуфларининг даъволарини пучга чиқариб, оламнинг қадимлиги маҳол (мумкин бўлмаган) иш эканлигини исботлади. Бугунги кунда илму-фан ҳар бир нарсанинг умри бўлишини, яъни унинг қадим эканлигини рад қилувчи ибтидоси борлигини кашф қилди. Френк Аланнинг ўзи биология фанининг буюк олимларидан биридир. Радарни кашф қилган Роберт Моррис Пейж, кимё фани олимларидан Жон Кливленд Каузрон ва физик олим Жон Герберт Блонд каби олимларнинг ҳам мақолалари мавжуд. Мен сизлардан бу икки китобни ва шунга ўхшаш китобларни ўқиб чиқишларингни умид қиламан. Бунга ўхшаган китоблар кўпдир.

Мен Аллоҳнинг мавжудлигига қадимий далилларни, яъни, калом илми олимларининг далилларини ҳам, юқоридаги олимлар келтирган замонавий далилларни ҳам яна қайтадан келтириб ўтирмақчи эмасман. Балки, куръоний далиллардан биргинасига ишора қилмоқчиман. Куръон далиллари аниқ, тушунарли, ҳал қилувчи, қисқа ибораларда улкан ҳужжатни келтирувчи далиллардир. Уларни оми одам ҳам тушунади. Олим унинг маъзини чақиб қалбини иймон билан тўлдиради. Бу далилларнинг ажабланарлиги, қуввати, дақиқлиги ва аниқлиги олдида оми ҳам, олим ҳам “тўғри!”, дейишдан бошқа нарсага ярамайди.

Аллоҳ Куръонда биргина калима ила далил ўзимизнинг “ичимизда” эканлигига эътиборимизни қаратади. Аллоҳ таоло айтадики:

وَفِي أَنْفُسِكُمْ أَفَلَا تُبْصِرُونَ ﴿٦٧﴾

“Ўзларингизда ҳам (аломатлар бор). Ахир, кўрмайсизларми”²⁷?! ”

Биз қалбимизнинг тўридан Аллоҳнинг мавжуд эканлигини ҳис қиламиз. Оғир ва аламли кунларимизда ичимиздаги мўъминлик фитрати ҳамда диний ҳиссимиз ила унга илтижо қиламиз. Унинг борлигига ўз ичимизда ҳам, атрофимизни ўраб турган оламда ҳам

²⁷ Зориёт сураси, 21-оят

далиллар кўрамиз. Ботиний ақл унинг мавжудлигига ички ҳиссиётлар орқали, фикрловчи ақл эса унинг мавжудлигига далил орқали иймон келтиради.

Аллоҳни инкор қилувчи қандай қилиб уни инкор қилсин, ваҳоланки унинг ўзи Аллоҳнинг мавжудлигига далилду. У бамисоли қўлида бир буюмни кўтариб юрибди-ю, яна уни олмаганини, ҳатто ушламаганини даъво қилмоқда. Кўйлагидан сув томиб турибди-ю, ўзи сувга яқинлашмаганини даъво қилмоқда. Мана шу аниқ ҳақиқатдир, лекин нима учун аксарият одамларнинг бунга беътибор бўлаётганликларини кўрамиз?!

Жавоб шуки, улар ҳатто ўзлари ҳақларида ҳам фикр юритмайдилар.

ذُئِرُوا لِلَّهِ فَأَنزَلْنَاهُمْ أَنفُسَهُمْ

...Улар Аллоҳни унутиб қўйганлар, бас, (шундан кейин Аллоҳ) уларга ўзларини ҳам унутдириб қўйган....²⁸

Улар бу ҳақида тафаккур қилишдан қочишади, ўзлари нафси ила ёлғиз қолиб фикр юритишдан қочишади. Шунинг учун бу нарса ўрнига бекорчи гап, зерикарли китоб ёки бирорта бошқа иш билан машғул бўлади. Умрини шу нарса билан ўтказди. Нафси унга худди душмандек, у билан ёлғиз қолишни ёмон кўради, ундан нафратланади. Унинг умри бамисоли гарданига юкланган сармоядек, қутулиш мақсадида уни ташлаб юборади.

Бир назар сол! Аксарият одамлар фақатгина ейди, ичади, ухлайди, уйғонади, лаззатга доимо интилади, аламдан узоқда бўлишни хоҳлайди. Ўзларига ҳам, аҳлу-оилаларига ҳам, суюкли кишиларига ҳам дунёда фақат яхшиликни хоҳлашади. Улардан бирига разм солайлик. Эрталаб туради. Бет қўлини ювади. Кийимларини кўркам қилиб кияди. Нонуштасини қилиб, ишига йўл олади. Мол-дунё тўплаш, даромадни кўпайтириш учун ишлайди. Кейин уйига қайтади. Таомини еб, бир оз дам олади. Сўнгра ишга қайтади ёки бирор кўнгилхуши жойга йўл олади. Вақтини шундай қилиб зоеъ қилади, умрини қискартиради. Қорни очса таомланади, уйқуси келса ухлайди. Кейин янги кунни кутиб олади. Кечаги кунлик режа яна қайталанади. Ўткан даврини эслайди. Ўткан даврида бу дунёда яшаганини ҳис қилдирган кунлар бор холос. Келажак ҳақида фикр юритади. Келажакда ҳам бу дунёда яшаганини ҳис қилдирадиган кунлар бор холос.

Мусулмончи, ҳаётда ейиш, ичиш, ишлаш ва кўнгилхуши қилиш билан кифояланиб қолмайди. Балки ўзидан сўрайди, “Мен қаердан келдим?”, “Қаерга кетяпман?”, “Аввалим нима эди-ю, охири нима бўлади?”. Кейин шуни мушоҳада қиладики, унинг ҳаёти туғилиш билан бошланмаган ва ўлиш билан ҳам тугамайди. Туғилишидан аввал у онасининг қорнида эди. Ҳомила бўлишидан аввал отасининг белидаги мурғак уруғ эди. Ундан ҳам аввал мана шу отанинг томирларида оқаётган қон эди. Бу қон таом орқали ҳосил бўлган. Бу таом эса ерда ўсадиган ўсимлик ёки ана шундай ўсимликни еган ҳайвоннинг гўшти эди. Демак, туғилишдан аввал ҳеч ким билмайдиган нарса бўлган. Туғилишдан илгари узун силсила ўтган. Биз бу силсиланинг жуда ҳам кам қисмини била оламиз. Қолган қисмини англашдан ожизмиз. Инсон қандай қилиб ақл ва иродаси ила ўз-ўзини яратиши мумкин, ҳолбуки унинг ақли ва иродаси йўқ вақтида ҳам ўзи мавжуд эдику?

Бирортамиз ўзининг тўрт ёшидан аввалги даврини эслолмайди. Қандай қилиб туғилганини эса мутлоқ хотирлай олмайди. Қани, ким ўз туғилишини эслай олади? Ким онасининг қорнидалиқ вақтини эслай олади? Агар инсон ўзининг борлигини англашидан олдин ҳам мавжуд бўлган бўлса, у ўзини-ўзи яратган дейиш мумкинми?

Анави динсиз, кофирни кўриб қолсанг, “сен ақл ва ироданг ила ўзингни ўзинг яратганмисан? Онангнинг қорнига ўзингни ўзинг киритганмисан? Она бўлишлиги учун мана шу аёлни ихтиёр қилган ҳам ўзингми? Бу қориндан чиқариш учун дояни олиб келган ҳам сенми?”, деб сўраб кўрчи. Агар йўқ дейдиган бўлса, у йўқликдан ҳеч қандай яратувчисиз пайдо бўлган эканда?! Бу маҳол ишқу!

²⁸ Ҳашр сураси, 19-оят

Сен пайдо бўлишингдан аввал ҳам мавжуд бўлган мана бу мавжудотларни ким яратган унда? Тоғларни, денгизларни, кўёшни, юлдузларни?

Декарт ўзининг машхур шак мазҳаби²⁹ни тажриба қилганида, барча нарсада шак-шубҳа қилиб кўрган. Охири ўзига етиб келган. Кейин ўзи ҳақида шак қила олмаган. Чунки, шак қилишда шак қилувчи бўлиши керак. Шак қилинадиган нарса ҳам ўзи. Шунинг учун, ўзининг машхур “мен мавжуд бўла туриб, тафаккур қиламан”, деган гапини айтган. Мавжудлигида ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Хўш, ким вужудга келтирган? Мана бу моддий коинотми? У ақли йўқ, жонсиз нарса бўлса. Унинг эса ақли бор. Ўзида ақл йўқ бўлган нарса, бошқага ақл неъматини бера оладими? Ўзида йўқ нарсани, бировга бериш мумкинми?

Пайғамбарлар отаси Иброҳим алайҳиссалом ҳам мана шундай ҳолатга тушганлар. Оталари тошни йўниб санамлар ясовчи, тошдан сурат ҳосил қилувчи ҳайкалтарош эдилар. Оталари ва унинг қавми бу нарсаларни илоҳлар деб сиғинишарди. Ўзи инсон қўли билан ясалган тош бўлса, қандай қилиб яна унга ибодат қилинади. Ўз кўлим билан ясалган “илоҳдан”, қандай қилиб ўзим хоҳлаган нарсани менга ато қилишини сўраб, ибодат қиламан. Бу ақл қабул қилмайдиган ишқу. Ундай бўлса ҳақ илоҳ қаерда?

Шундай ўйлар билан юрган чоғларида тун кириб, юлдузлар порлаб чиқа бошлади. Юксакда, порлаб, чарақлаб турибди. Ҳайкаллар ясаладиган тош сингари ердан чиққани йўқ. Инсон қўли билан яратиб, сўнгра унга ибодат қилинадиган эмас. Шунда ўзлари кидирган илоҳни топдим, деб гумон қилдилар. Кейин ой чиқиб, юлдузлар ўз-ўзидан кўздан ғойиб бўлди. Қарасалар ой каттароқ ва ёруғроқ. Ҳа, мана шу ой илоҳ бўлса керак, деб ўйладилар. Кеча ўтиб, тонг кира бошлаганда осмонда кўёш пайдо бўлди. У ой шуъласини бутунлай ўчириб қўйди. Нури бутун ер юзига сочилди. “Бўлди, мана шу илоҳ экан”, дедилар. Аммо кўёш ҳам, кеч киргандан сўнг кўздан ғойиб бўлди. Бу ўткинчи нарса қанақасига илоҳ бўлсин?! Ўз мулкига эгалик қила олмай, ундан четда қолса. Йўқ, кўёш ҳам илоҳ эмас. Мана бу мавжудотлар ҳам илоҳ эмас. Ўзим ҳам илоҳ эмасман. Мен ўзимни ўзим яратмаганман. Бошқа нарсадан ҳам пайдо бўлиб қолмаганман. Унда фақатгина битта эҳтимол қолади. Мана шу энг тўғри эҳтимол, ундан бошқаси ботилдир, яъни, мана бу жамодотларнинг ортида бир илоҳ бор. У қудратли ва буюқдир. Жамодот оламини ҳам, мени ҳам, барча-барча нарсани вужудга келтирган ҳам унинг ўзидир.

Мана шу далил Қуръонда биргина жумлада акс этган. Бу раббоний мўжизалардан биридир. Ақлга бўйсуниб, тафаккурни ёқловчи динсизларга қақшатқич зарбадир. Аллоҳ таоло айтади:

أَمْ خُلِقُوا مِنْ غَيْرِ شَيْءٍ أَمْ هُمُ الْخَالِقُونَ

Ёки улар ҳеч нарсадан (яъни, Яратувчисиз) яралиб қолганмилар?! Ёки улар ўзлари яратувчимилар³⁰

Динсиз кофирларнинг эси пастрлари, яъни таълим олувчиларнинг тўртдан бири, айтадиларки: “табиат инсонни яратган”, “Табиат инсонга ақл берган”. Биз ёшлик чоғларимизда баъзи ўқитувчилар ҳам шундай гапларни гапиришар эди. Ўшанда биринчи жаҳон уруши ва ундан кейинги пайтлар эди. Аввалига Истанбулда, кейинчалик Парижда “янги маданият” таъмидан баҳра олган муаллимлар шу гапларни айтиш орқали ўзларини мунавварлардан деб ҳисоблашар эди. Ўша пайтда “мунаввар” сўзи гўёки ҳозирги пайтдаги “илғор маданият соҳиблари” иборасининг маъносида эди. Ҳар бир замонда бизнинг устимиздан кулиб келган иборалар бўлган, худди Америкада қизил танли ҳиндуларнинг бўйнидаги маржону, эғнидаги ранг-баранг уст бошидан кулишгани каби.

²⁹ Декарнинг шак назарияси янгилик эмас. Ундан олдин ҳам бу мавзуда сўз юритилган. Ҳаззолийнинг “Залолатдан қутқарувчи” номли китобига мурожаат қилинг.

³⁰ Тур сураси, 35-оят

Биз “Аллоху Акбар” дедик ва “табиат ўзи нима?”, деб сўрадик. Луғатда табиат сўзи “фаъийла” вазнида бўлиб, у “мафъула” вазнидаги сўз маъносидадир. Ҳўп, агар “матбуъа” – “яратилган” бўлса, ким уни “табаъа” қилган – “яратган”?

Айтишадики, табиат тасодиф орқали пайдо бўлган. Бу эҳтимоллар қонунидир.

Биз “бу гап билан нима деяётганларингизни биласизми?”, деб сўрадик.

Бу гапларингизни мисоли худди шунга ўхшайди: Икки киши саҳрода адашиб қолди. Кейин бир каттакон, ҳашаматли қаср олдидан ўтиб қолишди. Деворлари нақшлар билан безалган. Қалин гиламлар тўшалган. Катта соатлар осилган, бойликлар тўпланган. Ҳалигилардан бири “бу қасрни кимдир қурган”, деса, иккинчиси бунинг гапини рад қилиб: “Бекорчи гапни айтибсан, буларнинг ҳаммаси табиатнинг иши”, дейди.

- Қанақасига табиатнинг иши бўлсин?
- Бу ерда битта тош бўлган. Кейин сел келиб, қаттиқ шамол турган. Шу каби атмосфера ҳодисалари орқали бу асрлар оша, тасодиф туфайли мана бу деворлар пайдо бўлган.
- Гиламларчи?
- Қўйларнинг жуни учиб келиб бирлашган. Унга рангли маъданлар келиб қўшилиб, ранг ҳосил қилган. Барчаси бир-бирига бирикиб гилам пайдо бўлган.
- Ҳўп, соатларчи?
- Атмосфера ҳодисаси натижасида темир ейилган. Четлари кесилиб юмалоқ шаклга кирган. Асрлар оша мана шундай суратга келган.

Мана шу одам жинни экан демайсизми? Сен кўз билан кўра олмайдиган, кимёвий тажрибалар орқали, микроскоп ёрдамида маълум қисминигина кўра оладиган жигар хужайраларининг яратилиши ҳам тасодифми? Мана шу хужайра қондаги ортиқча шакарни глюкоинга айлантириб беради. Ундан фойдаланиб олганимиздан сўнг яна глюкоза ҳолатига қайтаради. Сафрони тозалаб, қондаги холестеринни мўтадил ҳолда ушлаб туради. Сўнгра маълум амални бажаргандан сўнг, қизил қон таначаларини (эритроцитларни) ишлаб чиқаради.

Тилда тўққиз мингта кичкинагина бўғим (тугунак) бўлиб, барчаси таъм билиш учун хизмат қилади. Ҳар бир қулоқда эшитиш учун хизмат қиладиган юз минглаб хужайра бор. Ҳар бир кўзда бир юз ўттиз миллион хужайра бўлиб, бу хужайраларнинг ҳар бири нурни қабул қилиш учун хизмат қилади. Мана шуларни тасодифан содир бўлган дейиш мумкинми? Ер ва ундаги мўжизаи асрорлар, уни камраб турган ҳаво, кўз билан кўриб бўмайдиган ашёлар, осмондан ёғаётган қорнинг шакли шу қадар дақиқлик билан яратилганки, ундаги мўжиза ва гўзалликларни илм-фан ривожланиши туфайли яқиндагина билиб олдик. Мана шуларнинг барчаси тасодиф орқали пайдо бўлганми?!

Мана бу ер ва ундаги маъданларга, ундаги сиру-асрорларга, турли хил ҳайвон ва ўсимликларга, ундаги кенг саҳроларга, улкан денгизларга, мустаҳкам тоғларга ва чуқур водийларга бир нигоҳ ташла. Сўнгра бу нарсаларни кўзингизга ўта кичкина кўринадиган қуёш билан солиштириб кўр. Қуёш ердан миллион маротаба катта. Худди битта юлдузга барча юлдузларга нисбати ёки катта саҳродаги битта кум заррачасини мана шу саҳрога нисбатига ўхшаш.

Қуёш биздан юз миллион километрдан ҳам узоқроқдир. Агар биз уни ёруғлик тезлиги билан ўлчайдиган бўлсак (ёруғлик тезлиги бир сонияда уч юз минг километрга тенг), саккиз дақиқагача вақт кетади. Бизгача нури миллион ёруғлик йилида етиб келадиган юлдуздан кейин нима бўлиши мумкин?! Бир ёруғлик йили ўн триллион километрга тенг³¹. Миллион ёруғлик йилида қанча километр бўлади?

Бу юлдузлар ичида Сомон йўлининг шундай юлдузлари борки, фалаккиёт илми уларнинг ёруғ бўлакчалар эканлигидан бошқа нарсани билмайди. Яна шундай юлдузлар ҳам борки, улар ҳақида Аллоҳдан бўлак бирор кимса ҳеч нарсани билмайди. Улар шу

³¹ Ойгача етиб борган Аполлон-9 космик кемаси, етиб бориш ва қайтиш учун тўрт юз минг километр йўл бошган. Бу дегани бир ёруғлик йилининг учдан иккиси холос.

қадар катта тезлик билан ҳаракатланадики, рақамлар уларни ифодалашдан ожиз қолади. Хўш қандай қилиб улар бир-бири билан тўқнашиб кетмайди?

Мен бир астроном олимнинг китобида ўқигандим, ана шу юлдузларнинг бир-бири билан тўқнашиб кетиш эҳтимоли ер юзига олтига асаларини қўйиб юборганда, уларнинг бир-бири билан тўқнашиб кетиш эҳтимоли каби экан. Ер фазосининг олтига асаларига нисбати, бутун коинотнинг мана шу сон-саноксиз юлдузларга нисбати билан бир хил экан.

Бу фазонинг ҳаммаси дунё осмони деб аталувчи улкан шарнинг ўртасидир. Ҳақиқий курра эса ҳаво ёки фазо эмас, замонавий муфассирлар тасаввур қилганидек юлдузлар майдони ҳам эмас, балки у бу фазо ва ундаги нарсаларни ўраб турувчи куррадир. У очилувчи ва ёпилувчи эшиклари бор бўлган, ҳимояланган куррадир. Аллоҳ таоло уни бу фазо учун “сақланиб турувчи том”³² қилиб қўйган. Бу юлдузларни эса унда худди шифтни зийнатлаб турадиган чироқлардек қилиб қўйган. Унинг устида том бор, ундан кейин эса яна фазо³³. Аллоҳ билади унинг кенглиги қанча экан. Эҳтимол мана шу фазонинг кенглигичадир, балки ундан каттадир. Ана шу фазонинг устидан ундан катта ва кенгроқ бўлган бошқа курра қамраб туради. Сўнгра учинчи фазо, сўнг учинчи курра. Сўнгра тўртинчи фазо, сўнг тўртинчи курра. Сўнгра бешинчи фазо, сўнг бешинчи курра. Сўнгра олтинчи фазо, сўнг олтинчи курра. Сўнгра еттинчи фазо, сўнг еттинчи курра. Ундан кейин катталиги ва буюклиги тасаввурга сиғмайдиган жисмлар келади. Булар арш, курси ва Аллоҳ хабар берган ўша оламдаги бошқа нарсалар.

Энг ажабланарлиси, Аллоҳнинг борлигига бўлган далилларнинг энг кўзга кўринарлиси шуки, бу фазо ва ундаги барча нарсаларнинг кичрайтирилган сурати инсон ақли нозиклиги ва кичиклигини идрок қила олмайдиган атомда ҳам бор.

Атом ҳаттоки электрон микроскоп ёрдамида ҳам кўринмайди. Атомни аввалги олимлар ва файласуфлар ёлғиз жавҳар (бўлакка бўлинмайдиган бўлак) деб номлашган. Олимларнинг айтишича, атомнинг қирқ миллионтасини ёнма-ён тизиб чиқсак, узунлиги бир сантиметр бўлар экан. Ана шу атомнинг маркази фазо бўлиб, унда ядро бор. Унинг атрофида майдай жисмлар³⁴ айланади, худди фазодаги юлдузларнинг айланишига ўхшаб. Ядронинг атомга бўлган нисбати худди буғдой донининг катта қасрга нисбати каbidир. Битта ядронинг оғирлиги атрофида айланаётган электронларнинг 1800 тасининг вазнидан ҳам оғирроқ. Мана шуларнинг ҳаммаси тасодифми?³⁵

Аллоҳ оламларнинг роббисидир.

Бу иккинчи масала, Аллоҳга бўлган иймон масалаларидан биридир. Бу: оламларнинг ҳаммасини, ҳайвонот оламини ҳам, наботот оламини ҳам, фалаккиёт оламини ҳам, бизга кўришиб турган оламларни ҳам, кўз билан кўриб бўлмайдиган оламларни ҳам ёлғиз Аллоҳ йўқдан бор этган. Бу оламларга ана шундай ажойиб қонуниятларни киритиб қўйган ҳам Аллоҳ таолонинг ёлғиз ўзи. Кимё, физика, тиббиёт ва астрономия фанлари ҳозиргача бу қонуниятларнинг жуда ҳам озгина қисминигина кашф қила олди. Бу оламларнинг нозиклиги ва буюклигини, ҳар бир дарахтда қанча барг борлигини, ҳар бир баргнинг шаклини, ҳолатини, дунёда қанча микроб борлигини, унинг узунлиги ва кенглигини, унинг таркибий қисмларини, ҳар бир атомда қўзғалмас ва ҳаракатланувчи электронларни, уларнинг миқдорини, ҳар бирининг атрофида айланаётган анодларни билиб турувчи ҳам ёлғиз Аллоҳдир. Буларнинг бари унинг ҳузурида китобга ёзиб қўйилгандир.

³² Анбиё сураси, 32-оят.

³³ Осмон ҳақида Қуръондан тушунган нарсаларим ҳамда олимлар кашф қилган Аллоҳнинг қонуниятларидан билганларим мана шу. Бундан бошқа китобимда бу ҳақида батасил тўхталиб ўтганман.

³⁴ Булар электронлар деб номланади.

³⁵ Китобнинг муқаддимасида айтганимдек, бу жузни мен ўз китобларимдан йироқда ёзганман. Шунинг учун, мисолларни ҳаёлимга келганини ёздим. Агар бирор киши бундан нозик мисолларни ўқишни истаса “Ат-тиббу миҳроб лил-ийман” китобидан топади. Ўша китобда жуда яхши берилган.

Бу барча оламларнинг роббиси Аллохдир. У уларни яратган, У уларни муҳофаза қилади, У бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўзгартиради, У ҳар бир заррада оқил одам учун ибрат қилиб қўйган.

Мана шу Аллохга бўлган иймон масалаларининг иккинчи масаласи ҳамда энг зарурий масаладир. Лекин, инсон мўъмин бўлиши учун ана шу иймоннинг ўзи кифоями?

Сенинг ҳузурингга бир киши келса, у Аллохнинг холиқлига иқроф бўлса, Унинг робб эканлигини тан олса, мана шунинг ўзи билан уни мўъминлардан деб эътиборга олса бўладими?

Йўқ. Бунинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки аксарият қадимги халқлар мана шуларга иқроф бўлишар эди. Қурайш кофирларига Муҳаммад (с.а.в.) уларнинг ширкларини инкор қилиш, ақидаларини тўғрилаш ҳамда улар билан жанг қилишга буюрилган эдилар. Қурайш кофирлари ҳам агар юқоридаги иккита масала ҳақида сўралганда, эътироф қилишар эди, ҳеч инкор қилишмасди.

Ҳатто, махлуқотларнинг энг ёмони бўлмиш иблис ҳам Аллохнинг робб эканлигини инкор қилмаган. Унинг мана бу гапига эътибор қаратинг:

قَالَ رَبِّ بِمَا أَغْوَيْتَنِي

*(Иблис) айтди: "Эй, Раббим, қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли..."*³⁶

قَالَ رَبِّ فَأَنْظِرْنِي إِلَى يَوْمِ يُبْعَثُونَ

*(У деди: "Эй, Раббим, у ҳолда менга (улар) қайта тириладиган кунгача муҳлат бергин".*³⁷

Мана шу унинг Аллох робби эканлигига иқроф бўлганидир.

Аллох коинотнинг подшоҳидир.

Учинчи масала: Аллох коинотнинг подшоҳидир. Хур одам ўзининг мулкани қандай тасарруф қилса, У ҳам коинотни шундай тасарруф қилади. Тирилтиради ва ўлдиради. Сен ўзингдан ўлимни даф қилиб, дунёда ўзингга боқийликни ато қила оласанми? У касал қилади ва шифо беради. Агар Аллох шифо бермаса, сен ўзингга шифо бера оласанми? Мол-дунё ато қилади ҳамда камбағаллик билан ҳам синайди. Баъзида сел юборади, баъзида қурғоқчиликка дучор қилади. Ўтган йили Италиянинг шимолида сув тошқини бўлиб, бутун шаҳарни сув олиб кетган, иморатларни вайрон қилган эди, худди ана шу пайтда Ҳиндистонда қурғоқчилик ҳукм суларди. Экин-тикин қуриган, жониворлар ҳалок бўлган, сув одамларга талонларга қараб бериларди.

Анавиларга шикоят қиладиган даражада кўп сув юборган ва мана буларни эса сувга зор қилиб қўйган ким?!

Мана бу ўғил ва қизларни ким беради? Ким одамларни бепушт қилиб қўяди? Бирортага қиз берилган бўлса, уни ўғилга айлантириб ола оладими? Бепушт одамга биров фарзанд ато эта оладими?

У баъзи одамларни гўдаклик чоғидаёқ вафот эттиради, баъзиларини қари чол бўлгунча умрини узайтириб қўяди. Баъзи шаҳарларга совуқ музликни жўнатса, баъзи

³⁶ Ҳижр сураси, 39-оят.

³⁷ Ҳижр сураси, 36-оят.

шаҳарларга жазирама саратон юборади. Баъзи шаҳарларни зилзилага дучор қилади. Кўз билан кўришиб турган ишлар, лекин уларни даф қилиш инсоннинг қўлида эмас.

Ибодатга сазовор илоҳдир.

Шунинг учун ҳам аксарият одамлар барча мулк Унинг қўлида эканлигига, коинотни Ўзи тасарруф қилишига иқрор бўлишади. Лекин, шунинг ўзи мўъмин бўлишга кифоя қиладими?

Йўқ... Бу билан бирга тўртинчи масала ҳам бўлиши керак. Бу шундан иборатки, У ибодатга сазовор ягона илоҳдир.

Агар Аллоҳнинг мавжудлигини, Унинг оламлар робби эканлигини, барча мулк Унинг қўлида эканлигини эътироф этсанг, Ундан бошқага ибодат қилмайсан, ундан бошқа бирор нарсани ибодатга лойиқ деб қабул қилмайсан. Аллоҳ таоло менга “наас” сурасида бунинг маъносини кўрсатган. Бу сурада Аллоҳнинг мавжудлигини, робблигини, подшоҳлигини тан олиб, унинг илоҳликка ягона зот эканлигини инкор қилувчиларга раддия бордир. Бу маънони бирорта муфассирнинг тафсирида учратмадим. Аллоҳдан буни тўғри бўлишини умид қиламан:

Аллоҳ азза ва жалла айтадики:

قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ ۝ مَلِكِ النَّاسِ ۝ إِلَهِ النَّاسِ ۝

(Эй, Муҳаммад,) айтинг: "Паноҳ тилаб илтижо қилурман одамлар Парвардигорига, одамлар Подшоҳига, одамлар Илоҳига"³⁸

Нима сабабли одамлар лафзини такрор келтирган? Нима сабабли изморнинг ўрнига изхорни қасд қилди, мисол учун “Одамларнинг роббиси, уларнинг подшоҳи, уларнинг илоҳи”, деб айтмади?!

Менга маълум бўлишича, роббимиз худдики, уларга шундай демоқчи (валлоҳу аълам): “мана учта масала. Бир-бирига ўхшаш, бир-бирини тўлдирувчи. Ҳар бир масала ўзи мустақил, шу билан бир қаторда ёнидаги билан узвий боғлиқ”. У “одамларнинг робби”, яъни, уларнинг яратувчи ва муҳофаза қилувчисидир. У “одамларнинг подшоҳи”, яъни, улани тасарруф қилувчи эгаси. У “одамларнинг илоҳи”, яъни, уларнинг ибодатига ҳақдор бўлган ягона зот. Бунда унга шерик бўлиши мумкин эмас. Бундан келиб чиқадики, ё ҳар уч масалани тасдиқ қиласиз, ёки ҳар уч масалани инкор қиласиз. Биринчи ва иккинчисини тасдиқ қилиб, учинчисини инкор қилсангиз аҳволингиз қандай бўлади?! Қандай қилиб учта бир-бирига боғлиқ масалаларни бир-биридан ажрата оласиз?! Баъзисини қабул қилиб, баъзисидан бош тортасиз?! Ҳар учаласи собитликда бир хилдир. Ҳукмда улар орасини ажратишга имкон йўқ.

ИЛОҲЛИКНИНГ ЯГОНАЛИГИ

Аллоҳнинг оламларнинг роббиси эканлиги, унинг коинотнинг подшоҳи эканлигига бўлган иймон қалб амалларидандир. Инсон эътиқод қиладиган ақида шудир. Лекин унинг илоҳ эканлигига иймон инсоннинг эътиқодига путур етказмай, балки уни чиройли хулқ ва амалга, ибодат қилишга, Аллоҳни бу ибодатга ягона деб билишга ундайди. Агар унинг ибодатидан бош тортса ёки у билан бирга бошқа бировга ҳам ибодат қилса, унинг мўъминлиги қолмайди. Агар Аллоҳнинг оламларнинг роббиси эканлиги, барча мулк Унинг қўлида эканлигини тасдиқлаб эътиқод қилса, қандай қилиб ибодат қилади. Ибодат

³⁸ Нас сураси, 1-3-оятлар.

ўзи нима? Каллага келадиган биринчи фикр шуки, ибодат бу зикр, намоз, рўза, Қуръон тиловати ва шунга ўхшаш Аллоҳга қурбат ҳосил қиладиган амаллардир. Тўғри, бу ҳақиқат. Лекин ибодат мана шунинг ўзи билан чегараланиб қолмайди, балки шарийъат ман қилмаган ҳар бир фойдали иш, агар мўъмин одам Аллоҳдан савоб умидида қиладиган бўлса ибодат бўлаверади.

Тоат учун куч тўплаш мақсадида таом еса, ана шу таомланиши ҳам ибодат. Ўзини ва аҳли оиласини ифқатини сақлаш учун турмуш қуради, унинг шу никоҳи ҳам ибодат. Шу мақсадда мол-дунё орттириши ибодат, аҳли-оиласига қилган нафақаси ибодат, илм олиши, диплом олиши ибодат, уй ишларини аёли билан бирга қилиши ибодат, эрининг хизматини қилиш ибодат, болаларининг тарбияси ибодат. Хуллас, ҳар бир мувоҳ амал, агар унинг қилувчиси Аллоҳнинг розилигини истаб қиладиган бўлса ибодат бўлади. Ибодатнинг маъноси жуда кенг бўлиб, ҳаттоки инсоннинг ҳар бир фойдали амалини ўз ичига олади. Эҳтимол, Аллоҳ таолонинг мана бу оятида ҳам шу маъно қасд қилингандир:

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ ﴿٥١﴾

*Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим*³⁹

Ибодат руҳи:

Ибодатнинг руҳи ва жасади бўлади. Унинг руҳи ибодатга ундаган эътиқод ва амал қилишга сабаб бўлган нарсалардир. Жасади эса тана аъзоларининг амалидир, яъни тил лафзи ва жисм ҳаракатидир. Масалан, намоз ҳаракатлар ва лафзлардан иборат. Ўтириб-туриш, рукуъ, сажда, тиловат, зикр, тасбеҳ ва ҳоказо. Лекин мана шуларнинг ҳаммаси намознинг жасади. Агар намоз ўқишга бўлган ҳақиқий тавҳид ва соғлом эътиқод бўлмайдиган бўлса ҳамда ундан кўзланган мақсад Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, унинг ризосини талаб қилиш бўлмайдиган бўлса, бу намоз руҳи йўқ, ўлик жасаднинг ўзгинасидир.

Илоҳликнинг ягоналигидаги асос:

Аллоҳнинг ягоналигига эътиқод қилишимиздаги асос шуки, наф ва зарарни берувчи унинг Ўзидир. Шу ерда озгина тушунча бериш керак. Аллоҳ ҳар бир нарсанинг яратувчиси, оламларни У яратган, унда турли нарсаларни ёйиб ташлаган. Бизга ақл неъматини бериб, шундай деган: “Мен яратган мана шу нарсалар ҳақида ўз ақллари билан фикр юритинглар!”. Аллоҳ бу нарсаларнинг баъзисини баъзиси устидан султон қилиб қўйган. Оловга қуруқ ўтин тушса уни ёндириб юборади. Сув агар оловга қуйилса уни ўчириб қўяди. Чивин агар инсонни чақиб олса, сўзак касалига мубтало қилади. Дарахт пўстлоғидаги модда агар касал танасига кирса, сўзак касалидан шифо топади.

Аллоҳ бу нарсалар ўртасида боғланишлар ҳам қилиб қўйган. Уларнинг қўшилишини аниқ ўлчов билан ўлчаб қўйган. Уларнинг бирикишини муайян нисбатда қилиб қўйган. Уларнинг аралашини натижасида янги нарсалар пайдо бўлади. Масалан, хлор зарарли модда, сода ҳам зарарли модда. Бу икковининг бирикиши натижасида инсон учун зарурий бўлган фойдали модда, яъни ош тузи ҳосил бўлади.

Биламизки, барча боғланиш ва алоқалар, собит қоидаларга, муайян услубларга бўйсунди. Улар ҳеч қачон ўзгармайди. Бу Аллоҳнинг коинотдаги қонуниятидир. Биз эса бунини “табиат қонунлари” деб номлашга ўрганиб қолганмиз.

Биз табиат қонунлари деб номлайдиган нарсалар ўртасидаги бу боғланишлар фақатгина олов билан уни ёндирадиган ўтин орасида ёки ўт билан уни ўчирадиган сув орасида эмас, балки булар энг оддий кўзга кўриниб турган мисоллар холос. Аслида Аллоҳнинг қонуниятлари бунданда нозикроқ ва чуқурроқдир.

Аллоҳ таоло бу коинотда ҳар бир дардга ўзи даво қилиб қўйган, лекин давони кўзга кўринадиган жойга қўймаган ёки истеъмолга тайёр ҳолатда қилиб қўймаган, балки

³⁹ Зориёт сураси, 56-оят

маълум бир ҳикмат асосида ажиб нарсалар ичига яшириб қўйган. Инсон даво бор деб ўйламайдиган жойларга қўйиб қўйган. Масалан, пенцилинни роббимиз яшил моғор ичига жойлаб қўйган. Ҳолбуки, яшил моғор энг ёмон захар эканлиги маълум. Ёки энг хушбўй, муаттар атирларни ва энг зўр, ёрқин рангдаги бўёқларни ҳиди ўта сассиқ, шакли ҳам хунук бўлган модда таркибига киритиб қўйган. Бу жирканч, қора модданинг номи қатрон бўлиб, ундан муаттар атир ва алвон рангдаги бўёқлар олинади.

Роббимиз баъзи керакли унсурларни бошқа моддалар таркибига аралаштириб юборган. Уларни ажратиш олиш учун бир қанча амалиётлар, тажрибалар ва ҳаракатлар керак бўлади. “Номи ўчмас ўқувчи қиз”⁴⁰ номли китобни ўқиган одам, бир грамм радиий олиш учун қанчадан қанча моддалар филтрлаш, бир неча йил давом этадиган кетма-кет амалиётлар ўтказиш керак бўлишини англаб етади.

Коинотнинг яратувчиси бўлмиш Аллоҳнинг бу қонуниятларининг ҳозирги кунгача бизга маълум бўлган қисми денгиздан бир томчи холос. Энг ажабланарлиси шундаки, денгиздан бир томчи олган илмимизни биз яна таснифлаймиз. Бу синфларни биз фан деб номлаймиз. Биология, кимё, физика, физиология, тиббиёт ва бошқа фанлар шулар жумласидандир. Ҳар бир фан учун махсус кишилар Аллоҳнинг шу фандаги қонунларини тушуниш учун ўзларини шу фанга бағишлайдилар ҳамда янгиликларни кашф қиладилар. Биология олимлари, кимё олимлари ва бошқа фан олимлари шулар сирасига киради.

Биламизки, коинотда бизга зарарли бўлган нарсалар ҳам, фойдали бўлган нарсалар ҳам мавжуд. Фойда ва зарар икки хил бўлади. Биринчи хили, зоҳир бўлиб турган сабаб туфайли, яъни, табиат қонунларидан бирига мувофиқ рўй беради. Масалан, захарли моддани тановул қилиш инсон учун зарарли, олимларимиз тажриба орқали буни кашф қилишган. Иккинчи хили, зоҳир бўлиб турган сабабдан бошқа сабаб туфайли рўй беради. Маълум бир қонунга бўйсунмайди. Масалан, соғлом одамнинг юраги бирданига тўхтаб қолади. Бунинг сабабини билмаймиз. Фойда ва зарарнинг бу ҳар икки тури Аллоҳдандир. Фойда ва зарар берувчи Аллоҳнинг ўзидир.

Аллоҳ инсонни фойдани кўзлайдиган қилиб яратган. У фойдани жалб қилиш учун ҳар қандай воситани ишга солади. Шу билан бир қаторда уни зарарни ёмон кўрадиган қилиб яратган. У зарарни даф қилиш учун ҳар қандай ҳийлани ишлатади. Бунда бор кучини ишга солиб ёрдам излайди. Бундай ёрдамлар ичида дин руҳсат бергани ҳам бор, шарийат қайтарганлари ҳамда иймонга зид амаллари ҳам бор. Шаръий ёрдам излаш нимаю, ношаръий ёрдам излаш нима?

Агар болангиз касал бўлиб қолса, агар табиб ёнверингизда бўлса, уни чақирасиз. У касаллик ҳақида ташхис қўяди. Унга дори рецептини ёзиб беради. Мана шу шаръий ёрдам излашдир, чунки сиз шифо учун табиий қонуният билан ёрдам изладингиз. Бу қонуниятни коинотнинг яратувчиси жорий қилиб қўйган. Агар сиз табиб ўрнига илм ва қонундан ташқари шифо қилиш мақсадида ғайбий кучлар билан боғланишни даъво қилувчи фолбин ёки сеҳргарни чақирсангиз мана шу ношаръий ёрдам излаш ҳисобланади.

Агар сиз ўтиб кетган табибнинг қабри олдига келиб, уни чақирсангиз, ҳолбуки у касалга ташхис ҳам қўёлмайди, дори рецептини ҳам билмайди, бу ношаръий ёрдам излашдир. Агар илм ожиз қолиб, дори наф бермайдиган ҳолат рўй берсаю, сиз шифони дуо орқали ёки садақа орқали, ёки бир солиҳ одамнинг сизнинг ҳаққингизга қилган дуо орқали талаб қилсангиз мана шу шаръий ёрдам излашдир. Агар солиҳ одамнинг қабри тепасига келиб, ёрдам сўрасангиз, ваҳоланки, у сизнинг ҳаққингизга дуо қилишга тилларини ҳам қимиралата олмайдиган бўлса, сизнинг касалингиз у ёқда турсин, ўз касаллигига ҳам шифо топа олмайдиган бўлса, бу ҳам ношаръий ёрдам излашдир.

Табиб сизга ёзиб берган дорини касалга ичирсангиз бу шаръий, лекин рецептни олиб, касалнинг бўйнига осиб қўйиб, мана шу унга шифо беради деб эътиқод қилсангиз бу ношаръий ишдир. Демак, Аллоҳ унга зоҳир сабаб қилиб қўймаган нарсалар билан фойда

⁴⁰ Мадам Кюри ва унинг турмуш ўртоғи ҳақидаги қисса. Талабалар илм таҳсил қилишда қанчалик сабр кераклигини кўришлари учун шу китобни ўқиб чиқишларини умид қиламан. Аввалги уламоларимиз ичида ҳам шунга ўхшаган сабр, ва илмга бўлган ихлос эгалари талайгина.

талаб қилиш ношаръий амалдир. Бепушт аёл фарзанд кўришни истайди. Бунда у табибларнинг маслаҳати ҳамда Аллоҳ жорий қилиб қўйган даво чораларини ишга солса бунинг ҳеч қандай ношаръийлиги йўқ. Лекин, худди Шом кампирлари эътиқод қиладигандек⁴¹, Ражаб ойининг биринчи жумасида Қосюн тоғида ҳалқа ташласа ҳомила бўлишига сабаб бўлади ёки фалон қабрининг тепасига бир тутам латта боғлаб келса ҳомиладор бўлади каби эътиқод қиладиган бўлса, бу айни шаръиёт ман қилган ва тавҳид ақидасига хилоф бўлган амалдир.

Демак маълум бўлдики, табиат қонунлари, бир соҳанинг олим одамига мурожаат қилиш ёки фойдани жалб қилиш учун одатий бўлган сабабларни ишга солиб ёрдам излаш, буларнинг барчаси шаърий амалдир. Шу билан бирга эса тутишимиз лозимки, аслида фойда берувчи Аллоҳ таолонинг ўзи, Ундан ўзга ҳеч ким эмас. Ҳар хил шубҳали ғайбий кучлар, илмий тажрибада кўрилмаган, асоси йўқ нарсалар билан ёрдам излаш бу ношаръий амалдир, тавҳид ақидасига зиддир.

Ҳалол ва ҳаром қилиш ёлғиз Аллоҳга хосдир:

Биз табиат қонунларини ишга солиб олаётган фойдаларимиз дунёвий фойдалардир, чунки Аллоҳ бизнинг ақлимизни бу қонунларни кашф қилишга қодир қилиб қўйган. Лекин, моддийликнинг ортидаги нарсани кашф қилишга, ухровий фойдани жалб қилишга қодир қилмаган. Биз фойдани жалб қилиб, зарарни даф қилишга уринамиз. Фақат бу моддийлик чегарасида, яъни бу дунёда. Биз ўзимизга охират оламида фойда ёки зарар бера олмаймиз.

Аллоҳ таоло ухровий фойда учун сабаб қўйиб қўйган. Бу сабаб вожиб амаллардир. Ҳамда ухровий зарар учун ҳам сабаб қўйиб қўйган. Бу сабаб ҳаром ишни қилишдир. Ҳалол ва ҳаром қилиш ҳамда уларга яраша савоб ва жазо бериш фақат Аллоҳга хосдир. Бирор киши ўзича бу ҳалол, бу ҳаром деб айта олмайди. Ҳеч ким Аллоҳ вожиб қилмаган амални вожиб қилиб қўя олмайди ёки Аллоҳ ҳаром қилмаган нарсани ҳаром дея олмайди. Кимда ким ҳалол ва ҳаром қилиш ҳаққини Аллоҳдан бошқага нисбат берадиган бўлса, Ундан бошқага ибодат қилибди ёки Унга ибодатда ширк келтирибди.⁴²

Аллоҳни севиш ва Аллоҳдан кўрқиш.

Инсон севади ва ёмон кўради. Лаззатли таомни, чиройли манзарани яхши кўради, эркак киши аёл кишини яхши кўради. Ҳаттоки, бу муҳаббат ишққа айланади, биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ибодатнинг баъзи кўринишларигача етиб бориши мумкин. Лекин шундай бўлса ҳам, инсоний муҳаббатнинг барчаси чегаралангандир.

Биз ўзимиз яхши кўрган нарсдан манфаат олишни хуш кўрамиз ёки ўзимиз севган кишининг ёнида бўлиш лаззатини яхши кўрамиз. Аммо маҳбубга бирор ёмон касаллик етса, тана аъзолари чириб кетса, ундан гўзаллик кетса ёки таомнинг бузилиб, пўпанак босса ёхуд бирор манзаранинг гўзаллиги кетиб, расво ҳолатга келса, бу муҳаббат ниҳоясига етади. Баъзан нафратга ҳам айланиб кетиши мумкин.

⁴¹ Италиялик аёллар ҳам шундай эътиқод қилишади. Эмишки, икки қўлини бирор авлиёнинг қабри узра ёйса, агар бепушт бўладиган бўлса, бепуштлиги кетаркан. Европа ва Америкалик аёлларнинг бундан ҳам ажойиб бидъатлари бор.

⁴² Бир мусулмон одам ароқ ичади ҳамда унинг ҳаром эканлигини эътироф қилиб, гуноҳига иқрор бўлади. Бошқа бир мусулмон одам эса, масалан, лимон шарбатини ҳаром деб даъво қилади. У ҳеч қандай далилсиз ҳалол нарсани ҳаромга чиқаргани учун, ҳалиги ароқ ичган одамдан ҳам каттароқ гуноҳга ботади. Қуръонда бу нарса ширкка яқинлаштирилган:

وَقَالَ الَّذِينَ أَشْرَكُوا لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا عَبَدْنَا مِنْ دُونِهِ مِنْ شَيْءٍ نَحْنُ وَلَا آبَاؤُنَا وَلَا حَرَمْنَا مِنْ دُونِهِ مِنْ شَيْءٍ^ع

Мушрик бўлганлар: "Агар Аллоҳ хоҳлаганида, биз (ҳам), ота-боболаримиз (ҳам) Ундан ўзга бирор нарсага сизинмаган ва Унинг (ҳукмисиз) бирор нарсани ҳаром қилмаган бўлур эдик", - дейдилар. (Наҳл сураси, 35-оят)

Аммо мўъмин ҳис қиладиган Аллоҳнинг муҳаббати эса шундай муҳаббатки, унинг чек-чегараси йўқ. Дунёдаги нарсаларни ҳам уни яратган ва бизларга бўйсундириб қўйган ҳамда бизларни ундан манфаат олишга, кўриб лаззат олишга лаёқатли қилиб қўйган Холиқи борлиги учун севамиз.

Инсон аксарият махлуқотлардан кўрқади. Ёниб турган оловдан, йиртқич хайвондан, ўлдирадиган захардан, кучли золимдан кўрқади. Лекин бу кўрқув чегаралангандир. Бу кўркинчли нарсадаги зарарни ёки уни пайдо қилувчисини ёмон кўришдир. Агар зарардан хотиржам бўлса, хавф ҳам кетади. Аллоҳдан кўрқиш эса ҳақиқий, чегарасиз кўрқишдир.

Аллоҳни севиш ва Ундан кўрқишнинг ҳар бири тавҳид асосларидандир. Ҳар бири ибодатнинг руҳидир. Шуни эслатиб ўтиш зарурки, Аллоҳнинг муҳаббати худди Ибн Фориз қилганидек Аллоҳга атаб шеър ва ғазаллар ёзиш эмас ёки Аллоҳни илоҳий ишқ деб номлаш эмас.

Аллоҳдан кўрқиш уни ёмон кўриш маъносида эмас, балки Аллоҳнинг муҳаббати унга итоат қилиш, унинг розилигини нафс шаҳватларидан ва шайтон васвасаларидан устун қўйиш ҳамда Унинг росули (с.а.в.) келтирган нарсага эргашишдир:

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي

Айтнинг (эй, Муҳаммад): "Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашингиз...."⁴³

Эргашиш муҳаббатнинг миқдоридир. Ундан кўрқиш, у ҳаром қилган амаллардан четлашиш ва охиратдаги савоб лаззатини дунёдаги гуноҳ лаззатидан устун қўйишдир.

Аллоҳга итоат қилиш Унинг махлуқотларига итоат қилиш каби эмас. Биз баъзи инсонларга ҳам итоат қиламиз. Баъзиларига Аллоҳнинг амрига бўйсунуш учун итоат қиламиз, масалан пайғамбарга. Баъзиларига чақириғига жавоб бериш мақсадида ёки хатардан кўрққанимиз сабабли итоат қиламиз. Халқ ҳокимга итоат қилади. Бола отасига итоат қилади. Хотин эрига итоат қилади. Инсон ўзига яхшилик қилган одамга, модомики ўзига зарарли бўлмаган ишни буюрса итоат қилади. Баъзиларимиз итоат қилишни ёмон кўрсакда, азиятдан кўрққанимиз учун итоат қиламиз. Лекин мана шу тоатларнинг ҳаммаси чегаралангандир (фақат пайғамбарга итоат қилиш бундан мустасно, чунки у Аллоҳга итоат қилишнинг айни ўзи). Улар чегарасиз мутлоқ тоат эмас. Чунки мутлоқ тоат Аллоҳгагина бўлади. У шундай тоатки, ҳар бир ишда, бизни хурсанд қилса ҳам, хафа қилса ҳам, унинг ҳикматини тушунсак ҳам, тушунмасак ҳам итоат қилинаверади. Ана шу тоат Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг самарасидир.

СИФАТЛАР ОЯТЛАРИ

Бу китобда мен калом илми масалаларига шўнғишдан четда бўлдим. Мутакаллимларнинг ихтилофларини келтиришдан бош тортдим. Лекин сифатлар оятлари масаласи ҳақида гап чўзилиб кетди, у ҳақида тортишувлар кўпайди, шунинг учун ҳам шу ҳақида бир оз гапиришни ўзимга эп билдим.

Дарҳақиқат, робиммиз Қуръони Каримда Ўзини баъзи лафзлар билан сифатлаган. Бу лафзлар ер юзида, инсонлар тилида ишлатиладиган ҳамда башарга нисбатан қўлланилса ҳам, Аллоҳга ўхшайдиган бирор нарса йўқ. У яратувчи робб бўлиб, махлуқларга ўхшашдан олийдир. Бу лафзларни махлуқларга нисбатан қўлланилгандаги маъносини Аллоҳга нисбатан қўлланилганда тушуниб бўлмайди.

Биз фалончи билувчи, фалончи кўрувчи деймиз, шунингдек Аллоҳ билувчи ва кўриб турувчи деб ҳам айтаемиз. Лекин банданинг билиш ва кўриш кайфияти

⁴³ Оли имрон сураси, 31-оят.

роббимизнинг билиш ва кўриш кайфиятидек эмас. Банда билади ва кўради, лекин Аллоҳнинг билиши ва кўришидек эмас. Ёки айтамызки, ўқитувчи синф минбарига кўтарилди ҳамда Аллоҳ аршга истиво қилди, деб айтамыз. Биз истивонинг луғавий маъносини биламыз ва ўқитувчига татбиқ этамыз. Лекин, қуйидаги оятни ўқиганимизда шу маънони тушуниш мумкин эмас:

الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَى ﴿٥٠﴾

(У) *Ари узра муставий бўлмиш Раҳмондир.*⁴⁴

Мана шуларнинг ҳаммаси уламолар ўртасида иттифоқ қилингандир. Барча шунга иқроф бўлганки, сифатлар оятлари бу Аллоҳнинг каломидир. Агар Аллоҳ “сўнгра у ари узра истиво қилди”⁴⁵ деб айтадиган бўлса, ҳеч ким “истиво қилмаган” деёлмайди.

Аллоҳ таолонинг “сўнгра у ари узра истиво қилди” оятидаги истивонинг маъносидан мурод башарий луғатдаги “истиво” сўзининг маъноси эмаслигини барча эътироф қилган.

Одамлар ташбеҳ (ўхшатиш) ва таътил (бузиб кўрсатиш)ни тарк этишга иттифоқ қилганлари билан, бу лафзлардаги қасд қилинган маънода катта ихтилоф қилдилар. Бир-бирларига шундай саволлар билан мурожаат қилишди:

“Бу оятлар ҳақиқатми ёки мажозми?”. “Таъвил қилинадими ёки таъвил қилинмайди”.

Аввалги ўтган уламоларнинг айтишларича, ҳақиқат шулки, лафз қандай бўлса шундай маънода ишлатилиши керак. Балоғат уламоларининг оммаси айтган ҳақиқий таъриф ана шу. Шак-шубҳа йўқки, Қуръон нозил бўлган араб тилида Қуръон нозил бўлишидан илгари ҳам шу сўзлар мавжуд бўлган. Бу сўзлар ер юзидаги моддий нарсаларга нисбатан ишлатилган. Башарият тили инсонларнинг Холиқи бўлмиш Аллоҳнинг сифатларини таърифлаш у ёқда турсин, ҳатто одамларнинг ўз сезги ва ҳиссиётларини таърифлашдан ожиздир. Масалан, гўзаллик кўринишлари ва шакллариининг чеки йўқ. Бизда уларнинг ҳар бири учун жамийл – “чиройли” сўзи ишлатилади. Табиат манзараси гўзаллиги, шеърий қасида гўзаллиги, чиройли безатилган иморатнинг гўзаллиги, чиройли қизнинг гўзаллигидаги гўзалликлар турлича. Аёлларнинг ўзида гўзалликнинг мингдан ортиқ кўриниши бор. Бизда эса уларнинг ҳар бирига фақатгина битта “гўзал” сўзи ишлатилади. Луғатлар гўзаллик ҳиссини васфлашдан ожиздир.

Худди шунингдек, муҳаббатнинг ҳам бир неча тури бор. Уларни ҳис қилиш турличадир. Луғат лафзларининг миқдори муҳаббатнинг бу турларини васфлашга етмайди. Шундай экан, қандай қилиб Аллоҳнинг сифатлари ва уларнинг кайфиятини васфлай олсин?!

Агар ҳақиқат “лафз қандай бўлса шундай маънода ишлатиш” да бўладиган бўлса, Қуръони Каримда шундай лафзлар борки, уларнинг маъноси инсоният ер юзида моддиятга нисбатан ишлатадиган маънога сира тўғри келмайди. Масалан, “истиво - баробарлашди”, “келди”, “алдаб қўювчи”, “макр қилади”, “уларни унутди” лафзлари ер юзида башарият тилида ишлатилади. Аммо “сўнгра у ари узра истиво қилди”⁴⁶, “ва Раббингиз келганда”⁴⁷, “Аллоҳ уларни алдаб қўювчидир”⁴⁸, “Аллоҳ (ҳам) ”макр” қилади”⁴⁹ оятларидаги маънолар юқорида маънолардан фарқлидир. Демак, ҳақиқатга бўлган юқоридаги таъриф нотўғридир.

⁴⁴ Тоҳо сураси, 5-оят.

⁴⁵ Ҳадид сураси, 4-оят.

⁴⁶ Ҳадид сураси, 57-оят.

⁴⁷ Фаҳр сураси, 22-оят.

⁴⁸ Нисо сураси, 142-оят.

⁴⁹ Анфол сураси, 30-оят.

Унинг мажоз эканини инкор қилганлар, жумладан Ибн Таймия ҳақиқатни балоғат илми уламолари таърифлашгандан ўзгача таъриф билан таърифлашади. Айтишадики, бу лафзларнинг таъвили ёки тафсири мажозий тафсирдир. Ундан кўзланган мақсадни жазм ила айтиш қайтарилган амалдир. Чунки, мажозий маънолар ҳам инсоният ишлатадиган маънолардир.

Мен назар солиб, шуни пайқадимки, бундай оятлар уч хил шаклда бўлади.

1. Аллоҳдан хабар бериш йўли билан ворид бўлган оятлар. Масалан, “(У) Арш узра муставий бўлмиш Раҳмондир”⁵⁰. Биз “у истиво қилмаган”, деб айта олмаймиз, акс ҳолда, Аллоҳ собит қилган нарсани инкор қилиб қўйган бўламиз. Шу билан бирга биз, “У Аршга худди ўтирувчи курсига истиво қилгандек истиво қилди”, деб ҳам айтмаймиз. Чунки, у ҳолда Холиқни махлуққа ўхшатиб қўйган бўламиз. Лекин иймон келтирамизки, бу Аллоҳнинг каломи ва биз унинг ҳақиқати ва тафсилотини билмаймиз. Чунки, бизга Аллоҳнинг Ўзи унинг тафсилотини хабарини бермаган ҳамда инсоният ақли юқорида айтиб ўтганимиздек буни ўзича англаб олишдан мутлоқ ожиздир.
2. Балоғат уламолари орасида яхши таниш бўлган мушокала (шаклдошлик) услубида ворид бўлган оятлар. Мушокалага қуйидаги байтда мисол келтирилган:

Айтдиларки: “қани бирор нарса айт, сенга пишириб берайлик”,
Айтдимки: “менга жубба”⁵¹ ва қўйлак пишириб беринглар”.

Амурийя жангида мусулмонларга мунажжимлар анжир ва узум пишмагунча сизлар ғалаба қозонолмайсизлар, дейишди. Шунда Абу Тамом айтди:

Анжир ва узум пишишидан олдин пишар,
Тўксон минг шердек душманларнинг терилари.

Ана шундай услубда келган оятлар бир қанча. Масалан, Аллоҳ таолонинг мана бу ояти:

نَسُوا اللَّهَ فَنَسِيَهُمْ

“Аллоҳни унуттишгач, (У) ҳам уларни “унутади””⁵²

“насув” калимаси, луғатда “унутиш” маъносини беради. Унуттиш бу маълумотларнинг хотирадан ғойиб бўлишидир. Лекин “насияҳум” калимаси унга мушокала (шаклдош) маъносида келган, ундан унуттиш маъноси кўзланмаган. Чунки, Аллоҳ ҳеч қачон унутмайди:

وَمَا كَانَ رَبُّكَ نَسِيًّا

“Парвардигорингиз унутувчи эмасдир”⁵³

Бошқача қилиб айтсак, “насув” калимаси асли қандай бўлса шундай маънода ишлатилган. “Фанасияҳум” калимаси эса бу маънодан бошқа маънода ишлатилган.

Яна Аллоҳ таолонинг мана бу оятлари ҳам шунга ўхшашдир.

⁵⁰ Тоҳо сураси, 5-оят.

⁵¹ Енги узун қўйлак тури.

⁵² Тавба сураси, 67-оят.

⁵³ Марям сураси, 64-оят.

سَنفَرُغُ لَكُمْ أَيُّهُ الثَّقَلَانِ ﴿٥٤﴾

“Яқинда (Қиёматда) сизлар(ни ҳисоб-китоб қилиш) учун фориқ бўлажакмиз, эй, инсу жинлар!”⁵⁴

وَمَكْرُوا وَمَكَرَ اللَّهُ وَاللَّهُ خَيْرُ الْمَكْرِينَ ﴿٥٥﴾

“Улар макр қилдилар. Аллоҳ ҳам "макр" қилди.”⁵⁵

تُخَدِعُونَ اللَّهَ وَهُوَ خَدِيعُهُمْ

Улар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни "алдаб қўювчидир”⁵⁶

Ушбу оятларнинг ҳар бирини луғавий, моддий сўзларнинг маъносида тушуниш мумкин эмас, балки Аллоҳ жалла ва аълога муносиб маънода тушуниш керак.

3. Бир оятдан кўзланган мақсадга бошқа оят далолат қилади.

Масалан:

وَقَالَتِ الْيَهُودُ يَدُ اللَّهِ مَغْلُوبَةٌ غُلَّتْ أَيْدِيهِمْ وَلُعِنُوا بِمَا قَالُوا بَلْ يَدَاهُ مَبْسُوطَتَانِ يُنْفِقُ كَيْفَ يَشَاءُ

Яҳудийлар: "Аллоҳнинг "қўли" боғлиқ (бахил)", - дедилар. Ўзларининг қўллари боғланур ва (бу) гаплари сабабли лаънатланурлар. Аслида (Унинг) "икки қўли" очиқ. Қандай хоҳласа, (шундай) эҳсон қилаверади.⁵⁷

Ушбу оятдаги мақсадга мана бу оят далолат қилади:

وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُوبَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسِطِ

“(Бахиллик қилиб) қўлингизни бўйнингизга боглаб ҳам олманг. (Исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг!”⁵⁸

Демак, бундан тушуниладики, қўлни ёйишдан кўзланган мақсад саховат ва киром, Аллоҳ таолода худди одамлар ва ҳайвонларникига ўхшаган икки қўли бўлиши мумкин эмас. Аллоҳ бундан олий зотдир.

Масалан, Қуръонда Аллоҳ таоло шундай дейди: “раҳматининг икки қўли орасида”, “аламли азобнинг икки қўли ўртасида” ёки “у (Қуръон) нинг икки қўли орасида ботил келмайди”.

Бу оятлардаги “икки қўли қўртасида” деганда “унинг олдида” деган маъно англашилади. Аслида эса, раҳматнинг ҳам, азобнинг ҳам, Қуръоннинг ҳам ҳақиқий икки қўли йўқ.

Муҳкам ва муташобеҳ:

Аллоҳ Қуръонда баён қиладики, Қуръонда муҳкам оятлар ҳам, яъни, маъноси очиқ-ойдин, лафзи аниқ бўлган оятлар ҳам муташобеҳ оятлар ҳам, яъни, маъносини мутлок

⁵⁴ Ар-роҳман сураси, 31-оят.

⁵⁵ Оли имрон сураси, 54-оят.

⁵⁶ Нисо сураси, 143-оят.

⁵⁷ Моида сураси, 64-оят.

⁵⁸ Исро сураси, 29-оят.

битта маънода тушуниб бўлмайдиган, балки одамлар у ҳақида турлича фикрда бўлган, тафсири бир-бирига ўхшаб кетган, ундан кўзланган аниқ мақсадни тушуниш қийин бўлган оятлар ҳам бор. Сифатлар оятлари ана шундай оятлар жумласидандир. Мўъмин киши бундай оятларнинг маъносига шўнғимаслиги, у ҳақида гап кўпайтирмаслиги, инсонлар билан шундай оятлар ҳақида баҳс қилиб, уларни фитнага солмаслиги даркор.

Мусулмонларнинг бу борадаги мавқеи ҳамда уларни қандай тушуниш кераклиги:

Бу умматнинг салафлари, энг яхшиси ва афзали бўлмиш аввалги мусулмонлар булар ҳақида оғиз очишмаган. Улар ҳақиқат ёки улар мажоз деб ўтиришмаган. Унинг шарҳига чуқур кетишмаган. Балки Аллоҳ таолонинг ҳузуридан қандай келган бўлса, шундайлигича иймон келтириб қўя қолишган.

Калом илми тарқалгандан сўнг, ислом ақидаларига шубҳа кириб келди. Уламоларнинг янгича тоифаси пайдо бўлди. Ўша уламолар оятлар сифатлари ҳақида сўз юритишди ҳамда бошқа маънода тушуниш мумкин бўлмаган сўзларни араблар йўлида тушуна бошлашди. Бу мажоз ёки таъвийл⁵⁹ деб номланади.

Бу уламолар ўртасида узундан-узоқ низо солган мавзудир. Ҳақиқат шуки, бу оятлар Аллоҳнинг ҳузуридан нозил бўлган. Улардан бирини инкор қилган одам кофир бўлади. Ким унга мутлоқ маъно бериб, ўзининг асл маъносидан бошқа маънодаги лафз билан атаса кофир бўлади. Ким уларни инсоний маънода тушунса, уни Аллоҳга нисбат берса, Холикни махлукқа ўхшатса кофир бўлади. Бу йўл ғоят хатарлидир. Ундан нажот топиш эса, уларга шўнғишдан четда бўлиш, салафларнинг йўлига эргашиш, Қуръон ва ҳадис баён қилган чегарадан чиқмасликдир. Мен мана шундай деб эътиқод қиламан.

ИБОДАТ КЎРИНИШЛАРИ

Фойда ва зарарнинг ҳаммаси Аллоҳдан эканлигига, ҳалол ва ҳаром қилиш ҳаққи Аллоҳники эканлигига, мутлоқ севги, мутлоқ кўрқинч ҳамда мутлоқ итоат Аллоҳ таологагина бўлишига иймон келтирган қалб Аллоҳнинг буюклаш билан тўлиб тошади. “Аллоҳу Акбар” (Аллоҳ энг улуғ ва буюқдир) маъносини ҳис қилади. Аллоҳнинг олдида бошқа ҳар қандай нарса жуда арзимас эканлигини билади. Инсоннинг амаллари ичида дуо, намоз, рукуъ, сажда, назр, қурбонлик сўйиш, тасбеҳ ва таҳлил каби мутлоқ улуғлаш бўладиган бўлса, мўъмин одам буларнинг барини фақат Аллоҳ таоло учун қилади. Ундан ўзгага намоз ўқимайди. Унгагиган рукуъ ва сажда қилади. Ундан ўзга бирор кишига: “субҳанака” (сени мутлоқ пок деб ёд этаман) деб айтмайди. Гуноҳларга мағфиратни ҳам фақат ундан сўрайди. Чунки, буларнинг бари ибодатнинг сири бўлмиш мутлоқ улуғлашнинг кўринишларидир.

Ибодат кўринишларидан энг улуғи дуодир. Дуо луғатда “нидо” деган маънони англатади. Олдингизда турган бирор кишини унинг эшитиши ва сизга жавоб бериши учун чақиришингизни (дуо қилиш араб тилида чақириш деган маънони англатади – *тарж.*) шарийат ман қилмайди. Лекин биз сўзламоқчи бўлган дуо бу маънодаги дуо эмас. Биз бу ерда кўзлаган дуо шулки, у ибодатнинг мағзидир. У фойдани жалб қилиш ва зарарни даф қилишни ҳеч қандай моддий сабабсиз талаб қилишдир. Бу ҳеч қандай воситасиз, тўғри фақат Аллоҳ таологагина қаратилади. Ўзи учун шифони агар тирик бўлса ҳам табибдан сўрамайди, балки Аллоҳдан сўрайди. Чунки, табиб даволаш йўлини айтиб бера олади холос, шифо эса Аллоҳдандир. Бирор бир ўлик ёки жонсиз нарсадан ҳеч нарса сўрамайди. Чунки, моддий сабабсиз фойда ва зарар берадиган ёлғиз Аллоҳнинг ўзидир.

⁵⁹ Қуръонда таъвийл лафзи икки хил маънода келган: биринчиси лафзий таъвийл, яъни маъноси ўшанга (лафзий таъвийлга) ишора қиладиган лафзнинг баёни. “Мана шу сен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвилидир” (**Каҳф сураси, 82-оят**). Иккинчиси, амалий таъвийл, яъни ҳолатга ишора қилади: “Таъвили келган қуни(қиёмат)да...” (**Аъроф сураси, 53-оят**). Ана шу ердан кейинги уламолар тафсир билан таъвийлнинг орасини ажратишган.

Мўъмин киши сабабларни амалга оширади. Сўнгра сабабни амалга ошишини Аллоҳдан сўрайди. Одамлар сабабини билмаган нарсада ҳам ёлғиз Аллоҳга суянади. Унга дуо қилиб айтади: “Эй Аллоҳим!”. Биладикки, Аллоҳ таолонинг эшиги очиқ, агар дуо қилинса, У албатта ижобат қилади. Ундан ўзга бирор кимсага дуо қилмайди. Аллоҳ билан ўртасида бирор нарсани воситачи қилиб олмайди. Мана шу ибодатнинг мағзи бўлмиш дуодир.

Ибодатнинг чегараси:

Биз юқорида айтдикки, ибодатнинг жасади ва руҳи бўлади. Жасади тил айтадиган лафзлар ва тана аъзолари бажарадиган ҳаракатлар бўлса, унинг руҳи шу ибодатга ундаган эътиқоддир. Яъни, ибодатни қилишдан кўзлаган мақсади ибодатнинг руҳи бўлади. Эътиқод юзасидан бу маъно юқорида шарҳланди, мен ҳозир ундан кўзланган мақсадлар юзасида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ибодатдан кўзланган мақсад, унга ундайдиган сабабнинг тўғри бўлиши учун ибодатни фақат Аллоҳнинг ризолиги учун қилиш керак. Биз ибодатни мол-дунё учун, обрў-эътибор учун, одамларнинг улуғлашига эришиш учун ёки шунга ўхшаш дунё матоҳларини қўлга киритиш учун қилмаймиз. Солиҳлик орқали шон-шуҳратга эришишни хоҳламаймиз. Мана шу тўғри мақсад ихлос деб номланади. Унга бошқа мақсадлар аралашса риё бўлади. Амалдан кўзланган мақсадни белгилайдиган нарса ният деб аталади. Аллоҳ таоло биздан қиёмат кунида фақатгина амаллар ҳақида сўрабгина қолмай, балки нима сабабдан шу амални қилганимиз ҳақида ҳам сўрайди. Агар амал аслида тўғри бўлсаю, ундан кўзланган мақсад тўғри бўлмайдиган бўлса, бу амал холис Аллоҳ учун бўлмайди. Балки унинг тўғрилиги фасодга, гўзаллиги қабоҳатга айланади.

Масалан, намоз солиҳ амалдир. Лекин, намозхоннинг намоз ўқишдан бўлган нияти одамлар кўрсин, унинг солиҳ эканлигига ишонсин, унга мол-дунёлар берсин, ҳадялар совға қилсин учун бўладиган бўлса, бу Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, унинг розилигини талаб қилган ҳолда ўқилган намоз бўлмайди. Унинг бу намози ёмон амаллар қаторидан ўрин олади, ҳолбуки, намоз ўзи аслида гўзал амаллардандир.

Шунинг учун ҳам, муҳожирларнинг ҳижрати бир-биридан фарқ қилган. Улар ичида яхшиси ҳам, ёмони ҳам бўлган, агарда кўринишида бир хил бўлса ҳам. Уларнинг ҳаммаси сафар ва кўчиб кетишда бир хил иштирок этишган. Бир вақтда, битта йўлдан юришган. Улар ичида ким дийнини сақлашни ва Аллоҳнинг розилигини қасд қилган бўлса, унинг бу сафари Аллоҳ учун бўлган. Унга муҳожирларнинг савоби берилган. Аммо, ичларида ким Мадинадаги аёлларга совчи қўйиш, уларга уйланишни ёхуд тижоратни қасд қилган бўлса, унинг бу сафари дунё учун бўлган. Аллоҳ учун эмас.

Ниятлар одат ва ибодатнинг ўртасини фарқловчи нарсадир. Бир киши субҳдан шом пайтигача ҳеч нарса емади. Ейиш, ичишдан ўзини тийди. У рўзадордан талаб қилинадиган барча амалларни қилди, лекин у рўзадорларнинг савобига эриша олмади. Чунки, у рўзани ният ҳам, қасд ҳам қилмаган эди⁶⁰. Шариъат ман қилмаган, мубоҳ бўлган одатий амалларни бажарувчиси агар Аллоҳнинг розилигини истаб, солиҳ ният билан қиладиган бўлса, у унга ибодат бўлади. Ибодат бутун ҳаётни ўз ичига олади. Инсон ейиш-ичишида ҳам, ўтириш туришида ҳам, ишлаб пул топишида ҳам, уйланишида ҳам ибодат (савоби)ни топиши мумкин. Мана шу ердан Аллоҳ таолонинг мана бу ояти не чоғлик ҳақ эканлиги тушунилади:

﴿ وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ ﴾

⁶⁰ Бу - Ҳанафийлар мазҳабида таҳорат ниятсиз ҳам саҳиҳ бўлаверади деган ҳукмга зид эмас. Агар бир киши таҳорат қилинадиган аъзоларнинг барчасини таҳоратни ният қилмасдан туриб ювса ҳам унинг таҳорати саҳиҳ бўлаверади. Чунки, таҳорат мустақил ибодат эмас, балки у намоз ибодати учун шарт қилингандир. Худди, намоз саҳиҳ бўлиши учун кийим, макон пок бўлиши, аврат тўсилиши шарт қилингандек. Буларнинг бари ниятсиз ҳам саҳиҳ бўлаверади.

“Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим”⁶¹

Бу ерда ибодат жуда кенг маънода ишлатилган, яъни, яшашдан мақсад ибодатдир.

Хулоса:

Шу ердан хулоса қилиш мумкинки, Аллоҳга иймон келтиришнинг энг хос тўртинчи қисми бўлмиш илоҳлик тавҳиди бу фойда ва зарарнинг ҳаммаси ёлғиз Аллоҳдан эканлигига эътиқод қилишдир. Фойда фақат ундангина талаб қилинади. Бу талаб хоҳ табиат қонунлари деб номланмиш мана шу коинотда мавжуд бўлган йўллар орқали бўлсин, хоҳ Аллоҳнинг ўзидан тўғридан-тўғри дуо қилиш орқали бўлсин барибир. Фақатгина унга дуо қиламиз, ундан бошқага дуо қилмаймиз. У билан биргаликда ҳам бировга дуо қилмаймиз. Унга бирор-бир воситачи қилмаймиз. Фақатгина ундан ёхуд Унинг ўзи фойда учун қилиб қўйган йўл орқали ёрдам излаймиз. Шунда ҳам асл фойда берувчи Унинг ўзи, фақатгина сабаб орқалигина бўлиб қолмаслигини мулоҳаза қиламиз. Мутлоқ тоатга ҳамда таъқиқланган нарсалардан четлашишга ундовчи мутлоқ муҳаббатни унгагина хослаймиз. Шунингдек, мутлоқ улуғлашни ҳам унгагина хослаймиз. Ибодатда фақатгина унинг розилигини қасд қиламиз, дунё ёхуд шунга ўхшаш нарсани мақсад қилиб олмаймиз.

Илмий баҳс:

Аллоҳ таоло бизга ақл неъматини берди. Мавжудотларнинг сир-асрорларини, ажиб қонуниятларини ўрганишга, уларга назар солишга амр қилди. Биз Аллоҳнинг амрига бўйсунганимиз керак. Шундан келиб чиқадики, табиий фанларни ўрганиш, мавжудотларнинг сир-асрорларини кашф қилиш ибодатдир, фақат шу шарт биланки, қонуниятни ўрганиш ниятида эмас, балки Буюк Илоҳ яратган нарсалар ҳақида тафаккур қилиш, бу тафаккур орқали Аллоҳга бўлган иймонни, Унинг ибодатидаги ихлосни янада зиёда қилиш ниятида бўлиши керак. Яна битта шарт шуки, бу ўрганилган сир-асрорларни одамларга фойдаси тегадиган, Аллоҳни рози қиладиган нарсаларда ишлатиш керак. Одамларга зарар берадиган, ер юзида фасод чиқишига сабаб бўладиган нарсаларда эмас.

Шубҳа ва унинг радди:

Кўпчилик шундай савол беради. Бир кофир одам одамларга фойдаси тегадиган амаллар қилади, садақалар беради, шифохоналар куради, мактаб ва мадрасалар очади, мана шу одамнинг ҳоли нима бўлади. Наҳотки, сизларнинг динингиз бўйича унга охиратда савоб бўлмаса?

Бунга жавоб шуки, Аллоҳ таоло хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин, бирор бир амал қилувчининг амалини зое қилмайди. Яхшилик қилувчини яхшилиги самарасидан маҳрум қилмайди. Балки, яхшилик қилувчининг ўзи истаган нарсасини унга ато қилади. Яхшилик қилувчига ўзи хоҳлаган нарсасини бериш энг катта мукофот эмасми?!

Агар яхшилик қилувчи одам мўъмин бўлса, охиратга ишонса, охиратда савобга эга бўлишни хоҳласа, Аллоҳ таоло унга охират савобини ато этади. Агар унинг ўзи дунёни, шон-шуҳратни, обрў-еътиорни, газеталарда номи чиқишини, тарихда қолишни истаса, Аллоҳ таоло унга ана шу хоҳлаган нарсасинигина беради. Унинг ўзи охират савобини хоҳламади, шундай экан, нимага сен унга охиратда савоб берилмаслиги учун маҳзун бўласан?

Фойдасиз тортишув:

Калом илмига оид китоблар тортишувлар билан тўлиб тошган. Бу тортишувлар Аллоҳнинг сифатлари, унинг зоти ҳақида. Мисол учун, Аллоҳ таолонинг зотини ёхуд

⁶¹ Зориёт сураси, 56-оят.

Ундаги илм сифатини билиш мумкинми, деган масала. Сифатлар ва зот орасини фарқлаш, масалан, илм ва қудрат сифатини унинг яратиш ва ризқ бериш каби феълий сифатлари билан фарқлаш ҳам ана шундай тортишувли масалалардан. Катта фитнага сабаб бўлган, Аллоҳнинг каломи ҳақидаги тортишувлар ҳам шулар сирасидандир. Бу тортишув Куръонни махлуқ дейиш ҳақидаги фитнадир. Яхшилик ва ёмонлик, қазо ва қадар, инсоннинг иродаси ва шу каби масалаларда ҳам бундай тортишувлар тўлиб ётибди. Бу масалаларда тўғри йўл улар ҳақида баҳс қилишдан, тортишишдан ўзини тийишдир.

Чунки, биринчидан, мусулмонларнинг афзали ҳамда бу умматнинг энг яхшилари бўлмиш ўтган улуғ саҳобалар ва тобеъинлар бу тортишувларни билишмаган. Улар ҳақида баҳс ҳам қилишмаган. Холбуки, уларнинг дини энг соғлом ва иймонлари энг тўғри эди. Улар динимизда бизларга йўлбошчилар ҳисобланишади.

Иккинчидан, бу тортишувларга диққат билан назар солсак, уларнинг ҳаммаси битта асосга қурилганига гувоҳ бўламиз. Бу ҳам бўлса, Холиқни махлуқларга қиёслаш, инсоний ақл, инсоний нафс ҳолатларини Аллоҳга татбиқ қилишдир. Бу эса ботил амалдир. Чунки, Холиқ махлуққа ўхшамайди, Аллоҳ таолога ўхшаш ҳеч бир нарса йўқ.

Учинчидан, бу ишларнинг бари моддий оламнинг ортида, яъни ғайб оламидадир. Иймон қоидаларининг бешинчи қоидасида айтиб ўтилдики, ақл моддийликдан ташқаридаги нарсада ҳукм чиқара олмайди, уни идрок қилишдан ожиздир.

Ҳақ томон:

Мен ҳақиқатга яқинроқ бўлган, биз учун фойдалироқ бўлган бир янги нарсага чорлайман. У ҳам бўлса бефойда тортишувлар, баҳслар қилиш ўрнига Аллоҳ таолонинг сифатларини ҳаётимиздаги хулқ-атворимизга, Унинг розилигига эришишга татбиқ қилайлик. Куръони Карим махлуқми ёки махлуқ эмасми, деган баҳс ўрнига айтайликки, Куръони Каримни Аллоҳ таоло буз унга амал қилишимиз учун нозил қилган, келинг, унга амал қилайлик. Унинг амрига бўйсунайлик. У қайтарган амалдан қайтайлик. Аллоҳнинг илм сифати Унинг зотидами ёки зотига зиёда бўлган сифатми, деган тортишувни ўрнига айтайликки, Агар Аллоҳ бизнинг махфий ва ошқора қилган, ёлғиз ва жамланиб қилган амалларимиздан воқиф бўладиган бўлса, роббимизнинг шарийъатига мувофиқ ҳаёт кечиришга ўтайлик, токи Унинг бизнинг устимиздан билиб турган амаллари Уни рози қиладиган амаллар бўлсин.

Мана шу ҳақиқатдир. Ана шундай фикрлайдиган киши билан, юқоридаги Аллоҳнинг сифатлари ҳақида жанжал-тортишув қиладиган одамнинг мисоли худди мактаб ўқувчиларининг мисолига ўхшайди: уларга шундай дейилади: “Яқинда мактабимизга вазирликдан комиссия келиб, сизлардан имтиҳон олади”. Ўқувчилар ичида ақллиси ўзига-ўзи шундай дейди: “агар комиссия келиб, биздан ўзи имтиҳон оладиган бўлса яхшилаб ўқиб тайёргарлик кўришим керак. Бирор ўтилган мавзу қолмасдан, ҳаммасини ёдлаб чиқаман”. Аҳмоқ ўқувчи эса, бу комиссия ҳақида шундай баҳс қилади: “комиссиянинг имтиҳони қандай бўларкин? Уларнинг ҳаммаси имтиҳон олармикин ёки баъзиларими? Уларнинг сони жуфтмикин ё тоқмикин? Машинада келармикин ёки самолётда келармикин?”. У аҳмоқ мана шу ҳақида ўйлаб баҳс қилиб юроради, охир-оқибат кўз очиб юмгунча имтиҳон куни ҳам келиб қолади. У эса имтиҳонга ҳеч нарса тайёрлагани йўқ.

Дарҳақиқат, Аллоҳ биздан қиёмат куни мутакаллимлар низо қилган, китобларини ана шундай тортишувлар билан тўлдирган нарсалар ҳақида сўрамайди. Агар булар иймоннинг шартларидан бири бўлганида эди, Росулulloҳ (с.а.в) ва у кишининг саҳобалари бу ҳақида баҳс қилган бўлардилар. Биз уларнинг барчасини тарк қиламиз. Улар қадимги юнон фалсафасининг қолдирган изларидир. Бу фалсафанинг аксарият назариялари ботил, далиллари заифдир. Биз эса Аллоҳнинг китобини олдимизга қўйиб оламиз. Фақат унгагина таянамиз. Унда келган зикрлар қандай бўлса шундайлигича иймон келтирамиз. Бизга махфий бўлганларини эса уни нозил қилган зотга тафвиз (ҳавола) қиламиз.

ИЙМОН КЎРИНИШЛАРИ

Имтиҳон яқинлигига қаттиқ ишонган бир ўқувчи унга бир ҳафта вақт қолга бўлса ҳам, тайёргарлик кўрмай, у ҳақида қайғуришни йиғиштириб қўйди. Ўйин-кулгига берилиб кетди. Демак, имтиҳон яқинлигига ишонган билан комил иймон бўлмайди. Адашиб қолган одамга тўғри йўлни кўрсатсанг, у сўзингни тасдиқ қилиб унга ишонади, лекин ўнг томонга юришни ўрнига чап томонга қараб юрворади. Иймоннинг камолоти йўл кўрсатувчи муршидни тасдиқлаш билан ҳам амалга ошмас экан. Комил иймон мўъминнинг амалларида, унинг хулқида намоён бўлади.

Иймон ва амал:

Иймон амалдан ажралган эмас. Чунки, амал иймоннинг натижаси, унинг самараларидан бир самарадир. Амал иймоннинг инсонларга намоён бўладиган кўринишидир. Шунинг учун Аллоҳ иймонни солиҳ амалга боғлаб қўйган:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَّتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ آيَاتُهُ زَادَتْهُمْ إِيمَانًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿١﴾ الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ ﴿٢﴾ أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا... ﴿٣﴾

“Мўъминлар - Аллоҳ (номи) зикр этилганда - диллари қўрқувда бўладиган, оятлари уларга тиловат қилинганда - иймонлари зиёда бўладиган, Парвардигорларигагина таваккул қиладиган, намозни мукаммал ўқийдиган ва ризқ қилиб берганимиздан эҳсон қиладиган кишилардир. Айнан ўшалар ҳақиқий мўъминлардир...”⁶²

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ ءَامَنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِذَا كَانُوا مَعَهُ عَلَىٰ أَمْرٍ جَامِعٍ لَّمْ يَذْهَبُوا حَتَّىٰ يَسْتَأْذِنُوهُ ﴿١٢﴾

“Албатта, мўъминлар фақат Аллоҳга ва Унинг пайгамбарига иймон келтирган зотлардир. Улар (пайгамбар) билан бирор умумий иш устида бўлган вақтларида - то ундан изн сўрамагунларича кетмаслар...”⁶³

قَدْ أَفْلَحَ الْمُؤْمِنُونَ ﴿١﴾ الَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ خَاشِعُونَ ﴿٢﴾ وَالَّذِينَ هُمْ عَنِ اللَّغْوِ مُعْرِضُونَ ﴿٣﴾ وَالَّذِينَ هُمْ لِلزَّكَاةِ فَاعِلُونَ ﴿٤﴾ وَالَّذِينَ هُمْ لِفُرُوجِهِمْ حَافِظُونَ ﴿٥﴾ إِلَّا عَلَىٰ أَزْوَاجِهِمْ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُمْ فَإِنَّهُمْ غَيْرُ مَلُومِينَ ﴿٦﴾ فَمَنْ أَبْتَغَىٰ وَرَاءَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْعَادُونَ ﴿٧﴾ وَالَّذِينَ هُمْ لِأَمْتِنَتِهِمْ وَعَهْدِهِمْ رَاعُونَ ﴿٨﴾ وَالَّذِينَ هُمْ عَلَىٰ صَلَوَاتِهِمْ يُحَافِظُونَ ﴿٩﴾

⁶² Анфол сураси 2-4-оятлар.

⁶³ Нур сураси, 62-оят.

“Муъминлар нажот топдилар. Улар намозларида камтардирлар. Улар беҳуда (сўз ва ишлар)дан юз ўгирувчидирлар. Улар закотни адо этувчидирлар. Улар авратларини (ҳаромдан) сақловчи кишилардир. Илло, ўз жуфти ҳалоллари ва қўл остидагилар (чўрилар) бундан мустаснодир. Бас, албатта, улар маломат қилинувчи эмаслар. Бас, кимки шундан ўзгани (ҳаром қилинган нарсаларни) истаса, бас, ана ўшалар ҳаддан ошувчилардир. Улар (муъминлар) (одамларнинг берган) омонатларига ва (ўзаро) аҳдларига риоя этувчи зотлардир. Улар намозларини асрагувчи (вақтида адо этувчи)лардир.”⁶⁴

لَيْسَ الْبِرَّ أَنْ تُوَلُّوا وُجُوهَكُمْ قِبَلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلَكِنَّ الْبِرَّ مَنْ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ
وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكِتَابِ وَالنَّبِيِّنَ وَءَاتَى الْمَالَ عَلَى حُبِّهِ ذَوِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ
وَأَبْنَ السَّبِيلِ وَالسَّائِلِينَ وَفِي الرِّقَابِ وَأَقَامَ الصَّلَاةَ وَءَاتَى الزَّكَاةَ وَالْمُوفُونَ بِعَهْدِهِمْ إِذَا
عَاهَدُوا وَالصَّابِرِينَ فِي الْبَأْسَاءِ وَالضَّرَّاءِ وَحِينَ الْبَأْسِ أُولَئِكَ الَّذِينَ صَدَقُوا وَأُولَئِكَ هُمُ

الْمُتَّقُونَ

“Юзларингизни Машириқ ва Мағриб томонларига буриб, (ибодат қилишингизнинг ўзи тўла) яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират қунига, фаришталарга, китобларга, пайгамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўрган молидан қариндошларига, етимларга, мискинларга, йўловчига, тиланчиларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо этиб, закотни тўлаб юрадиган киши ва келишилган аҳдларига вафо қилувчилар, шунингдек, оғир-енгил кунларда ва жанг пайтида сабр қилувчилар яхши кишилардир.”⁶⁵

Иймон зиёда бўлади:

Иймонга ақида эътиборидан назар солган уламолар иймонни қисмларга ажратишни қабул қилмаганлар. Инсон икки ҳолатдан бирида бўлади: муъмин ёки кофир. Улар орасида бошқа ҳолат йўқ. Шундан келиб чиқиб, иймон зиёда ҳам, ноқис ҳам бўлмайди, деб айтишган.

Лекин жумҳур уламолар иймоннинг солиҳ амал билан боғланганлигини айтишади. Солиҳ амал зиёда бўлса, иймон ҳам зиёда бўлади. Мана шу гап Қуръонда қатъий келган ҳақиқатдир: Аллоҳ таоло айтадики:

... وَإِذَا تَلَّيْتْ عَلَيْهِمْ ءَايَاتُهُ زَادَتْهُمْ إِيمَانًا ...

“... оятлари уларга тиловат қилинганда - иймонлари зиёда бўладиган, ...”⁶⁶

... فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا فزَادَتْهُمْ إِيمَانًا ...

“...Аммо иймон келтирганларнинг иймонларини эса (бу сура) зиёда қилур...”⁶⁷

⁶⁴ Муъминун сураси, 1-9-оятлар.

⁶⁵ Бакара сураси, 177-оят.

⁶⁶ Анфол сураси, 2-оят

⁶⁷ Тавба сураси, 124-оят.

.... وَمَا زَادَهُمْ إِلَّا إِيمَانًا وَتَسْلِيمًا ﴿٢٢﴾

“...(бу) уларнинг иймон ва итоатларини янада зиёда қилди”⁶⁸

Амални тарк қилиш кофир қилмайди:

Аҳли сунна вал жамоа уламолари ҳаром ишни унинг ҳаромлигини инкор қилмасдан қилиш, вожиб амални унинг вожиблигини инкор қилмасдан, уни энгил санамасдан тарк этиш ўз эгасини охират азобига дучор қилишига, лекин уни кофир қилмаслигига ҳамда дўзахда абадий қолдирмаслигига иттифоқ қилишган.

Ҳадисда ворид бўлишича, зинокор зино қилиб турган пайтда мўмин бўлмайди. Бунинг маъноси шуки, зино қилаётган соатда Аллоҳ уни билиб турганини эсламайди. Агар эслаганда эди, Аллоҳдан бўлган ҳаёси уни бу ишдан қайтарган бўларди. Агар киши зино қилиб турган пайтда, отаси уни тепасида туриб кўриб турганини кўрса, зино қилишда давом этадими ёки отасидан бўлган ҳаёси уни бу ишдан тўсиб қўядими?! Аллоҳ уни кўриб турганини ёдда тутган бандани қандай қилиб Аллоҳдан бўлган ҳаёси уни бу ишдан тўсмасин?!

ИЙМОН МЕВАЛАРИ

Иймоннинг мевалари Росулulloҳ (с.а.в) саҳиҳ ҳадисда хослаган қалб амалларидир. Бу ҳадисда Росулulloҳ (с.а.в) жавомеъ ул-калим ҳисобланувчи калималар билан бу амалларни шундай баён қилганларки, бундай баён набавий баён бўлиб, башарият бундай каломни айтиш у ёқда турсин, унинг яқинига ҳам йўла олмайди. Бу эҳсонни таърифида келган “Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек ибодат қилишинг. Агар сен Уни кўра олмасанг, У сени кўриб турганини ҳис қилишинг” ҳадиси шарифидир.

Зикр:

Бу меваларнинг биринчиси зикрдир. Солиҳлардан бирининг (исми ҳозир эсимдан чиқибди⁶⁹) ҳаёти ҳақида ўқиганимда, унинг иши (солиҳлиги) шундай бошланган экан. Унинг бир ибодатгўй тоғаси бор экан. Ҳар доим шу тоғаси билан бирга юрар экан. Бир куни ундан: «эй тоғажон, мен ҳам сиздек бўлишим учун нима амал қилай?» деб сўрабди. Шунда тоғаси унга: “Ҳар куни уч марта – “Аллоҳ мени кўриб турибди. Аллоҳ мени билиб турибди”, дегин”, дебди. У буни бир ҳафта давомида айтиб юрибди. Кейин бу калималарни ҳар намоздан кейин уч мартадан айтишни буюрибди. Шу тарзда яна бир ҳафта ўтибди. Сўнгра бу калималарни тилини ҳаракатлантириш билангина эмас, балки қалби билан айтишга буюрибди. У буни доимо такрорлаб юрибди. Натижада, зокир бандалардан бўлибди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда зикрга буюрганчалик бирор-бир амалга буюрмаган. Бирор-бир кишини зокирларни мақтаганчалик мақтамаган. Қуръон нозил бўлмиш араб тилида зикрнинг икки хил маъноси бор. Бири қалб зикри, иккинчиси тил зикри. Зикрнинг мазкур иккала тури ҳам Қуръонда келган. Қалб зикри ҳақида Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга ёрдамчилик қилган йигит номидан шундай дейди:

.... فَإِنِّي نَسِيتُ الْحَوْتَ وَمَا أَنَسَنِیْهِ إِلَّا الشَّيْطَانُ أَنْ أَدْكُرَهُ ﴿٢٣﴾

⁶⁸ Аҳзоб сураси, 22-оят.

⁶⁹ Бу китобни ёзаётган пайтимда, менинг олдимда эсдан чиқарган нарсаларимни эслаш учун мурожаат қилинадиган бирорта китоб йўқ эди. Фақатгина Аллоҳнинг китоби бор эди. Мурожаат қилишга шунинг ўзи кифоя.

“...мен балиқни унутибман. (Буни сизга) айтишни фақат шайтон ёдимдан чиқарди...”⁷⁰

Яъни, эсимга келишидан, хотирлашимдан чалғитди маъносида.

Яна:

... أَذْكَرَ نِعْمَتِي عَلَيْكَ وَعَلَىٰ وَالِدَتِكَ ...

“...Сенга ва онанга берган неъматимни ёдингга ол...”⁷¹

... يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ ...

“Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳнинг сизларга (берган) неъматини эслангиз...”⁷²

оятларидаги зикр қалб зикрига мисолдир.

Тилнинг зикрига мисоллар:

وَأَذْكُرُ فِي الْكِتَابِ إِبْرَاهِيمَ ...

“(Эй, Муҳаммад,) Китобда Иброҳим (қиссасини) ёд этинг!”⁷³

وَأَذْكُرُ فِي الْكِتَابِ مَرْيَمَ ...

“(Эй, Муҳаммад,) ушбу Китобда (Қуръонда) Марямни ёд этинг!”⁷⁴

أَذْكُرُنِي عِنْدَ رَبِّكَ ...

“Хожсанг ҳузурида мени ёд эт!”⁷⁵

فَاذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ عَلَيْهَا ...

“Аллоҳ номини зикр қилингиз”⁷⁶

Агар сен зокир сифатига эришмоқчи бўлсанг, қалбинг⁷⁷ билан (яъни ақлинг билан) ёлғизлигингда ҳам, жамоат жойида ҳам, бозорда ҳам, йўлда ҳам зикр қил. Ҳар қандай вақтда, ҳар қандай ҳолатда Аллоҳ сени кўриб турганини эсингда тут. Уни рози қиладиган амалларнигина қил. Агар бир вожиб амални адо қилган бўлсанг, унинг амрига бўйсуниб адо қилганингни, агар бир ҳаром ишни тарк қилган бўлсанг, унинг қайтариғига бўйсуниб тарк этганингни ёд эт! Агар мубоҳ амал қиладиган бўлсанг, ундан савобга эришиш

⁷⁰ Каҳф сураси, 63-оят.

⁷¹ Моида сураси, 110-оятлар.

⁷² Моида сураси, 11-оят.

⁷³ Марям сураси, 41-оят.

⁷⁴ Марям сураси, 16-оят.

⁷⁵ Юсуф сураси, 42-оят.

⁷⁶ Ҳаж сураси, 36-оят.

⁷⁷ Қалбдан мурод инсоннинг қон айланишини амалга оширувчи, чап томонда турган моддий жисм эмас, балки инсоннинг фикрлаш ва ҳиссиётларининг маконидир.

жихатини қасд қил! Агар олдинда икки йўл пайдо бўлса, улардан сени жаннатга яқин қиладигани ҳамда дўзахдан узоқлаштирадиганини танла! Агар унутиб бирор гуноҳ қилиб кўядиган бўлсанг, эслашинг билан тавба қил, Ундан авф сўра!

إِنَّ الَّذِينَ اتَّقَوْا إِذَا مَسَّهُمْ طَئِيفٌ مِّنَ الشَّيْطَانِ تَذَكَّرُوا فَإِذَا هُمْ مُبْصِرُونَ ﴿٧٨﴾

“Тақво қилганларга шайтондан (бирор) мусибат етса, (дарҳол Аллоҳни) эслайдилар. Бас, ўшанда улар (ҳақни) кўрувчидирлар”⁷⁸

Тилинг билан ҳам зикр қил. Зеро, зикрнинг энг афзали ҳузури қалб билан тилда зикр қилишдир. Агар фикр тил зикр қилиб турган нарсадан бошқа нарсада бўлса, унинг зикри маъносиз калом холос.

Шомда пирожное сотувчилар ҳам “Аллоҳ Каримдир”, деб нидо қилишади. Бундан улар Аллоҳни зикр қилишни қасд қилишмайди, балки пирожное сотишни қасд қилишади. Зиравор сотувчилар “Аллоҳ доимдир” деб нидо қилишади. Бу ҳам зикр эмас.

Баъзан тил билан қилинадиган зикр маъсият бўлиши ҳам мумкин. Масалан, арок ичаётганда Худони эслаш, фосиқ кўшиқчилар ўз кўшиқларида Аллоҳни ёд этишлари каби. Агар улар бу ишлари билан масхаралашни ният қилсалар, ёки ўз айтаётганларини ҳақ деб даъво қилсалар, уларнинг бу амаллари куфр бўлади. Зикрнинг энг афзали Қуръон тиловатидир. Магар шундай ўринлар борки, шариъат унга хос зикрни таъйин қилган. Масалан, рукуъ ёки саждадаги тасбеҳ. Зикрнинг ундан кейинда турадиган афзали бу Росулulloх соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган зикрлардир.

Бугунги кунимизда зикр байрамлари деб номланган янгича удум пайдо бўлган, унда қиём, рукуъ, эгилиш, тек туриш йўқ, аксинча бир маромда рақсга тушиш, куй-оҳанг бор. Унда таҳлил, ҳамд айтилмайди, балки, мавҳум товушлар чиқарилади. Масалан, “ох”, “воҳ” га ўхшаган. Ибн Обидийннинг хошиясида⁷⁹ (бу китоб Ҳанафий мазҳабининг асосидир) келишича, бу амал ҳаромдир. Фақатгина бу амални ғайриихтиёрий тарзда, ҳиссиётларни жиловлай олмаган ҳолда қилсагина бундан мустасно. Агар бу амални ҳалол санаса, унинг кофир эканлигига ҳукм қилинади.

Хавф ва Ражо ораси.

Мўъмин киши Аллоҳнинг иқобидан хавфда ва унинг авфидан умидворлик орасида бўлиши керак. Аллоҳ таоло тез ҳисоб-китоб қилувчи, азоби қаттиқ Зот эканлигини эсда тутсин, шунда унда хавф ғолиб бўлади. Шу билан бирга Унинг кечиримли ва раҳмдил, балки, раҳмдилларнинг ҳам энг раҳмлироғи эканлигини ҳам ёд қилсин. Шунда унда ражо (умидворлик) ғолиб бўлади. Агар қалби фақатгина хавф билан тўлиб тошадиган бўлса, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлиб қолади.

إِنَّهُ لَا يَأْتِسُّ مِنْ رَّوْحِ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ الْكَافِرُونَ ﴿٧٩﴾

“Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофирлар қавмигина ноумид бўлур”⁸⁰

Агар қалби фақатгина ражо билан тўлиб тошадиган бўлса, унда Аллоҳнинг “макри” дан эминда бўлиб қолади.

⁷⁸ Аъроф сураси, 201-оят.

⁷⁹ Учинчи жузъ, 307-бетда

⁸⁰ Юсуф сураси, 87-оят

﴿٩٩﴾ فَلَا يَأْمَنُ مَكْرَ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ الْخَاسِرُونَ

“Аллоҳнинг "макри" (азоби)дан фақат зиён кўрувчилар қавмигина "хотиржам" бўлувлар”⁸¹

Биз аввал айтиб ўтганимиздек, Холиққа ҳеч бир махлуқ ўхшамайди. Ундан хавфда бўлиш ҳам, махлуқотлардан хавфда бўлишга сира ўхшамайди. Сен қаршингда тишларини қайраб турган, оғзини тўлдириб ириллаб турган шердан кўрқасан. Сен унинг олдида ҳеч қандай қуролсиз турибсан. Қалбингга хавф-кўрқинч тўлади. Лекин, Аллоҳдан хавфда бўлиш шердан кўрққандек эмас. Шер агар сенга ҳамла қилишни истаса, унинг хатарини бартараф қилиш мумкин. Аллоҳ эса шерни ҳам яратиб қўйган Зот. Унинг сенга ёзиб қўйган қисматини зинҳор бартараф қилиб бўлмас.

Денгиз қирғоғида турганинда мавжланган тошқиндан кўрқасан. Сенда уни даф қилишга қувват йўқ. Лекин сенинг бу кўркувинг, Аллоҳдан хавф қилишдек эмас. Аллоҳ хоҳласа уни тўлқинлантиради, хоҳласа тўхтатиб қуритиб қўйишга ҳам қодир Зот. Тошқиндан қочиш қолиш, ундан узоклаш мумкиндир, лекин Аллоҳнинг азоби сенга воқеъ бўладиган бўлса, ундан қочиш қоладиган ҳеч қандай паноҳ йўқ. Сен касалликлардан, бало-офатлардан, яқин кишиларингни йўқотиб қўйишдан, мол-дунёинг йўқ бўлиб қолишидан кўрқасан. Аммо бу кўркув Аллоҳдан хавф қилишдек эмас. Барча иш Аллоҳнинг қўлидадир, хоҳласа, сени балога гирифторм қилади, хоҳласа, сенга офият беради. Агар сени Аллоҳ балога гирифторм қиладиган бўлса, ундан сени ҳимоя қиладиган ҳеч нарса йўқ.

Шундай экан, мўъмин Аллоҳдан хавф ва ражо ўртасида бўлиши керак. Намозда турганида шундай дейди:

﴿٣﴾ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ

“(У) меҳрибон, раҳмли”⁸²

Шунда у ражони ҳис қилади. Агар

﴿٤﴾ مَلِكِ يَوْمِ الدِّينِ

“ва жазо куни (қиймат)нинг эгасидир”⁸³

деб айтса, хавфни ҳис қилади. Бугунги кунда кўплаб мусулмонлар, ражони хавфдан, мағфиратдан умидворликни эса азобдан кўркишдан устун қўйиб юборганлар.

Мусулмон киши агар фарзларни адо этиб, ҳаром ишлардан четда бўлиш билан қифояланса, тақводор, хавф қилувчилардан бўлади, лекин жаннатдаги олий даражалардан қуруқ қолади. Бунинг мисоли худди бир ўқувчига ўхшайди. У имтиҳондан ўтадиган энг паст баҳони олган. Синфда қолмайди, лекин шу билан бирга, мукофотларни ҳам қўлга кирита олмайди. Унинг баҳоси “уч” бўлади, “тўрт” ҳам, “беш” ҳам эмас.

Таваккул:

Аллоҳ таоло айтади:

﴿١٣﴾ وَعَلَى اللَّهِ فَتَوَكَّلُوا إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ

⁸¹ Аъроф сураси, 99-оят.

⁸² Фотиҳа сураси, 3-оят

⁸³ Фотиҳа сураси, 4-оят

“Агар мўъмин бўлсангиз, Аллоҳга таваккул қилингиз!”⁸⁴

إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَوَكِّلِينَ

“Аллоҳга таваккул қилинг! Аллоҳ таваккул қилувчиларни севар”⁸⁵

Таваккул ўзи нима? Унинг ҳақиқати қандай? Биз олдин айтиб ўтдикки, Аллоҳ таоло Ўзи яратган нарсалар ичида фойда берадигани ҳам, зарар келтирадигани ҳам бор. У зот табиат қонунларини фойда учун ҳам, зарар учун ҳам сабаб қилиб қўйган. Аллоҳга бўлган таваккул табиатдаги сабабларни тарк қилишми?

Баъзи сўфийлар, таваккулни сабабларни тарк қилиш деб тушунишади. Ризқ талаби учун ҳеч қандай амал қилишмайди, балки, ризқ уларга ҳеч қандай ҳатти-ҳаракатсиз етиб келишини орзу қилишади. Касални даволашни тарк қилишади, шифо даволашсиз келади, деб хаёл қилишади. Сахрога чиқишда ҳам, ўзлари билан озиқ-овқат захираси олиб олишмайди, балки, уларнинг озиқ-овқати ғайритабиий йўл билан келади, деб гумон қилишади. Ҳаттоки, илм талаб қилишни ҳам тарк этишади. Улар илм талаб қилмаса ҳам илм пайдо бўлишига эътиқод қилишади⁸⁶. Бу шариятга хилофдир. Шарият айтадики:

فَأَنْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ وَابْتَغُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ

“*Ер юзида тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверингизлар!*”⁸⁷

Яна: “Эй Аллоҳнинг бандалари, даволанингиз!”, “Захира тўплангиз!”, “Илм талаб қилиш фарздир”, дейди. Энди ким, илм талаб қилишни тарк қилиб, унинг таҳсилани гумон қиладиган бўлса, шариятга ҳам, табиатга ҳам хилоф иш қилган бўлади.

Яна бир тоифа кишилар фақатгина моддийлик билан, моддапарастлик руҳида яшайдилар. Улар сабабларни ўша сабабларни пайдо қилувчиларнинг ўзи деб эътиқод қилишади. Шифо даволанишнинг ўзида, муваффақиятга эришишда саъй-ҳаракатнинг ўзи етарли, деб билишади. Бу эса воқеъликка хилофдир. Чунки, баъзан сабаб топилса ҳам, уни пайдо қилувчиси топилмайди. Даволанса ҳам шифо топмайди. Бир касалхонанинг битта хонасида иккита бемор бор. Уларнинг касали бир хил. Табиб бир киши. Даволаш йўли ҳам бир хил. Биринчиси ўлиб қолди, иккинчиси эса, тузалиб кетди. Дехқон энг яхши асбобларни ишга солиб, ерга энг яхши уруғлардан қадади. Унга энг қимматбаҳо ўғитлардан солди. Шунда бирдан қаттиқ совуқ ёки қаттиқ иссиқ, курғоқчилик ёки сув тошқини келиб, ҳалиги қилинган уринишларнинг (сабабларнинг) ҳаммасини ҳавога совориб юборди.

Демак, сабабларнинг ёлғиз ўзи ҳам етарли эмас экан. Аммо ақл бу сабабларга бепарво қараб туролмайди. Ақл ундайдиган ва шарият буюрадиган амал шуки, киши сабабларнинг барчасини қилсин, сўнгра уларни амалга оширишни Аллоҳдан сўрасин. Туяни аввал боғлаб қўйсин, сўнгра Аллоҳга уни ҳимоя қилишида таваккул қилсин. Дарсларингни ҳаммасини тайёрла, ана ундан кейин Аллоҳга таваккул қилиб, Ундан имтиҳондан муваффақиятли ўтишни сўра!

Мана шу ҳақиқий таваккулдир. Таваккул сабабларни эътиборсиз қолдириб, Аллоҳ яратиб қўйган табиат қонунлари билан ҳисоблашмаслик ҳам эмас, ҳақиқий фойда ва зарар берувчи Аллоҳ эканлигини унутиб, фойдани Ундан ўзгадан исташ ҳам эмас экан.

⁸⁴ Моида сураси, 23-оят.

⁸⁵ Оли-имрон сураси, 159-оят

⁸⁶ Улар бу эътиқодларига Аллоҳ таолонинг “Аллоҳга тақво қилинг. Аллоҳ сизларга илм берур” (Бақара сураси, 282-оят), оятини ҳужжат қилишади. Аслида бу хато даъводир. Биринчидан, бу тўлиқ оят эмас, балки оятнинг бир бўлагидир. Оятни тўлиқ ўқиган киши унинг бу маънога далолат қилмаслигини тушуниб етади. Агар фаразан фақатгина шу битта жумла билан ҳужжат қилинадиган бўлса ҳам, илм ўрганиш билан эмас, тақво билан ҳосил бўлади, дейдиган бўлишса, шу жумланинг ўзида ҳам уларга раддия бордир. Чунки, тақво шариат буюрган амални қилиш билан ҳосил бўлади. Илм талаб қилиш эса шариат буюрган амаллардандир. Ким бу буйруққа амал қилмаса, тақводор бўла олмайди.

⁸⁷ Жумъа сураси, 10-оят.

Сабабларни қилишда шарият буйруғига итоат қилиб, Аллоҳнинг яратиб қўйган табиат қонунларига мувофиқ ҳолда иш тутиш керак. Лекин, сабабларнинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки, натижалар Аллоҳнинг қўлидадир. Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилувчи, бир ишни амалга ошишида керакли бўлган барча шаръий сабабларни ишга солади, бор кучини сарф этади, шу билан бирга унга эришиш Аллоҳнинг қўлида эканлигига эътиқод қилади. Унга таваккул қилиб, ўзи ирода қилган нарсасини сўрайди.

Шукр:

Мўъмин банда таваккулдан сўнг Аллоҳ берса ҳам, бермаса ҳам Ундан рози бўлса, шукр сифатига эга бўлади.

وَمَنْ يَشْكُرْ فَإِنَّمَا يَشْكُرُ لِنَفْسِهِ

“Кимки шукр қилса, фақат ўзи учун шукр қилур”⁸⁸

وَسَيَجْزِي اللَّهُ الشَّاكِرِينَ

“Аллоҳ шукр қилувчиларни мукофотлар”⁸⁹

Шукр иймоннинг меваларидан биридир. Агар сенга Аллоҳнинг бирор бир бандаси яхшилик қилса-ю, унга шукр қилмасанг (раҳмат айтмасанг) уни хафа қилган бўласан, холбуки, у яхшиликка бир восита холос. Ҳақиқий яхшилик қилувчи зот эса Аллоҳдир. Шундай экан, қандай қилиб Аллоҳга шукр қилмайсан, ахир Аллоҳ сенга эшитиш ва кўриш неъматини, тан-сиҳатлик ва хотиржамликни бериб қўйган, ер юзидаги нарсаларни сенга бўйсундириб қўйган ҳамда сен уларни санаб-саноғига ета олмайдиган неъматларни ато қилган Зотку? Дарҳақиқат, инсон неъматнинг қадрини билмайди токи уни йўқотмагунча. Қачонки унга оғриқ азоб берса, у энг катта неъмат оғриқдан қутулишда деб билади, лекин, оғриқ кетгандан кейин бу неъматни унутади. Агар бир динорга муҳтож бўлиб қолса, энг катта неъмат бойликда деб ўйлайди, аммо бойиб кетгандан кейин бу неъматни унутади. Агар чироқ ўчиб қолиб, уйини зулмат қопласа, энг катта неъматни ёруғлик деб билади. Ёруғлик келганда эса, унинг қадрини билмайди.

Агар сен Аллоҳнинг сенга бўлган неъматларини санағига ҳам ета олмайдиган бўлсангу, булар учун Аллоҳга шукр қилмайсанми? Аллоҳга тил билан, уни мақташ ва унга сано айтиш билан “Барча ҳамд Аллоҳгадир.... Роббим ҳамду сано сенгадир” дея шукр қиласан. Унга амалинг билан ҳам шукр қиласан. Бу шу билан бўладики, сенга етган неъматдан, шу неъматдан бебахра бўлганларга ҳам улашасан. Бойнинг шукри фақирга беришда, кучлининг шукри заифга ёрдам беришда, султоннинг шукри ҳақ ва адолат ила бошқаришда бўлади. Агар сен бойлик соҳиби бўлсангу, дастурхонингда турли-туман ноз-неъматлар бўлиб, кўшинг оч бўладиган бўлса ва сен кўшнингга ҳеч нарса бермасанг, ҳеч қачон шокир бандалардан бўла олмайсан, гарчи тилинг билан минг марта “Алҳамду лиллаҳ” десанг ҳам. Аллоҳга қалбинг билан ҳам шукр қиласан. Ундан рози бўласан, сенга тақдир қилган нарсага қаноат қиласан, аччиқланмайсан, неъматларни оз деб ҳисобламайсан, Аллоҳ бошқага ато қилган нарсага ҳасад қилмайсан. Мана шу қалб шукридир.

Кимда-ким Аллоҳдан рози бўлган ҳолда қалб шукрини, ўзидан ортган неъматларни маҳрумларга бериш орқали амал шукрини ҳамда Аллоҳга ҳамд айтиш орқали тил шукрини жам қилса, ҳақиқий шукр қилувчи бандалардан бўлади.

Сабр:

⁸⁸ Лукмон сураси, 12-оят

⁸⁹ Оли-Имрон сураси, 144-оят

Мусулмон инсон доим икки неъмат орасидадир. Агар унга яхшилик етса, шукр қилади ва бунга ажр олади. Агар унга зарар етса сабр қилади ва бунга ажр олади. Шукр қилувчи бойнинг ажрига сабрли фақирнинг ажригина тенг кела олади, балки ундан ҳам зиёда бўлади.

وَلَنَجْزِيَنَّ الَّذِينَ صَبَرُوا أَجْرَهُمْ بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٦٦﴾

“Биз, албатта, сабр этганларни ўзлари қилиб ўтган амалларининг чиройлилари баробаридаги мукофот билан тақдирлаймиз”⁹⁰

Бу дунё ҳаёти роҳат-фароғат ҳовлиси эмас. Дарҳақиқат, у машаққатлардан, соғлиқнинг ёмонлашишидан, мол-дунёнинг зоеъ бўлишидан, яқин кишилардан жудо бўлишдан, дўстнинг алдовидан ёхуд тинчликнинг йўқ бўлишидан холи эмас. Бу ҳаёти-дунёнинг ўзгармас қонунидир:

Асли ифлос бўлган дунё ҳаётин,
Бўлишин истарсан фаровон ва кенг.
Ҳодисотлар табиати зидлиги,
Сувдан чўғли ўтин излаш билан тенг.

Аллоҳ таоло айтади:

وَلَنَبْلُوَنَّكُمْ بِشَيْءٍ مِّنَ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ وَدَشِيرٍ

الصَّابِرِينَ ﴿١٥٥﴾

“Сизларни бироз хавф, очлик билан, молу жон ва мевалар (ҳосили)ни камайтириши йўли билан синагаймиз. (Шундай ҳолатларда) сабр қилувчиларга хушхабар беринг (эй, Муҳаммад)!”⁹¹

Чунки, улар вақт ўтиши билан ўзларига етган мусибатни унутишади ва савобга эга бўлишади. Сабрсизларчи, ҳам ғам-андух чекадилар, ҳам ҳеч нарсага эришолмайдилар.

Қийинчилик ва мусибатлар келганда агар сабр билан даволанадиган бўлсанг, савобга эришасан. Агар дод-вой солсанг, ғам-андухнинг ортса-ортадики, мусибатлар даф бўлмайди, савобга ҳам эриша олмайсан. Бу сабрнинг биринчи нави бўлиб, у мусибатларга сабр деб номланади.

Иккинчи нав: маъсиятларга сабр қилишдир. Ёш йигит очик авратларни кўради, нафси унга мойил бўлади. У эса Аллоҳдан хавф қилиб кўзларини юмади. Ҳаром лаззатлар йўлини билиб, нафсини унга киришдан тўсади, гарчи унга ўзининг рағбати бўлса ҳам. Пора тақдим қилинаётган мансабдор шахснинг ҳам сабри мана шу навга оиддир. Таклиф қилинаётган пора миқдори унинг олти ойлик маош пули миқдорига тенг. Лекин, уни олишдан ўзини тияди, гарчи унга ўзининг эҳтиёжи бўлса ҳам. Сабрнинг бу навига имтиҳондаги ўқувчининг сабри ҳам мисол бўла олади. Китобдан жавобларни ўғриликча кўчириб олиш мумкин бўлса ҳам, у бунга қўл урмайди, холбуки, унинг имтиҳондан ўтиш-ўтмаслиги шунга боғлиқ бўлиб туради.

Маъсиятлар нафс учун лаззатлидир. Шу ишни қилишга қодир бўла туриб, ундан ўзини тийса, сабрлилар қаторидан жой олади.

⁹⁰ Наҳл сураси, 96-оят.

⁹¹ Бақара сураси, 155-оят.

Учинчи нав: тоат-ибодатларга сабр қилиш. Бомдод намозига туришга, совуқ кечада иссиқ тўшак ва ширин уйқуни тарк этишга бўлган сабр, жазирама ёз ойида, рамазондаги очлик ва ташналикка бўлган сабр мана шу навга тегишлидир. Нафс мол-дунё муҳаббатига мойил бўлса ҳам, ундан чиқариб закот бериш, садақа қилишга бўлган сабрлар ҳам ана шулар жумласидандир.

Ҳозирги фитна-фасодли замонда динга амал қилиб туришнинг ўзи осон эмас. Ҳадисда келгандек, динини маҳкам тутувчи одам худди кўлида чўғ ушлаб тургандек бўлиб қолди. Ана шундай бўлса ҳам, савоб умидида сабр қилувчилар, Аллоҳ таоло васф қилган мана бундай бандалар тоифасига сазовор бўлади:

الَّذِينَ صَبَرُوا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٤٧﴾

“Улар сабр қилган ва Парвардигорларигагина таваккул этганлардир”⁹²

أُولَٰئِكَ يُؤْتَوْنَ أَجْرَهُمْ مَرَّتَيْنِ بِمَا صَبَرُوا

“Ана ўша зотларга (иймон йўлида) сабр қилганлари сабабли мукофотлари икки баробар ато этилув”⁹³

وَمَا يُلْقِيهَا إِلَّا الَّذِينَ صَبَرُوا وَمَا يُلْقِيهَا إِلَّا ذُو حَظٍّ عَظِيمٍ ﴿٦٥﴾

“Унга фақат сабрли зотларгина эришувлар, унга фақат улуг насиба эгасигина эришув”⁹⁴

Шариъат ҳукмига бўйсунуш.

Биз иймон қалб амали, у Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдиган сирлардан бири эканлигини айтиб ўтгандик. Инсонларда кўриниб турган амаллари ҳам бор. Биз мўъмин ва ғайри мўъминни унинг амали ва қавлига қараб ажратамиз. Ислом бу - иймоннинг кўриниб турадиган жиҳати. Ислом луғатда таслим бўлиш деган маънода ишлатилади. Бола отасига унга ишонгани учун таслим бўлади, ошиқ маҳбубига майли бўлгани учун таслим бўлади. Мағлуб уни енгган одамга ундан кўррқани учун таслим бўлади. Аммо мўъмин ўз Парвардигорининг ҳукмига мутлоқ таслим бўлади. Унинг ҳар бир амрига итоат қилади, агарда бунинг ҳикматини, ундаги фойда нимада эканлигини билмаса ҳам. У қайтарган ҳар бир нарсдан ўзини тияди, агарда унинг нима сабабдан қайтарилганини сирини тушуниб етмаса ҳам. Бу таслим бўлишликнинг икки жиҳати бор. Биринчи жиҳати амалий жиҳатдир. Бу сўз ва амал орқали бўйсунуш орқали ҳосил бўлади. Бу ҳақида ҳали, шу китобнинг ислом учун ёзилган махсус жузъида гаплашамиз ИншаАллоҳ. Иккинчи жиҳати нафсий жиҳат бўлиб, бу ҳақида биз ҳозир фикр юритамиз, яъни иймон ҳақида гаплашамиз.

Бу жиҳат шунда намоён бўладики, шариъатнинг ҳукмига қалбан рози бўлинади. Нафс бу розилиқдан ором топади. Биз ўзимиз хоҳлаган, рози бўлган ҳолда вожиб амалларни қиламиз ёхуд ҳаром нарсаларни тарк этамиз. Қалбимизда бунга оғриниш ёки ёмон кўриш бўлмайди. Аллоҳ таоло айтади:

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِي مَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ

“Бас, Раббингиз ҳаққи, улар ўрталаридан чиққан низоларга Сизни ҳакам қилмагувларича”⁹⁵

⁹² Наҳл сураси, 42-оят

⁹³ Қасос сураси, 54-оят

⁹⁴ Фуссилат сураси, 35-оят

⁹⁵ Нисо сураси, 65-оят

Бу амалий жиҳат,

ثُمَّ لَا تَجِدُوا فِي أَنْفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا ﴿١٥﴾

“ва сўнгра чиқарган ҳукмингиздан дилларида танглик сезмай, тўла таслим бўлмагунарича, зинҳор иймон келтирмагайлар.”⁹⁶

Бу эса нафсий жиҳатдир. Ҳукми Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга топшириб қўйишлик билан кифояланмаймиз, балки бу ҳукнинг тўғрилигига қалбимизда ишонч, розилик ва хотиржамлик бўлсагина ҳақиқий таслим бўлган бўламиз.

إِنَّمَا كَانَ قَوْلَ الْمُؤْمِنِينَ إِذَا دُعُوا إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ لِيَحْكُمَ بَيْنَهُمْ أَنْ يَقُولُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا

وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٥١﴾

“Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорланган вақтларида, мўъминларнинг сўзи “эшитдик ва бўйин сундик” (демоқдир – тиллари билан қироат қилишади, қалблари билан эътироф қилишади). Ана ўшаларгина иқболлидирлар”⁹⁷

Одамлар ичида шундайлари борки, доим шарият ҳукмининг, буйруқ ва қайтариқларининг ҳикматини сўраб юришади. Гўёки, ҳикматини билишмаса итоат қилишмайдигандек. Шариятда ҳеч шак-шубҳасиз ҳикмат бор. Лекин, бу ҳикматлар бизга махфий бўлиб, улар ривоят ёки излаб топиш орқали намоён бўлади. Агар роббимизнинг шарияти ҳикмати бизга зоҳир бўлмайдиган бўлса, унга осий бўлишимиз керакми?!

Тасаввур қилинг: Агар сиз болангизга иш буюрсангизу, то унга бундан кўзлаган мақсадингизни айтмагунингизча бола сизнинг буйруқларингизни бажармаса, эҳтимол мақсадингизни айтишга шароит танглик қилиб қолар ёхуд бу фош қилиб бўлмайдиган сирдир, шу болани сизга осийлик қилди деб ҳисоблайсизми? У сизнинг болангиз ва сиз унинг отаси бўлганингиз учун ҳар бир амрингизни сўзсиз бажаришини истамайсизми?! Агар аскар ўз қўмондонининг буйруғини токи қўмондон унга ўз мақсадини изоҳлаб бермагунча бажармаса, ана шу аскар жазога лойиқ бўлмайдими?!

Батаҳқиқ, Аллоҳнинг бандалари устидаги ҳаққи зинҳор отанинг боласи устидаги ҳаққи каби, ёхуд қўмондоннинг зобит устидаги ҳаққи каби эмас. У зотнинг биздаги ҳаққи шуки, унга истасак-истамасак, нафсимизга ёқса, ёқмаса ҳам бўйсунимиздир. Агар биз шариятдан, фикҳдан ўз нафси ҳавомизга ёқадиган ҳукмларни қидирадиган бўлсак, шу инсофдан бўладими?! Ғарб маданиятидаги урф-одатларни шариятимизга хужжат қилиб олсак, уларни ўз диний адабиётларимизда келган маънодан бошқа маъноларда таъвийл қилсак, “бизнинг динимиз бу урф-одатлардан қайтармаган” дейишлик учун тўғри йўлни четлаб ўтсак, вақт ўтиб шу маданият ва ундаги урф-одатлар тамоман бошқача тус олганда, яна бошқача таъвийллар қилиб, нафсимизга ёққан шу маданиятни ёқлаб чиқаверсак, Аллоҳ таолонинг шариятига қандай қилиб таслим бўлган бўламиз ахир?!

Йўк, шарият ҳукмларига тўлиқ бўйсуниб, ундаги ҳукмлардан қалбимиз рози бўлиб ором топсагина ҳақиқий, содиқ мўъминлардан бўламиз.

Қаттиққўллик ва юмшоқлик.

Иймоннинг кўзга кўринарли жиҳатларидан бири Аллоҳ учун яхши кўриб, Аллоҳ учун ғазаб қилишдир. Биз тақводор, итоаткор кишини яхши кўрамиз, гарчи ундан бизга ҳеч қандай манфаат етмаса ҳам. Фожир кофирни ёмон кўрамиз, гарчи ундан бизга ҳеч қандай зарар етмаса ҳам. Балки унинг бизга фойдаси тегса ҳам, уни ёмон кўрамиз, ундан

⁹⁶ Нисо сураси, 65-оят

⁹⁷ Нур сураси, 51-оят

ғазабланамиз, гарчи унга боғланиб қолган бўлсак ҳам. Чунки, мўъмин учун дин биродарлиги, қон биродарлигидан, ақида боғлиқлиги, насаб боғлиқлигидан кўра муҳимроқдир. Бизга Аллоҳ Нух алайҳиссаломнинг ўғли кофир бўлгани ва унинг аҳлидан эмаслигини баён қилади. Албатта, у (унинг қилгани) яхши иш эмас. Аллоҳ мўъминлар ва динга қарши уруш қиладиган исёнкорлар ўртасида дўстлик бўлишидан ва бирга тинч яшашликдан қайтарган. Гарчи бу икки тоифа ўртасида қариндошлик риштаси бўлса ҳам.

لَا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَوْ كَانُوا
 ءَابَاءَهُمْ أَوْ أَبْنَاءَهُمْ أَوْ إِخْوَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ

“Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига муҳолифлик қилувчилар билан - гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оғанилари, ёки қариндошлари бўлсалар-да - дўстлашаётганларини топмасиз”⁹⁸

Уларни исломга киришига мажбурланмайди. Балки уларнинг ўз даъватларини тарқатишга йўл қўйилмайди. Агар бизнинг динимизга ўзлари хоҳлаб киришса, улар ҳам бизлар кабидир. Бизга нима бўлса уларга ҳам шу бўлади. Агар улар бизга тегишмаса, биз ҳам уларга тегмаймиз. Агар динларида қолишса ҳам, уларнинг ҳаққини поймол қилмаймиз.

Мўъмин яхши кўрса, дин учун яхши кўради. Ёмон кўрса дин учун ёмон кўради. Агар яхши кўрса унда лутф, юмшоқлик, кечирувчанлик ва ёрдамани аямаслик сифатлари зоҳир бўлади. Дўсти учун ҳамма нарсага тайёр бўлади. Бирор нарсада, гарчи унга ўз эҳтиёжи бўлса ҳам дўстини ўзидан устун қўяди. Агар ғазаб қиладиган бўлса, Аллоҳ учун ғазаб қилади, динини ҳимоя қилишда қаттиққўллик, жасорат сифатлари пайдо бўлади. Мўъмин киши ўзида қаттиққўллик ва юмшоққўллик сифатларини жам қилади. Юмшоқлик ва раҳмдиллик ўзининг дин қардоши учун, қаттиққўллик ва қўполлик дин душманлари ва шайтон дўстлари учундир.

مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ وَالَّذِينَ مَعَهُ أَشِدَّاءُ عَلَى الْكُفَّارِ رُحَمَاءُ بَيْنَهُمْ

“Муҳаммад Аллоҳнинг расулидир. У билан бирга бўлган (мўъмин)лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида (мўъминларга нисбатан) эса раҳм-шафқатлидирлар”⁹⁹

أَذِلَّةٍ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ أَعِزَّةٍ عَلَى الْكَافِرِينَ يُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا تَخَافُونَ لَوْمَةَ لَائِمٍ

“мўъминларга (нисбатан) камтар, кофирлардан эса (ўзларини) юқори тутувчи, Аллоҳнинг (тоати) йўлида жидду жаҳд қилувчи, маломатчининг маломатидан қўрқмайдиган”¹⁰⁰

Тавба ва истиғфор:

Аллоҳ инсонни яратиб, унда шошқалоклик, узун орзу қилиш, мол-дунё тўплашга рағбат, аёлларга яқинлашишга бўлган шахват, ғазаб, ўч олишга бўлган майл ҳисларини жойлаб қўйган. Унга фаҳш ишларни зийнатлаб кўрсатадиган шайтонни унинг бошига қўйиб қўйган. Бунинг натижаси ўлароқ, у маъсиятларга қўл уради, гуноҳга ботади. Маъсият, гуноҳ азобидан қутулиш учун нима қилиш керак? Аллоҳ таоло ўз раҳмати туфайли унга тавба эшигини очиб қўйган.

У зот айтадики: сен қилиб қўйган ҳар бир гуноҳингни худди у бўлмагандек ўз саҳифангдан ўчириб юборишинг мумкин, балки унинг ўрнига яхшиликни ёзиб қўйишинг ҳам мумкин. Бамисоли бир тожир ўз дафтарига сенинг қарзингни ёзиб қўйган-у, сўнг у

⁹⁸ Мужодала сураси, 22-оят

⁹⁹ Фатҳ сураси, 29-оят

¹⁰⁰ Моид сураси, 54-оят

қарзларни сендан кечиб юбориб, ўз дафтаридан ўчириб ташлаш билан кифояланибгина қолмай, балки сенга бериладиган қарз тариқасида ёзиб қўйгани каби. Аллоҳ таоло шундай дейди:

إِلَّا مَنْ تَابَ وَءَامَنَ وَعَمِلَ عَمَلًا صَالِحًا فَأُولَٰئِكَ يُبَدِّلُ اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ وَكَانَ اللَّهُ

غَفُورًا رَحِيمًا ﴿٧﴾

“Илло, кимки тавба қилса ва иймон келтириб, яхши амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларини яхшилик (савоб)ларга айлантириб қўюр. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир”¹⁰¹

Модомики, киши соғлом, хуши жойида экан тавба эшиги у учун очик. Агар чин тавба қилса, тавбаси қабул қилинади. Тавба эшиги фақатгина жон ҳалқумга келиб, ўлим ҳолати аниқ бўлган соатдагина ёпилади. У соатда инсон ҳақиқат билан юзма-юз бўлади. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хабар берган нарсаларни ўз кўзи билан кўради. Ундай пайтда унинг қилган тавбаси, ўз-ўзидан пайдо бўладиган мажбурий тавба бўлиб қолади. Аслида эса тавба бу кишининг ўз ихтиёри билан Аллоҳ томонга қайтишидир. У ихтиёрни йўқотгандан кейин, унга икром ҳеч қандай фойда бермайди.

Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّمَا التَّوْبَةُ عَلَى اللَّهِ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ السُّوءَ بِجَهْلَةٍ ثُمَّ يُتُوبُونَ مِنْ قَرِيبٍ فَأُولَٰئِكَ يَتُوبُ اللَّهُ

عَلَيْهِمْ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿٨﴾ وَلَيْسَتِ التَّوْبَةُ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ السَّيِّئَاتِ حَتَّىٰ إِذَا

حَضَرَ أَحَدُهُمُ الْمَوْتُ قَالَ إِنِّي تُبْتُ الْكُفْرَ وَلَا الَّذِينَ يَمُوتُونَ وَهُمْ كُفَّارٌ أُولَٰئِكَ أَعْتَدْنَا

لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿٩﴾

“Албатта, Аллоҳнинг тавба қабул қилиши фақат ёмонлик (гуноҳ)ни билмасдан қилиб қўйиб, сўнгра тезлик билан тавба қилганлар учун (муқаррар)дир. Аллоҳ айнан ўшаларнинг тавбасини қабул қилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир. Гуноҳ ишларни қилиб юриб, қачонки, бирорталарига ўлим келганда, " Энди тавба қилдим" дейдиган, шунингдек, кофирлигича ўлиб кетадиганларнинг тавбалари эса қабул қилинмагай. Ана ўшалар учун аламли азоб тайёрлаб қўйганмиз”¹⁰²

Тавбанинг шартларидан биринчиси бу ёмонликдан узилиб чиқиш ва унга қайтмасликка азму қарор қилишдир. Агар сен йўлда кетаётган бўлсанг, бир киши ойнасини очиб сени устингга мағзава сув тўкиб юборса ва сен уни койиб, сўкмоқчи бўлганингда у сенга узр айтсада, лекин устингга сув тўкишда давом этса, ёхуд эртага устингга яна сув тўкамандеб айтса унинг бу узрини қабул қиласанми?

Дарҳақиқат, тавбанинг руҳи ва жасади бўлади. Унинг руҳи маъсиятнинг хунуклигини сезишдир. Жасади эса ундан тийилишдир. Бир киши кетаётиб, йўлда бир ёзувли белгини кўрди. Унда ёзилишича бу йўл у хоҳлаган жойга олиб бормайди. Агар у ёзувдаги нарсага ақли етмай, ўзининг нотўғри йўлида давом этадиган бўлса жуда катта гуноҳга йўл қўйган бўлади. Чунки, у тўғри йўлдан оғди ҳамда тўғри йўлнинг ўзини

¹⁰¹ Фурқон сураси, 70-оят

¹⁰² Нисо сураси, 17-18 оятлар

билмади ҳам. Аммо унга бир оз бўлса ҳам узр бор. Энди кимки, ёзувдаги нарсага ақли етиб турсаю, қасддан нотўғри йўлда юрадиган бўлса, унга ҳеч қандай узр қолмайди.¹⁰³

Иккинчи шарт: ёмонликнинг бадалига яхшилик, фасод қилинган ўринда ислоҳ қилиш, яъни тавбасининг ҳақлигини амални ўзгартириш, хулқни тузатиш билан изҳор қилиш.

كَتَبَ رَبُّكُمْ عَلَىٰ نَفْسِهِ الرَّحْمَةَ ۖ أَنَّهُ مَن عَمِلَ مِنكُمْ سُوءًا بِجَهْلَةٍ ثُمَّ تَابَ مِن بَعْدِهِ وَأَصْلَحَ

فَأَنَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٥٤﴾

“Раббингиз раҳмат (қилиш)ни Ўзига ёзди: сизлардан кимки жоҳилликда ёмонлик (гуноҳ иш) қилган бўлиб, сўнгра ўша (гуноҳи)дан кейин тавба қилиб, (ўзини) ислоҳ этса, бас, албатта, У кечиримли ва раҳмлидир”¹⁰⁴

فَمَن تَابَ مِن بَعْدِ ظُلْمِهِ وَأَصْلَحَ فَإِنَّ اللَّهَ يَتُوبُ عَلَيْهِ

“Кимки, (бу) зулмидан кейин тавба қилса ва (ўзини) тузатса, албатта, Аллоҳ унинг тавбасини қабул этади”¹⁰⁵

إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا وَأَصْلَحُوا وَبَيَّنُّوا فَأُولَٰئِكَ أَتُوبُ عَلَيْهِمْ ۖ وَأَنَا التَّوَّابُ الرَّحِيمُ ﴿١٦﴾

“Илло, қайсилари тавба қилиб, хатоларини тузатиб, (ҳақиқатни) баён қилсалар, уларнинг тавбаларини қабул этурман. Мен - тавбаларни қабул этувчи, раҳмли зотдирман.”¹⁰⁶

Гуноҳни ҳақиқий тарк этишинг, унга қайтмасликка қатъий қарор қилмоғинг ислоҳдир. Агар сен шу қатъий қарорингда турсангу, нафсинг ғолиб келиб қолиб шу гуноҳга яна қайтадиган бўлсанг, шундан сўнг тавба қилсанг, тавбанг қабул қилинади, гарчи бир неча марта қайтиб, тавба қилаверсанг ҳам. Аммо сен қатъий қарорингни ўзгартириб, ўзингга ўзинг “агар нафсим жуда истаб қолса, шу гуноҳни қиламан, кейин тавба қилавераман”, дейдиган бўлсанг, сенинг бу тавбанг тўғри ҳам бўлмайди, қабул ҳам бўлмас.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, бундай тавба Аллоҳнинг ҳаққида бўлганида бўлади, яъни гуноҳни тарк этиш, унга надомат қилиш ва унга қайтмасликка азм қилиш билан тугал бўлади. Аммо одамларнинг ҳаққидаги тавба, агар бирор кишига зулм қилган бўлсанг, молини еган бўлсанг, унинг обрўси ёки танасига азият етказган бўлсанг, унга қарши ёлғон гувоҳлик берган бўлсанг, унга ғийбат ёхуд чақимчилик ёғдирган бўлсанг, унинг ёмон камчилигини тарқатиб юрган бўлсанг, ана шу каби ҳолатларда унинг ҳаққини адо қилишинг керак бўлади ёхуд ундан кечирим сўраб, у сендан шу нарсаларни кечиши ёхуд Аллоҳ сени ҳолингга раҳм қилиб, уни сендан рози қилиши керак бўлади. Акс ҳолса, тавбанг қабул бўлмайди. Мазлум қиёмат кунини сенинг яхшиликларингдан олади ёки ўз гуноҳларини сенга юклайди.

¹⁰³ Аввалги одам адашган одамдир. Кейингиси эса унга ғазаб қилинган одамдир. Яхудийлар “уларга ғазаб қилинган”лардир, чунки улар ҳақни билиб туриб унга хилоф қилишди. “ўзларига таниш зот (Муҳаммад) келганда, (уни инкор этиб) кофир бўлдилар”.

¹⁰⁴ Анъом сураси, 54-оят

¹⁰⁵ Моида сураси, 39-оят

¹⁰⁶ Бақара сураси, 160-оят

Тавба эшиги гуноҳ ҳар қанча кўп бўлса ҳам очикдир. Ҳеч ким Аллоҳнинг авфидан ноумид бўлмас, зеро Аллоҳнинг авф қилишидан ноумид бўлиш ҳар қандай гуноҳдан ҳам улканроқ гуноҳдир.

﴿ قُلْ يَاعِبَادِيَ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِن رَّحْمَةِ اللَّهِ ۚ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا ۗ ﴾

﴿ إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ ﴾

“(Эй, Муҳаммад,) ўз жонларига зулм қилган бандаларимга айтинг: Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг Ўзи мағфиратли ва раҳмлидир”¹⁰⁷

Тавба бу ёмонликни тарк этиб, яхшиликка қайтишдир. Истиғфор эса Аллоҳдан мағфират сўрашдир. Шариъат истиғфорга буюриб, мағфират талаб қилишга ундайди.

﴿ هُوَ أَنشَأَكُم مِّنَ الْأَرْضِ وَأَسْتَعْمَرَكُمْ فِيهَا فَاسْتَغْفِرُوهُ ثُمَّ تَوْبُوا إِلَيْهِ ﴾

“У сизларни ердан пайдо қилиб, сизларни уни обод этувчи этди. Бас, Ундан кечирим сўрангизлар, сўнгра Унга тавба этингизлар!”¹⁰⁸

﴿ وَاسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمُ ثُمَّ تَوْبُوا إِلَيْهِ ۚ إِنَّ رَبِّي رَحِيمٌ وَدُودٌ ﴾

“Раббингиздан мағфират (кечирим) сўрангиз, сўнгра Унга тавба қилингиз! Албатта, Раббим раҳмли ва дўстлашувчи зотдир”¹⁰⁹

﴿ وَيَقَوْمٍ أَستَغْفِرُوا رَبَّكُمُ ثُمَّ تَوْبُوا إِلَيْهِ ﴾

“Эй, қавмим! Раббингиздан мағфират (кечирим) сўрангиз, сўнгра Унга тавба қилингиз!”¹¹⁰

Мана шу каби сўзлар ҳар бир пайғамбарнинг тилидан келган. Улар ўз қавмларига насиҳат қилишади. Аллоҳдан мағфират сўраш ва азобдан нажот топиш йўлига даъват қилишади.

Гуноҳкорлар бир неча хил даражада бўлади.

Биринчиси, ўз куфрларида вафот этган кофирлар. Уларнинг мағфират қилинишига ҳеч қандай умид йўқ.

﴿ إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ ۗ ﴾

“Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириши (гуноҳи)ни кечирмагай”¹¹¹

¹⁰⁷ Зумар сураси, 53-оят

¹⁰⁸ Худ сураси, 61-оят.

¹⁰⁹ Худ сураси, 90-оят.

¹¹⁰ Худ сураси, 52-оят.

¹¹¹ Нисо сураси, 48-оят.

Аҳли китобдан бўлган мушриклар, аслида кофирлардан ҳам ёмонроқдир. Лекин, уларнинг ҳаммаси ана шу оятга тегишли бўлади. Ким кофир ҳолида вафот этса, унга “Аллоҳ уни раҳм қилсин”, “Аллоҳ уни мағфират қилсин” деб ёхуд “мархум фалончи” деб ҳеч қачон айтиб бўлмайди. Аммо мусулмонлардан бўлган осийлар агар тавба қилмай вафот этиб кетсалар, уларнинг аҳволи Аллоҳга ҳавола қилинади. Истаса мағфират қилади:

وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَن يَشَاءُ^ع

“ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳлар)ни Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур”¹¹²

Истаса дўзах билан азоблайди. Лекин, улар дўзахда абадий қолмаслар. Ҳеч ким дўзах азобини енгил санамасин. Зеро, дунёдаги олов бир неъмат бўлса ҳам, ҳеч ким унда озгина муддат ҳам чидаб тура олмайди. Шундай экан, қандай қилиб биз ўз нафсимизни бир неча асрлар давом этадиган жаҳаннам оловига ташлаймиз?!

Тавба қилувчиларни эса, Аллоҳ ўз карами ила мағфират қилади. Бу гуноҳни қилиб сўнг ундан тавба қилган кишилар учундир. Аммо рағбати бўла туриб роббидан кўркиб, гуноҳ қилишдан қайтган киши учун жуда улкан савоблар бордир. Бир кишини шайтон йўлдан урди. Уни зинога чорлади. Зино қилиш учун керак бўладиган барча сабаблар юзага келди. Шунда у Аллоҳни эслаб қолдида, унинг шаҳвати ва унга боғлиқ барча нарсалар ўз-ўзидан йўқ бўлди. Холбуки, нафси унга рағбат қилаётганди. У бунга Аллоҳ қувват бермаса, ўзида қандай қилиб куч топа оларди?! Буни ҳеч ким тажриба қилиб кўрмасин. Буни бир мисол билан тушунтирсам. Бир киш хатарли касал бактерияларини тановул қилди. Агар у шу касалликдан нажот топиб кетса, унда шу касалликка қарши иммунинет ҳосил бўлади. Натижада, у унга шу касаллик келишидан олдинги ҳолатига қараганда кучлироқ бўлади. Лекин, касалликдан иммунинет ҳосил бўлиш эҳтимоллиги юздан бирга тенг. Ҳалок бўлиш эҳтимоллиги эса тўқсон тўққиз фоиздир. Бу жасад касаллигида шундайдир. Аммо гуноҳдан тийилишда эса, гарчи шу гуноҳдан қутулиб қолса ҳам, унда ҳеч қачон иммунинет ҳосил бўлмайди. Ёмонликдан омонда бўламан дейдиган одам, ундан узоқроқ юриши, унинг сабабларини кесиши, унга борадиган ҳар қандай йўлларни тўсиши, унга ундайдиган одамлардан воз кечиши керак бўлади. Дарҳақиқат, ҳамсухбат тортиб кетувчидир. Киши биродарининг дийнидадир дейилгани бежиз эмас. Азалдан шундай хикматли гап бор: “Сен менга дўстинг ким эканлигини айтсанг, мен сенга сенинг қандайлигингни айтиб бераман”.

Шундай экан, дўст танловчилар огоҳ бўлишсин, Аллоҳдан ёрдам сўрашсин.



¹¹² Нисо сураси, 48-оят.

ОХИРАТ КУНИГА ИЙМОН

Биз ва ўлим

Инсонлар ўлим билан тўрт хил муносабатда бўлади. Биринчиси, бир аҳмоқ шоир айтганидек:

Ўтган кун ўтиб бўлди, қолди бу кун,
Эртага не бўлар, билмайди ҳеч ким.
Шундоқ экан ғам-ташвиш нечун,
Ўйнаб-кулиб қолгин, шу кун, эй дўстим!

яъни, ўтган кун ҳақида ҳам, келажак ҳақида ҳам фикр юритмайди. Кечаги кун йўқ бўлиб кетди, эрта эса келмайди, деб гумон қилади. “Ўтган кун ўтиб бўлди”, дейди. Йўқ, Аллоҳга қасамки, ўтиб кетгани йўқ. Унда қилган яхшилик ва ёмонликларимиз ҳеч нарсани ўзидан четда қолдирмай ёзиб оладиган китобга битиб қўйилди. “Эртага не бўлар, билмайди ҳеч ким”, эртанги кун бизнинг сезги аъзоларимиздан ташқарида холос. Аслида, Аллоҳнинг хузурида мавжуддир. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, у келади. Бу тоифа қолган уч тоифанинг энг ёмонидир. Улар ўлимни эсламайди, у ҳақида фикр ҳам юритмайди.

Иккинчи тоифа ўлимни эслайди, лекин форс шоири Умар Хайём эслагандек ёд этади. У ўз шеърлари билан одамларни фитналанишига сабаб бўлган. Айтадики:

Токайгача умринг ўтади ўзни дея,
Ё ташвишини борлигу йўқликни ея.
Ич бодани, қасдида юрар бўлса ажал,
Умр ўтгани соз уйқу ё мастликда-қу-я...

“Агар ўлим шубҳасиз ҳақ бўлса, ҳаёт жуда ҳам қисқадир, унда яшаш йўқ. Биз уни ишқ ва муҳаббат билан тўлдирамиз. Агар ҳаёт ёвузлик ва ранж-алам учун яратилган бўлса, биз ундан шароб қосаси томон қочамиз, умрни шеър, май ва сархушлик билан ўтказамиз.”

Учинчи тоифа ўлимни эслайди, лекин Абу ал-Атоҳийя сингари ёд этади. У ўлимни тили билан кўп айтади, лекин ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида жуда оз ўйлайди. Худди одамларнинг “ўлим ҳар бир тирик жоннинг хотимасидир” ёки “бу уйғоқликнинг остида узоқ уйқу бор”, деган гапларига ўхшаш.

Тўртинчи тоифа ҳақиқат аҳли бўлиб, улар ўлимни хотима эмас, балки бошланиш эканлигини, у уйқу эмас, балки айнан уйғоқлик эканлигини билишади. “Одамлар уйқудадирлар, ўлгандан сўнг уйғонадилар”. Улар ўлимнинг ортида янада узунроқ, ниҳоясиз ҳаёт бор эканлигини яхши билишади. Унда ё доимий неъмат ёхуд аламли азоб бор эканлигига ишонишади. Бу тўртинчи тоифа ҳидоят топган мўъминларнинг тоифасидир.

Охират ҳаёти:

Мана шу ҳақиқий ҳаётдир. Кимнинг ақли қусурли бўлса, буни кўра олмайди. Ақли заиф бўлса у ҳақида келган хабарни тасдиқлай олмайди. Кимнинг кўзи очиқ бўлса, ақли соғлом бўлса инсоннинг ҳаёти марҳала (босқич) лардан иборат эканлигини кўради. Бир вақтлар у онасининг қорнида букланиб ётган чоғида, ҳомила деворларига ёпишган ҳолда яшаб турган пайтда, агар фикр юрита олганида эди, у ҳаёт деганда мана шу ҳаётни тушунган бўлар эди. Унда доимо қолади, ундан чиқиб кета олмайди, чиққан тақдирда ҳам ҳалок бўлсагина чиқади, деб гумон қилган бўлар эди. Агар у нутқ қила олганида, бу қориндан чиқишлик, ўлиш ва чуқурга дафн қилинишдир, деб айтган бўлар эди, холбуки, бу “туғилиш”, яъни кенгроқ бўлган оламга кўчиб ўтишдир. У мана шу дунёдир. Биз ўлган ва бу дунёдан чиқиб кетган деб билган киши аслида туғилган ва янада кенгроқ оламга

кўчиб ўтгандир. Бу барзах ҳаётидир. Барзах бу фоний дунё билан боқий охират ўртасидаги марҳаладир.

Ўлимга тайёргарлик:

Инсон узун орзу қилишга рағбатли қилиб яратилгандир. Бу унинг нафсидаги ғариза (ички ҳис) дир. Шунинг учун ўлим бизнинг сезги аъзоларимиз учун энг яқин ҳамда фикримиздан энг узоқ бўлган нарсадир. Ҳар куни олдимиздан ўтаётган тобутни кўрамиз, лекин ўзимиз боқий қоламиз, деб ўйлаймиз. Жанозаларда юрамиз, лекин дунё ҳақида фикр юритамиз ёки дунё ҳақида гаплашиб кетамиз. Ерда кўплаб қабрлар ётганини кўрамиз, лекин бир кун биз ҳам ўша ерда яшаймиз, деб ҳеч ўйламаймиз. Астаффируллоҳ, жасадларимиз бир кун унга келиб жойлашгай. Жасад ўзи нима? Инсон кўйлаги кир бўлса, уни ечиб ташлайди. Ёш гўдак туғилса, ўзи жойлашган ҳомиладан чиқиб кетади. Инсон ўлгач жасадини тарк қилади. Жасад бу кўйлак кабидир. Уни қияди ва ечиб ташлайди. Тупроқда фақатгина жасад ётади.

Инсон ўлимни унутади, лекин мўъмин киши ўлимни доим эслаб юради. Доим унга рўпара келишга тайёр туради. Тавба, истиғфор ва ҳақларни адо этиш билан унга тайёргарлик кўради. Ҳар сафар тонг отганда ва кеч кирганда ўзини ҳисоб-китоб қилиб кўради. Яхшиликка муваффақ бўлган нарсаси учун Аллоҳга шукр қилади, қилган ёмонлиги учун Аллоҳдан истиғфор сўрайди. Охиратни эслайди. Юзлар ва кўзлар алмашилиб қоладиган қиёмат кунидан кўрқади. Ўлимдан кейинги азобдан кўрқади. Ундан кейинги мукофотлардан умид қилади. Бунга сабр, намоз ва Аллоҳнинг розилигини истаб қилинган яхши амаллар билан ёрдам сўрайди. Унинг ҳузурдаги мукофотлардан умид қилади.

Ўлим соати нймон далилларидан биридир:

Аллоҳ таолонинг мана бу қавлини тааммул қилгин.

فَلَوْلَا إِذَا بَلَغَتِ الْحُلُقُومَ ﴿٤٢﴾ وَأَنْتُمْ حِينِيذٍ تَنْظُرُونَ ﴿٤٣﴾ وَخُنُوقَرَبُ إِلَيْهِ مِنْكُمْ وَلَكِنْ لَا تَبْصُرُونَ ﴿٤٤﴾ فَلَوْلَا إِنْ كُنْتُمْ غَيْرَ مَدِينِينَ ﴿٤٥﴾ تَرْجِعُونَهَا إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٤٦﴾

“Бас, қачонки, (кишининг жони) ҳалқумга етганида,” ва ундан қочиб бўлмайдиган ўлим соати келганида, “ўша вақтда сизлар” ўзларингизга маҳбуб бўлган кишининг ўлимига “қараб турурсизлар”, яъни унинг ўлимини сезиб турасизлар. Уни бор куч-эътиборларинг билан даволашга уринасизлар.

Эгилиб, уни кучоқлаб оласизлар. “Биз эса унга сизлардан кўра яқинроқдирмиз, лекин сизлар (буни) кўрмассизлар”. Чунки, сизларнинг сезги аъзоларингиз фақатгина мана бу моддий оламнигина идрок қила олади. У эса бу дунёнинг ортидаги оламга кириш арафасида турган бўлади. “Бас, қани энди, сизлар жазоланмайдиган бўлсангизлар”, худди сизлар ва оламлар Роббига итоат қилмайдиганлар гумон қилганидек. Сизларга бир юмуш бор: “агар ростгўй бўлсангизлар, ўшани (жонни) жойига қайтаринглари!” яъни, руҳни жасаддан чиқиб кетганидан сўнг, жойига қайтариб кўйинглари. Бунга бор ақлингизни, илмларингизни, мол-дунёингизни ишга солинг. Агар буни қила олмайдиган бўлсангиз, нима учун бу коинотнинг робби бор эканлигига, у сизларнинг подшоҳингиз эканлигига, сизларни У тирилтириб, ўлдиришига ва шундан сўнг яна қайта тирилтиришига иқроп бўлмайсизлар?¹¹³

¹¹³ Воқеа сураси, 83-87-оятлар.

Аҳамиятсиз шубҳа:

Бир худосиз, кофир одамнинг мусулмон кишилардан сўраган бир саволини ўқиб қолдим. “Бир лаҳзада бир киши Америкада, яна бири Хитойда вафот қиладиган бўлса, ўлим фариштаси қандай қилиб уларнинг жонини бир лаҳзада олади?..”

Жавоб шулки, биринчидан, фаришта билан ер куррамизнинг нисбати, худди бир кишини минглаб чумолилар бор жойга нисбатига тенг ёки ичида миллионлаб бактериялари бор косанинг нисбатига тенг. Балки, фаришталардан биргинасининг бизга нисбати ундан ҳам каттароқдир. Ер куррамиз унинг кафтида, худди бир кишининг қўлида бир дона уруғ тургандек нисбатга эга. Бу биринчиси.

Иккинчидан, ўлим фариштасининг жонни қабз қилишда ёрдамчилари бор. Аллоҳ таоло айтади:

حَتَّىٰ إِذَا جَاءَ أَحَدَكُمُ الْمَوْتُ تَوَفَّتْهُ رُسُلُنَا وَهُمْ لَا يُفَرِّطُونَ ﴿٦١﴾

“Бирорталарингизга ўлим келган пайтда, уни элчи (фаришта)ларимиз эринмай (ўз вақтида) вафот эттирурлар.”¹¹⁴

Қиёмат куни:

Охират кунига (қиёмат кунига) бўлган иймон акоид рукнларининг иккинчи рукнидир. Куръонда Аллоҳга бўлган иймон билан охират кунига бўлган иймон деярли барча ўринларда бирга зикр қилинган.

Мўъмин у кунни доимо эсда тутиб юради. У куннинг савобидан умид қилиб, яхши амалларни кўпайтиради, у куннинг азобидан қўрқиб, қўлидан келганча ёмонликдан узоқлашади. Агар унга ҳаром лаззат рўбарў бўлса, у унинг охиратдаги аламини эслайди ва нафсини ундан буради. Унинг лаззатидан воз кечади. Агар қийин вожиб амалга йўликса, унинг охиратдаги савобини эслайдида, нафсини ўша томон буради, унга рағбат қилади. Кечалари ётар жойини тарк этиб, намозга туради, тангчиликда ҳам, тўкин-сочинликда ҳам инфоқ-эхсон қилади, ўзи мухтожроқ бўлса ҳам, бошқаларни ўзидан устун кўяди. Аллоҳнинг азоби қаттиқ эканлигини фикр қилади. У зотнинг исмини эшитганда қалби ларзага келади. Сўнгра У зотнинг раҳмати эсига тушади ва қалби юмшаб, Унинг зикридан ором олади.

Қиёмат муддати:

Куръонда келишича, қиёматнинг муддатини махлуқотлардан ҳеч ким билмайди, фақатгина Аллоҳ таолога маълумдир.

يَسْأَلُونَكَ عَنِ السَّاعَةِ أَيَّانَ مُرْسَلُهَا قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ رَبِّي لَا يُجَلِّئُهَا لَوْحَتًا إِلَّا هُوَ

“Сиздан (эй, Муҳаммад!) қиёмат ҳақида, унинг қачон қоим бўлишини сўрашади. Айтинг: “Унинг илми Раббим ҳузурдадир. Унинг вақти (келгани)да уни Ўзи билдиради”¹¹⁵

У фақатгина тўсатдан келади.

وَمَا أَمْرُ السَّاعَةِ إِلَّا كَلَمَحٍ الْبَصَرِ أَوْ هُوَ أَقْرَبُ

“Қиёмат иши (қойим бўлиши) кўзни очиб-юмиш ёки ундан ҳам яқинроқдир”¹¹⁶

Лекин Куръонда ворид бўлишича, қиёмат бу оламда ғаройиб ҳодисаларнинг кетидан келади. Мисол учун, ердан одамларга гапирувчи хайвон чиқиши, бу ҳақ хабардир.

¹¹⁴ Анъом сураси, 61-оят

¹¹⁵ Аъроф сураси, 187-оят

¹¹⁶ Наҳл сураси, 77-оят

Бу ғайбдан бўлиб инсоният акли буни идрок қила олмайди. Биз ҳам у ҳақида фақат Аллоҳ билдирган нарсанигина биламиз. Аллоҳ бизга бу ҳайвон нима эканлиги ҳақида, унинг сифатида ҳақида ҳеч нарса баён қилмаган. Унга иймон келтиришлик вожиб, собит далилсиз у ҳақида ҳар-хил гап сўзлардан четда бўлишлик лозим. Ғаройиб ҳодисалардан яна бири бу Яъжуж ва Маъжуж девори бузилиб, уларнинг ер юзига чиқишидир. Аллоҳ Яъжуж ва Маъжуж ким эканлиги ҳақида, улар қайси миллатдан эканлиги ҳақида, уларнинг шаҳарлари қайси, девор қаерда жойлашган эканлиги ҳақида ҳеч нарса баён қилмаган. Агар биз ўқиб изланиб у ҳақида бирор маълумотга эга бўлсак ҳамда бу маълумот Қуръон хабарига хилоф келмаса у ҳақида сўз очайлик, акс ҳолда, Қуръон хабарини тўлиқ ҳолида тасдиқлаб, у билдирган чегарада тўхтайлик. Аллоҳ таоло айтади:

حَتَّىٰ إِذَا فُتِحَتْ يَأْجُوجُ وَمَأْجُوجُ وَهُمْ مِّن كُلِّ حَدَبٍ يَنْسِلُونَ ﴿٤٦﴾ وَأَقْرَبَ الْوَعْدِ
الْحَقُّ فَإِذَا هِيَ شَاخِصَةٌ أَبْصَرُ الَّذِينَ كَفَرُواِ يُؤْيَلْنَا قَدْ كُنَّا فِي غَفْلَةٍ مِّنْ هَذَا بَلْ كُنَّا

ظَلَمِينَ ﴿٤٧﴾

“То Яъжуж ва Маъжуж (тўғони) очилиб, улар ҳар бир тепаликдан оқиб келадиган, ҳаққоний ваъда (қиёмат) яқин бўладиган вақтда бехос кофир бўлганларнинг кўзлари қотиб: “Эй, ҳолимизга вой, бизлар бундан гафлатда эканмиз. (Йўқ), балки бизлар зolim эканмиз” (дейдилар)”¹¹⁷

Бундан ташқари саҳиҳ ҳадисларда¹¹⁸ келган бошқа ишлар ҳам гарчи Қуръони Каримда зикр қилинмаган бўлса ҳам қиёмат аломатларидан дарак беради. Масалан, илмнинг кўтарилиши, нодонликнинг авж олиши, маст қилувчи ичимликлар кўп ичилиши, зино авж олиши, эркаклар камайиб, аёлларнинг кўпайиб кетиши, омонатга хиёнат қилиниши, мезон ўзгариб, пастлар олий бўлиши, олийлар паст бўлиши, сўнгра дажжол чиқиши, Исо алайҳиссаломнинг сўнгги пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариятларига ва у кишининг умматларига ёрдам бериш учун тушишлари шулар жумласидандир.

Қиёматнинг бошланиши:

Қуръони Каримда¹¹⁹ қиёмат аломатлари қуйидагича намоён бўлиши ҳақида зикр қилинган: У кучли зилзила билан бошланади, бу зилзила одамлар билган зилзилаларга ўхшамайди (Валлоҳу аълам), инсоният ҳаёти ер юзида ортиқ давом этмайди, дунёда бирор жон тирик қолмайди, бутун башариятни катта кўрқинч қамраб олади, у кўрқинчининг шиддатидан она ўз эмизикли боласини гарчи унга ҳар-қанча меҳр-муҳаббати бўлса ҳам қаровсиз ташлаб кўяди, ҳомиладорларнинг қорниларидаги нарсалар кўрқувдан тушиб қолади, одамлар ақл-хушини йўқотади, худди маст ҳолга тушиб қолади.

وَمَا هُمْ بِسَكْرَىٰ وَلَٰكِنَّ عَذَابَ اللَّهِ شَدِيدٌ ﴿٢٠﴾

¹¹⁷ Анбиё сураси, 96-97-оятлар.

¹¹⁸ Қиёмат аломатлари ҳақидаги ҳадислар оғиздан оғизга ўтиб ривоят қилингандир. Шунинг учун, уларнинг тўғри эканлигини Қуръон оятлари тўғри эканлигига жазм қилгандек жазм ила айта олмаймиз. Ана шу юзасидан, Қуръоннинг бирор оятини ёлғон деган кимсани кофир деб ҳукм қиламиз, лекин бу ҳадислардан бирор-бирини ёлғон деган кимсани кофир деб ҳукм қила олмаймиз.

¹¹⁹ Китобнинг биринчи фаслидаги гапларни мен мусулмонлар учун ҳам ғайридинлар учун ҳам келтирганман. Шу сабабдан нақлий далиллардан кўра кўпроқ ақлий далиллар келтирдим. Иймон бўлимига етиб келгач эса, энди кишининг мўминлиги ғолиб бўлганлиги сабабли, нақлий далилларга кўпроқ суяндим. Қуръон оятларидан ҳужжат келтирдим.

“ҳолбуки, улар маст эмаслар, лекин Аллоҳнинг азоби қаттиқдир”¹²⁰

Саҳиҳ қавлга кўра, бу зилзила қиёматдан олдин рўй беради. Аллоҳ таоло айтади:

إِذَا زُلْزِلَتِ الْأَرْضُ زِلْزَالَهَا ۖ وَأَخْرَجَتِ الْأَرْضُ أَثْقَالَهَا ۖ وَقَالَ آلِ نَسْنُ مَا هَآءَا ۖ

“Қачонки, Ер ўзининг (энг даҳшатли) зилзиласи билан қимирлаганида, ер (ўз қаъридаги конлару мурдалардан иборат) "юк" ларини (юзага) чиқариб ташлаганида ва (қайта тирилишини инкор қилувчи) инсон (даҳшатга тушиб): "Унга не бўлди экан?" - деб қолганида...”¹²¹

Инсон ер юзида қолиб, зилзилаларга гувоҳ бўлади. У ҳақида сўрайди ва унинг сабабларини¹²² қидиради.

Астрономик ҳодисалар:

Қиёмат соати, унда бўладиган ва ундан кейин келадиган ҳодисалар, аввал айтиб ўтганимиздек, ғайбий ишлардандир. Моддий яратилган нарсаларни идрок қилгандек ҳис қилиш аъзолари билан уларни идрок қилиб бўлмайди, инсон ақли дунёвий ҳодисалар ҳақида хулоса қилганидек у ҳақида хулоса қила олмайди. Бу ишлар фақат Қуръон ва ҳадисда келган матнлар ва уларнинг маъносини тушуниш орқали идрок қилинади.

Қуръонда биз “табиат қонунлари” деб номлайдиган коинот ҳодисалари, уларда бўладиган ўзгаришларга далолат қилувчи кўплаб очиқ-ойдин оятлар келган. Уларнинг давомийлиги бу дунёнинг давомий эканлигига узвий боғлиқдир. Бу дунёнинг муддати интиҳо топса, бу қонунлар ҳам барҳам топади.

Сен кўриб турган бу олам, ер ва юлдузлар, ундаги ажойиб ва мукамал нарсалар гўёки маълум мақсад ва чегараланган муддат учун қурилган вақтинчалик бинодир.

Қиёмат соатида содир бўладиган ҳодисалардан бири бу тоғлар улкан ер силкиниши натижасида тошлари парчаланиб, гўёки титилиб кетган пахта сингари бўлиб қолишидир. Улкан тоғ парчаланиб қумтепаликка айланиб қолади. Сўнгра бир кўпорилиб худди қум зарралари учиб юргандек, учиб юради. Сўнгра саробга айланиб қолади ва бутун ер юзи текис юзага айланиб қолади.

Буларнинг барчаси ҳақида Қуръон хабар беради. Яна хабар беришича, денгиз сувлари портлаб мавжланади, сўнгра буғга айланиб кетади. Юлдузларни жойи ўзгариб, сочилиб кетади. Ой билан Қуёш бир жойга жамланиб қолади. Осмон майдаланиб, ёрилиб кетади, сўнгра хат ўралгандек ўралиб қолади. Натижада, ер ўзгариб, худди бошқа ерга айланиб қолганга ўхшайди. Осмон ҳам гўё бошқа осмондек бўлиб қолади. Буларнинг барчаси ҳақида Қуръон хабар берган.

Сурга пуфланиши:

Биз сурнинг ҳақиқати нима эканлигини, унга пуфлаш кайфиятини билмаймиз. Унинг сифати ҳақида айтилган барча гаплар саҳиҳ хабарга суянилган эмас. Уни таъвийл қилиб бўлмайди. Қуръонда келишича, унга пуфланганда осмонлар ва ер юзидаги барча нарса ва жонзотлар кўрқувдан даҳшатга тушади, сўнгра яна бир марта пуфланганда, осмонлар ва ер юзидаги барча нарса ва жонзотлар яшин ургандек қирилиб кетади. Оятдан маълум бўлишича, сурга икки марта пуфланар экан. Саҳиҳ гап шулки, барча нарса ва жонзотлар даҳшатга тушиб, яшин ургандек қирилиб кетиши битта пуфланганда рўй беради. Шундан сўнг бирор тирик жон қолмай ҳаммаси ўлади (илло, Аллоҳ хоҳлагани

¹²⁰ Ҳаж сураси, 2-оят

¹²¹ Залзала сураси, 1-3-оятлар.

¹²² Баъзилар Аллоҳ таолонинг “ер (ўз қаъридаги конлару мурдалардан иборат) "юк" ларини (юзага) чиқариб ташлаганида” оятидан мурод қайта тирилишдир, деб айтишади. Мен аниқ жазм билан бир нарса дея олмайман, балки “Аллоҳ билгувчирокдир”, дейман.

тирик қолади). Бу ўлим муддати фақатгина Аллоҳга маълумдир. Бу муддат ҳақида Аллоҳ бизга хабар бермаган. Сўнгра сурга иккинчи бор пуфланади. Бу тирилтириш пуфланиши бўлиб, барча ўликлар тирилади. “Улар қабрларидан Парвардигорлари сари суғурилиб чиқурлар”¹²³.

Тирилиш ва ҳашр (тўпланиш).

Ҳар бир ўлик аввал қандай ҳолда ўлган бўлса, шундай ҳолатда тирилади. У худди бир ёки бир неча соатгина ўтди, деб ўйлайди. Бунинг мисоли шунга ўхшайдики, бир одам нимадир олди-сотди қиляпти ёки гаплашяпти. Шунда бирдан уни машина уриб юборса, уч кун беҳуш ётади. Хушига келгач эса, яна ҳалиги олди-сотдисиди ёхуд гапида давом этади. У орада уч кун муддат ўтиб кетганини билмайди. Худди шунингдек одамлар қайта тирилиш куни ҳам орадан шунча узоқ муддат ўтиб кетганини билишмайди. Шунинг учун дийнимизни Аллоҳдан чиройли хотима сўраган ҳолда ўрганамиз.

Батаҳқиқ, Аллоҳ таоло бу ҳақида одамлар учун мисоллар келтирган. Масалан, Бақара сурасида ўтган кишилардан бирининг мисоли шундай келтирилади.

أَوْ كَالَّذِي مَرَّ عَلَىٰ قَرْيَةٍ وَهِيَ خَاوِيَةٌ عَلَىٰ عُرُوشِهَا قَالَ أَنَّىٰ يُحْيِي هَٰذِهِ اللَّهُ بَعْدَ مَوْتِهَا فَأَمَاتَهُ اللَّهُ مِائَةَ عَامٍ ثُمَّ بَعَثَهُ قَالَ كَمْ لَبِثْتَ قَالَ لَبِثْتُ يَوْمًا أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ قَالَ بَلْ لَبِثْتَ مِائَةَ عَامٍ فَانظُرْ إِلَىٰ طَعَامِكَ وَشَرَابِكَ لَمْ يَتَسَنَّهْ وَانظُرْ إِلَىٰ حِمَارِكَ وَلِنَجْعَلَكَ آيَةً لِلنَّاسِ وَانظُرْ إِلَىٰ الْعِظَامِ كَيْفَ نُنشِزُهَا ثُمَّ نَكْسُوهَا لَحْمًا فَلَمَّا تَبَيَّنَ لَهُ قَالَ أَعْلَمُ أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

شَيْءٍ قَدِيرٌ

“Ёки бошқа бир киши (Узайр) кабики, (у) томлари йиқилиб, вайронага айланган қишлоқдан (Байтул-Мақдисдан) ўтиб бораркан: “Аллоҳ бу харобага айланган қишлоқ (аҳли)ни қандай тирилтирар экан-а?” - деди. Шунда Аллоҳ уни (Узайрни) юз йил (муддатга) ўлдирди. Сўнгра уни тирилтириб деди: “Қанча муддат (ўлик ҳолда) турдинг?” “Бир кун ёки ярим кун”, - деди у. Аллоҳ: “Йўқ, юз йил турдинг. Таоминг ва ичимлигингга қара, бузилмаган. Энди, эшагини (чириб кетганини) кўр! (Бу мўжизаларни) одамларга сени ибрат қилишимиз учун (келтирдик). Бу суякларни қандай тиклаб, сўнг уларни гўшт билан қоплашимизни кўргин”. Қачонки, унга (бу ишлар) аниқлангач: “Мен (энди) биламанки, Аллоҳ ҳамма нарсага қодир экан”, - деди”¹²⁴.

Каҳф аҳли ҳам бунга мисолдир. Улар уч юз тўққиз йил уйқуда бўлишади. Сўнгра туриб, ўйлашадики, улар бир неча соатгина ухлашган. Ичларидан бир кишига ёнларидаги пулни бериб, бирор нарса сотиб олиб келишга жўнатишади. Холбуки, у пуллар муомаладан чиқиб кетган эди, улар эса буни билишмайди.

Мана шу одамларнинг тирилиш кунидаги ҳолатидир. Улар ҳам озгина муддат ухлаб, кейин уйғонгандек бўлишади. Кейин ўзаро муноқаша (баҳс-тортишув) қилишади:

¹²³ Ясин сураси, 51-оят.

¹²⁴ Бақара сураси, 259-оят

وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ يُقْسِمُ الْمُجْرِمُونَ مَا لَبِثُوا غَيْرَ سَاعَةٍ كَذَلِكَ كَانُوا يُؤْفَكُونَ ﴿٥٥﴾ وَقَالَ
الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ وَالْإِيمَانَ لَقَدْ لَبِثْتُمْ فِي كِتَابِ اللَّهِ إِلَى يَوْمِ الْبَعْثِ فَهَذَا يَوْمُ الْبَعْثِ وَلَكِنَّكُمْ
كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٥٦﴾

“Қиёмат қойим бўладиган кунда жиноятчи кимсалар (дунёда) бир соатдан ортиқ турмаганларига қасам ичурлар. Улар (дунёда ҳам) мана шундай (ростдан ёлгонга) бурилувчи эдилар. (Шунда) илм ва иймон берилган зотлар айтурлар: "Аниқки, сизлар Аллоҳ (Лавҳул-Маҳфузда) ёзиб қўйганидек, тирилиши кунигача турдинлар. Бас, мана шу тирилиши кунидир. Лекин, сизлар (буни ҳақ эканини) билмас эдинглар”¹²⁵

Улар дунёда завол топмаймиз деб гумон қилар эдилар, лекин ҳолатнинг кўрқинчидан ораларидаги ҳар қандай алоқани узиб юборадилар.

فَلَا أَنسَابَ بَيْنَهُمْ يَوْمَئِذٍ

“ана ўша кун иларнинг ўрталарида (ҳеч қандай) насаблар қолмас”¹²⁶

Киши ўзининг яқин дўстини кўради, лекин у ҳақида ҳол-аҳвол сўрамайди, у ҳақида қайғурмайди ҳам. Ҳеч ким ҳақида қайғурмайди, балки ўзининг аҳволи ҳақидагина қайғуради. Ака-укасида, онасида, отасида, хотин, бола-чақасида қочади. Балки, қани энди, ундан қурбонлик қабул қилинадиган бўлса-ю, у уларнинг барчасини азобдан қутулиб қолиш учун фидо қилиб юборса. Бир муддат (қанча муддат эканлигини фақат Аллоҳ таоло билади) бир-бирлари билан исён кўтариб, бир-бирларини тарк қилишади. Сўнгра жамланиб, маҳшар томон ҳайдалиб боришади.

Башариятнинг ҳаммаси, Одам Атодан унинг охири зурриётигача бўлган барча инсонлар, ўз ўлан тўшагида вафот этганлар, денгизга ғарқ бўлганлар, йиртқич ҳайвонлар еб кетганлар, самолётдан қулаганлар, қуйиб кули кўкка созурилганларнинг барчасини аввалда йўқликдан яратган Зот яна қайта тирилтиради ва бир жойга жамлайди, маҳшар майдони томон ҳайдаб боради, жинлар, шайтонлар ва ваҳший ҳайвонлар ҳам ҳайдалиб боришади.

مُهْطِعِينَ إِلَى الدَّاعِ يَقُولُ الْكٰفِرُونَ هٰذَا يَوْمٌ عَسِرٌ ﴿٨﴾

“Чақирувчи томонига шошганларича борар эканлар, кофирлар: "Бу оғир Кундир", - дерлар”¹²⁷

Сўнгра роббимиз жаҳаннамга амр қилади, у одамларга узоқдан кўринади. Аллоҳ уларга шундай дейди:

¹²⁵ Рум сураси, 55-56-оятлар

¹²⁶ Мўъминун сураси, 101-оят

¹²⁷ Қамар сураси, 8-оят

﴿ أَلَمْ أَعْهَدْ إِلَيْكُمْ يَبْنَىءَ آدَمَ أَن لَّا تَعْبُدُوا الشَّيْطَانَ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴾ ﴿٦﴾ وَأَنِ اعْبُدُونِي
 ﴿ هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ ﴾ ﴿٦١﴾ وَلَقَدْ أَضَلَّ مِنْكُمْ جِبِلًّا كَثِيرًا أَفَلَمْ تَكُونُوا تَعْقِلُونَ ﴿٦٢﴾ هَذِهِ
 جَهَنَّمُ الَّتِي كُنْتُمْ تُوعَدُونَ ﴿٦٣﴾

“Мен сизларга тавсия қилиб: “ Эй, Одам болалари, шайтонга ибодат (итоат) қилмангиз, чунки, у сизларга очиқ душмандир. Менгагина ибодат қилинглар! Мана шу Тўғри йўлдир”, - демаганмидим?! (Шайтон) сизларнинг ичингиздан кўп авлодни йўлдан оздирди. Ахир, ақл юритувчи бўлмадингизларми? Сизларга ваъда қилинган жаҳаннам мана шудир!”¹²⁸

Роббимиз амр қилади, гуноҳкорлар ажратиб олинади. Уларни ҳамма танийди. Уларнинг ҳар бири қанийди, инсон бўлмасак, деб орзу қилади ва

يَلِيَّتِي كُنْتُ تَرَابًا

“ Эҳ, кошки эди тупроқ бўлсам”¹²⁹

дейди.

Сўнгра Аллоҳ кофирларни ўзлари ибодат қилган ва илоҳлар деб гумон қилган Аллоҳдан ўзга жинлар ва шайтонлардан бўлган кишилар билан бирга жаҳаннамда тўплайди. Одамлар ўзлари ўйлаб топиб, илоҳ деб гумон қилган нарсалар ҳам шулар жумласидандир. Масалан, юнонлар Зевс ва Афродита, румлар Юпитер ва Фенус, форслар Ҳурмуз ва Аҳриман, мисрликлар Ҳобий, финикияликлар Баъл, араблардаги Лот ва Уззо каби ўйлаб чиқарилган илоҳлар шулар жумласидандир. Кофирлар уларни Аллоҳнинг шериклари деб гумон қилишади. Юнонлар ёки румлар Аполлонни қуёш ва санъат илоҳи деб, Бохус шароб илоҳи, Артемис ов илоҳаси, Минерва ҳикмат илоҳаси, Нептун денгиз илоҳи ва ҳ.к деб гумон қилишади. Уларга қиёмат куни Аллоҳ шундай дейди:

وَيَوْمَ يَقُولُ نَادُوا شُرَكَاءِيَ الَّذِينَ زَعَمْتُمْ فَدَعَوْهُمْ فَلَمْ يَسْتَجِيبُوا لَهُمْ

“У Кунда (Қиёматда Аллоҳ): “Сизлар Менинг шерикларим деб ўйлаган (бутларингизни) чақирингиз”, дер. Бас, уларни чақирганларида, (улар) жавоб қилмайдилар”¹³⁰

Уларга роббимиз айтади:

مَا لَكُمْ لَا تَنَاصِرُونَ ﴿٦٥﴾

“Нега бир-бирларингизга ёрдам бермаяпсизлар”¹³¹

Қавмларини куфр ва ширкка бошлаган мутакаббирларни ўзларига кафил деб ўйлаб юрган заифлар улардан ёрдам кутиб, назар соладилар ва

¹²⁸ Ясин сураси, 60-63-оятлар

¹²⁹ Набаъ сураси, 40-оят.

¹³⁰ Каҳф сураси, 52-оят

¹³¹ Вассоффот сураси, 25-оят

إِنَّا كُنَّا لَكُمْ تَبَعًا فَهَلْ أَنْتُمْ مُغْنُونَ عَنَّا نَصِيبًا مِنَ النَّارِ ﴿٤٧﴾

“Бизлар сизларга эргашиган эдик, энди сизлар бизлардан дўзах (азоби)нинг бирор бўлагини даф қила олурмисизлар?”¹³² дерлар.

Шунда мутақабирлар “биз сизлардан холимиз, сизларни мажбурлаганимиз йўк”, деб жавоб берадилар. Уларнинг азоблари тугул, ўз азобларини ҳам енгиллатишга қодир эмасликларига иқрор бўладилар. Барча боши эгик ҳолда, оламларнинг робби ҳузурда хор ҳолатда туради. Гумон қилинган илоҳлар, ёлғон, ботил гумонлар йўк бўлади. Кофирлар ва улар ибодат қилган махлуқотлар орасидаги шайтоний ваъдалар алоқаси узилади. Ботил маъбудлар уларга ибодат қилган кишилардан ўзини оқлайди. Ҳаттоки, шайтон ўзига эргашиган кимсаларни алдаганини эътироф қилади:

وَقَالَ الشَّيْطَانُ لَمَّا قُضِيَ الْأَمْرُ إِنَّ اللَّهَ وَعَدَكُمْ وَعَدَ الْحَقِّ وَوَعَدْتُكُمْ فَأَخْلَفْتُكُمْ وَمَا كَانَ لِي عَلَيْكُمْ مِنْ سُلْطَانٍ إِلَّا أَنْ دَعَوْتُكُمْ فَاسْتَجَبْتُمْ لِي فَلَا تَلُومُونِي وَلُومُوا أَنْفُسَكُمْ مَا أَنَا بِمُصْرِخِكُمْ وَمَا أَنْتُمْ بِمُصْرِخِيَّ إِنِّي كَفَرْتُ بِمَا أَشْرَكْتُمُونِ مِنْ قَبْلُ

“Қачонки, иш битгач (яъни, жаннат аҳли жаннатга, дўзахилар дўзахга ҳукм қилинган), шайтон дейди: "Аллоҳ сизларга ҳақ ваъда қилган эди. Мен ҳам ваъда бериб, сизларни алдаган эдим. (Лекин) мен учун сизларнинг устингиздан ҳеч қандай иқтидор йўқ эди, илло мен сизларни (куфр йўлига) чақирдим. Сизлар менга ижобат этдингиз"¹³³. Энди мени эмас, ўзларингизни маломат қилингиз. Мен сизларга ёрдам бера олмайман, сизлар ҳам менга ёрдам берувчи эмассиз. Мен сизлар илгари мени (Аллоҳга) шерик қилганингизни инкор қилурман”¹³⁴

Шайтон ўзининг дунёда заиф ва ожизли бўлганлигини таъкидлаб, бошқаларнинг эргашишидан ўзини четга олади. У фақат васваса ва адаштиришга қодир эди, холос. Унда ҳеч қандай куч-қувват йўқ эди. Уларга фойда ҳам, зарар ҳам етказа олмас эди.

Ҳисоб-китоб:

Шундан сўнг ҳисоб-китоб учун одамлар турғизиб қўйилади ва мутлоқ адолат мезони ўрнатилади. Бу тарози кишининг хантал уруғи мисқолича, чанг ғуборидек заррача ёхуд атом майдонида сузиб юрувчи бир дона электроннинг миқдорича бўлса ҳам ҳар бир амалларини аниқ ҳисоблайди. Бу амалларнинг ҳолатларини ҳам ўлчаб беради. Яхши нияти ва қалбий ихлоси ҳам намоён бўлиб, тарозининг яхшиликлар палласи томон қўшилади. Қалбида бўлган нифоқ ёки риё эса тарозининг ёмонликлар палласига қўйилади¹³⁵.

Шундай одил ҳукм чиқариладики, бунда инсон ўзи қилиб ўтган амаллари ва ўзи умид қилган Роббисининг авфидан, Унинг марҳаматидангина манфаат олади. Унга Аллоҳ учун ёхуд Аллоҳ йўлида қилинган инфоқ-эҳсонидан ўзга ҳеч қандай мол-дунёси фойда бера олмайди. Унинг шон-шухрати ҳам унга наф беролмайди, илло Аллоҳнинг тоатида

¹³² Гофир сураси, 47-оят

¹³³ Шу ерда дажжоллар ҳақидаги даъво ботил эканлигига далил бор. Эмишки, улар шайтонлар ва жинларни ўз хизматларига олар, улардан хоҳлаганини калтаклар, истаганига манфаат берад ва уларни қутуриш касалига мубтало бўлганларнинг танасидан чиқариб олар эмиш.

¹³⁴ Иброҳим сураси, 22-оят

¹³⁵ Тарозининг сифати ва шакли ҳақида айтилган гапларнинг барчаси далили йўқ гаплардир.

сарф қилгани бундан мустасно. Ҳеч ким бошқа бировга ёрдам беролмайди, ҳеч ким ўз Роббисининг изнисиз бирор шафоатчи топа олмас.

Охират шафоати дунёдаги шафоат каби эмас. Дунёдаги шафоатчи ҳокимнинг олдига киради ва дўстлиги ёки нуфузини ўртага қўяди. Шундай қилиб ҳоким ич-ичидан хохламаса ҳам, уни шафоат қилишга мажбур бўлади. Натижада, айбдорнинг айбини беркитади ёхуд лойиқ бўлмаса ҳам бирор лавозимга таъйин этади. Охиратдаги шафоат эса, қачонки роббимиз ўз авф-марҳамати ила раҳм қилса, бу марҳамати учун бирор зоҳирий сабаб қилиб қўяди ва шафоатга изн беради. Натижада, унинг изни ва амри ила шафоат қилинади.

Гувоҳлик ва далиллар:

Дунёдаги маҳкамаларни оддий бандалардан бўлган ҳокимлар бошқаради. Бу маҳкамаларда инсоний, чегараланган адолат юргизилади. Далил-исбот воситалари ҳам зоҳирий нарсалар бўлади. Охират маҳкамасининг қозиси эса оламларнинг Роббидир. Унинг адолати мутлоқ бўлиб, чегараси йўқдир. Унинг далиллари яхши-ёмон амалларни ҳисоб-китоб қилиб турувчи фаришталар ва пайғамбарларнинг гувоҳлиги, шу амаллар битиб қўйилган саҳифалар, гуноҳкорларнинг эътирофлари ва тана аъзоларининг гувоҳликларидан иборатдир.

Пайғамбарларнинг гувоҳлиги:

Ҳисоб-китоб куни келганда пайғамбарлар ҳозир бўладилар. Аллоҳ таоло айтадики:

وَوُضِعَ الْكِتَابُ وَجِئَءَ بِالنَّبِيِّينَ وَالشُّهَدَاءِ

“китоб (номаи аъмол ҳозирлаб) қўйилади; пайғамбарлар ва гувоҳлар келтирилади”¹³⁶

Ҳар бир умматнинг ҳукми ўз шариятига мувофиқ, пайғамбарининг ҳузурда чиқарилади.

وَتَرَى كُلَّ أُمَّةٍ جَائِيَةٍ كُلُّ أُمَّةٍ تُدْعَى إِلَى كِتَابِهَا

“(У Кунда) барча умматни (даҳшат ва изтиробдан) тиз чўккан ҳолда кўрурсиз. Ҳар бир уммат ўз номаи аъмолига чақирилур”¹³⁷

فَكَيْفَ إِذَا جِئْنَا مِنْ كُلِّ أُمَّةٍ بِشَهِيدٍ وَجِئْنَا بِكَ عَلَىٰ هَٰؤُلَاءِ شَهِيدًا

“Ҳар бир умматдан (ўз пайғамбарини) гувоҳ сифатида келтирганимизда ва Сизни (эй, Муҳаммад,) уларга гувоҳ қилиб келтирганимизда, (уларнинг ҳоли) не кечур?!”¹³⁸

Китоблар ва саҳифалар:

Бу саҳифаларга бизнинг дунёдаги ҳар бир амалимиз битиб қўйилган ва яшириб ўраб қўйилган. Уни махлуқотлардан бирортаси билмайди. Агар банда ўз номаи аъмолига битиб қўйилган гуноҳидан тавба қилса, тавбаси содиқ бўлса, бу гуноҳи унинг саҳифасидан ўчирилади, акс ҳолда ёзилганича қолади. Ҳисоб-китоб куни келганда эса, бу саҳифалар очилиб, эълон қилинади. Гўёки имтиҳон натижаларига ўхшайди. Имтиҳон натижалари текширувчи комиссиялар ҳузурда сир сақланади. Имтиҳондан йиқилган ўз баҳосини билмайди. Эълон қилиш вақти келганда эса, одамлар буни билиб олишади.

¹³⁶ Зумар сураси, 69-оят

¹³⁷ Жосия сураси, 28-оят

¹³⁸ Нисо сураси, 41-оят

Имтиҳондан йиқилган киши эса ўз аҳли-оиласи, оғайнилари орасида шарманда бўлади. Лекин охиратдаги шармандалик – бу бутун халойиқнинг ичида бўлади. Ана шу энг катта шармандалиқдир. Бу ерда имтиҳондан ўтолмаган жаҳаннамнинг тубига кулайди. Агар кофир бўлса борми, доимий азобга абадий гирифтор бўлади.

Саҳифалар сочилиб, ҳар бир инсон ўз номаъи аъмолини тўзғиган ҳолда кўради. Уларга айтилади:

أَقْرَأْ كِتَابِكَ كَفَىٰ بِنَفْسِكَ الْيَوْمَ عَلَيْكَ حَسِيبًا ﴿٤٤﴾

“Китобингни ўқи! Бугун ўз шахсинг ўзингга қарши етарли ҳисобчидир”¹³⁹

Кимнинг ўнг томонида турган фаришта битиб қўйган яхшиликлари кўп бўлса, унинг китоби ўнг томондан берилади ва унга шундай хушxabар берилади:

فَسَوْفَ تُحَاسَبُ حِسَابًا يَسِيرًا ﴿٨﴾

“бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак”¹⁴⁰

У ўзининг номаъи аъмолидаги нарсаларни кўриб шодланади. Худди ўқувчи имтиҳон натижаларини кўриб, ўзининг муваффақиятли баҳо олганини кўрганда қувонгани ва ўзининг натижасини дўстлари ва қариндошларига эълон қилишни яхши кўргани каби. Айтадики:

هَآؤُمْ أَقْرَأُوا كِتَابِيَهٗ ﴿١٦﴾ إِنِّي ظَنَنْتُ أَنِّي مُلَاقٍ حِسَابِيَهٗ ﴿١٧﴾

“Мана, менинг китобимни ўқинглар. Дарҳақиқат, мен ҳисоботимга рўбарў бўлишимни билар эдим (дунёда аниқ ишонар эдим)”¹⁴¹

Аммо, кимнинг чап томонида турган фаришта битиб қўйган ёмонликлари кўп бўлса, унинг китоби чап томондан берилади ва у ўзининг ҳолига йиғлайди. Ўзининг ҳалок бўлишига ишонади. Айтадики:

يَلِيَّتَنِي لَمْ أُوتِ كِتَابِيَهٗ ﴿٢٥﴾ وَلَمْ أُدْرِكْ مَا حِسَابِيَهٗ ﴿٢٦﴾ يَلِيَّتَهَا كَانَتْ الْقَاضِيَهٗ ﴿٢٧﴾ مَا أَغْنَىٰ عَنِّي مَالِيَهٗ ﴿٢٨﴾ هَلَكَ عَنِّي سُلْطَانِيَهٗ ﴿٢٩﴾

“Эҳ, қанийди, менга китобим берилмаса ва ҳисоб-китобим қандай бўлишини билмасам! Эҳ, қанийди, ўша (биринчи ўлимим ҳамма ишни) тугатувчи бўлса! Менга мол-мулк ҳам асқотмади. Салтанатим ҳам ҳалок бўлиб кетди”¹⁴²

وَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ وَرَاءَ ظَهْرِهِ ﴿٣١﴾ فَسَوْفَ يَدْعُوا ثُبُورًا ﴿٣٢﴾ وَيَصْلَىٰ سَعِيرًا ﴿٣٣﴾

“Аммо, кимнинг номаи аъмоли орқа томонидан берилса, бас, (ўзига) ўлим тилаб қолажак ва дўзахда тобланажак”¹⁴³

¹³⁹ Исро сураси, 14-оят

¹⁴⁰ Иншиқоқ сураси, 8-оят

¹⁴¹ Ҳаакқоҳ сураси, 19-20-оятлар

¹⁴² Ҳаакқоҳ сураси, 25-29-оятлар

¹⁴³ Иншиқоқ сураси, 10-12-оятлар

Ғуноҳкорлар китобларини ўқийдилар ва ҳар бир қилиб ўтган амаллари унга битиб қўйилганлигини кўрадилар.

أَحْصَنَهُ اللَّهُ وَنَسُوهُ

“У (амаллар)ни Аллоҳ ҳисоблаб қўйган. Улар эса унутиб юборганлар”¹⁴⁴

Ажабланган ҳолда дейдилар:

يَوَيْلَتَنَا مَا لِ هَذَا الْكِتَابِ لَا يُغَادِرُ صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً إِلَّا أَحْصَاهَا وَوَجَدُوا مَا عَمِلُوا حَاضِرًا

“Ҳолимизга вой! Бу қандоқ китобки, на кичик ва на катта (ғуноҳни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб қўйибди”¹⁴⁵

Улар ўзларига зулм қилганликларига билишади:

وَلَا يَظْلِمُ رَبُّكَ أَحَدًا

“Раббингиз ҳеч кимга зулм қилмас”¹⁴⁶

Шунда шайтоннинг васвавасига учиб, нафси ҳавосига кириб қилган амаллари учун надомат қилишади ҳамда ўзларидан нафратланиб кетишади. Шунда уларга:

لَمَقْتٌ لِلَّهِ أَكْبَرُ مِنْ مَّقْتِكُمْ أَنْفُسِكُمْ إِذْ تَدْعُونَ إِلَى الْإِيمَانِ فَتَكْفُرُونَ

“Сизларни (дунёда) иймонга чақирилганда, кофир бўлганингиздаги Аллоҳнинг ёмон кўриши (бу Кундаги) ўзларингизни ёмон кўришингиздан каттароқдир”¹⁴⁷

деб нидо қилинур.

Бўйин товлаш, сўнгра икром бўлиш:

Кофирлар ҳисоб-китобга келтирилганда инкор қила бошлашади. Ўзларини пок деб қасам ичадилар. Худди ўзларини инсоний ҳоким ҳузурида турган, деб ўйлашади. Улар қалбдан ўтган кечинмаларни ҳам билиб турувчи оламларнинг Робби ҳузурида турганликларини унутиб қўйишади.

فَيَحْلِفُونَ لَهُ كَمَا يَحْلِفُونَ لَكُمْ

“улар худди сизларга қасам ичаётганларидек, У зотга ҳам қасам ичурлар”¹⁴⁸

ва айтурларки:

¹⁴⁴ Мужодала сураси, 6-оят

¹⁴⁵ Каҳф сураси, 49-оят

¹⁴⁶ Каҳф сураси, 49-оят

¹⁴⁷ Гофир сураси, 10-оят

¹⁴⁸ Мужодала сураси, 18-оят

وَاللّٰهُ رَبَّنَا مَا كُنَّا مُشْرِكِيْنَ ﴿١٢﴾

“Раббимиз - Аллоҳга қасамки, (биз) мушрик бўлмаганмиз!”¹⁴⁹

Шунда Аллоҳ уларнинг тилини тугуб қўяди ва гапиришдан тўсиб қўяди ҳамда уларнинг ҳаромга қўл урган тана аъзоларига буюради. Тана аъзолари эса қилган амалларига иқрор бўлади. Қўл ҳаромга борганлигини эътироф қилиб нутқ қилади, оёқ ҳаромда юрганини сўзлайди.

الْيَوْمَ نَخْتِمُ عَلَىٰ أَفْوَاهِهِمْ وَتُكَلِّمُنَا أَيْدِيهِمْ وَتَشْهَدُ أَرْجُلُهُمْ بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿١٥٠﴾

“Бу Кунда Биз уларнинг оғизларини муҳрлаб қўюрмиз. Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида қўллари сўзлаб, оёқлари гувоҳлик берур”¹⁵⁰

Уларнинг иқрорини тинглагач, энди гуноҳлари аниқ бўлиб қолгандан кейин, тана аъзоларини қойий бошлашади:

وَقَالُوا لَجُلُودِهِمْ لِمَ شَهِدْتُمْ عَلَيْنَا قَالُوا أَنْطَقَنَا اللَّهُ الَّذِي أَنْطَقَ كُلَّ شَيْءٍ

“Улар териларига: “Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердинглар?” - дейишиганида, (терилари): “Бизларни, барча нарсани сўзлатган зот - Аллоҳ сўзлатди”, дейдилар”¹⁵¹

Улар ҳаёти дунёда гуноҳ ишларни қилиш учун беркинишган эдику. Бугунги кунда телевизор деган қурилма чиқди. Унда бир киши ҳеч ким кўрмайдиган, эшиклари қулфланган хонада ўтириб қилган амалларини телевизор ортида миллионлаб одамлар кўриши, гапини тинглаши мумкин. Бу ишлар ҳаёти дунёда оддий инсон яратган қурилмада амалга ошаётган бўлса, Аллоҳнинг илми охиратда унинг ҳисоб-китоб қилишга қандай қилиб етмасин?! Ана шунинг учун ҳам Роббилари уларга танбех бериб, шундай дейди:

وَمَا كُنْتُمْ تَسْتَتِرُونَ أَنْ يَشْهَدَ عَلَيْكُمْ سَمْعُكُمْ وَلَا أَبْصَارُكُمْ وَلَا جُلُودُكُمْ

“Сизлар (дунёда гуноҳ ишларда) қулоқларингиз, кўзларингиз ва териларингиз сизларга гувоҳ бўлишидан яширинмас эдингизлар”¹⁵²

Инсон қандай қилиб ўз терисидан, кўзи ва қулоғидан қочиши мумкин. Ҳолбуки, ўзи шу нарсалар билан қоимку.

وَلٰكِنْ ظَنَنْتُمْ أَنَّ اللّٰهَ لَا يَعْلَمُ كَثِيْرًا مِّمَّا تَعْمَلُوْنَ ﴿١٢﴾ وَذٰلِكُمْ ظَنُّكُمُ الَّذِي ظَنَنْتُمْ بِرَبِّكُمْ اَرَدْتُمْ

فَاَصْبَحْتُمْ مِنَ الْخٰسِرِيْنَ ﴿١٣﴾

“Лекин сизлар қилаётган амалларингиздан кўпини Аллоҳ билмайди, деб ўйладингизлар. Раббингиз ҳақида ўйлаган мана шу гумонларингиз сизларни ҳалок қилди. Бас, сизлар зиён кўрувчиларга айланиб қолдингизлар”¹⁵³

¹⁴⁹ Анъом сураси, 23-оят

¹⁵⁰ Ясин сураси, 65-оят

¹⁵¹ Фуссилат сураси, 21-оят

¹⁵² Фуссилат сураси, 22-оят

¹⁵³ Фуссилат сураси, 22-23-оятлар

Мана шу Аллоҳга кофир бўлган, киёмат кунини инкор қиладиган ҳар бир кишининг хотимасидир. У бу дунёдан бошқа нарса ҳақида ўйламайди. Охират ҳақида тортишади, ваҳоланки, ҳеч шак-шубҳасиз у келгувчидир. Гуноҳини Аллоҳдан беркитади, ҳолбуки Аллоҳ уни билиб турувчидир. Қолаверса, унинг гуноҳни қилган тана аъзолари ўзига қарши гувоҳлик беради. Инсон қандай қилиб ўзи бирга бўлган гувоҳдан беркиниши, ундан воз кечиши мумкин?!

Аллоҳим, сендан авф ва мағфиратингни сўраймиз. Бизнинг гуноҳларимизни дунёда беркитганинг каби, охиратда ҳам беркитгин. Албатта, сен Ғаффор (гуноҳларни кўплаб кечирувчи) ва Саттор (айбларни беркитувчи) Зотдирсан!

Арзимас эътироз:

Баъзи одамлар кичкиналигимизда бизни масхара қилиб шундай дейишар эди: “қўл ва оёқ қандай қилиб нутқ қилади, уларнинг тили йўқку, гапиришга қодир бўла оладими?”. Видео, магнитофон, овозли кино каби нарсалар ихтиро қилинди. Банкка кириш остоналарига яширин камералар қўйиб қўйиладиган бўлди. Улар ҳатто кўринмас нурларни¹⁵⁴ ҳам тасвирга олади. Унинг олдидан ўтган шахснинг ҳаракатларини ҳам ёзиб олади. Агар ўғри бирор нарса ўғирлаб, кейин бўйин товлайдиган бўлса, унга ҳаракат ва саканотлари, ўзига пичирлаши-ю, шеригига айтган гаплари ёзиб олинган филм қўйиб берилади. Мана шу ихтиролар анави нодон кимсаларга қарши хужжат бўлади. Худдики, бу ихтиролар унга шундай деяётгандек бўлади: ”Ҳолларинга вой! Видеомангнитофон нутқ қилаётган бўлса, ҳаракат ва саканотларни ёзиб олса, ўғри яширган гапларни ҳам ошкор қилиб турган бўлса, у инкор қилган ишлар аслида собит бўлиб турган бўлса-ю, бу ишлар дунёда содир бўлаётган бўлса, нима учун қўл ва оёқ охиратда гапирмасин?!”

Ҳисоб-китоб ва унинг натижалари:

Ҳисоб-китоб бир неча хил бўлади. Мисол учун, осон ҳисоб-китоб, худди китоби ўнг томондан берилганларнинг ҳисоб-китобига ўхшаш. Шиддатли ҳисоб-китоб, худди Роббисининг амрига осий бўлган қавмнинг ҳисоб-китобига ўхшаш. Инсонлар ҳисоб-китоб натижаларига қараб бир неча синфга ажраладилар: Биринчиси, эзгу ишларда ўзиб кетган ва Аллоҳга яқин бўлган синф; иккинчиси, ўнг томон соҳиблари; учинчи синф чап томон соҳиблари.

فَأَمَّا إِنْ كَانَ مِنَ الْمُقَرَّبِينَ ﴿٨٨﴾ فَرَوْحٌ وَرَيْحَانٌ وَجَنَّتْ نَعِيمٍ ﴿٨٩﴾ وَأَمَّا إِنْ كَانَ مِنَ أَصْحَابِ الْيَمِينِ ﴿٩٠﴾ فَسَلْمٌ لَّكَ مِنْ أَصْحَابِ الْيَمِينِ ﴿٩١﴾ وَأَمَّا إِنْ كَانَ مِنَ الْمُكَذِّبِينَ ﴿٩٢﴾ فَسُزُجٌ مِّنْ فَوْجٍ مِّنْ حَمِيمٍ ﴿٩٣﴾ وَتَصَلِيَةٌ حَمِيمٍ ﴿٩٤﴾ إِنَّ هَذَا لَهُوَ حَقُّ الْيَقِينِ ﴿٩٥﴾ فَسَبِّحْ بِاسْمِ رَبِّكَ الْعَظِيمِ ﴿٩٦﴾

“Бас, агар ўша (вафот этган зот Аллоҳга) яқинлардан бўлса, (унинг учун) роҳат, райҳон (бўйи) ва неъматлар жаннати бордир. Энди, агар у ўнг томон эгаларидан бўлса, бас, (эй, саодатли банда,) сенга ўнг томон эгаларидан салом! Борди-ю, у (динни) инкор этувчи гумроҳлардан (чап томон эгаларидан) бўлса, бас, қайноқ сувдан иборат "зиёфат" ва дўзахнинг тоблаши бордир. Албатта, бу (зикр қилинган нарсалар) айна ҳақиқатнинг ўзидир. Бас, Улуг Раббингиз номи билан тасбеҳ айтинг!”¹⁵⁵.

¹⁵⁴ Инфрақизил нурлар

¹⁵⁵ Воқеа сураси, 88-96-оятлар

Жаҳаннамга кириш:

Барча жаҳаннамнинг устидаги сирот кўпригидан ўтади. Ҳар бир киши Аллоҳга бўлган қаробати (яқинлиги), яхшиликларининг кўплиги миқдорича тезлик билан ўтади. Ундан тақводорлар нажот топади. Золимлар эса унга қулайди. Аллоҳ таоло айтади:

وَإِنْ مِنْكُمْ إِلَّا وَارِدُهَا كَانَ عَلَىٰ رَبِّكَ حَتْمًا مَّقْضِيًّا ﴿٧٦﴾ ثُمَّ نُنْجِي الَّذِينَ اتَّقَوْا وَنَذَرُ

الظَّالِمِينَ فِيهَا جِثْيًا ﴿٧٧﴾

“Сизлардан ҳар бирингиз унга тушувчидирсиз. (Бу) Раббингиз (иродасига биноан) вожиб бўлган ҳукмдир. Сўнгра тақводор бўлганларни (ундан) қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдирурмиз”¹⁵⁶

Тақосур сурасида яна шундай дейди:

لَتَرْوُنَّ الْجَحِيمَ ﴿٦١﴾ ثُمَّ لَتَرْوُنَّا عَيْنَ الْيَقِينِ ﴿٦٢﴾

“Қасамки, албатта, сизлар дўзахни кўрасизлар! Яна бир бор қасамки, сизлар уни айни ишонч билан кўрасизлар!”¹⁵⁷

Биринчи кўриш - бу (Аллоҳ билгувчироқдир) тақводорларнинг унга киришидир, улар ундан нажот топади. Иккинчи кўриш эса, золимларнинг унга кириши ва унга қулашидир. Эҳтимол, жаҳаннамни кўриш аввал айтиб ўтганимиздек, ҳисоб-китобдан олдин, у яқинлашиб кўринган пайтда бўлур.

Жаннат ва дўзах:

Жаннатнинг Куръонда келган сифатлари кўпдир. Жумладан, “Унинг остидан анҳорлар оқиб туради”, жаннат аҳли тилло ва дурдан бўлган билагузуклар билан безанган, у ердаги либослари шойи ипакдан бўлади; унда сутдан бўлган анҳорлар, шаробдан бўлган анҳорлар, асалдан бўлган анҳорлар, унда ҳури ʻийнлар ва хизматкор ёш болалар бор. Буларнинг барчаси тушунишга осон бўлиш учун келтирилган сифатлар. Чунки, башарият луғатлари ер юзидаги нарсаларни таърифлаш учун ишлатилади. Аслида эса, жаннатдаги анҳорлар ер юзидаги анҳорлар каби эмас. Унинг сути, шароби ва асали дунёдаги сут, шароб ва асал каби эмас. Унинг ҳурлари ер юзидаги аёллар каби эмас. Унинг хизматкор болалари ер юзидаги хизматкор болалардек эмас. Бу китобнинг бошида Ақида қоидалари бобида келтирган гапларимизга мурожаат қиладиган бўлсак, инсонларнинг хаёли уни қамраб олишдан ёки унинг ҳақиқатини кўз олдига келтиришдан ожиздир.

Уларнинг сифатлари ҳақида узил-кесил фикр билдирган муфассирлар бирор-бир далилга суянмаганлар. Улар бор кучларини охиратни дунёга қиёслаш учун сарф қилганлар. Худди мутакаллимлар Аллоҳнинг адолати ва сифатларини инсоний адолат ва сифатларга таққослаганлари каби. Натижада, залолатга тушиб қолишган. Аслида, бу нарсалар ҳақида фикр юритишдан четланиш, оят ва ҳадис билан чегараланиш, салафларнинг йўлидан юриш ҳамда у нарсаларни идрок қилишдан ва хаёлан кўз олдига келтиришдан ақл ожиз қолишига иқрор бўлиш лозим эди.

Мана шундай бесамар тортишувлардан бири ҳури ʻийнлар ҳақида айтилган фикрлардир. “Улардан лаззат топиш бу дунёдаги аёллардан лаззатланиш каби ёки ундай эмасми?”. Аслида бу лаззатдан кўзланган мақсад ҳаромдан ўзини тийиш ва насл

¹⁵⁶ Марям сураси, 71-72-оятлар

¹⁵⁷ Тақосур сураси, 6-7-оятлар

қолдиришдан иборат эканлигини унутиб қўйишган¹⁵⁸. Охиратда эса бу нарсаларга эҳтиёж йўқ. Биз жаннатдаги ишлар ҳақида муноқаша қилиш ўрнига Қуръонда у ҳақида келган барча оятларга иймон келтириб, бизни жаннатга элтадиган амалларни қилиш билан машғул бўлишимиз лозим эди. Қуръон бизга хабар бермаган нарсаларнинг ҳақиқатига етишдан ўзимизни тийишимиз зарурдир.

Жаннатга кириш:

Жаннатга кириш қуруқ орзу қилиш билан бўлмайди, балки иймон ва итоат билан амалга ошади.

لَيْسَ بِأَمَانِيكُمْ وَلَا أَمَانِي أَهْلِ الْكِتَابِ مَنْ يَعْمَلْ سُوءًا يُجْزَى بِهِ

“(Бу) - сизларнинг орзуларинг билан ҳам эмас, аҳли китобларнинг орзулари билан ҳам (эришадиган нарса) эмасдир. Кимки ёмонлик қилса, ўша (ёмонлик) билан жазоланур”¹⁵⁹

أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَعْلَمِ اللَّهُ الَّذِينَ جَاهَدُوا مِنْكُمْ وَيَعْلَمَ الصَّابِرِينَ

“Ёки Аллоҳ сизларнинг ичингиздан ким (чиндан) жидду-жаҳд қилувчи ва ким сабрли эканини имтиҳон қилиб қўрмасдан жаннатга кираверамиз, деб ўйладингизми?”¹⁶⁰

Жаннатга кирувчи мўъмин банда яхшилик қилувчи, Аллоҳга даъват қилувчи, Унинг калимаси олий бўлишида бор кучини сарф этувчи, бунга ўзи, моли ва тили билан ҳаракат қилувчи бўлади ва жидду-жаҳд қилганлардан бўлади. Агар бунга қодир бўлмаса ҳеч бўлмаганда ёмонлик қилмайдиган, унга даъват қилганга эргашмайдиган, ўзини ва аҳлини ундан саломат ҳолда тутувчи, ўз дийнига амал қилишда етган заҳматларга сабр қилувчи банда бўлади ва сабрлилар мақомига эришади.

Ҳисоб-китоб тугаб, мўъмин банда сиротдан ўтганидан сўнг, нажотга эришади.

وَسِيقَ الَّذِينَ اتَّقَوْا رَبَّهُمْ إِلَى الْجَنَّةِ زُمَرًا حَتَّى إِذَا جَاءُوهَا وَفُتِحَتْ أَبْوَابُهَا وَقَالَ لَهُمْ خَزَنَتُهَا

سَلِّمٌ عَلَيْكُمْ طِبْتُمْ فَادْخُلُوهَا خَالِدِينَ ﴿٧٦﴾ وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي صَدَقَنَا وَعْدَهُ وَأَوْرَثَنَا

الْأَرْضَ نَتَبَوَّأُ مِنَ الْجَنَّةِ حَيْثُ نَشَاءُ فَنِعْمَ أَجْرُ الْعَامِلِينَ ﴿٧٦﴾

“Парвардигорларидан қўрққан тақволи зотлар ҳам гуруҳ-гуруҳ ҳолда жаннатга “ҳайдалурлар”. То қачонки, улар унинг дарвозалари очилган ҳолда эканида етиб келганларида¹⁶¹ ва унинг қўриқчилари: “Сизларга салом! Хуш келдингиз! Бас, унга мангу қолувчи бўлган ҳолларингизда кирингиз”, - деганларида (улар беҳад шодланурлар). Айтурлар: “Бизларга ваъдасини рост қилган ва бизларни (бу) ерга ворис қилган Аллоҳга

¹⁵⁸ Агар ақли бор одам бу ҳақида тузукроқ фикр юритганда эди, бу ишни кабиҳ санаб, тортишиб ўтирмас эди. Лекин Аллоҳ инсонга шаҳватни бериб қўйган. Бу шаҳват уни бу ҳақида фикрлашдан тўсиб туради, худди хлороформ операция вақтида оғрикни сезишдан тўсиб қўйганидек.

¹⁵⁹ Нисо сураси, 123-оят

¹⁶⁰ Оли Имрон сураси, 142-оят

¹⁶¹ Шу суранинг жаҳаннам ҳақидаги оятида айтилади: “Кофир бўлган кимсалар гуруҳ-гуруҳ қилиниб, жаҳаннамга ҳайдалур. То қачонки, улар (жаҳаннамга) келиб етганларгаларида, унинг дарвозалари очилади”. Чунки, жаҳаннам гўё эшиклари қулфланган ҳибсхонадир. У эшиклар дўзахга кирувчини кутиб олиш учунгина ёхуд ундан чиқувчи банданинг чиқиши учунгина очилади. Аммо бу оятда “улар унинг дарвозалари очилган ҳолда эканида етиб келганларида”, дейилмоқда. Чунки, унинг эшиклари доим очикдир, гарчи унга Аллоҳнинг изнисиз ҳеч ким кирмаса ҳам.

ҳамдқи, жаннатдан ўзимиз хоҳлаган ердан ўрин оляпмиз", - дерлар. Бас, (чиройли) амал қилувчиларнинг мукофоти нақадар яхшидир!"¹⁶²

Жаннатнинг васфи:

Жаннатнинг кенглиги осмонлар ва ернинг кенглигичадир. Бундан сиз ҳеч ажабланманг. Чунки, охиратнинг бу дунёга нисбати, бу дунёнинг битта она қорнига бўлган нисбатига тенг. Она қорнидаги ҳомила шу қоринни ўзининг дунёси деб ҳисоблайди. Дунё ҳовлиларидан биргина ҳовлининг кенглиги чақалоқнинг шу дунёсидан бир неча минг мартаба катта эмасми?!

Бу жаннат тақводорлар учун тайёрлаб қўйилгандир. Хўш, жаннат улар учун тайёрлаб қўйилган тақводорлар ким ўзи? Улар нима амал қилишган? Шояд биз ҳам улардек амал қилсак ва улар қаторидан жой олсак. Аллоҳ таоло баён қилиб беришича, тақводор бандалар шундай кимсаларки:

الَّذِينَ يُنْفِقُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَّاءِ وَالْكِبْرِيَاءِ وَالْغَيْظِ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ وَاللَّهُ يُحِبُّ
الْمُحْسِنِينَ ﴿١٢٤﴾ وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَحِشَةً أَوْ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ ذَكَرُوا اللَّهَ فَاسْتَغْفَرُوا
لذُنُوبِهِمْ

“(У тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам эҳсон қиладиган, газабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар. Улар бирор фаҳш иш қилиб қўйсалар ёки ўзларига зулм қилиб қўйсалар, (дарҳол) Аллоҳни эслаб, истигфор айтадилар”¹⁶³

Бу тақводорларнинг баъзи сифатларидир. Ким соф ақида билан, тавҳидни тасдиқ қилган ҳолда мана шу сифатлар билан сифатланса Аллоҳ таоло ўзининг лутфу карами билан уни ана шу жаннатга киритади.

Жаннатда бир неча даражалар бор: энг биринчиси наъийм (неъмат, бахт-саодат) жаннатидир. У ҳар бир киши орзу қиладиган, лекин унга эришиш осон бўлмаган жаннатдир.

أَيُّطَمَعُ كُلُّ امْرِئٍ مِّنْهُمْ أَنْ يُدْخَلَ جَنَّةَ نَعِيمٍ ﴿٢٨﴾

“Ё улардан ҳар бир киши неъмат жаннатига киритилишини тамаъ қилурми?!”¹⁶⁴

Бу жаннат эзгу ишларда ўзиб-ўзиб кетган кимсалар учундир:

وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ ﴿١﴾ أُولَئِكَ الْمُقَرَّبُونَ ﴿٢﴾ فِي جَنَّاتِ النَّعِيمِ ﴿٣﴾

“(эзгу ишларда) ўзиб-ўзиб кетган зотлардир. Айнан ўшалар (Аллоҳга) яқин зотлардир. Неъмат жаннатларида бўлурлар”¹⁶⁵

Жаннатда яна Аллоҳ таоло “Ғурфа” деб номлаган жаннат ҳам бор. У Роҳманнинг бандаларига ваъда қилинган. Аллоҳ бу бандаларни ғурқон сурасида шундай сифатлар билан сифатлайди: улар ҳақ этиқодда, тўғри йўлда, кўп ибодат қиладиган, ахлоқи олий

¹⁶² Зумар сураси, 73-74-оятлар

¹⁶³ Оли Имрон сураси, 134-135-оятлар

¹⁶⁴ Маориж сураси, 38-оят

¹⁶⁵ Воқеъа сураси, 10-12-оятлар

бўлган бандалардир. Бундан маълум бўладики, “Ғурфа” жаннатдаги олий даражалардан биридир. Чунки, уни баркамол сифатларга эга, машаққатларга сабр қиладиган ва нафсини жиловлай оладиган бандалари учун хослагандир.

Яна роббимиз баён қиладики, жаннатда

جَنَّاتٍ مَّعْرُوشَاتٍ وَغَيْرَ مَعْرُوشَاتٍ

“(сўритокларга) кўтариб қўйиладиган ва кўтариб қўйилмайдиган (узумзор) боғлар”¹⁶⁶

бор. У ерда “маъво жаннати”, “адн жаннатлари” деб номланувчи маконлар ҳамда Роббининг хузурида туришдан кўрқувчи бандалар учун бир эмас иккита жаннат бор. У ерда яна олий мақомлардан чақирилувчи бандалар бор. Буларнинг бари жаннатда бир неча хил даража бўлиши ва жаннат аҳли турли манзилаларда бўлишига далолат қилади.

Жаннат аҳли ва уларнинг ҳолатлари:

Жаннат аҳли ўз биродарлари ва аҳли оиласи билан бирга бўлади.

ادْخُلُوا الْجَنَّةَ أَنْتُمْ وَأَزْوَاجُكُمْ تُخْبَرُونَ ﴿٧٠﴾

“Хотинларингиз билан бирга мамнунлик ҳолларингизда жаннатга кирингиз!”¹⁶⁷

هُمْ وَأَزْوَاجُهُمْ فِي ظِلِّ عَلَى الْأَرْبَابِ مُتَّكِنُونَ ﴿٥٦﴾

“Улар ўз жуфтлари билан бирга сояларда, сўриларда суяниб ўтирурлар”¹⁶⁸

وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَاتَّبَعَتْهُمْ ذُرِّيَّتُهُمْ بِإِيمَانٍ أَلْحَقْنَا بِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ

“Ўзлари иймон келтириб, зурриётлари ҳам уларга иймон билан эргашган зотларга (ўша) зурриётларини қўшиб, уларга қилган амалларидан бирор нарсани ҳам камайтирмаймиз”¹⁶⁹

Улар орасида ғиллу-ғашлик бўлмай, ўзаро дўстлик ва мухаббатда бўладилар.

وَنَزَعْنَا مَا فِي صُدُورِهِمْ مِّنْ غَلٍّ

“Дилларидаги (ўзаро) адоват (тўйғулари)ни сузуриб ташлаймиз”¹⁷⁰

Улар учун диван ва тахтиравонлар тизилиб туради. Уларнинг устида ўзаро мажлис курадилар.

مُتَّكِنِينَ عَلَى سُرُرٍ مَّصْفُوفَةٍ ﴿٥٧﴾

“Қатор сўриларда ястанган ҳолларингизда”¹⁷¹

¹⁶⁶ Анъом сураси, 141-оят

¹⁶⁷ Зухруф сураси, 70-оят

¹⁶⁸ Ясин сураси, 56-оят

¹⁶⁹ Тур сураси, 21-оят

¹⁷⁰ Аъроф сураси, 43-оят

¹⁷¹ Тур сураси, 20-оят

إِخْوَانًا عَلَىٰ سُرُرٍ مُّتَقَابِلِينَ ﴿٤٧﴾

“сўриларда биродарона, бир-бирларига рўбарў ўтирадилар”¹⁷²

Унда Роббимиз “истаброк” деб номлаган астарлари нафис матодан бўлган кўрпачалар бор. Уларнинг атрофида қалин боғ-роғли икки жаннат бор. Уларнинг мевалари қўл етадиган даражада яқиндир.

Уларга ёш хизматкорлар хизмат қилади.

﴿٤٨﴾ وَيَطُوفُ عَلَيْهِمْ غِلْمَانٌ هُمْ كَأَنَّهُمْ لَوْلُوا مَكْنُونٌ ﴿٤٨﴾

“Уларнинг устида гўё (садаф ичида) яширинган гавҳардек (пок ва хушсурат) гуломлар айланиб (хизмат қилиб) юрар”¹⁷³

يَدْعُونَ فِيهَا بِكُلِّ فَاكِهَةٍ آمِنِينَ ﴿٤٩﴾

“Улар у жойда хотиржам бўлган ҳолларида ҳар турли мевани чорлагайлар”¹⁷⁴

﴿٥٠﴾ يُطَافُ عَلَيْهِمْ بِكَأْسٍ مِّن مَّعِينٍ ﴿٥٠﴾ بِيضَاءَ لَذَّةٍ لِلشَّرِيبِينَ ﴿٥١﴾ لَا فِيهَا غَوْلٌ وَلَا هُمْ عَنْهَا

يُنزَفُونَ ﴿٥٢﴾

“Уларга оқин чашмадан қадаҳлар айлантирилуру. Ичувчилар учун лаззатли, оппоқ (қадаҳлар)дир (улар). У (шароб)да ақлдан оздирувчи нарса бўлмас ва улар ундан маст бўлмастар”¹⁷⁵

Уларнинг таомлари:

يُطَافُ عَلَيْهِمْ بِصِحَافٍ مِّن ذَهَبٍ

“Уларга олтин лаганларда айлантирилуру”¹⁷⁶

Ичимликлари эса:

﴿٥٣﴾ بِأَكْوَابٍ وَأَبَارِيقَ وَكَأْسٍ مِّن مَّعِينٍ ﴿٥٣﴾

“оқар чашмадан олинмиш (майли) қадаҳлар, кўзалар ва косалар билан”¹⁷⁷

келтирилуру.

Уларга истаган таомлари келтирилади:

¹⁷² Хижр сураси, 47-оят

¹⁷³ Тур сураси, 24-оят

¹⁷⁴ Духон сураси, 55-оят

¹⁷⁵ Вас-соффот сураси, 45-47-оятлар

¹⁷⁶ Зухруф сураси, 71-оят

¹⁷⁷ Воқеа сураси, 18-оят

وَفِكَهَةٌ مِّمَّا يَتَخَيَّرُونَ ﴿٢٠﴾ وَلَحْمِ طَيْرٍ مِّمَّا يَشْتَهُونَ ﴿٢١﴾

“Яна ўзлари танлаб оладиган мева билан, иштаҳалари тортган қуш гўштлари билан ҳам (айланиб турурлар)”¹⁷⁸

فِي سِدْرٍ مَّخْضُودٍ ﴿٢٨﴾ وَطَلْحٍ مَّنْضُودٍ ﴿٢٩﴾ وَظِلِّ مَمْدُودٍ ﴿٣٠﴾ وَمَاءٍ مَّسْكُوبٍ ﴿٣١﴾ وَفِكَهَةٍ كَثِيرَةٍ ﴿٣٢﴾
لَا مَقْطُوعَةٍ وَلَا مَمْنُوعَةٍ ﴿٣٣﴾ وَفُرْشٍ مَّرْفُوعَةٍ ﴿٣٤﴾

“(Улар) тикансиз бутазорларда, тизилган бананзорларда, ёйиқ соя (ости)да, оқизиб қўйилган сув (бўйи)да, кўплаб мева (узра)ки, (улар) туганмас ва ман этилмасдир. Шунингдек, (улар) баланд тўшалган кўрпачалар (усти)дадирлар”¹⁷⁹

لَا يَرَوْنَ فِيهَا شَمْسًا وَلَا زَمَهْرِيرًا ﴿٣٥﴾ وَدَانِيَةً عَلَيْهِمْ ظِلُّهَا وَذُلَّتْ قُطُوفُهَا تَذَلِيلًا ﴿٣٦﴾

“У жойда қуёш (ҳарорати)ни ҳам, замҳарир (қиш совуғи)ни ҳам кўрмаслар. (Жаннат) соялари уларга яқин ва мевалари ҳам (узшига осон бўлиши учун) эгиб қўйилган бўлур”¹⁸⁰

تَعْرِفُ فِي وُجُوهِهِمْ نَضْرَةَ النَّعِيمِ ﴿٣٧﴾

“Уларнинг юзларида неъматларнинг тароватини танирсиз (кўрурсиз)”¹⁸¹

وُجُوهُهُ يَوْمَئِذٍ نَّاعِمَةٌ ﴿٣٨﴾ لِّسَعْيِهَا رَاضِيَةٌ ﴿٣٩﴾

“(Бошқа бир) юзлар эса у Кунда (неъматлардан) мамнун, (дунёда қилган) саъй-ҳаракатларидан розидир”¹⁸²

Жаннатнинг истаган бурчагига бориб, ўзаро кўришиб суҳбат қуришади:

وَتَحِيَّتُهُمْ فِيهَا سَلَامٌ ﴿٤٠﴾

“у ердаги сўрашишлари “Салом-алик” дир”¹⁸³

Фақат яхшилиқни сўзлайдилар.

وَهُدُوا إِلَى الطَّيِّبِ مِنَ الْقَوْلِ ﴿٤١﴾

“улар (бу дунёда) ҳуш сўзга (“Аллоҳ ягонадир”, деган сўзга) ҳидоят қилинганлар”¹⁸⁴

¹⁷⁸ Воқеа сураси, 20-21-оятлар

¹⁷⁹ Воқеа сураси, 28-34-оятлар

¹⁸⁰ Инсон сураси, 13-14-оятлар

¹⁸¹ Мутофиффун сураси, 24-оят

¹⁸² Ғошия сураси, 8-9-оятлар

¹⁸³ Юнус сураси, 10-оят

¹⁸⁴ Ҳаж сураси, 24-оят

وَأَقْبَلَ بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ يَتَسَاءَلُونَ ﴿٢٥﴾ قَالُوا إِنَّا كُنَّا قَبْلُ فِي أَهْلِنَا مُشْفِقِينَ ﴿٢٦﴾ فَمَنْ بَدَأَ اللَّهُ عَلَيْنَا وَعَقَبْنَا عَذَابَ السَّمُومِ ﴿٢٧﴾

“Улар бир-бирларига қараб, савол-жавоб қилишиурлар. Айтурлар: "Ҳақиқатан, бизлар илгари (дунёда) оиламиз орасида (Аллоҳ азобидан) қўрқувчи эдик. Мана, Аллоҳ бизларни мамнун этди ва бизларни "самум" (дўзах шамоли)дан сақлади”¹⁸⁵

Бу дуо ва истиғфорнинг самарасидир, чунки:

إِنَّا كُنَّا مِنْ قَبْلُ نَدْعُوهُ إِنَّهُ هُوَ الْبَرُّ الرَّحِيمُ ﴿٢٨﴾

“Дарҳақиқат, бизлар илгари (дунёда) Унга дуо қилар эдик. Албатта, Унинг Ўзи марҳаматли ва раҳмлидир”¹⁸⁶

Улар ўзаро суҳбат қуришганда ҳаёти дунёдалик чоғларини, ундаги ҳолатлар ва бўлиб ўтган ишлар ҳақида эслашади.

قَالَ قَائِلٌ مِّنْهُمْ إِنِّي كَانَ لِي قَرِينٌ ﴿٢٩﴾ يَقُولُ أَءِنَّكَ لَمِنَ الْمُصَدِّقِينَ ﴿٣٠﴾ أَءِذَا مِتْنَا وَكُنَّا تُرَابًا وَعِظْمًا أَءِنَّا لَمَدِينُونَ ﴿٣١﴾

“Улардан бири дейди: "Менинг бир дўстим бор эди. У (менга кибрланиб, масхаромуз оҳангда): "Ростдан ҳам сен (қайта тирилишимизни) тасдиқ этувчиларданмисан? Ўлиб, тупроқ ва суякларга айланиб кетган вақтимизда ҳақиқатан ҳам (тирилтирилиб) жазоланувчимизми?" - дер эди”¹⁸⁷

Ўша мўмин киши жаннатдаги биродарларига шундай дейди:

قَالَ هَلْ أَنْتُمْ مُطَّلِعُونَ ﴿٣٢﴾

“Сизлар (ҳам ўша дўстимнинг дўзахдаги ҳолига) қараятсизларми?”¹⁸⁸

Шу оятдан маълум бўладики, жаннат аҳли дўзахдагиларга разм солиши мумкин экан.

فَأَطَّلَعَ فَرَءَاهُ فِي سَوَاءٍ الْجَحِيمِ ﴿٣٣﴾ قَالَ تَاللَّهِ إِنْ كِدَتْ لِتُرَدِّينَ ﴿٣٤﴾ وَلَوْلَا نِعْمَةُ رَبِّي لَكُنْتُ مِنَ الْمُحْضَرِينَ ﴿٣٥﴾

“Сўнг ўзи қараб уни дўзахнинг ўртасида кўргач, дейди: "Аллоҳга қасамки, дарҳақиқат, сен мени ҳам ҳалок қилаёзган эдинг. Агар Раббимнинг неъматини (ҳидоятини) бўлмаса эди, албатта, мен ҳам (сен билан бирга дўзахга) ҳозир қилинувчилардан бўлур эдим”¹⁸⁹

¹⁸⁵ Тур сураси, 25-27-оятлар

¹⁸⁶ Тур сураси, 28-оят

¹⁸⁷ Вас-соффот сураси, 51-53-оятлар

¹⁸⁸ Вас-соффот сураси, 54-оят

¹⁸⁹ Вас-соффот сураси, 55-57-оятлар

Бу оят эса, жаннат ва дўзах аҳли ўзаро гаплашишлари мумкинлигига далолат қилади.

Жаннат аҳлини Роббилари ҳури ғийнлар билан сийлайди ва уларга жуфт қилиб беради.

وَزَوَّجْنَاهُمْ نَحُورٍ عِينٍ ﴿٢٠﴾

“қора кўзли ҳурларни жуфт қилиб берурмиз”¹⁹⁰

كَأَمْثَلِ اللَّوْثِ الْمَكْنُونِ ﴿٢٣﴾

“улар худди ётиқ марварид мисолидирлар”¹⁹¹

У ҳурларни дафъатан пайдо қилган (яъни онадан туғилмаганлар).

فَجَعَلْنَهُنَّ أَبْكَارًا ﴿٥٦﴾

“Сўнг уларни бокира қизлар қилдик”¹⁹²

فِيهِنَّ قَاصِرَاتٌ الطَّرْفِ لَمْ يَطْمِئِنَّ إِنْسٌ قَبْلَهُمْ وَلَا جَانٌّ ﴿٥٦﴾

“У (жаннат)ларда шундай кўзларини (бегона эркаклардан) тиювчи (қиз)лар борки, уларга илгари на инс ва на жин теккандир”¹⁹³

Жаннат аҳлининг

دَعَوْنَهُمْ فِيهَا سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَتَحِيَّتُهُمْ فِيهَا سَلَامٌ ۖ وَآخِرُ دَعْوَاهُمْ أَنِ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ۖ

“У ердаги дуолари: "Эй, Аллоҳ! Сенга тасбеҳ айтамиз" дейишлик ва у ердаги сўрашишлари "салом-алик"дир. Дуоларининг охири эса: "Оламлар Парвардигори – Аллоҳга ҳамд!" дейишликдир”¹⁹⁴

Яна айтишади:

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي هَدَانَا لِهَذَا وَمَا كُنَّا لِنَهْتَدِيَ لَوْلَا أَن هَدَانَا اللَّهُ لَقَدْ جَاءتْ رُسُلُ رَبِّنَا بِالْحَقِّ ۖ

وَنُودُوا أَن تِلْكَمُ الْجَنَّةُ أَوْرَثْتُمُوهَا بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٤٣﴾

“Ушбу (неъматлар)га бизни бошлаб келган Аллоҳга ҳамд (айтамиз). Агар бизни (Ўзи) бошламаганида, (ўзимизча) йўлни топа олмаган бўлур эдик. Раббимизнинг элчи

¹⁹⁰ Тур сураси, 20-оят

¹⁹¹ Воқеа сураси, 23-оят

¹⁹² Воқеа сураси, 36-оят

¹⁹³ Ар-Роҳман сураси, 56-оят

¹⁹⁴ Юнус сураси, 10-оят

(пайгамбар)лари ҳақиқатни келтирган эканлар". Уларга нидо қилинурки: "Мана шу - жаннат. Қилган (савобли) амалларингиз сабабли у сизларга мерос қилиб берилди"¹⁹⁵

لَا يَمَسُّهُمْ فِيهَا نَصَبٌ وَمَا هُمْ مِنْهَا بِمُخْرَجِينَ ﴿٤٨﴾

“У жойда уларга чарчоқ етмас ва улар у жойдан чиқарилувчи ҳам эмаслар!”¹⁹⁶

لَا يَذُوقُونَ فِيهَا الْمَوْتَ إِلَّا الْمَوْتَةَ الْأُولَىٰ وَوَقَّاهُمْ عَذَابَ الْجَحِيمِ ﴿٥٦﴾

“Улар (жаннатда) биринчи (дунёдаги) ўлимдан бошқа ўлимни тотмаслар”¹⁹⁷

وَأَلْمَلَيْكَتُ يَدْخُلُونَ عَلَيْهِمْ مِنْ كُلِّ بَابٍ ﴿١٢﴾

“Сўнг уларнинг ҳузурларига ҳар (бир) эшикдан фаришталар кирурлар)”¹⁹⁸

Уларни табриклар шундай дейдилар:

سَلِّمٌ عَلَيْكُمْ بِمَا صَبَرْتُمْ فَنِعْمَ عُقْبَى الدَّارِ ﴿٢٤﴾

“(Аллоҳ йўлида турли машаққатларга) сабр қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу ерда) сизларга тинчлик бўлмай. Охират диёри нақадар яхши!”¹⁹⁹

وَفِيهَا مَا تَشْتَهِيهِ الْأَنْفُسُ وَتَلَذُّ الْأَعْيُنُ ﴿٦٠﴾

“У жойда кўнгулар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган (барча) нарса бордир”²⁰⁰

إِنَّ هَذَا هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿٦١﴾ لِمِثْلِ هَذَا فَلْيَعْمَلِ الْعَامِلُونَ ﴿٦١﴾

“Бас, айнан мана шундай ютуқ учун амал қилувчилар амал қилсинлар!”²⁰¹

وَفِي ذَلِكَ فَلْيَتَنَافَسِ الْمُتَنَافِسُونَ ﴿٦٢﴾

“Бас, мусобақачилар мана шу (неъмат) йўлида мусобақа қилсинлар!”²⁰²

Аллоҳим! Барча нарсдан кенг бўлган раҳматинг ва авфинг ила бизларни дўзах азобидан халос эт! Бизларни жаннатга саломат ҳолимизда киритгин! Зеро, Сен кўплаб авф қилувчи ва ўта мағфиратли Зотдирсан!

Жаҳаннам:

Дўзах деганда мияга биринчи бўлиб биз бу дунёда биладиган оловдек олов фикри келади. Лекин дўзах олови бу дунё оловидан кучлироқдир. Ҳаттоки, унинг шиддатини бирор нарса билан қиёс қилиб бўлмайди. Чунки, дунё олови бир нав бўлса, жаҳаннам

¹⁹⁵ Аъроф сураси, 43-оят

¹⁹⁶ Ҳижр сурас, 48-оят

¹⁹⁷ Духон сураси, 56-оятлар

¹⁹⁸ Раъд сураси, 23-оят

¹⁹⁹ Раъд сураси, 24-оят

²⁰⁰ Зухруф сураси, 71-оят

²⁰¹ Вас-соффот сураси, 60-61-оятлар

²⁰² Мутоффифун сураси, 26-оят

олови бошқа бир навдир. Дунё олови ҳамма нарсани куйдириб кўмир қилиб қўяди. Жаҳаннамда эса, дарахтлар, сув ва соялар бўлади. У дарахт, сув ва соялар роҳатланиш учун эмас, балки азоб бериш учун хизмат қилади. Дунё оловига кирган киши ёниб, куйиб, сўнг ўлиб кетади ҳамда унинг алаmidан қутулади. Жаҳаннам эса – Аллоҳ паноҳ берсин – унга кирган одамга доимий азоб беради.

لَا يُقْضَىٰ عَلَيْهِمْ فَيَمُوتُوا وَلَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ مِّنْ عَذَابِهَا

“на уларга ҳукм қилиниб, ўла олулар ва на улардан (жаҳаннам) азоби енгилатилур”²⁰³

Терилар куйиб ажраб кетмайди, балки у ерда пишади. Терилар хар сафар пишганда Аллоҳ азобни тоттириш учун уларни яна бошқа териларга алмаштириб қўяди. Дўзах аҳли унда яшайди, фикр юритади, эслайди ва хусуматлашади. Жаҳаннамда дарахтлар бор, лекин у заққум дарахтидир. У:

إِنَّهَا شَجَرَةٌ تَخْرُجُ فِي أَصْلِ الْجَحِيمِ ﴿٦٤﴾ طَلْعُهَا كَأَنَّهُ رُءُوسُ الشَّيَاطِينِ ﴿٦٥﴾

“Дарҳақиқат, у дўзах қаърида чиқадиган (ўсадиган) бир дарахтдир. Унинг бутоқлари(даги мевалари хунукликда) худди шайтонларнинг бошларига ўхшар”²⁰⁴

Жаҳаннамда таомлар бор, дўзах аҳли уларни ейишади, лекин бу таомлар ана шу ифлос дарахтнинг меваларидир. Дўзах аҳли:

فَمَا لَوْ أَنَّ مِنَ الْبَطُونِ ﴿٥٧﴾

“ундан қоринларни тўлдирувчидирлар”²⁰⁵

إِنَّ شَجَرَتَ الزَّقُّومِ ﴿٤٣﴾ طَعَامُ الْأَثِيمِ ﴿٤٤﴾ كَالْمُهْلِ يَغْلِي فِي الْبَطُونِ ﴿٤٥﴾ كَغَلْيِ الْحَمِيمِ ﴿٤٦﴾

“Албатта, (дўзахда ўсадиган) Заққум дарахти гуноҳкорнинг таомидир. (У) қоринларда ёгдек қайнар, қайноқ сувнинг қайнашидек”²⁰⁶

Жаҳаннамда ичимликлар бор. У ерда сув бор, лекин йирингли сув. Кофир ундан ичади ва

يَتَجَرَّعُهُ وَلَا يَكَادُ يُسِيغُهُ

“Уни ютмоқчи бўлади-ю, (томогидан) ўтказа олмас”²⁰⁷

Заққум дарахтидан еганларидан сўнг, ташналикдан Қуръонда васфи келган ана шу қайноқ сувдан ичадилар. Ичганда ҳам чанқаб, тинкаси қуриган туя каби ичадилар. Кейин уларнинг боши устидан ана шу қайноқ сувдан қуйилади.

يُصْهَرُ بِهِ مَا فِي بُطُونِهِمْ وَالْجُلُودُ ﴿٢٠﴾

²⁰³ Фотир сураси, 36-оят

²⁰⁴ Вас-соффот сураси, 64-65-оятлар

²⁰⁵ Воқеа сураси, 53-оят

²⁰⁶ Духон сураси, 43-46-оятлар

²⁰⁷ Иброҳим сураси, 17-оят

“У (суб) билан уларнинг қоринларидаги нарсалар ҳам, терилари ҳам эритиб юборилур”²⁰⁸

Дўзахда яна кийимлар бор, лекин оловдан:

فَالَّذِينَ كَفَرُوا قُطِّعَتْ لَهُمْ ثِيَابٌ مِّن نَّارٍ

“Бас, кофир бўлганлар учун оловдан кийимлар бичилур”²⁰⁹

Жаҳаннамда яна соялар ва соябонлар бор, лекин улар ҳам оловдандир:

هُمْ مِّن فَوْقِهِمْ ظُلَلٌ مِّن النَّارِ وَمِن تَحْتِهِمْ ظُلَلٌ

“Улар учун устиларидан ҳам оловдан бўлган “соябонлар”, остиларидан ҳам (оловдан бўлган) “соябонлар” бўлур”²¹⁰

وَضَلَّ مِّن تَحْمُومٍ ﴿٤٣﴾ لَا بَارِدٍ وَلَا كَرِيمٍ ﴿٤٤﴾

“қора тутун сояси остидаки, на совуқдир ва на ёқимли”²¹¹

Дунёда айш-ишратга берилган, ўз куфрида туриб олган ва қайта тирилишни инкор қилганларнинг хотимаси ана шудир.

إِنَّهُمْ كَانُوا قَبْلَ ذَلِكَ مُتْرَفِينَ ﴿٤٥﴾ وَكَانُوا يُصِرُّونَ عَلَى الْحِنثِ الْعَظِيمِ ﴿٤٦﴾ وَكَانُوا يَقُولُونَ

أَيْدَا مِتْنَا وَكُنَّا تُرَابًا وَعِظْمًا أَءِنَّا لَمَبْعُوثُونَ ﴿٤٧﴾

“Улар бундан илгари (дунёда) ишратчи эдилар. Яна улкан гуноҳ (ширк) узра устувор эдилар. Яна айтар эдилар: “Бизлар ўлиб тупроқ ва суякларга айлангач, ростдан ҳам қайта тирилтирилувчимизми?!”²¹²

هُمْ فِيهَا زَفِيرٌ وَشَهِيقٌ ﴿٤٨﴾ خَالِدِينَ فِيهَا مَا دَامَتِ السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ إِلَّا مَا شَاءَ رَبُّكَ إِنَّ

رَبَّكَ فَعَالٌ لِّمَا يُرِيدُ ﴿٤٩﴾

“Улар у ерда инграб-ҳанграб турурлар. Модомики (охиратдаги) осмонлар ва ер бор экан, (улар) у ерда мангудирлар, илло Раббингиз хоҳлагани бундан мустаснодир. Албатта, Раббингиз истаган нарсасини амалга оширувчидир!”²¹³

Дўзахга кириш:

Ҳисоб-китоб тугаб, кофирларга азоб калимаси ҳақ бўлгандан сўнг, жаҳаннамга гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳайдаб бориладилар. Уларнинг куфри ва қайсарлигидан жаҳаннамнинг ўзи ҳам ғазабга тўлиб тошади. Жаҳаннам кўриқчилари кофирларнинг қайсарликлари ва

²⁰⁸ Ҳаж сураси, 20-оят

²⁰⁹ Ҳаж сураси, 19-оят

²¹⁰ Зумар сураси, 16-оят

²¹¹ Воқеа сураси, 43-44-оятлар

²¹² Воқеа сураси, 45-47-оятлар

²¹³ Ҳуд сураси, 106-107-оятлар

аҳмоқликларидан ўз таажжубларини яшириб ўтирмай, уларни қайта-қайта саволга тутишади:

تَكَادُ تَمَيِّزُ مِنَ الْغَيْظِ كُلَّمَا أَلْقَى فِيهَا فَوْجٌ سَأَلَهُمْ خَزَنَتُهَا أَلَمْ يَأْتِكُمْ نَذِيرٌ ﴿٨﴾

“У газабдан парчаланиб кетгудек бўлур. Ҳар гал унга бир тўда (кофир) ташланганида, унинг қўриқчилари улардан: "Сизларга (дунёда бирор) огоҳлантирувчи (пайгамбар) келмаганмиди?" - деб сўрайдилар”²¹⁴

Улар ўз хатоларини эътироф қилишдан нарига ўтолмайдилар:

قَالُوا بَلَىٰ قَدْ جَاءَنَا نَذِيرٌ فَكَذَّبْنَا وَقُلْنَا مَا نَزَّلَ اللَّهُ مِن شَيْءٍ

“(Улар) дерлар: "Ҳа, ҳақиқатан, бизларга огоҳлантирувчи келган эди, (лекин бизлар уни) ёлгончига чиқарганмиз ва: "Аллоҳ (ҳеч кимга) ҳеч нарсани нозил қилган эмас” - деганмиз”²¹⁵

Уларга фаришталар шундай дейишади:

إِنَّ أَنْتُمْ إِلَّا فِي ضَلَالٍ كَبِيرٍ

“сизлар фақат катта залолат (ғумроҳлик)дадирсизлар”²¹⁶

Улар аввал кар бўлганликларини, ақллари фикр юритишдан тўхтаб қолганини, агар мавъизаларга кулоқ осганларида ва ўзлари ҳақида тафаккур қилганларида, атрофларини ўраб турган коинот ҳақида озгина фикр юритиб, Аллоҳга иймон келтирган ва унинг элчиларига итоат қилганларида жаҳаннамга кирмаган бўлишларини эътироф этиб, ўз айбларига иқрор бўлишади.

وَقَالُوا لَوْ كُنَّا نَسْمَعُ أَوْ نَعْقِلُ مَا كُنَّا فِي أَصْحَابِ السَّعِيرِ ﴿٩﴾ فَأَعْتَرَفُوا بِذَنبِهِمْ فَسُحْقًا لِأَصْحَابِ

السَّعِيرِ ﴿٩﴾

“Улар (кофирлар) яна: "Агар бизлар (пайгамбар сўзларини) тинглаб, ақл юргизувчи бўлганимизда, дўзах аҳлидан бўлмас эдик",- дерлар. Бас, улар ўз гуноҳларини (шу тарзда) эътироф этадилар. Энди, дўзах аҳлига ҳалокат бўлгай!”²¹⁷

Жаҳаннам қамокхонадир:

Жаҳаннамнинг

هَٰذَا سَبْعَةُ أَبْوَابٍ لِّكُلِّ بَابٍ مِّنْهُمْ جُزْءٌ مَّقْسُومٌ ﴿١٠﴾

“етти дарвозаси бўлиб, ҳар бир дарвоза учун уларнинг бир тўдаси тақсимланган”²¹⁸

²¹⁴ Мулк сураси, 8-оят

²¹⁵ Мулк сураси, 9-оят

²¹⁶ Мулк сураси, 9-оят

²¹⁷ Мулк сураси, 10-11-оятлар

²¹⁸ Ҳижр сураси, 44-оят

Яъни, дўзах аҳлига тақсимлаб қўйилгандир. У эшиклар устунларга ўхшаш катта сурма кулфлар билан кулфлаб қўйилган.

إِنَّهَا عَلَيْهِمْ مُّوَصَّدَةٌ ﴿٨﴾ فِي عَمَدٍ مُمَدَّدَةٍ ﴿٩﴾

“Албатта, у (олов) уларни қамраб олувчидир. (Ўзлари) узун устунларда (занжирбанд) бўлурлар”²¹⁹

Улар бир-бирларига боғланган ҳолда тор жойга ташланадилар. Аллоҳ уларга:

سَلْسِلًا وَأَغْلَالًا وَسَعِيرًا ﴿٤﴾

“занжирлар, кишанлар ва аланга (дўзах)ни”²²⁰

тайёрлаб қўйган.

Чиқиш учун уринишлар:

Аллоҳ инсонга дунёда маълум вақт умр берган ҳамда унга ўзи хоҳлаган нарсани ихтиёр қилиш учун ақл неъматини, ихтиёр қилган нарсасини амалга ошириш учун ирода қувватини берган. Баъзи одамлар жаҳаннам йўлини ихтиёр этади ва унга олиб борадиган амалларни қилади. Охир-оқибат дўзахга тушгач, энди ундан чиқишга уриниб қолади. Агар ҳаёти дунёга қайтарилсам, иймон келтириб, солиҳ амал қиламан деб ўйлайди. У қиёматни гўёки дунё имтиҳони, деб ҳисоблайди. Биринчи йил имтиҳондан йиқилган бўлса, кейинги йил барибир ўтиб кетаман, деб ўйлайди. Дунёдан чиқиб кетган одам унга ҳеч қачон қайта олмаслигини билмайди. Дўзахга кирган одам ундан чиқа олмаслигини ҳам билмайди. Уларга Аллоҳ азза ва жалланинг мана бу калимаси ҳақ бўлиб бўлган:

وَلَقَدْ جِئْتَهُم بِكِتَابٍ فَصَّلْنَاهُ عَلَىٰ عِلْمٍ هُدًى وَرَحْمَةً لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٥٧﴾ هَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا تَأْوِيلَهُ ۚ يَوْمَ يَأْتِي تَأْوِيلَهُ يَقُولُ الَّذِينَ نَسُوهُ مِنْ قَبْلُ قَدْ جَاءَتْ رُسُلُ رَبِّنَا بِالْحَقِّ فَهَلْ لَنَا مِنْ شُفَعَاءَ فَيَشْفَعُوا لَنَا أَوْ نُرَدُّ فَنَعْمَلْ غَيْرَ الَّذِي كُنَّا نَعْمَلُ ۚ

“Улар (Макка аҳли)га ишонадиган қавм учун ҳидоят ва раҳмат (манбаи) сифатида илм билан Ўзимиз муфассал баён қилган Китоб (Қуръон)ни келтирдик. Улар (эса) унинг (аниқ маънолари қолиб,) таъвили (бошқача мазмун берилиши)ни кутадилар. Таъвили келган куни (қиёмат)да уни (Қуръонни) илгари унутган (менсимаган)лар айтадилар: “Раббимизнинг элчи (пайгамбар)лари ҳақиқатни келтирган эканлар. Бас, қани (энди) оқловчи (бут-санам)лар (бўлсаю,) бизни оқласалар ёки (дунёга яна) қайтарилсаг-у қилган ишларимиздан ўзгача иш қилсак?”²²¹

وَتَرَى الظَّالِمِينَ لَمَّا رَأَوُا الْعَذَابَ يَقُولُونَ هَلْ إِلَىٰ مَرَدٍّ مِّنْ سَبِيلِ ﴿٥٨﴾

²¹⁹ Хумаза сураси, 8-9-оятлар

²²⁰ Инсон сураси, 4-оят

²²¹ Аъроф сураси, 52-53-оятлар

“золимларнинг (қиёмат Куни) азобни кўрган вақтларида: "(Яна дунёга) қайтишига бирор йўл бормикан?" - деяётганлирини кўрарсиз”²²²

وَهُمْ يَصْطَرِحُونَ فِيهَا رَبَّنَا أَخْرِجْنَا نَعْمَلْ صَالِحًا غَيْرَ الَّذِي كُنَّا نَعْمَلُ

“Улар у жойда: "Парвардигоро, бизларни (азобдан) чиқаргин, бизлар қилиб ўтган амалларимиздан бошқача яхши (амалларни) қилурмиз", деб нидо қилурлар”²²³
Уларга қатъий жавоб шу бўладики:

أَوَلَمْ نُعَمِّرْكُمْ مَا يَتَذَكَّرُ فِيهِ مَنْ تَذَكَّرَ وَجَاءَكُمُ النَّذِيرُ فَذُوقُوا فَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ نَصِيرٍ ﴿٧٧﴾

“Ахир, Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огоҳлантирувчи (пайгамбар) ҳам келган эди-ку! Бас, энди (азобларингизни) тотаверинглар! Золим кимсалар учун ёрдамчи бўлмас”²²⁴

Сўнг, худди қамоқдаги киши қамоқхона кўриқчисига ёлборгандек, жаҳаннам кўриқчиларига илтижо қиладилар. Уларнинг фикрича, бу кўриқчилар уларга бирор фойда бера олади ёхуд зарардан бирор қисмини даф қила олади. Айтишадими:

وَقَالَ الَّذِينَ فِي النَّارِ لِخَزَنَةِ جَهَنَّمَ ادْعُوا رَبَّكُمْ يُخَفِّفْ عَنَّا يَوْمًا مِّنَ الْعَذَابِ ﴿٧٨﴾ قَالُوا أَوْلَمْ تَكُ تَأْتِيكُمْ رُسُلُكُمْ بِالْبَيِّنَاتِ قَالُوا بَلَىٰ قَالُوا فَأَدْعُوا وَمَا دُعَاؤُ الْكَافِرِينَ إِلَّا فِي ضَلَالٍ ﴿٧٩﴾

“дўзахдаги кимсалар жаҳаннам кўриқчиларига: "Парвардигорингизга дуо қилинглар, бизлардан бирор кун азобни енгиллатсин", деганларида, улар айтурлар: "Ахир, сизларга пайгамбарларингиз ҳужжатлар келтирмаганмидилар?!" "Ҳа, (лекин уларни ёлгончи қилган эдик)" - дейдилар. (Шунда фаришталар уларга) айтурлар: "У ҳолда дуо қилаверинглар. (Лекин) кофирларнинг дуолари, албатта, зоеъдир”²²⁵

У кўриқчилардан умидларини узишгач, энди жаҳаннам кўриқчилари посбони Моликка илтижо қила бошлашади:

وَنَادُوا يَمْلِكُ لِيَقْضِ عَلَيْنَا رَبُّكَ

“Эй, Молик, Парвардигоринг бизларга Ўз ҳукмини қилсин (жонимизни олсин)", - деб нидо қиладилар”²²⁶

У эса ўзининг узил-кесил жавобини айтади:

إِنَّكُمْ مَّا كُنْتُمْ

“Сизлар (шу азобда мангу) қолувчидирсизлар”²²⁷

²²² Шўро сураси, 44-оят

²²³ Фотир сураси, 37-оят

²²⁴ Фотир сураси, 37-оят

²²⁵ Гофир сураси, 49-50-оятлар

²²⁶ Зухруф сураси, 77-оят

²²⁷ Зухруф сураси, 77-оят

Кейин бирор нарса тўлаб, қутулиб қолиш фикри пайдо бўлади, худди хаётлик чоғларида мол-дунё бериб сотиб олганликлари каби. Лекин қаёқда?!

وَلَوْ أَنَّ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا وَمِثْلَهُ مَعَهُ لَافْتَدَوْا بِهِ مِنْ سُوءِ الْعَذَابِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَبَدَا لَهُمْ مِنَ اللَّهِ مَا لَمْ يَكُونُوا يَحْتَسِبُونَ ﴿٤٧﴾ وَبَدَا لَهُمْ سَيِّئَاتُ مَا كَسَبُوا وَحَاقَ بِهِمْ مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٤٨﴾

“Агар золим (кофир) кимсалар учун ердаги (бор) нарса ва у билан бирга яна ўшанинг мислича нарса бўлса, албатта, улар қиёмат Кундаги азобнинг ёмонлигидан, ўша (нарсалар)ни тўлов қилиб бериб юборган бўлур эдилар. (Чунки у Кунда) уларга Аллоҳ томонидан улар ўйлаб ҳам кўрмаган нарсалар (азоблар) намоён бўлур. Уларга ўзлари касб этган ёмонликлари ошкор бўлади ва уларни ўзлари (дунёда) масхара қилиб ўтган нарса (азоб) ўраб олади”²²⁸

Бу уринишлардан бирортаси уларга фойда бермайди, натижада, жаҳаннамда қолиб кетадилар.

وَهُمْ مَقْمَعٌ مِنْ حَدِيدٍ ﴿٥١﴾ كُلَّمَا أَرَادُوا أَنْ تَخْرُجُوا مِنْهَا مِنْ غَمٍّ أُعِيدُوا فِيهَا وَذُوقُوا عَذَابَ الْحَرِيقِ ﴿٥٢﴾

“Улар учун темир гурзилар бордир. Ҳар гал улар (дўзах) гамидан (қочиб) чиқмоқчи бўлсалар, (гурзилар билан урилиб) яна унга қайтарилиурлар ва (уларга): “Ёнгин азобини тотингиз!” (дейилур)”²²⁹

Дўзах аҳлининг гап-сўзлари ва ихтилофлари:

Жаннат аҳли сўриларда бир-бирларига боқиб биродарона ўтирадилар. Уларнинг қалбларидаги ғиллу-ғашлик кетказилган, чиройли сўзга ҳидоят қилинган бўлади. Ўзаро суҳбатларида лағв (бекорчи), ёлғон, гуноҳ сўзлар бўлмайди. Жаҳаннам аҳли эса тортишув ва жанжалда бўладилар:

كُلَّمَا دَخَلَتْ أُمَّةٌ لَعْنَتْ أُخْتَهَا ۖ حَتَّىٰ إِذَا آدَرَكُوا فِيهَا جَمِيعًا قَالَتْ أُخْرَيْنَهُمْ لِأُولِيهِمْ رَبَّنَا هَؤُلَاءِ أَضَلُّونَا فَفَاتَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٥٣﴾ وَقَالَتْ أُخْرَيْنَهُمْ لِأُولِيهِمْ رَبَّنَا هَؤُلَاءِ أَضَلُّونَا فَفَاتَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٥٤﴾ وَقَالَتْ أُخْرَيْنَهُمْ لِأُولِيهِمْ رَبَّنَا هَؤُلَاءِ أَضَلُّونَا فَفَاتَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٥٥﴾

” Ҳар бир уммат (дўзахга) кирганда, шеригини лаънатлайди. У ерда бир-бирлари билан жам бўлиб топшишишгач, охирги (уммат) ўзидан олдингиси ҳақида: “Эй, Раббимиз! Ана ўшалар бизни адаштирганлар. Уларга дўзах азобини икки баробар (қилиб) бергин!” - дейдилар. (Шунда Аллоҳ): “Ҳар бирларингиз учун икки баробардир, лекин (сизлар бунинг ҳикматини) билмайсизлар”, - дегай. Аввалгилари кейингиларига айтадилар: “Сизларнинг

²²⁸ Зумар сураси, 47-48-оятлар

²²⁹ Ҳаж сураси, 21-22-оятлар

бизлардан ортиқлигингиз йўқ. Қилмишларингизга яраша (ушибу) азобни
тотаверингизлар!”²³⁰

هَذَا فَوْجٌ مُّقْتَحِمٌ مَّعَكُمْ لَا مَرْحَبًا بِهِمْ إِنَّهُمْ صَالُوا النَّارِ ﴿٥١﴾ قَالُوا بَلْ أَنْتُمْ لَا مَرْحَبًا بِكُمْ
أَنْتُمْ قَدْ مَتَّمْتُمُوهُ لَنَا فَبئسَ الْقَرَارُ ﴿٥٢﴾ قَالُوا رَبَّنَا مَنْ قَدَّمَ لَنَا هَذَا فَرَدَّهُ عَذَابًا ضِعْفًا فِي النَّارِ
﴿٥٣﴾ وَقَالُوا مَا لَنَا لَا نَرَى رِجَالًا كُنَّا نَعُدُّهُمْ مِّنَ الْأَشْرَارِ ﴿٥٤﴾ أَخَذْنَاهُمْ سِخْرِيًّا أَمْ زَاغَتْ عَنْهُمْ
الْأَبْصَارُ ﴿٥٥﴾ إِنَّ ذَلِكَ لِحَقٌّ تَخَاصُمُ أَهْلِ النَّارِ ﴿٥٦﴾

“Мана бу (одамлар) сизлар билан бирга (сизлар сабабли жаҳаннамга) ташиланувчи
жасоатдир”, (дейилганида, пешволар айтурлар): “Хуш келмадилар! Ҳақиқатан, уларнинг
ўзлари дўзахда тобланувчилардир”. Улар (эргашиганлар) дейдилар: “Йўқ, сизлар хуш
келмадингиз! (Чунки), сизлар у (азоб)ни бизларга келтирдингиз! Бас, нақадар ёмон
қароргоҳ (бу дўзах)!”. Улар (яна) дерлар: “Парвардигоро, ким бизларга мана шу (азоб)ни
келтирган бўлса, бас, Ўзинг унга дўзахда азобни бир неча баробар зиёда қилгин”.
(Жаҳаннам аҳли бир-бирларига) айтурлар: “Нега бизлар (дунёда) ёмонлардан деб
ҳисоблаб юрган кишиларни (мўъминларни дўзахда) кўрмаймиз-а?! Бизлар ўшаларни
масхара қилиб олган эдикми?! Ёки (улар шу ерда-ю,) кўзларимиз улардан чалгидимикан?!”
Албатта, дўзах аҳлининг ана шундай тортишишлари муқаррар ҳақдир”²³¹

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا رَبَّنَا أَرْنَا الَّذِينَ أُضَلَّلْنَا مِنَ الْجَنِّ وَالْإِنْسِ جَعَلَهُمَا نَحْتًا أَقْدَامِنَا لِيَكُونَا مِن
الْأَسْفَلِينَ ﴿٥٧﴾

“Кофир бўлган кимсалар дейдилар: “Парвардигоро, бизларни (тўғри йўлдан) оздирган
инсу жиндан бўлмиш кимсаларни бизларга кўрсатгин, уларни оёқости қилайлик, токи
улар (дўзахнинг қаъридаги) энг тубан (хор) кимсалардан бўлсинлар”²³²

Жаннат аҳли ва дўзах аҳли ўртасидаги суҳбат:

Жаннат аҳллари дўзах аҳлига разм солишлари мумкинлигига ишора қилувчи оят
аввал ўтди. Қуръонда хабари келишича, икки тоифа бир-бирларига нидо қилиб
суҳбатлашишади.

وَنَادَى أَصْحَابُ الْجَنَّةِ أَصْحَابَ النَّارِ أَنْ قَدْ وَجَدْنَا مَا وَعَدَنَا رَبُّنَا حَقًّا فَهَلْ وَجَدْتُمْ مَا وَعَدَ
رَبُّكُمْ حَقًّا قَالُوا نَعَمْ فَأَذَّنَ مُؤَذِّنٌ بَيْنَهُمْ أَنْ لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ ﴿٥٨﴾

“Жаннат аҳли дўзах аҳлига (қиёмат куни): “Раббимиз бизга ваъда қилган нарса
(жаннат)ни биз ҳақ эканини топдик. Сизлар ҳам Раббингиз ваъда қилган (огоҳлантирган
дўзах)нинг ҳақ эканини топдингизми?” - деб нидо қилурлар. Улар: “Ҳа”, - дейдилар. Сўнгра

²³⁰ Аъроф сураси, 38-39-оятлар

²³¹ Сод сураси, 59-60-оятлар

²³² Фуссилат сураси, 29-оят

ўрталаридан бир жарчи (фаришта чиқиб) жар солади: "Золимлар узра Аллоҳнинг лаънати (ёғилсин)!"²³³

وَنَادَىٰ أَصْحَابَ النَّارِ أَصْحَابَ الْجَنَّةِ أَنْ أَفِيضُوا عَلَيْنَا مِنَ الْمَاءِ أَوْ مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ قَالُوا
إِنَّ اللَّهَ حَرَّمَهَا عَلَى الْكَافِرِينَ ﴿٥١﴾ الَّذِينَ أَخَذُوا دِينَهُمْ لَهْوًا وَلَعِبًا وَغَرَّتْهُمُ الْحَيَوةُ
الدُّنْيَا

“Дўзах аҳли жаннат аҳлига: "Бизнинг устимизга сувдан ёки Аллоҳ сизларни ризқлантирган нарсадан тўкинғиз", - деб нидо қилурлар. Улар (жавобига): "Аллоҳ (сиз сўраган) ҳар икки (нарса)ни кофирларга - динларини ҳазил ва ўйин қилиб олган ва фоний дунё алдаб қўйганларга ҳаром (ман) этган", - дейдилар"²³⁴

Аъроф:

Қуръон оятларидан маълум бўлишича, аъроф жаннат ва дўзах орасидаги жойдир. Яхшиликлари жаннатга киришга ва ёмонликлари дўзахга киришга етмай қолган бандалар у жойда маълум муддат турадилар. У ердан туриб жаннатни кўрадилар ва унга киришни орзу қиладилар. Жаннат аҳлига хитоб қиладилар. Дўзахни ҳам кўрадилар ва Аллоҳдан у ерга киритишидан паноҳ сўрайдилар. Дўзах аҳли билан ҳам гаплашадилар. Жаннат аҳли ва дўзах аҳли ўртасида бир тўсик бўлади.

وَبَيْنَهُمَا حِجَابٌ وَعَلَى الْأَعْرَافِ رِجَالٌ يَعْرِفُونَ كُلًّا بِسِيمَاهُمْ ۗ وَنَادَوْا أَصْحَابَ الْجَنَّةِ أَنْ سَلِّمُوا
عَلَيْكُمْ ۖ لَمْ يَدْخُلُوهَا وَهُمْ يَطْمَعُونَ ﴿٥٢﴾ وَإِذَا صُرِفَتْ أَبْصَارُهُمْ تِلْقَاءَ أَصْحَابِ النَّارِ قَالُوا رَبَّنَا
لَا تَجْعَلْنَا مَعَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ ﴿٥٣﴾

“Аъроф (арасот) узра (жаннат ва дўзахдагиларнинг) ҳар бирини сиймолари (аломатлари)дан таниб оладиган кишилар (бўлур). Жаннат аҳлига: "Сизларга салом!" – дейдилар-у, (киришдан) таъмагир бўлиб, кира олмайдилар. Кўзлари дўзах аҳли тарафига бурилиб қолса, айтадилар: " Эй, Раббимиз! Бизни бу золимлар қавми билан бирга қилиб қўймагин!"²³⁵

Улар ерда жабборлардан бўлган, ўзига эргашган жамоалари билан кибр ва туғенда юрадиган кишиларни жаҳаннамда кўрадилар ва уларга нидо қиладилар:

مَا أَغْنَىٰ عَنْكُمْ جَمْعُكُمْ وَمَا كُنْتُمْ تَسْتَكْبِرُونَ ﴿٥٤﴾

“Тўплаган (бойлик)ларинғиз ва қилган кибрларинғиз сизларга (қунинғизга) ярамабди-ку!”²³⁶

Ўша куни киши унга ҳеч нарса фойда бермаганини, азоби оз ҳам, кўп ҳам енгиллатилмаганлигини кўради. Унинг ортидан қолганлар унга хилоф қилганини, уни тарк қилишганини кўради. У ўлганида у билан бирга қабрга энг яқин дўсти ҳам, ошнаси

²³³ Аъроф сураси, 44-оят

²³⁴ Аъроф сураси, 50-51-оятлар

²³⁵ Аъроф сураси, 46-47-оятлар

²³⁶ Аъроф сураси, 48-оят

хам, биродарлари ҳам, ёрдамчилар ҳам кирмайди, балки ҳамма уни тарк қилади, қабрга бир ўзи тушади, қабрдан бир ўзи тирилади, ҳисоб-китоб учун ҳам ёлғиз келтирилади. Бу дунёдаги кўзга кўришиб турган ҳақиқатдир. Лекин кўзлар уни кўришдан кўр бўлиб қолган. Эй роббим! Эй кўплаб гуноҳларни авф этувчи ва кечирувчи зот! Бизларни кўзларимизни очгин! Токи, сенга далолат қилувчи ҳақиқатларни кўрайлик! Бизга ақл нурини ато қилгин! Токи, сенга етказадиган йўлни кўра олайлик! Биздан зоҳирий ва ботиний фитналарни йироқ қил! Бизга Ўзингнинг розилигинг ва жаннатни насиб эт! Бизларни Ўзингнинг ғазабинг ва дўзахдан омон сақла! Омийн!



ҚАДАРГА ИЙМОН

Қадар ва қазо маъноси:

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда қадар ҳақида шундай оятларни зикр қилади:

وَإِن مِّن شَيْءٍ إِلَّا عِنْدَنَا خَزَائِنُهُ وَمَا نُنزِلُهُ إِلَّا بِقَدَرٍ مَّعْلُومٍ ﴿٦٧﴾

“Ҳар бир нарсанинг хазиналари Бизнинг даргоҳимиздадир. Биз у нарсаларни маълум ўлчов билан (сизларга) туширурмиз”²³⁷

إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ ﴿٤٩﴾

“Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик”²³⁸

Ер ҳақида шундай дейди:

وَبَرَكَ فِيهَا وَقَدَّرَ فِيهَا أَقْوَامَهَا

“уни баракотли қилди ҳамда ўша (ер)да унинг емишларини белгилади (тақсимлади)”²³⁹

Ой ҳақида эса шундай дейди:

وَالْقَمَرَ قَدَّرْنَاهُ مَنَازِلَ حَتَّىٰ عَادَ كَالْعُرْجُونِ الْقَدِيمِ ﴿٦١﴾

“Биз ойни ҳам, токи у эски хурмо бутогидек бўлиб (эгилиб) қолгунича, манзилларга (ботадиған қилиб) ўлчаб қўйгандирмиз”²⁴⁰

وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدَرَهُ تَقْدِيرًا ﴿٢﴾

“барча нарсани яратиб, (аниқ) ўлчови билан ўлчаб қўйган зотдир”²⁴¹

وَكُلُّ شَيْءٍ عِنْدَهُ بِمِقْدَارٍ ﴿٨﴾

“Унинг даргоҳида ҳар бир нарса ўлчовлидир”²⁴²

Бу оятлардан шу тушуниладики, қадар Аллоҳ таолонинг бу оламда яратиб қўйган қонуниятлари ва низомидир²⁴³. Бу низомга барча табиат қонунлари бўйсунди. Ундаги барча нарсалар муайян ўлчов ва маълум улуш билан яратилган. Ҳеч бир нарса йўқки, унинг яратилишидан олдин Аллоҳ унинг ўлчовини ўлчаб қўймаган бўлса. Кимёвий унсурларнинг таркиби, уларнинг бирикиши ёки парчаланиши, унинг ҳаракати ёки жим туриши, буларнинг бари азалдан аниқ ўлчов билан белгилаб қўйилган.

²³⁷ Ҳижр сураси, 21-оят

²³⁸ Қамар сураси, 49-оят

²³⁹ Фуссилат сураси, 10-оят

²⁴⁰ Ясин сураси, 39-оят

²⁴¹ Фурқон сураси, 2-оят

²⁴² Раъд сураси, 8-оят

²⁴³ Тасбеҳ доналари тизилган ва уларнинг юрадиған йўлидан иборат ипга ўхшашдир.

Мен қадар билан қазонинг ўртасидаги фарқни бир мисол билан тушунтириб бераман. Бир иморат бор ва унга шундай битиклар осиб қўйилган. “Лойиха муаллифи фалончи муҳандис. Амалга оширувчи эса фалончи пудратчи”. Муҳандис харитани чизади. Унда бинонинг баландлигини, деворларнинг кенглигини, унга керак бўладиган темир, цемент, тош кабиларни, эшик ва деразаларни аниқ нисбатда ўлчаб ҳисоблаб қўяди. Бу қадарнинг мисоли. Пудратчи эса муҳандис ўлчаб қўйган нарсани амалга оширади. Бу эса қазонинг мисолидир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Аллоҳга тегишлидир. Муҳандис ҳам агар истаса лойиханинг баъзи жойларига ўзгартириш киритиши мумкин бўлганидек, Аллоҳ таоло ҳам дуо ва садақани қадарда битиб қўйилдан нарсаларни ўзгартиришга сабабчи қилиб қўйган. Ўлчаб қўйган зот ҳам Аллоҳнинг ўзи, дуо туфайли уни ўзгартирувчи зот ҳам Унинг ўзидир²⁴⁴.

Мукофот ва жазо:

Юқорида келтирган таърифимиз қадарнинг умумий маънодаги таърифидир. Қадар Аллоҳ таоло яратган барча махлуқотларини ўз ичига олади. Аллоҳ барча нарсаларни ўлчов ва ҳолатларини белгилаб қўйган. Уларда содир бўладиган ишларни ҳам азалдан билади. Аллоҳнинг махлуқотлари ичида инсон ҳам шулар жумласидандир. Шу ерда бир мушкул масала пайдо бўлади. Бу масала юзасидан кўплаб одамлар узундан-узок тортишишган, шу масалага шўнғишган. Бу мукофот ва жазо масаласидир. Агар оламдаги барча нарсалар азалдан Аллоҳга маълум бўлса, Аллоҳнинг қонунияти ўзгармас бўлса, мукофот ва жазо масаласи қандай бўлади?

Умумий жавоб шуки, аввало инсоннинг ҳолати билан Аллоҳнинг сифатлари ва амаллари орасини ажратиб олиш лозим. Инсоннинг ҳолатлари кўз билан кўринадиган, ҳис қилинадиган нарсалардир. Аллоҳнинг сифатлари ва амаллари эса, ғайб ишларидан бўлиб, ақл у нарса ҳақида ҳукм қилишга қодир эмас. Уни идрок қилиб бўлмайди. У ҳақида фақатгина ваҳий йўли билан келган нарсаларнигина билади.

Инсон ихтиёрлидир:

Мен ҳозир кўз билан кўринадиган ҳолатлар ҳақида гапираман, кейин эса Куръон ва ҳадисда келган хабарлар ҳақида сўз юритаман. Воқеъликда инсон ҳурдир. Унинг ақли бўлиб, бу ақл билан у моддий ишлар ҳақида ҳукм қила олади. Яхши билан ёмоннинг, солихлик билан фасоднинг орасини фарқлай олади. Унинг иродаси ҳам бўлиб, бу билан у яхшилиқни ҳам қилиши мумкин, ёмонликни ҳам қилиши мумкин. Ҳар бир оқил инсон биладики, намоз яхшиликдир ва зино ёмонликдир. Уйдан чиқиб истаса бир томондан масжидга бориб, намоз ўқиши ҳам мумкин. Ёки бошқа томондан фоҳишахонага бориб зино қилиши ҳам мумкин. Бирор киши мана шунга шубҳа қиладими?! Агар қўлим саломат бўлса, унда касаллик ёхуд шоллик бўлмаса, мен қўлимни кўтара оламан. Бирор киши мен қўлимни кўтара олмаслигимни даъво қилиб чиқа оладими?! Мен қўлимни кўтара олганимдан кейин, истасам бир фақирга садақа беришим ҳам мумкин ёхуд бир бегуноҳ кимсани калтак билан дўппослашлигим ҳам мумкин. Шундай эмасми?! Фақирга садақа бериш савобга элтувчи амал, бегуноҳ кимсани уриш эса жазога лойиқ иш эмасми?!

Ўқувчи имтиҳондан олдинги кечаларни ўйин-кулги билан ўтказиши ҳам мумкин ёхуд қаттиқ тиришиб дарс қилиш билан ҳам ўтказиши мумкин. Шундай эмасми?! Бирор киши ўйинқароқ ўқувчининг имтиҳондан йиқилишини зулм, тиришқоқ ўқувчининг имтиҳондан муваффақиятли ўтишини эса ғаразли, ноҳақ деб даъво қилиши мумкинми?!

²⁴⁴ Агар банда қиладиган ҳар қандай иш аввалдан ўлчаб қўйилиб, кейин уни ўзгартиришнинг имкони бўлмаганида эди, бандада ихтиёр бўлмасди, балки у бу ишга мажбурланган ҳисобланарди. Бунда пайғамбарларни юборишдан, кофирларга қарши урушдан ва дуодан ҳеч қандай фойда бўлмасди. Пайғамбарлар ва тўғри йўлдаги халифалар ва ҳар бир умматнинг солих кишилари ёмонликни даф қилиш ва яхшилиқни жалб қилиш учун дуо қилишган. Ҳижознинг машҳур олимларидан бўлган шайх Жалил Муҳаммад Насийф раҳимахуллоҳнинг Шавкониёга ёзган мактублари ана шу хусусида эканлигини кўрдим, лекин унинг мавзусига бу номни қўйишмаган экан.

Инсоннинг ихтиёри ўзида эмас:

Мен қўлимни ўз иродам билан ҳаракатга келтира олдим. Чунки, Аллоҳ таоло мушакларимни менга бўйсунадиган қилиб қўйган. Лекин, мен юрагим ва ошқозоним мушаклари менга бўйсундирилган, дея олмайман. Ўқувчи заковатли бўлиб, битта дарсни бир ўқишда ёдлаб олиши ва кейин бемалол ўйин-кулги қилиши мумкин. Баъзи ўқувчиларнинг табиий заковати паст бўлиб, кечаю-кундуз дарс қилса ҳам ҳеч нарсани тушунмай, ёдлаб қола олмаслиги мумкин. Бўлиши мумкин, баъзи ўқувчилар зиёли оиладан бўлиб, отаси илмли бўлса, уйда дарс қилиши осон бўлади. Яна шундай бўлиши ҳам мумкинки, баъзи ўқувчиларнинг оиласи нодон бўлиб, отаси жоҳил бўлса, уйда дарс қила олмайди. Шу ўқувчи ўзига заковат инъом қилишга қодир эмас. Ота-онасини танлаш ихтиёри ҳам йўқ. Ё бўлмаса, ўзи яшаш учун яхши замонни ҳам танлаш имкониятидан мосуводир. Бу ишларнинг бари инсоннинг ихтиёридан ташқари нарсалардир. Масалан, бурнини чиройли қилиб ололмайди ёхуд қад-қоматини хушбичим қилолмайди. Мана шу жиҳатдан инсон мажбурланган (ихтиёри ўзида эмас) дир.

Инсон тоқати етадиган нарсада ихтиёрли ҳур кишидир:

Инсон тоқати етадиган нарсада ихтиёрли ҳур кишидир. Баъзи ҳолатларда эса ҳурлик сифати йўқолиб, ихтиёрсиз бўлиб қолади. Бунда у худди қоятош билан машинанинг мисолига ўхшайди. Машина ҳаракатланади, лекин моторининг қуввати доирасида юра олади. Юк ташиш учун ишлаб чиқарилган машина енгил машинадан тезроқ ҳаракатланиши мумкин эмаслиги инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Ер юзида юриш учун мўлжаллаб ишлаб чиқарилган машина, табиийки, юқорига кўтарила олмайди ёхуд девордан ошиб ўтолмайди. Агар унинг йўлида катта тўсиқ пайдо бўлса, у юришга қодирлик сифатини йўқотади. Лекин шу билан бирга у қоятош ҳам бўлиб қолмайди. Худди шунга ўхшаш, инсон ҳам ҳаётда баъзи тўсиқларга учраганда, унинг иродаси иш бермай қолади. Унга шундай ишлар таъсир қиладики, уни даф қилиш ёки ўзгартириш унинг қўлидан келмай қолади. Шу билан бирга унинг ҳурлик сифати йўқ бўлиб қолмайди. Мана шу жиҳатдан инсон ҳурдир, яъни инсон тоқати етадиган нарсаларда ихтиёрлидир. У истаган нарсасини қила оладиган илоҳ эмас...

Мукофот ва жазо ҳурликка боғлиқдир:

Агар ҳурлик бўлмаганда жазо ҳам бўлмасди. Ёмон ишни қилишга мажбурланган киши жазоланмайди. Аллоҳ эса бизни ихтиёр берилган нарсаларда жазолайди. Инсоннинг фойдасига ҳам, унинг зарарига ҳам ўзи қилган амали сабаб бўлур. Аллоҳ бирор киши тоқати етмайдиган нарсага буюрмас. Шу билан бирга Аллоҳ зарра мисқолича нарсани зоеъ қилмас. Бу дунё маҳкамаларида, инсоний адолат билан иш кўрилганда ҳам айбланувчининг вазияти, ҳолати эътиборга олинмайдиган бўлса-ю, оламларнинг Робби ҳузуридаги маҳқамада, мутлоқ адолат йўлга қўйилган жойда бу нарсалар эътиборга олинмасинми?! Фосиқ ота-онадан туғилиб, ёмон ҳолатда, фасод замонда катта бўлган гуноҳкорнинг гуноҳи билан солиҳ ота-онадан туғилиб, яхши шароитда катта бўлган кимсанинг гуноҳи баробар бўладими?!

Адолат мезонлари:

Калом илми уламоларининг аксарияти жуда катта хатога йўл қўйган. Яъни, инсоний адолатни Аллоҳ таолога нибат берган, У зотнинг адолати билан солиштирган. Бу ҳақиқатнинг исботи менинг ҳаётимда ҳам рўй берган. Ҳозир гарчи китобимизнинг бош мавзусига мувофиқ келмаса ҳам, шу воқеъани келтириб ўтмоқчиман.

1931-йили Шомда бошланғич мактабда дарс бериб юрган чоғларим эди. Айни ёшликнинг авжи, бошимда ҳар-хил фикрлар айланган, ўзим мағрур, гапга уста, жўшқин бўлган вақтим эди. Менга қадар масаласида бир муаммо ориз бўлиб қолди. Уламолардан бу ҳақида бир неча саволлар сўрадим, лекин айнан шу муаммога даво бўлувчи жавобни

топа олмадим. Мағрурлик мени улар билан тортишишга ундар эди. Мактабда ўқувчиларни калтаклаб адаб берар эдим (ўша вақтларда калтаклаш адаб бериш воситаларидан бири эди). Бир куни бир бола шартта ўрнидан туриб бақриб кетди: “бу зулму... сиз золим экансиз!”.

Ишонингки, бу гапни эшитиш билан қўлимдан калтагим тушиб кетди. Болани ҳам, мактабни ҳам унутдим. Худди мен зулматдаман-у, олдимда бир ёруғ чироқ пайдо бўлгандек бўлди. Ўзимга-ўзим: “бу ўқувчи менинг уришимни зулм деб билипти, мен эса буни адолат деб ҳисобляпман. Аслида амал битта. Агар ўқувчи оила-аъзоларига шикоят қилса, йўқ, бу зулм эмас, балки адолатдир, у сени яхши бола бўлишинг учун урган, дейишади”, дедим. Агар ўқувчи ўзининг ноқис ўлчови билан муаллимнинг адолатини солиштиришга ҳаққи бўлмаса, қандай қилиб инсоний мезонларни Аллоҳнинг адолатига солиштириш мумкин бўлади?!

Мен зулм деб ўйлаб турган нарса асли адолат бўлиши мумкин эмасми?! Бола терисининг остига укол қилаётган табибнинг ишини зулм деб ўйлайди, лекин у отасининг наздида айни адолат. Чунки, бола унинг аламини тотяпти, отаси эса боласининг шифо топишини кўра билмоқда.

Қози даъво ҳақида токи унинг барча босқичларини, ҳолатларини суриштириб билмагунча ҳукм чиқара олмайди. Биз масалага фақатгина воқеълик томонидан ёндашамиз. Натижада, оз билганимиз учун хато ҳукмлар чиқариб қўямиз. Тасаввур қилгин! Сен дўстинг билан саҳрода адашиб қолдинг. Олдинга катта бир машина келиб, унинг эгаси сизларни чақирди ва машинасига солиб олиб кетмоқда. Дўстинг машина ўриндикларин йиртиб, тита бошлади. Унинг бу ишини сен зулм деб ўйлайсан, тўғрими? Дарҳақиқат, шак-шубҳа йўқки, бу зулм. Аммо, қаршиларингда йўлтўсарлар тўдаси бўлиб, улар ҳеч қаери бузилмаган машиналарни тортиб олаётган бўлса ва сен буни билганингдан кейин зулм деб ўйлаётган фикринг айни адолат эканлиги томонга ўзгармайдими?!

Агар машина эгаси бу ҳақиқатни билганда, ўриндикларни ўзи ҳам титиб қўйган бўлар эди. Чунки, у соппа-соғ машинани биров олиб қўйгандан кўра, машинасининг ўриндиғи йиртиқ бўлса ҳам ўзида қолишини истади. Шундай эмасми?! Мана шу Ҳизр алайҳиссалом ва Мусо алайҳиссалом қиссаларидир. Кемага минишган пайтда, Ҳизр алайҳиссалом уни тешиб қўйишади. Аллоҳ таоло шундай мисолларни келтиради, токи биз барча воқеъликни билмасдан туриб ҳукм чиқаришга шошилмайлик.

Қуръон ва ҳадисда келган хабарлар хусусида:

Қуръон ва ҳадисда келган хабарлар ҳақида гапиришдан олдин қуйидаги қоидаларни эслатиб қўйишим лозим:

1. Ақлнинг иши Қуръон ва ҳадисда келган хабарларни тушуниш билан чегаралангандир. У қадарнинг ҳақиқатини тафсилотлари билан идрок қила олмайди. Чунки, аввал айтиб ўтганимиздек, бу моддийликнинг ортидаги нарса ҳақида фикрлашдан ожиздир. Шунинг учун, Қуръон ва ҳадисда келмаган хабарлар ҳақида баҳс қилишдан четланишимиз лозим.
2. Қуръон асл эканлигини билишимиз керак. Агар Қуръондан бирор оят билан бирор оҳод ҳадис маъноси бир-бирига зид келиб қолса, уларни орасини жамлаш имкони бўлмаса, Қуръон оятини оламиз²⁴⁵.
3. Қуръон ёки ҳадисда кўз билан кўриниб турган воқеъликни инкор қилувчи хабарлар бўлиши мумкин эмас. Чунки, Қуръонни нозил қилган Зот воқеъликни ҳам Ўзи яратган. Роббимиз ўзи яратган нарсани инкор қилиши мумкин эмас.

²⁴⁵ Мусталаҳ илми мутахассисларига шу қоида маълумки, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳеч қачон Қуръонга ёхуд кўз билан кўриниб турган воқеъликка зид гап гапирмаганлар. Агар у кишидан Қуръонга ёхуд кўз билан кўриниб турган воқеъликка зид ҳадис ривоят қилинган бўлса, бу ҳадисни Росулulloҳ айтмаганлар деб ҳукм қиламиз, гарчи ҳадис санади саҳиҳ бўлса ҳам.

4. Инсоннинг ихтиёрини инкор қилиб, уни бир ишга мажбурлаш тушуниладиган оятларнинг аксари инсоннинг иродасидан ташқари, унинг солиҳлигига ёки фосидлигига таъсир қилиши мумкинлигига ишора қилади. Мисол учун:

هُوَ الَّذِي يُصَوِّرُكُمْ فِي الْأَرْحَامِ كَيْفَ يَشَاءُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿١٠١﴾

“У сизларга бачадонларда бўлган пайтингизда хоҳлаган шаклни берадиган зотдир”²⁴⁶

Ҳомилалик пайтида агар қиз бўлса ўзини ўғил бола қилиб олишга ёки ранги қора бўлса оқ қилиб олишга қодир бўлмайди. Яна шунга ўхшаш:

وَرَبُّكَ تَخْلُقُ مَا يَشَاءُ وَيَخْتَارُ مَا كَانَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ

“Раббингиз Ўзи хоҳлаган нарсани яратур ва (хоҳлаган ишни) ихтиёр қилур. Уларда ихтиёр йўқдир!”²⁴⁷

оятни ҳам шу мазмунда. Табиат ҳодисаларига ишора қилувчи оятлар ҳам инсон тоқатидан ташқаридаги нарсалардир. Масалан:

أَفَرَأَيْتُمْ مَا تَحْرُثُونَ ﴿١٦﴾ ءَأَنْتُمْ تَزْرَعُونَهُ أَمْ نَحْنُ الزَّارِعُونَ ﴿١٧﴾ لَوْ نَشَاءُ لَجَعَلْنَاهُ حُطَبًا

“Сизлар экаётган зироатларингиз ҳақида ўйлаб кўрдингизми?! Уни сизлар ундирурмисизлар ёки Биз ундирувчимизми?! Агар Биз хоҳласак, уни қуруқ чўп қилиб қўйган бўлурадик”²⁴⁸

Яна,

وَإِنْ يَمَسُّكَ اللَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ

“Агар Аллоҳ Сизга бирор зарар етказса, бас, Унинг Ўзидан бошқа уни кетказадиган (куч) йўқдир”²⁴⁹

каби оятлар шулар жумласидандир. Инсоннинг ихтиёрисиз солиҳлик ва фасодга далолат қилиш маъносидаги оятлар:

وَنَفْسٍ وَمَا سَوَّاهَا ﴿٧﴾ فَأَلْهَمَهَا فُجُورَهَا وَتَقْوَاهَا ﴿٨﴾

“Жонга ва уни тиклаган, унга фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам илҳом қилиб қўйган зотга (қасам)ки”²⁵⁰

ва бир йўлга далолат қилиш ва иршод қилиш маъносидаги ҳидоят калимаси келган оятлар ҳам шулар сирасига киради:

وَهَدَيْنَاهُ النَّجْدَيْنِ ﴿١٦﴾

²⁴⁶ Оли Имрон сураси, 6-оят

²⁴⁷ Қасос сураси, 68-оят

²⁴⁸ Воқеа сураси, 63-65-оятлар

²⁴⁹ Юнус сураси, 107-оят

²⁵⁰ Вашшамс сураси, 7-8-оятлар

“Яна уни икки баландликка (йўлга) ҳидоят қилиб (йўллаб) қўйдик-ку!”²⁵¹

إِنَّا هَدَيْنَاهُ السَّبِيلَ إِمَّا شَاكِرًا وَإِمَّا كَفُورًا ﴿٢٥٢﴾

“Дарҳақиқат, Биз уни (инсонни) хоҳ у шуқр қилувчи (мусулмон) бўлсин ва хоҳ ношуқр (кофир) бўлсин, ҳидоят қилдик (йўлга йўлладик)”²⁵²

Бу оятлар зоҳиран инсонни бир ишга мажбурлаш маъноларига ишора қилса ҳам, аслида улар ҳақида юқорида фикр билдириб ўтдик. Аллоҳ ҳеч қачон бандани унинг ихтиёридан ташқари нарсалар учун тутмайди. Аллоҳ бандани тарқ қилиш имкони бўлмаган бир ишга мажбурлаб, сўнгра уни жазолаши ҳеч мумкин эмас.

Баъзи оғишган фирқалар мана шу оятларни тушунишда хатога йўл қўйишган, уларни нотўғри татбиқ қилишган. Улар

1. Аллоҳнинг хоҳиши ва қудрати, ўз мулкани тасарруф қилиши ҳақида хабар берадиган оятлар билан мукофот ва жазога боғлиқ оятлар орасини фарқлаб олишлари;
2. Биргина оятнинг ўзидан хулоса чиқариш эмас, балки барча оят ва ҳадисларни жамлаб ўрганишлари лозим эди. Дарҳақиқат, қазо ва қадар ҳақидаги барча оят ва ҳадисларни жамлаб ўрганган киши шунга шоҳид бўладики, инсоннинг хуррияти ва иродаси бор. Ана шу иккиси туфайли у ё савобга эга бўлади ёхуд жазога гирифтор бўлади.

Аллоҳ таолонинг мана бу

يُضِلُّ بِهِ كَثِيرًا وَيَهْدِي بِهِ كَثِيرًا ﴿٢٥٣﴾

“Аллоҳ кўпларни адаштиради ва кўпларни (тўғри йўлга) ҳидоят қилади”²⁵³

оятини ўқиган кишининг мясига биринчи бўлиб шундай фикр келадик, ҳидоят ва залолат Аллоҳнинг бандалари устида тақдир қилиб қўйган муқаррар иш экан. Анавиларни адашганлар, анавиларни эса ҳидоят топганлар қилиб қўйган экан-да. Бу ўзгармас тақдир экан-да. Лекин, Аллоҳнинг оятига диққат билан разм солганлар ҳидоят ва залолат буткул Аллоҳдан эмаслигини, яъни, бир тарафлама эмаслигини тушуниб етадилар:

هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٢٥٤﴾

“тақводорлар учун ҳидоят (манбаи)дир”²⁵⁴

وَمَا يُضِلُّ بِهِ إِلَّا الْفَاسِقِينَ ﴿٢٥٥﴾

“Лекин, (Аллоҳ) фақат фосиқ кимсаларни адаштиради”²⁵⁵

Демак, ҳидоят ва залолат кишининг ҳолатига ҳам боғлиқ экан. Агар тақводор бўлса, Қуръон уни ҳидоят қилар экан. Агар фосиқ бўлса, Аллоҳ уни залолатга кетказар экан.

²⁵¹ Балад сураси, 10-оят

²⁵² Инсон сураси, 3-оят

²⁵³ Бақара сураси, 26-оят

²⁵⁴ Бақара сураси, 2-оят

²⁵⁵ Бақара сураси, 26-оят

Энди, яна бир шубҳа қолди. Бир киши айтиши мумкин: “Аллоҳ мени тақводорлардан қилганми ёки фосиқлардан қилганми, буни қаердан биламан?”. Бундай ҳолда у оятнинг давомига боқсин:

هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٢٥٦﴾ الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ وَيُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ ﴿٢٥٧﴾

“*(у шундай) тақводорлар учун ҳидоят (манбаи)дирким, улар зойиб (диний хабарлар)га иймон келтирадиган, намозни мукаммал ўқийдиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан (садақа ва) эҳсон қиладиганлардир*”²⁵⁶

إِلَّا الْفٰسِقِينَ ﴿٢٥٨﴾ الَّذِينَ يَنْقُضُونَ عَهْدَ اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مِيثَاقِهِ وَيَقْطَعُونَ مَا أَمَرَ اللَّهُ بِهِ أَنْ

يُوصَلَ وَيُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ

“*фосиқ кимсаларни адаштиради, қайсики, (улар) Аллоҳ аҳдини унинг битимидан кейин бузадиган, Аллоҳ боғлинишига буюрган нарсаларни узадиган ва ер (юзи)да бузгунчилик қиладиган кимсалардир*”²⁵⁷

Шунда маълум бўладики, бу ерда ҳеч қандай мажбурлаш масаласи йўқ. Демак, тақводорлик ёки фосиқлик инсоннинг хуррияти ва тоқати доирасидаги ички сифатлари ва амалларига боғлиқ экан.

Сиз ғайбга иймон келтира оласиз, намоз ўқий оласиз, Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қила оласиз, шунингдек, аҳдингизни бузиш, қариндошлик алоқаларини узиш, ер юзида бузгунчилик қилиш ҳам қўлингиздан келади. Ўзингиз қилишингиз мумкин бўлган ва тарк қила оладиган амаллар. Агар биринчи учтасини қилсангиз, тақводорлардан бўласиз ва ҳидоятга эришасиз. Агар кейинги учтасини қиладиган бўлсангиз, фосиқлардан бўласиз ва залолатга йўлиқасиз.

Бесамар баҳс:

Бу ерда “ёмонликни Аллоҳнинг хоҳиши билан қилинадими ё йўқми?”, “мен ёмонликни қилмасликка қодирманми?”, “амалимни ўзим яратаманми?” каби саволларга раддия қилинади. Бундай масалалар калом илми китобларини тўлдирган масалалардир. Буларнинг барчаси бесамар баҳслардир. Чунки, Холиқ махлуқлар билан қиёс қилинмайди. Ақл Аллоҳ ва унинг сифатлари ҳақида ҳукм қила олмайди.

Аллоҳ ҳеч қачон қилган ишидан сўралмас, лекин биздан қилган амалларимиз ҳақида сўрайди. Аллоҳ одил зотдир. Унинг адолатига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Яхшиси биз ўзимизни билишимиз керак. Ақлимизни яхши ишларга ишлатиб, иродамизни яхшилиқларга йўналтиришимиз зарур. Аллоҳга боғлиқ баҳс-мунозараларни четга суришимиз лозим. Салафлар ҳам бундай мавзулар ҳақида тўхталиб ўтирмаганлар, вақтларини бесамар баҳслар билан сарф қилмаганлар.

Қадар билан ҳужжатланиш:

Шундай осийлар борки, ўз осийлигига қадар билан ҳужжатланади. Агар зинокорга: “нимага зино қилдинг?” дейилса, у “менинг тақдиримга шу битилган экан-да”, деб жавоб боради. Аслида бу заиф ҳужжатдир. Унга икки жиҳатдан раддия бор:

1. Ҳисоб-китоб ва жазолаш амал учун, шу амалга ундовчи ва сабаб бўлувчи нарсалар учун бўлади. Бу зинокор тақдир ҳукмини амалга ошириш учун зино қилдим, деб гумон қилаётган бўлса, лавҳул маҳфузни ўқиган эмас ва унинг тақдирига зино ёзиб

²⁵⁶ Бақара сураси, 2-3-оятлар

²⁵⁷ Бақара сураси, 26-27-оятлар

қўйилганини кўрган эмас. У шаҳватга эргашди ва шайтоннинг чақирғига жавоб бериб, ҳаром лаззатга қўл урди.
Мушриклар ҳам шунга ўхшаш ҳужжат билан ҳужжатланмоқчи бўладилар:

لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَشْرَكْنَا

“Аллоҳ хоҳлаганида мушрик бўлмаган бўлар эдик”²⁵⁸

Уларга шундай жавоб қайтарилади:

قُلْ هَلْ عِنْدَكُمْ مِنْ عِلْمٍ فَتُخَرِّجُوهُ لَنَا

“айтинг: “Сизларда бизга чиқарадиган (кўрсатадиган) илм (ҳужжат) борми?””²⁵⁹

Яъни, ширк келтирмаслигингиздан олдин сизларга ширк тақдир қилинганлигини қаердан билдингиз? Ёки иймон келтирмоқчи бўлгансизу, бу сизнинг тоқатингиздан ташқари иш бўлганмиди?!

2. Агар қадар билан ҳужжатланган шу одам ростгўй бўлса, Аллоҳ унга тақдир қилиб қўйган ҳамма нарсага бирдек рози бўлсин. Фақирликка ҳам, касалликка ҳам, очликка ҳам, яқин кишиларини йўқотишга ҳам, мол-дунёси йўқ бўлишига ҳам бирдек муносабатда бўлсин. Аммо аниқки, у буларга рози бўлмайди, балки мол-дунё тўплаш учун ишлайди, касалликни даф қилишга интилади, очликни кеткизади, яқин кишиси ёхуд мол-дунёсини йўқотса ғамгин бўлади. Нимага бор қувватини дунё лаззатларини топишга ва унинг аламларини бартараф қилишга сарф этади? Нима учун ақлини шаҳватларни енгиласанга, нафсини рағбат қилиб турган ҳаромдан тийишга сарф этмайди? Ваҳоланки, унинг кетидан азоб келишини яхши билади-ку.

Биз ва салафлар қадар ақидаси хусусида:

Бугунги кунда ислом душманлари мусулмонларни бепарволик ва дангасаликда айблашади, эмишки, мусулмонлар қадарга иймон келтирганликлари сабабли дангаса бўлиб қолишган. Бу тухматда бир оз ҳақиқат бўлса ҳам, бунга сабаб бўлган нарса кейинги умматнинг қадар ақидасини нотўғри тушунганидир. Нодон мусулмонларнинг кўпчилиги қадарни маъсиятлар қилиш учун ҳужжат, ялқовлик ва бекорчилик учун сабаб қилиб олишган. Салафларимиз эса қадарни амал ва жидду-жаҳд учун ундовчи сабаб қилиб олишган эди.

Ризқ ўлчаб, тақсимлаб қўйилган эканлигини билдик. “Сен учун ёзилган ризқ барибир сенга насиб қилади, гарчи заиф бўлсанг ҳам. Сендан бошқа учун ёзилган ризқ ҳар қанча қувватинг бўлса ҳам сенга насиб қилмайди”. Мана шуни баъзи қавмлар касбни тарк қилиш, сусткашлик қилиш, ҳаракат қилмай ўтиравериш керак экан, осмондан бизга тилло ва кумушлар йоғади, сафарга чиқадиган бўлсак ҳам тайёргарликсиз, пул-мул олмай чиқаверар эканмиз, дея тушуниб олишди. Салафлар эса буни бошқача тушунишган эди. Улар кучлари етгунча амал қилишар, ҳалолдан мол-дунё тўплаш учун тоқатлари етганча ишлашар эди. Шундан сўнг ўзларига етган нарсага рози бўлишар, роббиларига ғазаб қилишмас, ўз биродарлари кўпроқ эришган нарсаларда уларга ҳасад қилишмас эди. Уларни бойлик димоғдор қилиб қўймас, камбағаллик эса оғринтирмас эди.

²⁵⁸ Анъом сураси, 148-оят

²⁵⁹ Анъом сураси, 148-оят

Биз ризқ, ажал қатъий ўлчаб, белгилаб қўйилган эканлигини эшитиб, уни эҳтиёт чораларини кўришда сусткашлик қилиш, масъулиятдан қочиш учун сабаб қилиб олганмиз. Қасддан қилинган гуноҳ билан бешак юз берадиган қадар²⁶⁰ орасини аралаштириб юборганмиз. Агар аждодларимиз бўлишганда шундай дейишган бўларди: “Агар ажал белгилаб қўйилган бўлса, киши гарчи оловга тушса ҳам ёки кўкрагига найза санчилса ҳам ўз ажалидан бир сония ҳам олдин ўлмайди. Агар етти қават девор билан ўралган қалъалар билан ҳимояланган бўлса ҳам, ўз ажалидан бир сония ҳам кейинроқ ўлмайди. Бас, шундай экан Аллоҳни рози қиладиган амалларни қилайлик. Аллоҳ йўлида куч-қувватимизни сарф этайлик. Ўлимдан кўркмайлик, чунки ажал вақти белгилаб қўйилган, ундан олдин ҳам, кейин ҳам вафот этиб бўлмайди-ку! Тилимизни мункирларга қарши чархлайлик, туғёнга кетган, золимларни ҳақ калимага чақирайлик, ҳақни айтишда бировдан кўркмайлик! Аллоҳдан ўзга ҳеч ким ва ҳеч нарсадан хавф қилмайлик”.

Биз ҳамма нарса тақдир қилиб қўйилган экан деб, Аллоҳнинг қонуниятларини, манфаат ва зарарга сабаб бўлувчи табиат қонунларини ўрганишда сусткашлик қиламиз. Салафларимиз бу ишда олим эдилар. Улар ҳам қадарни билишар ва ундан тўғри хулоса чиқаришар эди. Бизлар ана шунинг учун ҳам бизлар ҳамма нарсада тобора орқада қолмоқдамиз, юқори ўринлардан паст даражаларга тушиб кетмоқдамиз. Салафларимиз иймон билан дунёга етакчи, бошлиқлар бўлишган эди. Биз эса бошқарилувчи, қарамга айланиб қолдик. Улар оламнинг учдан бирини фатҳ қилишган эди, бугун эса душманларимиз ботилни шаҳримиз марказигача олиб киришди.

Ўликларни муқаддаслаштиришнинг сабаби:

Ҳаётимиз ҳаммаси фасодга тўлиб кетганини, тирикларимиз хор бўлиб кетганини кўрганимиздан сўнг, аждодларимизнинг куч-қудратини ва салоҳиятини ёдга оламиз. Ҳозирдаги умидсизлигимиз туфайли қадимдаги орзу-умидларга бериламиз. Тирикларимизни менсимай, ўликларимизни улуғлашга ўтамиз. Ана шундан ўликларни муқаддаслаштиришнинг, уларга суянишнинг, улардан мадад сўрашнинг кўринишлари пайдо бўлади. Уларга катта қабртошлар қўямиз, баланд гумбазлар қурамиз. Уларни муқаддас санаб, уларга сиғина бошлаймиз. Жоҳилият ақидалари биздан ҳали нари кетмаган. Бу қабрларга назрлар атаймиз, уларни манъ қилинган йўллар билан васила қиламиз. Баъзан қабр соҳибларидан ҳеч қандай сабаб ва воситасиз наф ва зарарни ҳам талаб қиламиз. Мана шуларнинг бари (қайтарилган амаллар бўлиб) ҳозирги кишиларимизнинг ёмонлигидан ва аждодларимизнинг буюк бўлганлиги сабабидандир.

Исбот-далилсиз чалкашлик:

Юқоридаги сабаблар туфайли, қадар ақидасида нотўғри тушунчага борамиз. Инсоннинг тасарруфида бўлган иродага оид ишлар билан Аллоҳнинг иродамиздан ташқари бўлган ишлари орасини яхши фаҳмлай олмаганимиз, уларни бир-бирига чалкаштириб юборганимиз туфайли инсонлар қадар маъносини тушунишда икки хил тоифага ажралиб қолган. Биринчи тоифа инсон бўйсундирилган жонзот, унда ирода йўқ, дейишади. Чунки, мисол қилиб айтганимизда, у юрагининг мушакларини бошқара олмайди, ота-онасини танлаш ихтиёри йўқ, илк оила-шароитини ўзи ихтиёр эта олмайди, дея эътироф қилишади. Лекин, Аллоҳ уларга бошқарса бўладиган мушаклар ҳам бериб қўйганини, уларга шароити ва тарбиясини бақадри имкон ўнглаш учун ақл неъматини ато қилиб қўйганини унутишади.

Иккинчи тоифа эса, мутлақо бошқача фикрлайди. Улар инсонга воқеъликдан ҳам кўра кўпроқ иродани нисбат бериб юборишади. Шунинг учун, мукофот ва жазо масаласида чалкашиб кетишади. Аллоҳ инсонни унинг ҳуррияти ва қудрати чегарасидагина ҳисоб-китоб қилишини, у мажбурланган нарсада уни жазога

²⁶⁰ Автомобил ҳайдовчиси тезликни оширади. Агар аварияга учраса, шу қадар эканда, деб қўяди. Ўқувчи дарс қилмай, ўйинқароқлик билан кун ўтказиши. Имтиҳондан йиқилса, қадар билан хужжатланади.

тортмаслигини унутиб қўйишади. Натижада, Аллоҳнинг адолати борасида баҳсга киришиб, тортишишга киришади. Энг биринчи ҳақиқат бўлмиш, Аллоҳнинг адолати инсоний адолат билан қиёсланмаслигини унутиб қўйишади. Қадар ақидасида, умуман, барча ақидаларда тўғри йўл шуки, асл манба бўлмиш Қуръонга қайтиш зарур. Саҳоба ва тобеъинлар юрган йўлдан юриш лозим. Юнонларнинг юзаки фалсафасидан қолган бу бесамар баҳсларни тарк этишимиз керак.



ҒАЙБГА ИЙМОН

Ғайб олами:

Ақоид қоидаларида айтиб ўтдикки, ҳис қилиш аъзолари мавжуд нарсаларнинг барчасини идрок қила олмайди. Табиатда шундай оламлар борки, биз уларни ҳис қилиш орқали идрок қила олмаймиз. Уларнинг ичида бизга энг яқини ҳар биримизнинг ичимизда яшовчи руҳдир. Руҳнинг мавжудлигини ким инкор қила олади? Ҳеч ким. Ким руҳнинг моҳиятини идрок қила олади? Ҳеч ким. Биз кўриб, ҳис қила оладиган олам Қуръони Каримда “баламуш- шаҳада” (кўрининарли олам) деб номланган. Биз ҳис қилиш чегарамиздан ташқарида бўлган, бу моддий оламнинг ортидаги олам эса “ғайб олами” (метафизика) дея номланган.

Шаҳодат оламига барча ишонади ва унинг бор эканлигини тасдиқлайди. Ҳаттоки, онгсиз ҳайвон ҳам ўз ҳисси ила бу оламнинг мавжудлигини идрок қилади. Бунга ишонишда ҳеч кимнинг бошқа бировдан фазилати йўқ. Чунки бу “зарурий илмдир”. Лекин, фазилат рост хабарга суянган ҳолда ғайб оламига иймон келтиришда, кўрмаган нарсасига ишониб, унинг бор эканлигини тасдиқлашдадир.

Такводорлар ана шу жиҳат билан ажралиб турадилар. Чунки, Аллоҳ Бақара сурасининг аввалида такводорларни энг биринчи сифатлаган сифати бу:

الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ

“улар ғайбга иймон келтирадидлар”²⁶¹

Ғайбга қандай иймон келтирамыз:

Аллоҳ бизга ғайбни идрок қилиш учун ҳис қилиш аъзосини ато қилмаган бўлса, қандай қилиб ғайбга иймон келтирамыз? Агар биз фақатгина ҳис қилиш аъзоларимизга таянадиган бўлсак, ақлимиз билан ҳам шу аъзоларимиз ҳис қилган нарсалардагина ҳукм чиқарадиган бўлсак, бу моддий оламнинг ортидаги нарсалар ҳақида жоҳиллигимизча қолган бўлур эдик. Аммо, Аллоҳ таолонинг ҳикмати, У зотнинг бизга бўлган марҳамати туфайли, У зот ғайб оламини идрок қилишни ожиз ақлимизнинг ўзига ташлаб қўймади, балки унга эҳтиёж тушадиган хабарларни ҳам берди.

Бундай хабар бериш руҳий илҳом, зехнга келган фикр, ақл самараси каби ички хислари орқали эмас, балки куйидаги ташқи уч йўл орқали келтирилган:

1. Аллоҳ таоло бу хабарларни инсонга илҳом орқали ёки тушида билдиради. Бунда инсондан ҳеч қандай хатти-ҳаракат бўлмайди. Бунга ўзининг уриниши орқали ёки ҳис қилиши орқали эриша олмайди.
2. Ҳақиқий айтувчини кўрмаган ҳолда эшитади. Натижада уни идрок қилиб, ёдлаб қолади.
3. Бу йўл энг умумий ва энг кўп учрайдиганидир. Аллоҳ таоло ўзининг фаришталар деб номланувчи, бизга кўринмайдиган, итоатгўй махлуқотларидан бирини инсоният ичидан Аллоҳ ўзи танлаб олган бирор кишига элчи қилиб жўнатади. У эса Аллоҳнинг рисолатини унга етказди ва уни одамларга етказишга буюради. Мана шу уч йўл бўлиб, тўртинчиси йўқ.

²⁶¹ Бақара сураси, 3-оят

﴿ وَمَا كَانَ لِبَشَرٍ أَنْ يُكَلِّمَهُ اللَّهُ إِلَّا وَحْيًا أَوْ مِنْ وَرَائِهِ حِجَابٍ أَوْ يُرْسِلَ رَسُولًا فَيُوحِيَ بِإِذْنِهِ مَا يَشَاءُ ﴾²⁶²

” Инсонга Аллоҳ (бевосита) сўз қотиши мумкин эмас. Фақат ваҳий орқали ё парда ортидан ёки элчи (фаришта) юбориб, (Аллоҳнинг) изни билан у хоҳлаган нарсани ваҳий қилиши мумкин”²⁶²

Иймон келтириш вожиб бўлган ғайб:

Иймоннинг руқни бўлган, уни инкор қилувчини кофир қиладиган ва ислом миллатидан чиқарадиган ғайб Қуръони Каримда келгандир. Аммо саҳиҳ суннатда ворид бўлган ғайб инкор қилувчини кофир қилмайди ва ислом миллатидан чиқармайди, балки фосиқ ҳукмига киргизади.

Мана шу Китоб (Қуръон) ва суннат орасидаги фарқдир. Уларни бир оз баён қилишга тўғри келади. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ваҳий орқали етказган ва нутқ қилган гаплари аслида ҳужжатда бир хил даражада бўлади²⁶³. Қуръон эса лафзи ҳам маъноси ҳам Аллоҳдан бўлган ваҳийдир. Ҳадис эса маъноси Аллоҳдан бўлган, лафзи эса росулulloҳдан бўлган ваҳийдир.

﴿ وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ ۗ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ ۗ ﴾

“(Қуръонни) ўз ҳавоси (хоҳиши) билан сўзламас. У (Қуръон) фақат (Аллоҳ томонидан) ваҳий қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳийдир”²⁶⁴

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Қуръон оятларини ҳам, ўзлари нутқ қилган ҳадисларни ҳам эшитган саҳобалар амал қилиш вожиблиги ва ҳужжат қилишда улар орасини фарқлашмаган.

Лекин фарқ ривоят ва нақл қилишда пайдо бўлган. Қуръон мутавотир нақл ила нақл қилинган. Биз мусхафдаги нарса Жаброил алайҳиссалом Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилган нарсанинг айни ўзи дея жазм қиламиз. У Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари орқали етиб келган. Ундан ҳеч нарса ноқис ҳам қилинмаган²⁶⁵, зиёда ҳам қўшилмаган, бирор нарса ўзгартирилмаган ҳам. Ҳадис эса (гарчи ҳаммаси тўлиқ нақл қилинмаган бўлса ҳам) озчилик кишилардан нақл қилинган. Ҳадис уламолари унинг ривоятини ўрганиш, уни нақл қилган кишиларни тадқиқ қилиш учун инсон тоқати етиши мумкин бўлган бор куч-ғайратларини сарфлашган. Аммо шу билан бирга, биз Имом Бухорий, Имом Муслим ҳамда сунан соҳиблари ривоят қилган ҳадисларни Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар дея, худди мусхаф - нозил бўлган Қуръоннинг айни ўзи, деб жазм қилгандек, жазм билан айта олмаймиз.

Ақида диннинг асоси бўладиган бўлса, демак, ақидани бузиш куфр ва муртадликка олиб борар экан. Аммо мусулмон кишини, модомики озгина куфр бўлмаслик эҳтимоли бўлса, муртад деб ҳукм қилиб бўлмайди.

Шунинг учун, Қуръонда очиқ-ойдин келган ақидани инкор қилган кишини кофир деб атаймиз, аммо саҳиҳ суннат орқали ворид бўлган нарсани инкор қилган кишини

²⁶² Шўро сураси, 51-оят

²⁶³ Яъни, ҳужжат қилишда бир хил қувватда бўлади.

²⁶⁴ Нажм сураси, 3-4-оятлар

²⁶⁵ Ким мусулмон бўла туриб, мусхафдаги ёзувлар тўлиқ Қуръон эмас, Қуръонда мусулмонлар ўқиётган мухафларда йўқ нарса ҳам бор деб эътикод қилса, кофир бўлади ва ислом миллатидан чиқади. Баъзи қавмлар тиловати насх қилинган деб айтган оятлар ҳақида эса бундай ҳукм йўқ. Лекин, бу мутавотир хабар орқали собит бўлмаган.

кофир деб айта олмаймиз, балки фосиқ деб ҳукм қиламиз. Бу саҳиҳ суннатни манманлик билан рад қилган одамнинг ҳукми. Аммо ҳадис илми уламолари, ҳадиснинг санади ва матнини яхши билган ҳолда, ҳадис саҳиҳ эмас деб айтишган бўлса, уларни фосиқ деб аталмайди, балки, улар Аллоҳдан кўрққан, ҳадис илмини яхши эгаллаган бўлганликлари учун шу ривоят саҳиҳ эмаслиги ҳақида бизга маълумот беришган.

Ғайбадаги нарсалар:

Шариъат иймон келтириш вожиб эканлигининг хабарини берган ва уни инкор қилган одам кофир бўладиган ғайбий нарсалар бу фаришталар ва жинлар, китоблар ва росуллар, охират куни ва ундаги нарсалар, ҳисоб-китоб ва ундан кейинги мукофот ёки жазо, қазо ва қадар, осмонлар ва ернинг яратилиши, инсоннинг яратилиши каби Қуръонда келган ҳар бир хабарлардир.

Шубҳа ва унинг радди:

Ўзлари ҳис қила оладиган нарсаларгагина ишонадиган моддапарастларга ақоид қоидаларининг учинчи қоидаси орқали раддия берамиз. Ҳис қилиб бўлмайдиган нарса унинг мавжуд эмаслигига шарт қилинмайди. Агар биз уни ҳис қила олмайдиган бўлсак, уларни мавжуд эмас, дейишга ҳаққимиз йўқ. Ишончли хабар яқин илмга далолат қилади. Модомики, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳ таолодан хабар беришлари рост эканлиги собит бўлгандан кейин ва бу хабар бизгача нақл қилинганлиги маълум бўлгандан сўнг биз мўъминлар жамоасида ана шу ғайбий нарсалар мавжуд эканлигига яқин ишонч ҳосил бўлади.

Ғайб қисмлари:

Ғайб бир неча қисмларга бўлинади, лекин барчаси ғайб деб номланади:

1. Биз идрок қила олмайдиган, лекин биздан бошқа бирор инсон идрок қила оладиган қисм. Мисол учун, Юсуф алайҳиссаломнинг қиссалари. Аллоҳ бу қиссани ғайб деб номлаган, чунки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг қавмлари бу қиссани кўрмаган ёки эшитмаганликлари учун ҳис қилиш аъзолари орқали бу қиссани идрок қила олишмайди. Аммо Бани Исроил (Яъқуб алайҳиссаломнинг ўғиллари), Юсуф ва у кишининг ака-укалари буни идрок қила олишади. Чунки, шу даврнинг ўзида яшашган. Бу қисса уларнинг ҳаётларида рўй берган воқеълардир.
2. Инсоният идрок қила олмайдиган, аммо Аллоҳ таоло унинг яратган вақти ҳақида хабар берса, ақлий жиҳатдан идрок қилиш мумкин бўлган қисм. Мисол учун, инсонлар яратилишидан олдин бўлган ер юзидаги ҳодисалар, унда яшаган махлуқотларнинг хабарлари, Одам алайҳиссаломнинг яратилиш қиссалари, инсоният ҳаётининг бошланиши ҳақидаги хабарлар шулар жумласидандир. Буларни ваҳий йўли орқалигини ақлан идрок қилиш мумкин.
3. Ҳис қилиш аъзолари идрок қила олмайдиган, ақл ҳукм чиқаришдан ожиз, уни хаёл билан тагига етиб бўлмайдиган қисм. Мисол учун, Аллоҳнинг сифатлари, унинг фаришталар, жинлар, шайтонлар каби махлуқотларидан беркитган ғайбий нарсалари, қиёмат кунининг ҳолати, ҳисоб-китоб ва ундан кейинги мукофот ёки жазо шулар жумласидандир.

Шубҳа ва унинг радди:

Бир киши: “Агар ёмғир ёғиши, бачадон ичидаги ҳомила ўғил ёки қиз эканлиги ҳақидаги илм Аллоҳгагина маълум бўлган ғайб илмларидан бўлса, метеорология станцияси эртанги кунлик об-ҳаво ёмғирли ёки очиқ бўлиши ҳақида қандай қилиб хабар беради? Бугунги кунда бачадон ичидаги ҳомила ўғил ёки қиз эканлигини ҳам аниқлаш мумкин-ку”, дейдиган бўлса, унга жавоб қуйидагичадир:

1. Дарҳақиқат, Қуръонни нозил қилган зот Аллоҳдир. Коинотни ва ундаги нарсаларни яратган ҳам Аллоҳдир. Кўз билан кўриб, ҳис қилиш мумкин бўлган нарсани инкор қиладиган оят Қуръонда келиши мумкин эмас. Агар Қуръонда зоҳиран воқеъликка зид келадиган бирор матн кўрсак, бу матннинг маъносидан кўзланган мақсад бизга зоҳир бўлиб турган мақсаддан бошқа бўлади²⁶⁶.
2. Метеорология станцияси ёмғирнинг сабабларини кўргандан кейингина унинг ёғиш ёғмаслиги ҳақида хабар беради. Аллоҳ таолонинг коинотда қатъий ўрнатиб қўйган қонуниятини ўрганиш орқали маълум бўладики, мисол учун Шом соҳилларига ёмғир ёғишининг сабаблари қуйидагича: атлантика денгизи томондан шабада эсади ва Ториқ тоғи довонидан ўтади. У ердаги дим ҳаво билан тўқнашади. Ҳаво ҳарорати ўзгариши натижасида булут пайдо бўлади. Улар ана шуни кўришгандан сўнг, Аллоҳнинг қонуниятларига суянган ҳолда Шом соҳилларига ёмғир ёғишини билишади.

Бунинг мисоли шунга ўхшайдики, бир киши ойнадан почтачи келганини кўргач, қачон уйигача етиб келишини хаёлан ҳисоблайди. Кейин уйдагиларга айтади: беш дақиқадан кейин почтачи келади. Ёки дурбинда узоқдан келаётган машинани кўради-да, унинг келишини кўринишидан олдин хабарини беради.

Ғайбнинг ҳақиқатини билмайди, лекин воқеъликни бошқалардан кўра аввалроқ кўради. Ҳомиланинг ўғил ёки қиз эканлигини хабарини берувчи одамнинг ҳам мисоли худди шундай. У ҳомила шаклланиб бўлгандан кейингина хабарини беради. Аммо қачон булутнинг пайдо бўлишини билмайди ёхуд ёмғирни қурғоқ ерларга ёғдиришдан ёки сувли ерларга ёғдирмасликдан ожиз қолади. Ҳомиланинг жинсини ҳам ҳали у уруғлик чоғида ёки тухумга урчиган пайтида билмайди. Аллоҳнинг оятидан мурод эса ана шу. Валлоху Аълам.



²⁶⁶ Ақл унинг мавжуд эканлигига ҳукм қиладиган воқеъликни инкор қиладиган матн Қуръонда келиши мумкин эмас. Агар воқеъликка муҳолиф бўлган оҳод ҳадис бўлса, биз уни Росулulloҳ айтмаганлар, деб жазм қиламиз. Гарчи у ҳадисни ишончли кишилар ривоят қилган бўлса ҳам, Росулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам воқеъликка зид гап айтишлари мумкин эмас.

ФАРИШТАЛАР ВА ЖИНЛАРГА ИЙМОН

Фаришталар, пайғамбарлар ва китобларга бўлган иймон ақида асосларидан биридир. Инсонда шулар бўлмаса у мўъмин ҳисобланмайди. Фаришталар Аллоҳнинг пайғамбарларга юборган элчиларидир. Пайғамбарлар эса Аллоҳнинг одамларга юборган элчиларидир. Китоблар эса фаришталар пайғамбарларга олиб келган ва пайғамбар одамларга етказган хабарлардир.

Ваҳий, унинг имконияти ва зарурияти

Ваҳий ақл жиҳатидан мумкин бўлган нарсадир. Чунки, Аллоҳ фаришталарни яратишга, элчилар танлаб олишга ва ҳукмлар туширишга қодир Зот. Ақл Аллоҳнинг мавжудлигига, унинг иродаси ва кудратига иймон келтиргандан сўнг буни инкор қилмайди. Бу воқеъликда содир бўлгандир, чунки, ишончли хабар орқали ворид бўлган. Биз аввал ишончли хабар илм (яқин илм) ҳосил қилиш йўлларида биридир, деб айтиб ўтган эдик. Биз ростлиги тасдиқланган хабарга худди ўз кўзимиз билан кўрган ва қулоқларимиз билан эшитган нарсамизга ишонгандек аниқ ишонамиз. Бу лозим нарсадир. Чунки, агар бу бўлмаса, инсон моддий оламдан бошқа нарсани билмай, худди хайвонларга ўхшаб қолади. Фақатгина бу дунё учун яшашади. Таом ва жинсий яқинликдан, дунёвий лаззатлардан бошқа нарсани билишмайди. Робилларига боғланишмайди ва охиратлари учун ҳеч қандай амал қилишмайди.

Агар бу бўлмаса, инсоннинг олий махлуқот эканлиги йўқ бўлади, гарчи одоб-ахлоқ асосига қурилган этика фани инсониятни ҳар қанча улуғласа ҳам. Агар одоб-ахлоқ ақида асосига қурилмас экан, у худди қумтепа устига қурилган бино каби бўлиб қолади. Чунки, инсон табиатан ўзини севишга, ўзига фойдани жалб қилишга ва зарарни йўқотишга мойил қилиб яратилган. Бир ишда ўзи учун лаззат топмаса ёки мол-мулк орттирмаса шу ишни қилишни маъқул кўрмайди²⁶⁷.

Бир кишининг қўлида бир динори бор. Шу динор унинг кечки таоми учунгина етади. Шунда у етимлар учун ёрдам қутисини кўриб қолди. Агар шу одамнинг Аллоҳга ва охират кунига иймони бўлмаса, қўлидаги бир динорни ёрдам қутисига ташлаб, ўзи оч ҳолда тунаши мумкинми?!

Мўъмин киши эса шу динорни қутига солади. Чунки, у Аллоҳ уни кўриб турганини ва бунинг эвазига қиёмат кунига ети юз динор беришини билади. Одамлар кўрса ҳам, кўрмаса ҳам, унга раҳмат айтишса ҳам, айтишмаса ҳам яхшилик қилувчи киши фақат мўъмин кишидир. Одамлар унинг яхшилигига жавоб қайтаришадими, қайтаришмайдими унга барибир.

Одамлар билан бирга бўлганда ҳам, ёлғиз ҳолда ҳам ёмонликдан ўзини тиювчи киши фақат мўъмин кишидир. Одамлар мақтов айтсин ёки эвазига бирор нарса берсин, деб яхшилик қилувчи, мақтов айтадиган одам йўқлигида яхшилик қилмайди. Шармандалиқдан ёки жинойий жазодан кўрқиб ёмонликни тарк қилган одам, полициядан ёки одамлар кўриб қолишдан холи бўлган жойда шу ёмонликни қилаверади. Агар Аллоҳ шариъатни ўргатувчи пайғамбар жўнатмай туриб қиёмат кунига одамларни гуноҳига яраша ҳисоб-китоб қиладиган бўлганда эди, одамлар шундай деб ҳужжатланишар эди:

وَلَوْ أَنَّا أَهْلَكْنَاهُمْ بِعَذَابٍ مِّن قَبْلِهِ لَقَالُوا رَبَّنَا لَوْلَا أَرْسَلْتَ إِلَيْنَا رَسُولًا فَنَتَّبِعَ آيَاتِكَ مِن قَبْلِ

أَن نَّذَلَ وَنُخَزَىٰ

“Агар Биз уларни ундан (Муҳаммад ёки Қуръондан) илгари бирор азоб билан ҳалок қилганимизда, улар, албатта: “Парвардигоро, бизларга бирор пайғамбар юборганингда

²⁶⁷ Ларош Фуко (Laroche Faucold) нинг “ҳикматлар” (Maximes) китобига қаранг.

эди, бизлар хор-зор ва шарманда бўлмай Сенинг оятларингга эргашир эдик", - деган бўлур эдилар"²⁶⁸

Агар уларга рисолат етганда улар унга оғишмай амал қилишларини даъво қилишган бўлар эди. Шунинг учун рисолат:

لَعَلَّ يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَى اللَّهِ حُجَّةٌ بَعْدَ الرُّسُلِ ۗ

“Пайгамбарлар (келган)дан кейин одамлар учун Аллоҳга қарши ҳужжат бўлмасин деб”²⁶⁹ юборилгандир.

Шубҳа ва унинг радди:

Одамлар айтади: “Нимага Аллоҳ инсонларнинг барчасини жаннат йўлига ҳидоят қилмаган? Нимага уларнинг нафсига шахватни жойлаб қўйгану, кейин зино қилганлиги учун жазо беради? Уларнинг қалбига мол-дунёга муҳаббат солиб қўйгану, кейин ҳалолдан топилмаган мол-дунё учун ҳисоб-китоб қилади?”

Жавоб: Бу гап худди мактаб ўқувчиларининг шундай гапига ўхшайди: “Нимага бизга имтиҳон саволлари йил бошиданок бериб қўйилмайди? Нимага биздан беркитишади ва унга тайёргарлик кўришга буюришади? Улар талабалар яхшироқ ўқишлари учун, барча мавзуларни пухта эгаллашлари учун имтиҳон саволларини беркитишади. Агар имтиҳон саволларини ҳозирдан бериб қўйсак, имтиҳоннинг маъноси қолмайди-ку”.

Дунё синов майдонидир. Синов араб тилида итоатгўйни осийдан фарқлаш, тўғри йўлдан юрувчини эгри йўлда юрувчидан ажратиш учун ўтказиладиган имтиҳон деган маънони англатади. Агар мусобақада тўсиқлар²⁷⁰ бўлмаса, учқур отни заиф отдан ажратиб бўлмайди-ку.

Агар Аллоҳ хоҳлаганида, барча одамларни битта миллат қилиб қўйган бўлар эди. Агар ирода қилганида, уларни фаришталарга ўхшаб холис тоат-ибодат учунгина яратиши ҳам мумкин эди. Лекин, У зот шундай хоҳлади. У хоҳлаган нарсасини қайтарувчи ҳеч қандай куч йўқ. У қилган ишидан сўралмас. Бизнинг тақдиримиз Унинг қўлида. Биз Унга қайтувчи мулкмиз. Бизнинг ундан бошқа Роббимиз ҳам, ундан ўзга Илоҳимиз ҳам йўқ. Агар хоҳласа бизни азоблайди, хоҳласа бизни авф қилади. Биз Аллоҳдан авф ва раҳматини сўраймиз ва Унинг азобидан паноҳ тилаймиз. Чунки, биз Унинг азобидан қутулиб қола олмаймиз, илло Унинг авфи билангина қутулиш мумкин. Авф берувчи зот ҳам Унинг ўзи.

Фаришталар:

Фаришталар мавжудлиги Қуръони Каримда собит бўлгандир. Қуръонда улар ҳақида келган хабарнинг бирортасини инкор қилган одам кофир бўлади. Қуръони Каримда фаришталар ва уларнинг сифатлари ҳақида келган хабарлар қуйидагилардир:

1. Улар инсониятдан олдин яратилгандир. Роббимиз шундай хабар беради:

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلٰٓئِكَةِ اِنِّىْ جَاعِلٌ فِى الْاَرْضِ خَلِيْفَةً ۗ قَالُوْۤا اَتَجْعَلُ فِىْهَا مَنْ يُّفْسِدُ فِىْهَا وَيَسْفِكُ
الدِّمَآءَ

²⁶⁸ Тоҳо сураси, 134-оят

²⁶⁹ Нисо сураси, 165-оят

²⁷⁰ От чоптириш мусобақасида

“ Эсланг, (эй, Муҳаммад,) Раббингиз фаришталарга: "Мен Ерда халифа (Одам) яратмоқчиман", - деганида, (улар) айтдилар: "Унда (Ерда) бузғунчилик қиладиган, (ноҳақ равишида) қонлар тўкадиган кимсани яратмоқчимисан?"²⁷¹

2. Улар холис тоат-ибодат учун яратилгандир:

وَحْنٌ نُسَبِّحُ بِحَمْدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَ^ط

“Ҳолбуки, биз Сенга ҳамдинг билан тасбеҳлар айтамыз ва Сени муқаддас деб биламыз”²⁷²

لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمَرَهُمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ ﴿٦٣﴾

“Улар Аллоҳ буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдилар, фақат буюрилган ишни қиладилар”²⁷³

3. Аллоҳ таоло Одамни яратиб бўлгандан сўнг, унга исмларни²⁷⁴ ўргатди ва фаришталарга ана шу нарсалар ҳақида савол бериб, уларни имтиҳон қилди. Фаришталар токи Одам алайҳиссалом уларга хабарини бермагунча ўзлари билишмади. Шунда Одам алайҳиссаломни фаришталардан афзаллиги маълум бўлди. Аллоҳ фаришталарни Одамга сажда қилишга буюрди. Бу саломлашиш саждаси эди, ибодат саждаси эмас.
4. Улар баъзан моддий шаклга кириб, инсон суратида кўринишлари мумкин. Марям алайҳиссалом қиссаларида:

فَأَرْسَلْنَا إِلَيْهَا رُوحَنَا فَتَمَثَّلَ لَهَا بَشَرًا سَوِيًّا ﴿٤٧﴾

“Биз унга руҳимиз (яъни, Жаброил)ни юбордик. Бас, у (Марямга) чин одам бўлиб кўринди”²⁷⁵

дейилган. Иброҳим алайҳиссаломнинг меҳмонлари ҳам инсон суратида келган фаришталар эди. Иброҳим алайҳиссалом уларга семиз бузоқ гўштидан кечки таом келтиришганида:

فَلَمَّا رَأَى أَيْدِيَهُمْ لَا تَصِلُ إِلَيْهِ نَكِرَهُمْ وَأَوْجَسَ مِنْهُمْ خِيفَةً قَالُوا لَا تَخَفْ إِنَّا أُرْسِلْنَا إِلَى قَوْمِ

لُوطٍ ﴿٥٠﴾

“Унга (таомга) қўл чўзишмаганини кўргач, (Иброҳим) улардан ётсиради ва улардан қаттиқ қўрқиб кетди. (Улар) дедилар: "Кўрқма! Биз Лут (қавми)га юборилганмыз”²⁷⁶

5. Уларнинг қароргоҳлари осмонда бўлиб, Аллоҳнинг амри билан ер юзига²⁷⁷ тушадилар.

²⁷¹ Бақара сураси, 30-оят

²⁷² Бақара сураси, 30-оят

²⁷³ Таҳрим сураси, 6-оят

²⁷⁴ Аллоҳ бизга бу исмлар нима эканлигини баён қилмаган. Лекин зоҳиран, бу исмларни фаришталарнинг исмлари ёки ўша кундаги мавжуд нарсаларнинг исмлари бўлиши мумкин. Ўргатилган исмлари қайси тилда бўлганлиги ҳам баён қилинмаган.

²⁷⁵ Марям сураси, 17-оят

²⁷⁶ Худ сураси, 70-оят

²⁷⁷ Худ сураси, 70-оят

وَمَا نَنْزِلُ إِلَّا بِأَمْرِ رَبِّكَ لَهُ مَا بَيْنَ أَيْدِينَا وَمَا خَلْفَنَا وَمَا بَيْنَ ذَلِكَ وَمَا كَانَ رَبُّكَ نَسِيًّا ﴿٢٤﴾

“Биз ёлгиз Раббингиз амри билангина нозил бўлурмиз”²⁷⁸

6. Улар асл хилқатида ва бандалик мақомида турли даража ва синфларга бўлинган.

الْحَمْدُ لِلَّهِ فَاطِرِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ جَاعِلِ الْمَلَائِكَةِ رُسُلًا أُولَىٰ أَجْنِحَةٍ مَّثْنَىٰ وَثُلَّةَ ۖ وَرُبِعَ ۚ يَزِيدُ

فِي الْخَلْقِ مَا يَشَاءُ

Ҳамд осмонлар ва Ернинг илк бор яратувчиси ҳамда фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар қилувчи Аллоҳгадир. У яратган нарсаларида нимани хоҳласа (ўшани) зиёда қилур”²⁷⁹

وَمَا مِنَّا إِلَّا لَهُ مَقَامٌ مَّعْلُومٌ ﴿٢٥﴾

“Бизларнинг ҳар биримиз учун (осмонларда) аниқки, маълум бир мақом бордир”²⁸⁰

Улар ичида ваҳийни олиб тушувчи фаришта бор. Бу Жаброилдир:

قُلْ مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِجِبْرِيلَ فَإِنَّهُ نَزَّلَهُ عَلَىٰ قَلْبِكَ بِإِذْنِ اللَّهِ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَهُدًى

وَنُذْرًا لِلْمُؤْمِنِينَ ﴿٢٦﴾

“Айтинг (эй, Муҳаммад): “Ким Жаброилга душман бўлса, ахир, у уни (Қуръонни) қалбингизга Аллоҳнинг изни билан ўзидан аввалги (илоҳий китоблар)ни тасдиқ этадиган, мўъминларга ҳидоят ва хушхабар ҳолида нозил қилди-ку!”²⁸¹

وَإِنَّهُ لَتَنْزِيلُ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٢٧﴾ نَزَلَ بِهِ الرُّوحُ الْأَمِينُ ﴿٢٨﴾ عَلَىٰ قَلْبِكَ لِتَكُونَ مِنَ الْمُنذِرِينَ ﴿٢٩﴾

“Албатта, (бу Қуръон) оламлар Парвардигорининг нозил қилган (китоб)идир. Уни Рухул-амин (Жаброил) олиб тушди, қалбингизга, огоҳлантирувчи (пайгамбар)лардан бўлишингиз учун”²⁸²

Улар ичида руҳларни қабз қилиш учун тайин этилган ўлим фариштаси²⁸³ бордир:

²⁷⁷ Битта юлдузга етиб бориш учун миллиард ёруғлик йили керак бўлади. Барча юлдузлар осмоннинг бир бўлакчаси холос. Шундай экан, фаришталар қандай тезлик билан ер юзига тушадилар? Ақл бу тезликни тасаввур қилишдан ожиздир.

²⁷⁸ Марям сураси, 64-оят

²⁷⁹ Фотир сураси, 1-оят

²⁸⁰ Вас-соффот сураси, 164-оят

²⁸¹ Бақара сураси, 97-оят

²⁸² 192-194-оятлар

²⁸³ Кўплаб қидирганимга карамай, Қуръони Каримда ҳам, ҳадиси шарифда ҳам унинг номи Азроил эканлиги ҳақида ишончли маълумот топа олмадим.

﴿ قُلْ يَتَوَفَّنَا مَلَكُ الْمَوْتِ الَّذِي وُكِّلَ بِكُمْ ﴾

“Айтинг: “Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонларингизни олур...”²⁸⁴

Улар ичида сурга пуфлайдиган фаришта бўлиб, унинг номи Микоилдир. Яна, аршни кўтариб турувчи фаришталар бордир:

الَّذِينَ تَحْمِلُونَ الْعَرْشَ

“Аршни кўтариб турадиган (фаришта)лар”²⁸⁵

﴿ وَتَحْمِلُ عَرْشَ رَبِّكَ فَوْقَهُمْ يَوْمَئِذٍ ثَمَنِيَّةٌ ﴾

“Уларнинг устида Раббингиз Аршини у Кунда саккиз (фаришта) кўтариб турур”²⁸⁶

Улар ичида яна аҳли жаннатни неъматлантириш учун вазифадор этиб қўйилган фаришталар бор:

﴿ وَالْمَلَائِكَةُ يَدْخُلُونَ عَلَيْهِمْ مِنْ كُلِّ بَابٍ ﴾ ﴿ سَلَّمَ عَلَيْكُمْ بِمَا صَبَرْتُمْ فَنِعْمَ عُقْبَى الدَّارِ ﴾

“Сўнг уларнинг ҳузурларига ҳар (бир) эшикдан фаришталар кириб (дерлар): “(Аллоҳ йўлида турли машаққатларга) сабр қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу ерда) сизларга тинчлик бўлғай. Охират диёри нақадар яхши!”²⁸⁷

Улар ичида дўзах аҳлини азоблаш буюрилган фаришталар ҳам бор:

﴿ عَلِيَّهَا مَلَائِكَةٌ غِلَاظٌ شِدَادٌ ﴾

“унда дағал ва қаттиққўл фаришталар (турурлар)”²⁸⁸

Улар ичида инсоннинг амалларини ёзиб оладиган фаришталар ҳам бор:

﴿ مَا يَلْفِظُ مِنْ قَوْلٍ إِلَّا لَدَيْهِ رَقِيبٌ عَتِيدٌ ﴾

“У бирор сўзни талаффуз қилса, албатта, унинг олдида ҳозир нозир бўлган бир кузатувчи (сўзни ёзиб олувчи фаришта) бордир”²⁸⁹

﴿ وَإِنَّ عَلَيْكُمْ لَحَافِظِينَ ﴾ ﴿ كِرَامًا كَاتِبِينَ ﴾

“Ҳолбуки, сизларнинг устингизда (ҳар бир ишингизни) ёд олувчи (фаришталар) бор. (Улар) ёзувчи улуг зотлардир”²⁹⁰

²⁸⁴ Сажда сураси, 11-оят

²⁸⁵ Гофир сураси, 7-оят

²⁸⁶ Ал-Ҳаакко сураси, 17-оят

²⁸⁷ Раъд сураси, 23-24-оятлар

²⁸⁸ Таҳрим сураси, 6-оят

²⁸⁹ Коф сураси, 18-оят

²⁹⁰ Инфитор сураси, 10-11-оятлар

Улар ичида инсонни ҳисоб-китобга ҳайдаб бориб, унга гувоҳ бўладиган фаришталар ҳам бор.

وَجَاءَتْ كُلُّ نَفْسٍ مَعَهَا سَائِقٌ وَشَهِيدٌ ﴿٢٩١﴾

“Ҳар бир жон ўзи билан бирга (уни маҳшарга) ҳайдовчи (бир фаришта) ва (амалларига) гувоҳлик берувчи (иккинчи фаришта) билан бирга келур”²⁹¹

7. Куръон берган хабарга кўра, уларнинг ишларидан яна бири мўъминларни жангларида собитқадам қилишдир.

إِذْ يُوحَىٰ رَبُّكَ إِلَى الْمَلَائِكَةِ أَنِّي مَعَكُمْ فَثَبَّتُوا الَّذِينَ ءَامَنُوا ۚ

“Раббингиз фаришталарга ваҳий қилиб: "Мен сизлар билан биргадирман. Бас, иймон келтирганларни саботга ундангиз!"²⁹²

Улар мўъминларнинг ҳақларига дуо қилишади, уларга саловат ва истиғфор айтишади.

هُوَ الَّذِي يُصَلِّيٰ عَلَيْكُمْ وَمَلَائِكَتُهُ

“У сизларга марҳамат кўрсададиган зотдир. Унинг фаришталари ҳам (сизларга мағфират тилайдилар)”²⁹³

وَيَسْتَعْفِرُونَ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا رَبَّنَا وَسِعْتَ كُلَّ شَيْءٍ رَّحْمَةً وَعِلْمًا فَاغْفِرْ لِلَّذِينَ تَابُوا وَاتَّبَعُوا سَبِيلَكَ وَقِهِمْ عَذَابَ الْجَحِيمِ ﴿٢٩٣﴾ رَبَّنَا وَأَدْخِلْهُمْ جَنَّاتٍ عَدْنٍ الَّتِي وَعَدْتَهُمْ وَمَنْ صَلَحَ مِنْ ءَابَائِهِمْ وَأَزْوَاجِهِمْ وَذُرِّيَّاتِهِمْ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٢٩٤﴾ وَقِهِمُ السَّيِّئَاتِ وَمَنْ تَقِ السَّيِّئَاتِ يَوْمَئِذٍ فَقَدْ رَحِمْتَهُ ۗ

“(фаришталар) иймон келтирган кишиларни мағфират этишини сўрарлар: "Парвардигоро, Ўзинг раҳмат ва илм жиҳатдан барча нарсада кенгдирсан. Бас, тавба қилган ва йўлингга эргашиган кишиларни мағфират эт ва уларни дўзах азобидан сақла! Парвардигоро, уларни ҳам, уларнинг ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётлари орасидаги солиҳ бўлган кишиларни ҳам Ўзинг уларга ваъда қилган мангу жаннатларга дохил қилгин. Албатта, Сен қудрат ва ҳикмат соҳибидирсан. Ўзинг уларни барча ёмонликлардан асрагин, Кимни ўша кунда (қиёматда) ёмонликлардан асрасанг, бас, ҳақиқатан унга раҳм қилибсан”²⁹⁴

Фаришталар мўъмин кишилар билан бирга бомдод намозига ҳозир бўладилар.

²⁹¹ Коф сураси, 21-оят

²⁹² Анфол сураси, 12-оят

²⁹³ Ахзоб сураси, 43-оят

²⁹⁴ Гофир сураси, 7-9-оятлар

إِنَّ قُرْءَانَ الْفَجْرِ كَانَ مَشْهُودًا ﴿٧٨﴾

“Зеро, тонгги ўқиши (фаришталар) ҳозир бўладиган (намоз)дир”²⁹⁵

Улар мўъмин кишилар вафот этаётган чоғларида хушxabар берадилар ва осийлар ўлими олдидан маломат қиладилар:

إِنَّ الَّذِينَ قَالُوا رَبُّنَا اللَّهُ ثُمَّ اسْتَقَمُوا تَتَنَزَّلُ عَلَيْهِمُ الْمَلَائِكَةُ أَلَّا تَخَافُوا وَلَا تَحْزَنُوا ...

“Албатта: “Раббимиз - Аллоҳ”, - деб сўнгга (тоат-ибодатда) тўғри (устивор) бўлган зотлар ҳузурига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб (дерлар): “Қўрқманглар ва гамгин бўлманглар...”²⁹⁶

وَلَوْ تَرَىٰ إِذْ يَتَوَفَّى الَّذِينَ كَفَرُوا الْمَلَائِكَةُ يَضْرِبُونَ وُجُوهَهُمْ وَأَدْبَرَاهُمْ وَذُوقُوا عَذَابَ

الْحَرِيقِ ﴿٧٩﴾

“Фаришталар кофир бўлганларнинг юзлари ва кетларига уриб жонларини олаётганларини кўргангизда эди”²⁹⁷

Шундан сўнг уларни дўзах томон ҳайдаб борадилар ва дакки берадилар:

وَسِيقَ الَّذِينَ كَفَرُوا إِلَىٰ جَهَنَّمَ زُمَرًا ۗ حَتَّىٰ إِذَا جَاءَهَا فَتَحَتْ أَبْوَابُهَا وَقَالَ لَهُمْ خَزَنَتُهَا أَلَمْ يَأْتِكُمْ رُسُلٌ مِّنكُمْ يَتْلُونَ عَلَيْكُمْ آيَاتِ رَبِّكُمْ وَيُنذِرُونَكُمْ لِقَاءَ يَوْمِكُمْ هَذَا قَالُوا بَلَىٰ وَلَٰكِن حَقَّتْ كَلِمَةُ الْعَذَابِ عَلَى الْكَافِرِينَ ﴿٧٩﴾ قِيلَ ادْخُلُوا أَبْوَابَ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا فَبِئْسَ مَثْوَىٰ

الْمُتَكَبِّرِينَ ﴿٨٠﴾

“Кофир бўлган кимсалар гуруҳ-гуруҳ қилиниб, жаҳаннамга ҳайдалур. То қачонки, улар (жаҳаннамга) келиб етганларида, унинг дарвозалари очилади ва унинг қўриқчилари уларга: “Сизларга ўзларингиздан бўлган пайгамбарлар - Раббингиз оятларини сизларга тиловат қилиб сизларни мана шу Кунингиздаги мулоқотдан огоҳлантирган ҳолларида келмаганмидилар”, - деганларида, улар: “Ҳа, (келганлар), лекин азоб сўзи кофирлар бўйича муқаррар бўлгандир”, - дейдилар. (Шунда уларга) айтилади: “Жаҳаннам дарвозаларидан киринглар! Сизлар ўша жойда мангу қолурсизлар!” Бас, кибрли кимсаларнинг жойлари нақадар ёмондир!”²⁹⁸

Аҳли жаннатларни эса “мархабо!” дея кутиб олишади.

²⁹⁵ Исро сураси, 78-оят

²⁹⁶ Фуссилат сураси, 30-оят

²⁹⁷ Анфол сураси, 50-оят

²⁹⁸ Зумар сураси, 71-72-оятлар

وَسِيقَ الَّذِينَ اتَّقَوْا رَبَّهُمْ إِلَى الْجَنَّةِ زُمَرًا حَتَّىٰ إِذَا جَاءُوهَا وَفُتِحَتْ أَبْوَابُهَا وَقَالَ لَهُمْ خَزَنَتُهَا

سَلِّمُوا عَلَيْكُمْ فَادْخُلُوهَا خَالِدِينَ ﴿٧٣﴾

“Парвардигорларидан қўрққан тақволи зотлар ҳам гуруҳ-гуруҳ ҳолда жаннатга “ҳайдалурлар”. То қачонки, улар унинг дарвозалари очилган ҳолда эканида етиб келганларида ва унинг қўриқчилари: “Сизларга салом! Хуш келдингиз! Бас, унга мангу қолувчи бўлган ҳолларингизда кирингиз”, - деганларида (улар беҳад шодланурлар)”²⁹⁹

Фаришталар никоҳланмайдилар, насл қолдирмайдилар. Шунингдек, эркак ёки аёл жинсига ажратилмайдилар.

Мана шуларнинг бачаси фаришталарнинг Қуръонда келган хабарларидир. Саҳиҳ суннатда ҳам улар ҳақида хабарлар кўп. Оҳод ҳадислар орқали келган бўлса ҳам, уларнинг ривояти саҳиҳ, санади (ровийлар силсиласи) собитдир. Қуръонда фаришталар ёки бошқалар ҳақида келган бирор хабарни инкор қилган кимса кофир саналади. Фаришталарга иймон - ислом ақидасининг асосий рукнларидан бири.

ءَامَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ ۚ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ ۖ وَكُتُبِهِ ۖ وَرُسُلِهِ ۖ لَا

تُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِ ۚ وَقَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا ۚ غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ ﴿٢٨٥﴾

“Пайгамбар (Мухаммад) ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага (оятларга) иймон келтирди ва мўъминлар ҳам. (Уларнинг) ҳар бири Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайгамбарларига бирортасини ажратмасдан (ҳаммасига) иймон келтирди”³⁰⁰

Фаришталарга иймоннинг самараси:

Агар фаришталар мўъминлар ҳаққига дуо қиладиган ва улар учун истиғфор айтиб турадиган бўлишса, мўъмин киши Аллоҳнинг буюклигини ҳис қилиб, Унинг раҳматидан умидвор бўлиб туради. Агар фаришталар инсоннинг ҳар бир гапи ва амалини ёзиб турганини эсга олса имкон қадар маъсиятлардан четда бўлади. Фаришталар Роббул оламининг амри билан жангчиларга ўз ёрдамларини бериб, уларни қўллаб-қувватлаб турганини ҳис қилса, мўъмин кишининг жангларда шижоати ва собитқадамлиги ортади. Фаришталар салом берувчи бандалар қаторидан жой олиш учун жаннат амалини қилади. Фаришталар дакки берадиган бандалар тоифасига кириб қолмаслиги учун дўзах амалидан четда бўлишга ҳаракат қилади. Энг катта меваси эса, инсон ўзи ҳам тоат-ибодатда, гуноҳлардан четланишда фаришталарга ўхшашга интилиши ҳамда ўзида фаришталик сифатларини кучайтиришга ҳаракат қилмоғидир.

Жинлар:

Аллоҳ Қуръонда хабар берадики, У зот яна бошқа тоифа махлуқотларни ҳам яратган. Фаришталарни кўра олмаганимиздек, уларни ҳам асл суратларида кўришдан кўзларимиз ожиздир. Ультрабинафша нурлар, инфрақизил нурлар, товуш тўлқинлари, электр токни кўриб бўлмаганидек, улар ҳам инсон кўзига кўринмасдир. Бу махлуқотлар жинлардир.

Аллоҳ Қуръонда жинлар ҳақида ҳам бир қанча маълумотлар берган. Бу хабарларга иймон келтириш вожиб бўлиб, уни инкор қилган кимса кофир ҳукмига ўтади. Жинларга

²⁹⁹ Зумар сураси, 73-оят

³⁰⁰ Бақара сураси, 285-оят

иймон келтириш худди фаришталарга иймон келтиришга ўхшаш иймон арконларидан биридир.

Қуръонда жинлар хусусида:

1. Қуръон хабар беришича, жинлар оловдан яратилгандир. Бундан маълум бўладики, олов ўзи теккан ҳамма нарсани куйдириб юборавермас экан. Балки, Аллоҳ жинларни бошқача табиатда яратган экан. Инсон лойдан яратилган. Лекин, у лойлигича қолмаган, балки Аллоҳ уни бошқача суратга келтирган. У зот инсонни суяклардан, мушаклардан, қон ва пайлардан таркиб топтирган. Махлуқотлар бир ҳолатдан бошқа ҳолатга алмашиб туради. Хужайралардан турли сифат, кўринишга ва табиатга эга махлуқотлар яратган. Бир заррадан турли ранг ва шаклдаги маъданларни барпо этган. Қуруқ уруғ донасидан ям-яшил баргли, ранг-баранг гулли дарахтларни ундирган.
2. Улар инсондан аввал яратилгандир.

وَالْجَانَّ خَلَقْنَاهُ مِنْ قَبْلُ مِنْ نَارِ السَّمُومِ ﴿١٧﴾

“Жинни (яъни, Иблисни) эса (Одамдан) илгари қизиган оловдан яратган эдик”³⁰¹

3. Улар бизни кўришади, лекин биз уларни кўра олмаймиз. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Бирор кишининг кўлида дурбин бўлса, узоқдаги шахсни кўра олади, у эса буни кўра олмайди. Биз гўёки телевизор ичидаги шахслармиз. Биз журналистни кўрамыз, лекин у бизни кўра олмаганидек, жинлар ҳам бизларни кўради, биз эса уларни кўра олмаймиз.

إِنَّهُمْ يَرَأُونَكُم هُوَ وَقَبِيلُهُ مِنْ حَيْثُ لَا تَرَوْنَهُمْ ﴿٢٠﴾

“Зеро, у ва унинг тўдаси сизлар уларни кўра олмайдиган тарафдан сизларни кўрадилар”³⁰²

4. Улар ҳам биз каби мукаллафдирлар. Улар ҳам қилган амалларига яраша ҳисоб-китоб қилинадилар. Мукофот ёки жазо оладилар. Аллоҳдан паноҳ сўраймиз, жаҳаннам инсонлар ва жинлар билан бирга тўлади. Аллоҳ таоло айтади:

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ ﴿٥١﴾

“Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим”³⁰³

وَتَمَّتْ كَلِمَةُ رَبِّكَ لَأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ ﴿١١٩﴾

“Раббингизнинг “Жаҳаннамни барча (куфрда ўтган) жинлар ва одамлар билан тўлдиражакман”, - деган сўзи ҳақдир”³⁰⁴

³⁰¹ Ҳижр сураси, 27-оят

³⁰² Аъроф сураси, 27-оят

³⁰³ Зориёт сураси, 56-оят

³⁰⁴ Ҳуд сураси, 119-оят

5. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликлари уларга ҳам келган. Ундан олдин Мусо алайҳиссалом пайғамбарликлари ҳам келган эди.

قَالُوا يَنْقُومَنَا إِنَّا سَمِعْنَا كِتَابًا أُنزِلَ مِنْ بَعْدِ مُوسَىٰ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ يَهْدِي إِلَى الْحَقِّ وَإِلَى

طَرِيقٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿٣٠٥﴾

“Улар дедилар: “Эй, қавмимиз, дарҳақиқат, биз Мусодан кейин нозил қилинган, ўздан олдинги (илоҳий китоб)ларни тасдиқ қилувчи Ҳақ (дин)га ва Тўғри йўлга ҳидоят қиладиган бир Китобни (Қуръонни) тингладик...”³⁰⁵

6. Улар ичида солихлари ҳам, осийлари ҳам бор. Улар ҳам одамлар сингари турли синфга бўлинишади.

وَأَنَا مِنَ الصَّالِحِينَ وَمِنَّا دُونَ ذَلِكَ كُنَّا طَرَائِقَ قَدَدًا ﴿٣٠٦﴾

“Албатта, бизларнинг орамизда яхшилар ҳам бордир ва (шунингдек) орамизда ундан берилар (ёмонлар) ҳам бордир. Бизлар (илгари) турли-туман йўлларда эдик”³⁰⁶

وَأَنَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ وَمِنَّا الْقَاسِطُونَ ﴿٣٠٧﴾

“Орамизда мусулмонлар ҳам бор, (шунингдек) орамизда (йўлдан) озганлар ҳам бордир”³⁰⁷

7. Аллоҳ уларни Сулаймон алайҳиссаломга бўйсундириб қўйган.

يَعْمَلُونَ لَهُ مَا يَشَاءُ مِنْ مَحْرِبٍ وَتَمَثِيلٍ وَجَفَانٍ كَأَجْوَابٍ وَقُدُورٍ رَاسِيَتٍ ﴿٣٠٨﴾

“Улар (Сулаймонга мисдан у) хоҳлаган нарсаларни - меҳроблар (ибодатхоналар), тимсоллар (хайкаллар, суратлар)³⁰⁸, ҳовузлар каби (катта) лаганлар ва (ўчоқларга) ўрнашувчи қозонларни ясаб берурлар”³⁰⁹

8. Улар ғайбдан хабардор эмас. Шунинг учун Сулаймон алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин ҳам у кишига хизмат қилиб юрганлар.

فَلَمَّا قَضَيْنَا عَلَيْهِ الْمَوْتَ مَا دَلَّهُمْ عَلَىٰ مَوْتِهِ إِلَّا دَابَّةُ الْأَرْضِ تَأْكُلُ مِنْسَأَتَهُ فَلَمَّا خَرَّ تَبَيَّنَتْ

أَلْجُنُّ أَنْ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ الْغَيْبَ مَا لَبِثُوا فِي الْعَذَابِ الْمُهِينِ ﴿٣١٠﴾

“Бас, қачонки, Биз (Сулаймонга) ўлимни ҳукм қилганимизда, унинг ўлимига фақат асосини еяётган кемирувчи қуртгина далолат қилди. Бас, қачонки, у қулаб тушгач, жинларга аниқ бўлдики, агар улар ғайбни билувчи бўлганларида бу хор қилувчи азобда (меҳнатда) қолмаган бўлур эдилар”³¹⁰

³⁰⁵ Аҳқоф сураси, 30-оят

³⁰⁶ Жин сураси, 11-оят

³⁰⁷ Жин сураси, 14-оят

³⁰⁸ Жонли нарсаларнинг сурати, хайкали бизнинг динимизда қатъий ҳаромдир.

³⁰⁹ Сабаъ сураси, 13-оят

³¹⁰ Сабаъ сураси, 14-оят

9. Аллоҳ таоло инсонларни чорлагандек, жинларни ҳам Қуръонга ўхшаш нарса келтиришга чорлаган.

قُلْ لِّئِنِ اجْتَمَعَتِ الْإِنْسُ وَالْجِنُّ عَلَىٰ أَنْ يَأْتُوا بِمِثْلِ هَذَا الْقُرْآنِ لَا يَأْتُونَ بِمِثْلِهِ وَلَوْ كَانَ

بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ ظَهِيرًا ﴿٨٨﴾

“Айтинг: “Қасамки, агар инсу жин ушбу Қуръоннинг ўхшашини келтириши учун бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг мислини келтира олмаслар”³¹¹

10. Улар осмон хабарларини фаришталардан билиб олишар эди. Ислом келгач, бундан маън қилинишди ва чўғли тошлар билан тошбўрон қилинишди.

وَأَنَّا كُنَّا نَقْعُدُ مِنْهَا مَقْعِدًا لِلسَّمْعِ فَمَنْ يَسْتَمِعِ الْآنَ مَجْدًا لَهُ شِهَابًا رَّصَدًا ﴿٩١﴾

“Биз (илгари) ундан (осмондан баъзи) жойларга (фаришталар сўзларини) эшитиб олиш учун ўтириб олар эдик. Энди ҳозир (Муҳаммад пайгамбар бўлгач), кимки (қайси жин) тингламоқчи бўлса, ўзини кузатиб турган бир (учар) юлдузни топар”³¹²

Шайтонлар:

Улар жинлардан кофир бўлганлардир. Уларнинг отаси Иблис. Баъзи қавмлар Иблис фаришталардан бўлган эди, дейишади. Лекин саҳиҳ гап шуки, у жинлардан эди. Биринчидан, Аллоҳ Қуръонда бу ҳақида очиқ хабар берган.

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَكِئَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ كَانَ مِنَ الْجِنِّ فَفَسَقَ عَنْ أَمْرِ رَبِّهِ ۗ ﴿٣٦﴾

“Эсланг, (Эй, Муҳаммад,) фаришталарга Одамга сажда қилинг, дейишимиз билан сажда қилдилар. Фақат иблис (сажда қилмади). У жинлардан эди. Бас, Парвардигорининг амрига бўйин сунушдан бош тортди”³¹³

Иккинчидан, Иблис Роббисига осий бўлди. Фаришталар эса:

لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمَرَهُمْ

“Аллоҳ буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдилар”³¹⁴

Учинчидан, Қуръон хабар беришича, у оловдан яратилгандир:

قَالَ أَنَا خَيْرٌ مِّنْهُ خَلَقْتَنِي مِن نَّارٍ وَخَلَقْتَهُ مِن طِينٍ ﴿١٧﴾

“(Иблис) деди: “Мен ундан яхшиман, мени оловдан яратгансан. Уни (Одамни эса) лойдан яратдинг...”³¹⁵

³¹¹ Исро сураси, 88-оят

³¹² Жин сураси, 9-оят

³¹³ Каҳф сураси, 50-оят

³¹⁴ Таҳрим сураси, 6-оят

³¹⁵ Аъроф сураси, 12-оят

Қуръони Каримда шайтонлар ҳақида:

1. Шайтон башариятнинг энг биринчи душманидир. Уларнинг ота-онасини жаннатдан чиқарди. Одам болаларини ҳам жаннатга киришига монъелик қилади ва у йўлдан узоқлаштириш пайида бўлади. Улар дўзах йўлидан юришга иғво қилади. Улар эса унга эргашаверадилар. Унинг васвасасига учиб, Аллоҳнинг шариъатини тарк этадилар ва пайғамбарлар ҳидоятдан залолат томон қадам қўйишади.

Аллоҳ уларнинг бу аҳмоқона қилмишларига дакки беради. Улар ўзларининг душманлари томон яқинлашишади. Ҳолбуки, у уларга азобни истайди. Ўз Роббилари томон йўналмайдилар. Ҳолбуки, уларни мағфират қиладиган ва ўз раҳматига оладиган зот Аллоҳдир.

أَفَتَتَّخِذُونَهُ وَذُرِّيَّتَهُ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِي وَهُمْ لَكُمْ عَدُوٌّ بِئْسَ لِلظَّالِمِينَ بَدَلًا ﴿٦٦﴾

“Мени қўйиб, уни (иблисни) ва зурриётларини дўст тутасизми?! Улар сизларга душман-ку! У (иблис) золимлар учун (Аллоҳнинг ўрнига) нақадар ёмон "ўринбосардир!”³¹⁶

2. Бу оят шунга далолат қиладики, шайтонлар бир-бирларидан насл қолдиришар экан. Уларнинг зурриётлари ҳам бўлади. Буларнинг бари Иблиснинг зурриётларидир.
3. Аллоҳ шайтонни инсонлар устидан султон қилиб қўйган, лекин унга фойда ва зарар бериш қудрати ато қилинмаган. Унга енгилмас куч ҳам берилмаган, балки фақатгина макр берилган.

إِنَّ كَيْدَ الشَّيْطَانِ كَانَ ضَعِيفًا ﴿٧٦﴾

“Албатта, шайтоннинг макри заифдир”³¹⁷

وَلَيْسَ بِضَارِّهِمْ شَيْئًا إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ ﴿٧٧﴾

“(Лекин) у Аллоҳнинг изнисиз уларга зарар етказа олувчи эмасдир”³¹⁸

وَمَا كَانَ لَهُ عَلَيْهِمْ مِنْ سُلْطَانٍ ﴿٧٨﴾

“у (шайтон) учун улар устидан ҳеч қандай салтанат (ҳукмронлик) йўқдир...”³¹⁹

4. Унинг иши инсонларни васваса қилиш, йўлдан оздиришдан ва қабих ишларга ундашдан иборат.

الشَّيْطَانُ يَعِدُكُمُ الْفَقْرَ وَيَأْمُرُكُمْ بِالْفَحْشَاءِ ﴿٨٠﴾

“Шайтон сизларни (хайр-эҳсон қилишида) фақир бўлиб қолишдан қўрқитади ва фаҳш ишларга ундайди”³²⁰

³¹⁶ Каҳф сураси, 50-оят

³¹⁷ Нисо сураси, 76-оят

³¹⁸ Мужодала сураси, 10-оят

³¹⁹ Наҳл сураси, 99-оят

³²⁰ Бақара сураси, 268-оят

وَمَا يَعِدُهُمُ الشَّيْطَانُ إِلَّا غُرُورًا ﴿٦٤﴾

“шайтон уларга фақат алдов нарсаларнигина ваъда қилур”³²¹

Инсонларни хамр ичишга, қимор ўйнашга ва шу каби нопок ишларга ундайди:

إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَمُ رِجْسٌ مِّنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَأَجْتَنِبُوهُ

“Албатта, май (маст қилувчи ичимликлар), қимор, бут-санамлар ва (фол очадиган) чўплар шайтоннинг ишидан иборат ифлосликдирки, ундан четланингиз!”³²²

Унинг дастурул амали барча ёмонлик, фахш ва хилофдан иборат. Мазкур дастурул амалнинг Одам ва Ҳавони илк бор фитналантирган моддаси бу очилиш, яланғочлик ва кийимдан қискартиришдир:

يَبْنِيْءَ آدَمَ لَا يَفْتِنَنَّكُمْ الشَّيْطَانُ كَمَا أَخْرَجَ أَبَوَيْكُمْ مِنَ الْجَنَّةِ يَنْزِعُ عَنْهُمَا لِبَاسَهُمَا لِيُرِيَهُمَا سَوْءَٰتِهِمَا

“Эй, Одам авлоди! Шайтон ота-оналарингиз (Одам ва Ҳаво)нинг авратларини уларга фош қилиш (уялтириш) учун жаннатдан чиқаргани каби сизларни ҳам алдаб қўймасин!”³²³

Кийимни ечиб ташлаш, авратларни фош қилиш шайтоний қонуннинг биринчи моддасидир.

Иблиснинг ишларидан яна бири ўзига эргашган кимсаларнинг кўзига ёмонликни зийнатли қилиб, хунук нарсани эса чиройли қилиб кўрсатишдир.

وَزَيْنَ لَهُمُ الشَّيْطَانُ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٤٣﴾

“шайтон уларга қилиб юрган ишларини зийнатли қилиб кўрсатди”³²⁴

Шайтон амалларидан яна бири мўъминларнинг орасига шубҳа солиш, уларни ҳақ даъват ўрнига жанжал ва тортишувлар билан машғул қилишдан иборат. Аллоҳ бизларни бу ҳақида огоҳ этади:

وَإِنَّ الشَّيْطَانَ لِيُوحِوْنَ إِلَىٰ أَوْلِيَآئِهِمْ لِيُجَدِّدُوا لَهُمْ

“Шайтонлар эса, ўз дўстлари (мушириклар)ни сизлар билан баҳслашиш учун васваса қилурлар”³²⁵

уларга ижобат қилманг, уларнинг ширкига тушиб қолманг:

³²¹ Исро сураси, 64-оят

³²² Моид сураси, 90-оят

³²³ Аъроф сураси, 27-оят

³²⁴ Анъом сураси, 43-оят

³²⁵ Анъом сураси, 121-оят

وَإِنْ أَطَعْتُمُوهُمْ إِنَّكُمْ لَمُشْرِكُونَ ﴿١٢١﴾

“Агар уларга итоат қилсангизлар, албатта, сизлар (ҳам) муширикдирсизлар”³²⁶

Шайтони лаъийннинг қилмишларидан яна бири мўъмин кишини Роббисининг зикридан чалғитиб, унуттириб қўйиш ва маъсиятларга ундашдир. Осийларни эса:

أَسْتَحْوَذَ عَلَيْهِمُ الشَّيْطَانُ فَأَنسَهُمْ ذِكْرَ اللَّهِ

“шайтон эгаллаб олиб, уларга Аллоҳ зикрини унуттирди”³²⁷

Лекин,

إِنَّ الَّذِينَ اتَّقَوْا إِذَا مَسَّهُمْ طَافٌ مِّنَ الشَّيْطَانِ تَذَكَّرُوا فَإِذَا هُمْ مُبْصِرُونَ ﴿٢١﴾

“Тақво қилганларга шайтондан (бирор) мусибат етса, (дарҳол Аллоҳни) эслайдилар. Бас, ўшанда улар (ҳақни) кўрувчидирлар”³²⁸

5. Шайтон бор кучини фасод чиқаришга сарф этади. Бани Одамга душманлик қилишда сабот-матонат кўрсатади. У Одам боласининг ўнг томонидан ҳам, чап томонидан ҳам, олдиларидан ҳам, орқаларидан ҳам келаверади. Инсон боласи юрадиган ҳар бир йўлга ўтириб олади. У одамларни ўз овози ила васваса қилади, уларга нисбатан макр-хийла ишлатади. У уларнинг мол-дунёларига ҳам, болачақаларига ҳам аралашаверади. Шунга қарамай, у васвасадан, ёмонликка ундашдан нари ўтолмайди. Одамларга фойда ёки зарар етказишга кодир эмас. Кофирлар шайтонлар билан охиратда талашиб-тортишиб турганларида шайтон шундай дейди:

إِنَّ اللَّهَ وَعَدَكُمْ وَعَدَ الْحَقِّ وَوَعَدْتُكُمْ فَأَخْلَفْتُكُمْ وَمَا كَانَ لِي عَلَيْكُمْ مِّنْ سُلْطَانٍ إِلَّا أَن دَعَوْتُكُمْ فَاسْتَجَبْتُمْ لِي فَلَا تَلُمُونِي وَلُومُوا أَنفُسَكُمْ

“Аллоҳ сизларга ҳақ ваъда қилган эди. Мен ҳам ваъда бериб, сизларни алдаган эдим. (Лекин) мен учун сизларнинг устингиздан ҳеч қандай иқтидор йўқ эди, илло мен сизларни (куфр йўлига) чақирдим. Сизлар менга ижобат этдингиз. Энди мени эмас, ўзларингизни маломат қилингиз...”³²⁹

Иблис роббисига ўлимини кечиктиришини сўраб шундай дуо қилган:

قَالَ رَبِّ فَأَنْظِرْنِي إِلَى يَوْمِ يُبْعَثُونَ ﴿٢٠﴾

“Эй, Раббим, у ҳолда менга (улар) қайта тириладиган кунгача муҳлат бергин...”

³²⁶ Анъом сураси, 121-оят

³²⁷ Мужодала сураси, 19-оят

³²⁸ Аъроф сураси, 201-оят

³²⁹ Иброҳим сураси, 22-оят

قَالَ رَبِّ بِمَا أَغْوَيْتَنِي لَأُزِينََنَّ لَهُمْ فِي الْأَرْضِ وَلَا أُغْوِيَنَّهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٣٦﴾ إِلَّا عِبَادَكَ مِنْهُمْ

الْمُخْلِصِينَ ﴿٣٧﴾

“Эй, Раббим, қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли, албатта, уларга (Одам болаларига) ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли кўрсатиб қўюрман ва албатта, уларнинг ҳаммаларини йўлдан оздирурман. Илло уларнинг орасидаги ихлосли бандаларинггина (бундан мустаснодирлар)”³³⁰

Шунда Аллоҳ азза ва жалла деди:

قَالَ هَذَا صِرَاطٌ عَلَيَّ مُسْتَقِيمٌ ﴿٤١﴾ إِنَّ عِبَادِي لَيْسَ لَكَ عَلَيْهِمْ سُلْطَانٌ إِلَّا مَنْ اتَّبَعَكَ مِنْ

الْغَاوِينَ ﴿٤٢﴾

“Менинг зиммамдаги Тўғри йўл шудир. Менинг бандаларим устидан сен учун ҳеч қандай салтанат (ҳукмронлик) йўқдир, илло сенга эргашган гумроҳларниггина (йўлдан оздира олурсан)”³³¹

إِنَّهُ لَيْسَ لَهُ سُلْطَانٌ عَلَى الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَلَى رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٩٩﴾ إِنَّمَا سُلْطَانُهُ عَلَى

الَّذِينَ يَتَوَلَّوْنَهُ وَالَّذِينَ هُمْ بِهِ مُشْرِكُونَ ﴿١٠٠﴾

“Албатта, иймон келтирган ва фақат Парвардигорларига таваккул қиладиганлар устидан у (шайтон) учун ҳеч қандай салтанат (ҳукмронлик) йўқдир. Унинг ҳукмронлиги фақат уни дўст тутиб, Унга ширк келтирувчилар устидандир”³³²

6. У ўзига эргашганларни энг қийин вазиятда ташлаб кетади ва ўз ахдига хиёнат қилади:

وَإِذْ زَيْنَ لَهُمُ الشَّيْطَانُ أَعْمَلُهُمْ وَقَالَ لَا غَالِبَ لَكُمْ الْيَوْمَ مِنَ النَّاسِ وَإِنِّي جَارٌ لَكُمْ ^ع

فَلَمَّا تَرَأَتِ الْفِئْتَانِ نَكَصَ عَلَى عَقْبَيْهِ وَقَالَ إِنِّي بَرِيءٌ مِّنْكُمْ إِنِّي أَرَىٰ مَا لَا تَرَوْنَ إِنِّي أَخَافُ

اللَّهُ ^ع

“Ўшанда (Бадр жангида) шайтон уларга (Макка муширикларига) қилаётган ишларини зийнатли қилиб кўрсатиб: "Бу кун одамлар ичида сизларга золиб келадигани йўқ. Мана, мен ёнингиздадирман!" - деди. Икки тўп (лашкарлар) тўқнашганда эса (шайтон) ортига чекиниб: "Мен сизлардан безорман. Мен сизлар кўрмаган нарсани (яъни, мўъминларни қўллаб-қувватлаш учун тушган фаришталарни) кўраяпман. Мен Аллоҳдан кўрқаман..."", - деди”³³³

³³⁰ Ҳижр сураси, 36,39-40 оятлар

³³¹ Ҳижр сураси, 41-42 оятлар

³³² Наҳл сураси, 99-100-оятлар

³³³ Анфол сураси, 48-оят

كَمَثَلِ الشَّيْطَانِ إِذْ قَالَ لِلْإِنْسَانِ اكْفُرْ فَلَمَّا كَفَرَ قَالَ إِنِّي بَرِيءٌ مِّنكَ إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ رَبَّ

الْعَامِينَ ﴿١١﴾

“(Улар) худди шайтоннинг ўхшашидирлар. Қайсики, у инсонга: "Кофир бўл", - дейди. Бас, қачонки, (инсон) кофир бўлгач, (шайтон унга): "Мен сендан безорман. Зеро, мен (барча) одамлар Парвардигори - Аллоҳдан қўрқарман", - дейди”³³⁴

Инсон шайтонлари:

Юқорида айтиб ўтганларимиз шайтоннинг Куръони Каримда келган баъзи сифатларидир. У куфр ва фахш ишларни ёйиш, авратларни очиш, одамларга қабих нарсаларни зийнатлаб кўрсатиш учун ҳаракат қилади. Одамлар орасида ғавво кўзгайди, уларни ботил нарсаларда тортишиб-жанжаллашиш билан машғул қилади. Мусулмонлар орасига адоват солади, улар орасини бузишга интилади. Унинг ифвосига учиб, унга эргашганлар бир кун унинг ёрдамига мухтожлик сезиб, ундан ёрдам сўрасалар, у улардан холи эканлигини рўқач қилиб, улардан юз ўгиради.

Одамлар орасида мана шундай сифатлар билан сифатланган ҳар бир киши шайтон ҳукмида бўлади.

قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ ﴿١﴾ مَلِكِ النَّاسِ ﴿٢﴾ إِلَهِ النَّاسِ ﴿٣﴾ مِنْ شَرِّ الْوَسْوَاسِ الْخَنَّاسِ ﴿٤﴾

الَّذِي يُوسْوِسُ فِي صُدُورِ النَّاسِ ﴿٥﴾ مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ ﴿٦﴾

“(Эй, Муҳаммад,) айтинг: "Паноҳ тилаб илтижо қилурман одамлар Парвардигорига, одамлар Подшоҳига, одамлар Илоҳига, яширин васвасачи (шайтон) ёвузлигиданки, (у) одамларнинг дилларига васваса солур. (Ўзи) жинлар ва одамлардандир”³³⁵

Ким фахш ишга ундаса, уни одамларга ахлоқсиз суратлар, бузуқ қиссалар билан зийнатлаб кўрсатса, у инсон шайтонларидандир. Жоҳилият ақидаларига даъват қилса, мусулмонлар орасига низо солиб, улар орасини бузишга, тафриқа солишга ҳаракат қилса, бундай киши инсон шайтонларидандир. Инсонларни жаннат йўлидан дўзах йўли томон бурадиган, уларга Аллоҳ ва охират кунини унуттирадиган кимсалар инсон шайтонлари эканлигига шак-шубҳа йўқ.

وَقُلْ رَبِّ أَعُوذُ بِكَ مِنَ هَمَزَاتِ الشَّيْطَانِ ﴿٥٧﴾ وَأَعُوذُ بِكَ رَبِّ أَنْ يَحْضُرُونِ ﴿٥٨﴾

“Айтинг: " Эй, Раббим! Мен Сендан шайтонларнинг васвасаларидан паноҳ беришингни сўрайман. Яна мен Сендан эй, Раббим, улар менинг ҳузуримга келишларидан паноҳ сўрайман”³³⁶



³³⁴ Ҳашр сураси, 16-оят

³³⁵ Нас сураси, 1-6-оятлар

³³⁶ Муъминун сураси, 97-98-оятлар

ПАЙҒАМБАРЛАРГА ИЙМОН

Қуръонда таъкидлаб айтиладики, фаришталар ҳам, жинлар ҳам, пайғамбарлар ҳам Аллоҳнинг махлуқотларидандир. Уларнинг барчаси бандалардир. Аллоҳ уларни яратган ва уларни Ўзи тасарруф қилади. Улар ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам фойда ва зарар етказишга қодир эмаслар. Магар Аллоҳнинг изни билангина бундан мустасно.

Барча пайғамбарлар башардирлар. Башар қандай туғилса, улар ҳам шундай туғилганлар. Башар қандай ўлса, улар ҳам шундай ўлганлар. Инсонларга ўхшаб касал ҳам бўлганлар, соғлом ҳам юрганлар³³⁷. Жисмларининг шаклида ҳам, суратларида ҳам инсонлардан алоҳида фарқли жиҳатлари бўлмаган. Қон юришлари ҳам, қалблар ҳаракати ҳам бир хил бўлган. Одамлар еб-ичгани каби, улар ҳам еб-ичишган.

Уларда илоҳлик хусусият асло бўлмаган. Илоҳлик ёлғиз Аллоҳга хосдир. Улар ваҳий келган башарлардир. Аввалги қавмлар ваҳийдан ажабланишар эди. Аллоҳ азза ва жалла уларга раддия бериб, ажабланишга ҳеч қандай ўрин йўқлигини баён қилади:

أَكَانَ لِلنَّاسِ عَجَبًا أَنْ أَوْحَيْنَا إِلَىٰ رَجُلٍ مِّنْهُمْ أَنْ أَنْذِرِ النَّاسَ وَبَشِّرِ الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنَّ لَهُمْ قَدَمٌ صِدْقٍ عِنْدَ رَبِّهِمْ

“Ўзларидан (бўлмиш) бир кишига (Муҳаммадга), одамларни огоҳлантиринг, иймон келтирганларга Парвардигорлари ҳузурида содиқ қадамлик (тўғри йўлдан юришлик даражаси) борлиги ҳақида хушxabар беринг, деб ваҳий юборганимиз одамларга ажабланарли бўлдимми?!”³³⁸

Уларга пайғамбар башар ичидан бўлганлиги ажабланарли туюлган ва натижада иймон келтиришдан тўсган:

وَمَا مَنَعَ النَّاسَ أَنْ يُؤْمِنُوا إِذْ جَاءَهُمُ الْهُدَىٰ إِلَّا أَنْ قَالُوا أَبَعَثَ اللَّهُ بَشْرًا رَسُولًا

“Одамларга ҳидоят келган пайтда, фақат: "Аллоҳ (фаришталарни эмас, балки) одамзотни пайғамбар қилиб юборибдимми?!" - дейишларигина уларни иймон келтиришларидан тўсди”³³⁹

Аллоҳ уларга раддия берди. Пайғамбар кимга юбориладиган бўлса, ўшалар жинсидан бўлишининг хабарини берди: башариятга башардан бўлган пайғамбарни юборди:

قُلْ لَوْ كَانَتْ فِي الْأَرْضِ مَلَائِكَةٌ يَّمْشُونَ مُطْمَئِنِّينَ لَنَزَّلْنَا عَلَيْهِم مِّنَ السَّمَاءِ مَلَكًا رَسُولًا

“Айтинг: "Агар Ерда (одамлар эмас) фаришталар маскан тутиб юрганларида эди, албатта, Биз уларга осмондан пайғамбар фариштани туширган бўлур эдик...”³⁴⁰

³³⁷ Барча пайғамбарлар башардирлар. Барча нарсада башарга ўхшайдилар. Фақатгина уларнинг ўзига хос бўлган нарса бу уларнинг пайғамбарлик учун танлаб олинганларидадир.

³³⁸ Юнус сураси, 2-оят

³³⁹ Исро сураси, 94-оят

³⁴⁰ Исро сураси, 95-оят

Улар ўз пайғамбарлари билан тортиша бошлашди:

إِن أَنْتُمْ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُنَا

“Сизлар (ҳам) бизга ўхшаган одамларсиз”³⁴¹

قَالَتْ لَهُمْ رُسُلُهُمْ إِنْ خُنُّوا إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلَكُمْ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَمُنُّ عَلَىٰ مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ ۗ

“Пайғамбарлар уларга айтдилар: “(Ҳа), биз худди сизларга ўхшаган одамлармиз, лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаган бандаларига (пайғамбарлик) инъом қилур...”³⁴²

яъни, у зот бизга инъом қилди ва бизга шариятни ваҳий қилди ҳамда уни бошқаларга етказишни бизга буюрди.

وَقَالُوا مَالِ هَذَا الرَّسُولِ يَأْكُلُ الطَّعَامَ وَيَمْشِي فِي الْأَسْوَاقِ

“(Яна) дедилар: “Бу қандай пайғамбарки, (оддий одамлардек) таом еса ва бозорларда юрса?!...”³⁴³

Аллоҳ азза ва жалла ўз пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қарата хитоб қилиб, уларга шундай раддия берди:

وَمَا أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ مِنَ الْمُرْسَلِينَ إِلَّا إِنَّهُمْ لَيَأْكُلُونَ الطَّعَامَ وَيَمْشُونَ فِي الْأَسْوَاقِ

“(Эй, Муҳаммад), Сиздан илгари Биз юборган барча пайғамбарлар ҳам, албатта, таом ер ва бозорларда юрар эдилар”³⁴⁴

Уларга рад қилиш тариқасида яна шундай деди:

وَقَالُوا لَوْلَا أُنزِلَ عَلَيْهِ مَلَكٌ وَلَوْ أَنْزَلْنَا مَلَكَ لَقُضِيَ الْأَمْرُ ثُمَّ لَا يُنظَرُونَ ﴿٨﴾ وَلَوْ جَعَلْنَاهُ مَلَكَ

لَجَعَلْنَاهُ رَجُلًا وَلَلَبَسْنَا عَلَيْهِمْ مَا يَلْبَسُونَ ﴿٩﴾

“Яна улар: “Унга бирор фаришта тушса эди”, - дедилар. Агар фаришта туширсак, иш ҳал бўлур эди. Сўнгра уларга муҳлат бериб ўтирилмас эди. Бордию уни (Пайғамбарни) фаришта қилганимизда ҳам, уни эркак (киши суратида) қилган ва уларга қоронғу (гумон) бўлган нарсани (яна) қоронғулигича қолдирган бўлар эдик”³⁴⁵

Пайғамбарлик ҳақиқати:

Пайғамбар ваҳий билан ажратиб олинган башардир. Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга шундай дейди:

³⁴¹ Иброҳим сураси, 10-оят

³⁴² Иброҳим сураси, 11-оят

³⁴³ Фурқон сураси, 7-оят

³⁴⁴ Фурқон сураси, 20-оят

³⁴⁵ Анъон сураси, 8-оят

قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيَّ

“(Эй, Муҳаммад, уларга) айтинг: “Дарҳақиқат, мен ҳам сизлар каби бир башардирман. (Фақат) менга ваҳий этилмоқдаки, ...”³⁴⁶

Мазкур оятда “иннама” калимаси орқали у кишининг башар эканлиги таъкидланмоқда. Бу калима орқали башар чегараланган ва қусурли эканлиги ҳамда башарият доирасидан нари ўтолмаслиги ифода этилади. Сўнгра “мислукум” калимаси орқали иккинчи марта ҳам таъкидланмоқда. Яъни, жасад тузилиши, яратилиш табиати ҳам биз билан бир хил. Аммо, барчамиз у кишига хулқ-атворда, буюкликда тенг кела олмаймиз. Агар Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам пайғамбарларнинг охиргиси бўлмаганларида ҳам, ҳеч қандай шак-шубҳасиз улуғларнинг энг улуғи, паҳлавонларнинг паҳлавони бўлар эдилар.

Агар биз каби башар бўлсалар, у киши ҳам бизга ўхшаб хато қилишлари мумкинми? Жавоб шуки:

1. Хато ҳар хил бўлади. Агар Аллоҳдан ваҳийни етказиш, шариъатни баён қилишда содир этиладиган хато хусусида бўлса, бундай хато барча пайғамбарлардан ҳеч қачон содир этилмайди. Чунки, пайғамбарлар Аллоҳдан бир нарсани етказиш ёки шариъатни баён қилишда ҳеч қачон ўзларидан гапирмайдилар:

وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ ۖ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ ﴿٤١﴾

“Қуръонни ўз ҳавоси (хоҳиши) билан сўзламас. У (Қуръон) фақат (Аллоҳ томонидан) ваҳий қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳийдир”³⁴⁷

Аллоҳ таоло айтадики:

يَأَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ الرَّسُولُ بِالْحَقِّ مِنْ رَبِّكُمْ

“Эй, одамлар! Пайғамбар сизларга Раббингиздан ҳақ (Ислом)ни келтирди”³⁴⁸

Пайғамбарларга пайғамбарлик келгандан сўнг маъсият қилишлари мумкин бўлмаган ишдир. Чунки, Аллоҳ уларни йўлбошчи қилиб қўйган ҳамда мусулмонларни улардан ўрнак олиб эргашишга буюрган:

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا ﴿٢١﴾

“(Эй, иймон келтирганлар), сизлар учун - Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбарида гўзал намуна бордир”³⁴⁹

Бундай намуна барча пайғамбарларда мавжуд бўлган.

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِيهِمْ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ

³⁴⁶ Кахф сураси, 110-оят

³⁴⁷ Нажм сураси, 3-4-оятлар

³⁴⁸ Нисо сураси, 170-оят

³⁴⁹ Ахзоб сураси, 21-оят

“Дарҳақиқат, сизлар учун - Аллоҳ ва охират Кунидан умидвор бўлган кишилар учун - уларда (пайғамбарларда) гўзал намуна бордир”³⁵⁰

Бундан эса пайғамбарларнинг маъсиятлардан холи, маъсумликлари маълум бўлади.

2. Иккинчи турдаги хато Аллоҳ баён қилмаган шаръий ишларда пайғамбар ўзи ижтиҳод қилганда содир бўладиган хато. Бундай хато пайғамбарлардан содир этилиши мумкин. Лекин, Аллоҳ уларни хатода доимий қолдирмайди, балки тўғри йўлни баён қилади. Бунга пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида содир бўлган “кўр” қиссаси, “Бадр асирлари” қиссасини мисол қилиб келтириш мумкин. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ижтиҳод қилганлар. Аллоҳ эса у кишининг бу ижтиҳодлари нотўғри эканлигини баён қилиб берган.

Мен Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кўр келган кундаги ҳолатларини ўзимча тафаккур қилдим. Ўзимга ўзим айтдим: Агар Аллоҳ “Абаса ва таваллаа” сурасидаги оятларни нозил қилмаганида, дунё оқиллари, раҳбар ва олимлар Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шу вазиятдаги ҳатти-ҳаракатларини танқид қилишган бўлармиди ёки айни тўғри йўл шу, деб айтишган бўлармиди?

Қавмдаги улуғ кишиларининг қалбларини исломга улфат қилишга, уларни даъватга ёрдам беришлари учун исломга киришликларига ҳаракат қилиб ётишга бир пайтда, ўз эргашувчиларидан бир кўр киши келиб, у кишидан унчалик ҳам зарур бўлмаган бир масала ҳақида сўраб қолди. Бунга кейин ҳам жавоб берса бўлаверади, ҳечқиси йўқ. Бу саволни у одам бошқа хоҳлаган вақтида сўраб, жавобини билиб олиши мумкин. Бирор киши Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тутган йўлдан бошқача йўл тутишлари мумкинми? Росулulloҳнинг ана шу вазиятдаги ишлари тўғри эмас эди, дейдиган бирор киши борми?!

Бу йўл инсоний ўлчов юзасидан айни тўғри йўл эди. Лекин, бошқача мезонда ваҳий нозил қилингандан сўнг, маълум бўлдики, Аллоҳнинг мезони инсонлар мезонидан анча мустаҳкамроқ экан. Ақлни яратган зотнинг ҳукми ақл чиқарган ҳукмга қараганда тўғрироқ экан. Балки, У зот айни ҳикматли ва адолатли зот экан. Ақлнинг чиқарган ҳукми эса нотўғри экан.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Бадр асирлари” хусусида тутган йўллари ҳам шунга ўхшаш. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўлган иш Аллоҳнинг ҳукмига нисбатан хато экан. Агар ваҳий нозил бўлиб, бу ҳукм хатолиги маълум қилинмаган бўлганида эди, инсонларнинг энг ақллиси ҳам бу ҳукмни тўғри йўл деб билган бўларди. Инсонийлик жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўлган иш хато эмас, балки инсоннинг айни улуғлигига ишора қилувчи ишлардир. Лекин, бу ерда ер юзидаги инсонларнинг ҳукмидан кўра Аллоҳ таолонинг ҳукми тўғрироқ ва аниқроқ эканлигига далил бор.

3. Учинчи навдаги хато бошқарув ва ҳарбий ишларда юз берадиган хато бўлиб, бундай хато ҳам пайғамбарлардан содир этилиши мумкин. Чунки, улар ҳам башардирлар. Бундай ишларда инсоний тафаккур орқали фикрлайдилар. Саҳобалар мана шундай ҳолатларда сўраб эдилар: “Бу Аллоҳнинг амри билан қилинган қарорми ёки ўз ижтиҳодингиз биланми?”. Агар бу иш Аллоҳнинг амри билан эмас, балки ўз ижтиҳодлари билан қилинганлигини айтишса, саҳобалар ҳам бунда ўз таклифларини билдиришар эди. Шунга кўра, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни қабул қилар ёки рад қилар эдилар.

Мисол учун, Бадр куни жанг учун қароргоҳ танлаш ҳодисасини кўрайлик. Саҳобалар келиб айтишди: “ё Росулulloҳ, бу жойни манзил қилишга сизни Аллоҳ буюрдими? Агар шундай бўлса, сўзсиз итоат қилайлик. Ёхуд ўзингизнинг жанг

³⁵⁰ Мумтаҳана сураси, 6-оят

тадбирингизми?”. У зот бу ўзларининг шахсий фикрлари эканлигини айтишгач, улар бошқачароқ таклиф беришди. Росулulloх соллаллоху алайҳи васаллам эса бу таклифни қабул қилдилар ва ўз фикрларини ўзгартирдилар. Шунга ўхшаш воқеъа Хандақ казиш ҳодисасида ҳам бўлган. Хандақ жангида Ғатафон қабиласи билан сулҳ тузиш ҳодисаси ҳам ана шунга мисол бўлади.

4. Тўртинчи нав хато ёлғиз дунёвий ишларга тааллуқлик бўлган хатодир. Бундай ишларда Росулulloх соллаллоху алайҳи васаллам ўз фикрлари билан фикр билдирар эдилар. Баъзан, саноат, зироат, тиб соҳаларида хатога ҳам йўл қўяр эдилар. Чунки, бу нарсалар ҳақида ўзлари билган ва ўша даврнинг одати бўйича гапирар эдилар. Хурмони чанглатиш масаласида ҳам шундай ҳодиса рўй берган. Бунда айб ёки нуқсон йўқ. Чунки, ҳар қандай катта ва улуғ олимдан, гарчи дунёвий олим бўлса ҳам, саноат мутахассислари, зироат ва тижорат билимдонлари билган ҳамма нарсани билиши талаб этилмайди.

Хурмони чанглатиш масаласи ҳам зироат масалалари сирасига киради. Росулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бунда ўз таклифлари берганлар, бу ишга уларни ундаб, мажбурлаганлари йўқ. Уларга ўз таклифларини диндан деб ёки Аллоҳ ваҳий қилди деб айтганлари йўқ. У зотнинг хатоларини келиб айтишгач эса: “Сизлар дунё ишларингизда ўзларингиз билимдонроқсизлар”³⁵¹, деб айтишди.

Пайғамбар ғайбни билмайди:

Қуръонда очиқ хабарлар борки, пайғамбар ғайбни билмайди. Аллоҳ пайғамбарларга ўзлари ғайбни билмасликларининг хабарини одамларга етказишга буюрган:

قُلْ لَا أَقُولُ لَكُمْ عِنْدِي خَزَائِنُ اللَّهِ وَلَا أَعْلَمُ الْغَيْبَ وَلَا أَقُولُ لَكُمْ إِنِّي مَلَكٌ إِنِّي أَتَّبِعُ إِلَّا مَا يُوحَىٰ إِلَيَّ

*“Айтинг: “Сизларга, ҳузуримда Аллоҳнинг хазиналари бор ҳам демайман ва ғайбни ҳам билмайман. Шунингдек, сизларга: “Мен фариштаман” ҳам демайман. Мен фақат, менга ваҳий қилинган нарсаларгагина эргашаман”*³⁵²

قُلْ لَا أَمْلِكُ لِنَفْسِي نَفْعًا وَلَا ضَرًّا إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ وَلَوْ كُنْتُ أَعْلَمُ الْغَيْبَ لَأَسْتَكْتَرْتُ مِنَ الْخَيْرِ وَمَا مَسَّنِيَ السُّوءُ إِنْ أَنَا إِلَّا نَذِيرٌ وَبَشِيرٌ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ

*“Айтинг: “Аллоҳ хоҳлаганидан ташқари ўзим учун (бирор) фойда ва зарар (келтириши)га эга эмасман. Агар ғайб (илми)ни билсам эди, хайрли ишларни қўп қилган бўлур эдим ва менга ёмонлик (ҳам) етмаган бўлур эди. Мен фақат иймон келтирадиган қавм учун огоҳлантирувчи ва хушхабар берувчидирман”*³⁵³

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бу ҳақида одамларга хабар беришди ва шу оятларни тиловат қилиб беришди. Бу оятлар масжидларда ўқиладиган, намозларда қироат қилинадиган қуръон бўлиб қолди.

³⁵¹ Идишга пашша тушиб кетганда, унинг тўлалигича бир марта идишга ботириб олиш борасида келган ҳадис ҳам ану шу қабилда айтилган. Бундан пашшанинг икки қанотини идиш ичига тўла ботириб олиш вожиб, деб ҳеч ким айта олмайди. Бу ишни (тўла ботириб олишни) қилмаслик ҳаром дейишга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

³⁵² Анъом сураси, 50-оят

³⁵³ Аъроф сураси, 177-оят

Пайғамбарлар кўпдирлар, лекин пайғамбарликнинг асли биттадир:

Аллоҳ Қуръонда баён қилишича, ўтган умматлардан ҳар бирига пайғамбар юборилган:

وَإِن مِّنْ أُمَّةٍ إِلَّا خَلَا فِيهَا نَذِيرٌ ﴿٢٤﴾

“Ҳар бир уммат ичида ҳам, албатта, бир огоҳлантирувчи (пайғамбар) ўтгандир”³⁵⁴

وَلِكُلِّ أُمَّةٍ رَّسُولٌ ﴿٢٥﴾

“Ҳар бир уммат учун пайғамбар (бордир)”³⁵⁵

Лекин, Аллоҳ Қуръонда уларнинг ҳаммасини зикр қилмаган, балки улардан баъзиларини ёд этиб ўтган:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِّن قَبْلِكَ مِنْهُمْ مَّن قَصَصْنَا عَلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَّن لَّمْ نَقْصُصْ عَلَيْكَ ﴿٢٦﴾

“Биз Сиздан олдин (кўп) пайғамбарларни юборгандирмиз. Улардан Биз Сизга қиссасини айтганимиз ҳам бор, яна улардан Биз Сизга қиссасини айтмаганимиз ҳам бордир”³⁵⁶

Аммо уларнинг барчаси тавҳид, охират кунини тасдиқлаш, Аллоҳ шариъат қилиб берган нарсасига эргашиш билан юборилгандир. Ислоом динининг асоси аввал ўтган пайғамбарлар олиб келган динлар асосининг айни ўзидир:

﴿ شَرَعَ لَكُمْ مِنَ الدِّينِ مَا وَصَّىٰ بِهِ نُوحًا وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ وَمَا وَصَّيْنَا بِهِ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَىٰ وَعِيسَىٰ أَنْ أَقِيمُوا الدِّينَ وَلَا تَتَفَرَّقُوا فِيهِ ۚ﴾

“(Эй, иймон келтирганлар, Аллоҳ) сизлар учун дин бўйича Нухга буюрган нарсани ва Биз сизга (Муҳаммадга) ваҳий қилган нарсани, (шунингдек,) Биз Иброҳим, Мусо ва Исога буюрган нарсани - шариъат қилди: "Динни барпо қилинглр ва унда фирқа-фирқага бўлинмангизлар!"³⁵⁷

Аллоҳ барча пайғамбарларни ўз қавмига юбориб, уларнинг рисолатини тушунарли бўлиши учун шу қавм тилида қилгандир.

وَمَا أَرْسَلْنَا مِن رَّسُولٍ إِلَّا بِلِسَانِ قَوْمِهِ لِيُبَيِّنَ لَهُمْ ﴿٢٧﴾

“Биз ҳар бир пайғамбарни (ҳукмларимизни) баён қилиб бериши учун ўз қавмининг тили билан (сўзлайдиган қилиб) юбордик”³⁵⁸

³⁵⁴ Фотир сураси, 24-оят

³⁵⁵ Юнус сураси, 47-оят

³⁵⁶ Гофир сураси, 78-оят

³⁵⁷ Шўро сураси, 13-оят

³⁵⁸ Иброҳим сураси, 4-оят

Бу рисолатларни Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг рисолатлари билан яқунлади. Бу рисолатни барча одамларга тегишли қилди. Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламни пайғамбарларнинг муҳри (хотимаси) қилди, у кишидан кейин пайғамбар йўқ. У кишининг вафотларидан сўнг осмон билан ер ўртасини боғлаб турувчи ваҳий узилган бўлиб, қиёматгача бошқа ваҳий тушмас. Бу рисолат билан дин ва неъмат камол топди:

الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيْتُ لَكُمْ الْإِسْلَامَ دِينًا

“Ана, энди бугун, динингизни камолига етказдим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун Исломи дин бўлишига рози бўлдим”³⁵⁹

Савол ва унинг жавоби:

Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг рисолатлари барча одамларга тегишли бўлса, ҳар бир пайғамбарнинг рисолати эса ўз қавмига тегишли бўлса, ислом дини қандай қилиб қиёматгача ўзгармай туради. Ахир шароит олдинги ҳолатга қараганда ўзгарганку? Жавоб (Аллоҳ билгувчирокдир): Албатта, ислом шарийати ҳар бир замон ва макон учун мос келадиган ҳолда келгандир. Исломи ақидалари ва ибодатлари қатъий ва муфассал хабарлар ила собит бўлиб, улар ҳеч қачон ўзгармайди. Чунки, ақоид ва ибодатлар замон ўзгариши билан ўзгармайди. Шароит алмашгани билан у алмашиб қолмайди.

Аммо бошқа ҳолатлар, молиявий муомалалар, бошқарув тарзи каби замон ўзгариши билан ўзгариб турадиган омиллар ҳақида эса ислом шарийати асосий пойдеворни баён қилиб берган. Ана шу пойдеворни муҳофаза қилган ҳолда, ҳар бир замон учун мос келадиган ҳукмларни чиқариш эса бизнинг ўзимизга топширилган.

Буни бир мўжаз мисол билан тушунтириб берсам:

Исломи дини ҳокимни умматнинг раъйи билан танлаб олиш вожиб эканлигини баён қилган. Ҳокимда бошқарувчилик ва ҳукм чиқариш сифатлари бўлиши керак. У ҳукм чиқаришда Куръонга суяниши ва нуфузли кишилар билан маслаҳатлашиши лозим.

Ҳокимни танлаб олиш услуби, нуфузли кишиларни тайинлаш, кенгаш ташкил қилиш ва ҳоказолар эса бизнинг ихтиёримизга қолдирилгандир.

Одамлар орасида адолат ила ҳукм чиқаришни ислом шарийати бизга шарт қилган. Лекин, адолатга элтувчи йўлларни, қозини тайинлаш услубини белгилаш ишларини ўз ихтиёримизга қолдирган.

Шартнома тузишда ҳам умумий қоидаларни баён қилиб берган. Мисол учун, шартнома тузувчи томонларнинг ҳуқуқли ва эркин бўлиши, шартнома шарти тўғри тузилиши, шартнома тузувчи томонларнинг ўз хоҳишларига биноан бўлиши, оммага зарари тегадиган шартнома бўлмаслиги, икки томондан бирортасини алдовчи шартлар бўлмаслиги каби умумий қоидалар шулар жумласидандир. Шартнома тузиш шароитини, унинг тафсилотларини ўзимизга юклаб қўйгандир. Биз учун молиявий муомалаларни ҳам мубоҳ қилиб қўйган. Молиявий муомалаларда ҳаром йўқ, илло Куръон ёки ҳадисда ҳаромлиги очиқ келган ёки асли ҳаром ҳукмига кирадиган ҳолатлар бундан мустасно.

Бизга “истислоҳ – бир нарсада ўзаро маслаҳатлашиб яхшилаш, тузатиш” эшигини очиб қўйган. Ҳар бир иш ислом умматининг маслаҳати билан бўлади. Шарийатда ўзаро маслаҳатлашиш қатъий буюрилган ёки қатъий қайтарилган эмас. Агар мусулмон ҳоким ўзаро маслаҳатлашишга буюрса диний вожибга айланади. Молиявий қонунлар қабул қилиш, бошқарув тарзини йўлга қўйиш ана шундай маслаҳатлар орқали амалга ошади.

Исломи дини ҳар бир замон ва макондаги ҳолатни ислоҳ қилиш учун мос келадигандир. Аммо, кейин чиққан баъзи фақиҳлар одамларга шарийат кенгчилик қилиб берган нарсани тор олиб гапиришмоқда. Натижада, Ибн ал-Қоййим ўзининг “ҳикматли йўллар” китобида айтганидек, одамлар исломдан ташқари нарсалар билан кенгчилик қидиришга мажбур бўлмоқдалар.

³⁵⁹ Моиди сураси, 3-оят

Бошқа бир сабаби: Аввалги пайғамбарлар даврида ўтган умматлар узлатда яшар эдилар. Бошқа халқлар билан улар ўртасида яқинлик, қариндош уруғчилик алоқалари йўқ эди. Минишга от ёки туяси бўлганлар ўз шаҳридан сал нарироққа чиқа олиши мумкин эди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рисолатларидан сўнг эса халқлар бири бири билан танишди, узоқ яқин бўлди. Бор йўғи бир неча соат ичида Америкага ҳам етиб бормоқдамиз. Хитойда туриб гапирётган кишининг гапини шу киши қаршисида ўтирган одамдан ҳам олдин эшитиш имконияти пайдо бўлди³⁶⁰. Бутун дунё гўё битта давлатдек, барча миллатлар гўёки битта миллатдек бўлиб қолди. Агар мусулмонлар ўз динларига даъват қилишмоқчи бўлса, бу даъват бутун ер юзига тарқалиши мумкин.

Ислом пайғамбарлар орасини ажратмайди:

Баъзи кишилар ўз пайғамбарига эргашиб, бошқа пайғамбарларни ҳақорат қилишса, ислом дини мусулмон кишига барча набий ва росулларни улуғлаб, ҳурматини жойига қўйишни вожиб қилган. Агар пайғамбарларнинг бирортасини ҳақоратласа ёки ёмонлаб гапирса, ислом йўлига хилоф қилган бўлади:

ءَاَمَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ ۚ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ ءَاَمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ ۖ وَكُتُبِهِ ۖ وَرُسُلِهِ ۖ لَا

تُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِ ۗ وَقَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا ۗ غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ

“Пайғамбар (Муҳаммад) ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага (оятларга) иймон келтирди ва мўъминлар ҳам. (Уларнинг) ҳар бири Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига бирортасини ажратмасдан (ҳаммасига) иймон келтирди. ” Эшитдик ва итоат этдик. Эй, Раббимиз, мағфиратингни (сўраймиз). Сенгагина қайтиш (бор)”, - дедилар”³⁶¹

Мусулмон киши Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни севгандек, Мусо, Исо ва бошқа пайғамбар алайҳимуссаломларни ҳам севади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни улуғлагандек уларни ҳам улуғлаб, ҳурматини жойига қўяди.

Исо алайҳиссалом пайғамбар бўлиб келган пайтларида насронийлик динига кирган яҳудий Мусо алайҳиссаломни йўқотмайди, балки ҳам Мусо, ҳам Исо алайҳимасалломларга эргашган бўлади. Ислом келгандан кейин, шу динга кирган насроний Исо алайҳиссаломни ҳам, Мусо алайҳиссаломни ҳам йўқотмайди, балки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга учта пайғамбарга эргашган ҳисобланади. Муҳаммад ва бошқа барча пайғамбарларга Аллоҳнинг саловати бўлсин!

Қуръонда пайғамбарлар хусусида:

Мусулмон киши Қуръон Аллоҳнинг каломи эканлигига эътиқод қилади. Уни Жаброил алайҳиссалом Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб тушгандир. Кейин Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброилдан эшитгандек ҳолда бошқаларга етказганлар. Мусҳафда ёзилган нарсалар Қуръони Каримнинг тўлиқ ўзидир. Худди Жаброил алайҳиссалом олиб тушган пайтдагидек. Ким ундан бирор нарсани инкор қилса ёки шак қилса ислом динидан чиқади.

Қуръонда йигирма бешта пайғамбарнинг исмлари зикр қилинган. Уларнинг исмлари бешта оятда тўлиқ жам бўлган. Булар:

³⁶⁰ Бу ҳақиқат. Чунки, у ердаги тасвир бизга радиотўлқинлари орқали етиб келади. Радиотўлқинларининг тезлиги эса ҳаво тебранишлари орқали етиб келадиган товуш тезлигидан анча каттадир.

³⁶¹ Бақара сураси, 285-оят

وَتِلْكَ حُجَّتُنَا آتَيْنَهَا إِبْرَاهِيمَ عَلَىٰ قَوْمِهِ ۚ نَرْفَعُ دَرَجَاتٍ مِّنْ ذُنُوبِهِ ۗ إِنَّ رَبَّكَ حَكِيمٌ عَلِيمٌ ﴿٨٦﴾
 وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ ۚ كُلًّا هَدَيْنَا ۚ وَنُوحًا هَدَيْنَا مِن قَبْلُ ۗ وَمِن ذُرِّيَّتِهِ دَاوُدَ وَسُلَيْمَانَ
 وَأَيُّوبَ ۚ وَيُوسُفَ وَمُوسَىٰ وَهَارُونَ ۚ وَكَذَٰلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿٨٧﴾ وَزَكَرِيَّا وَيَحْيَىٰ وَعِيسَىٰ
 وَإِلْيَاسَ ۗ كُلٌّ مِّنَ الصَّالِحِينَ ﴿٨٨﴾ وَإِسْمَاعِيلَ وَالْيَسَعَ وَيُونُسَ وَلُوطًا ۗ وَكُلًّا فَضَّلْنَا عَلَىٰ
 الْعَالَمِينَ ﴿٨٩﴾

“Иброҳимга қавми устидан берган хужжатимиз ана шудир. Хоҳлаган кишимизни даражаларга кўтарурмиз. Албатта, Раббингиз ҳикмат ва илм соҳибидир. Унга (Иброҳимга) Исҳоқ ва Яъқубни ато этдик. Ҳаммасини ҳидоятга йўлладик. Олдин Нухни ҳам ҳидоятга йўллаган эдик. Унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни (ҳам йўлладик). Чиройли иш қилувчиларни мана шундай тақдирлаймиз. Закариё, Яҳё, Исо ва Илёсни (ҳам ҳидоятга йўлладик). Ҳаммаси солиҳлардандир. Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лутни ҳам (ҳидоятга йўлладик). Ҳаммаларини оламлар узра афзал қилдик”³⁶²

وَأَذْكُرُ فِي الْكِتَابِ إِدْرِيْسَ ۚ إِنَّهُ كَانَ صِدِّيقًا نَّبِيًّا ﴿٩١﴾ وَرَفَعْنَاهُ مَكَانًا عَلِيًّا ﴿٩٢﴾

“Яна (ушбу) Китобда Идрис (қиссасини) ёд этинг! Дарҳақиқат, у садоқатли пайғамбар эди. Биз уни юксак мақомга кўтардик”³⁶³

وَإِلَىٰ ثَمُودَ أَخَاهُمْ صَالِحًا ﴿٩٣﴾

“Самуд қавмига биродарлари Солиҳни (пайғамбар этиб юбордик)”³⁶⁴

وَإِلَىٰ مَدْيَنَ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا ﴿٩٤﴾

“Мадян (қабиласи)га биродарлари Шуайбни (елчи қилиб юбордик)”³⁶⁵

وَإِسْمَاعِيلَ وَإِدْرِيْسَ وَذَا الْكِفْلِ ۗ كُلٌّ مِّنَ الصَّابِرِينَ ﴿٩٥﴾

“Исмоил, Идрис ва Зул-кифли (эсланг). Барчалари сабр қилувчилардандир”³⁶⁶

Қуръонда Одам алайҳиссаломнинг ҳам номлари зикр қилинган, лекин у кишининг пайғамбар бўлганликлари очик-ойдин айтилмаган. Аммо, оятлар шунга далолат қиладики, у кишига рисолат келганлиги эҳтимоли кучлироқ.

Йигирма бешта пайғамбарнинг ичида номлари Қуръонда жуда ҳам кам келганлари бор. Мисол учун, Идрис ва Зулкифл алайҳимассаломлар. Яна, мўжаз қиссалари келтирилган пайғамбарлар бор. Бунга Исмоил, Исҳоқ ва Юнус алайҳимуссаломлар мисол бўлади. Уларнинг ичида ян қиссалари муфассал баён қилинган пайғамбарлар ҳам бор.

³⁶² Анъом сураси, 83-86-оятлар

³⁶³ Марям сураси, 56-оят

³⁶⁴ Аъроф сураси, 73-оят

³⁶⁵ Аъроф сураси, 85-оят

³⁶⁶ Анбиё сураси, 85-оят

Булар Иброҳим, Мусо, Юсуф ва Исо алайҳимуссаломлардир. Қуръонда пайғамбарлар ҳақида келган ҳар бир хабар ҳақ бўлиб, уни тасдиқлаш ва унга иймон келтириш вожибдир.

﴿ تِلْكَ الرُّسُلُ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ مِّنْهُمْ مَّن كَلَّمَ اللَّهُ ۗ وَرَفَعَ بَعْضَهُمْ دَرَجَاتٍ ۗ ۝۳۶۷﴾

“Ўша пайғамбарларнинг айримларидан айримларини афзал этдик. Улар ичида Аллоҳ (бевоСИТА) гаплашганлари ва даражасини (Аллоҳ) кўтарганлари бор”³⁶⁷

Мўжизалар:

Росулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам Маккадан Қуддусга бир кечада бориб, қайтиб келганларини айтганларида Қурайш буни тасдиқлай олмади. Бу маҳол иш деб ҳисоблади. Чунки, ўша пайтдаги воситалар билан буни амалга ошириш мумкин эмас эди. Ўша пайтдаги транспорт воситалари туя ва бошқа чорва ҳайвонларидан иборат эди. Лекин, ўша пайтдаги маҳол бўлиб туюлган иш бугунги кунда амалга ошиши мумкин бўлган ишга айланди. Ҳозир бирор киши бундан ажабланмайди ва инкор қилмайди.

Агар энг катта физик олимга бундан бир ёки икки аср олдин “одамлар темир ва пўлатдан ясалган ҳаво транспортида учишади. Гапираётган одамнинг гапини ёзиб олиб, шу одам вафот этиб кетгандан кейин ҳам истаган киши истаган вақтида шу гапни қайта эшита олади”, дейилганда, у буни маҳол (амалга ошмайдиган) иш деб айтган бўларди. Ҳолбуки, бугунги кунда бу нарса амалгашиб, ҳаммага маълум нарсага айланиб қолди.

Маҳол ишлар қандай қилиб амалга оширилади?

Жавоб шулки, маҳол ишлар икки хил бўлади. Биринчиси, одатдаги маҳол ишлар. Бунга юқорида зикр қилиб ўтган ишларимиз киради. Иккинчи хил маҳол ишларга ақлдаги маҳол ишлар мисол бўлади. Иккита қарама-қарши нарса, масалан, борлик ва йўқликнинг бир вазиятда жам бўлиши ҳақидаги маҳол ишлар. Масалан, бир киши бир вақтнинг ўзида битта жойда ҳам мавжуд, ҳам йўқ бўлиши мумкин эмас.

Мисол учун, китоб китоб ҳолида турган пайтда қошиқ эмасдир.

Ақлдаги маҳол ишларни содир бўлишини тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо одатдаги маҳол ишларни бандта табиат қонунлари³⁶⁸ни ўрганиш орқали қандай қилиб амалга ошириши мумкин эканлигини кўриб ўтдик. Ана шу табиат қонунларини яратган зот ақл маҳол деб билган нарсаларни амалга оширишдан ожизми?!

У зотнинг бунга қудрати етишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Агар ақл маҳол деб билган ишларнинг амалга ошганлиги ишончли кишидан, ишончли хабар орқали келса, уни тасдиқлаймиз ва унга аниқ ишонамиз.

Кароматлар:

Қуръони Каримда маҳол ишнинг амалга ошиши уч хил навда бўлиши зикр қилинган:

Биринчи нав, пайғамбарлар тарафидан содир бўлади. Уларнинг пайғамбарликларини ўз қавмларига исботлаш учун мўжиза содир этилади. Пайғамбарга ишонмаган кимсаларни ҳам ана шундай мўжиза келтиришга чорланади (табиийки, улар бундан ожиздирлар). Мана шу мўжиза деб аталади. Иброҳим алайҳиссаломнинг оловга ташланишлари, олов эса ўз ёндириш хусусиятини йўқотиб, салқинлик ва саломатлик хусусиятига эга бўлиши, Мусо алайҳиссалом қўлларидаги ҳассани ташлаганларида илонга айланиши, у билан тошни урсалар ундан сув отилиб чиқиши, денгиз икки томонга ажралиб одамларга ўтиш учун йўл бериши, Исо алайҳиссалом Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтиришлари, буларнинг ҳаммаси Қуръонда зикр қилинган мўжизалардир.

³⁶⁷ Бақара сураси, 253-оят

³⁶⁸ Аллоҳнинг борликдаги қонуниятларини

Иккинчи нав, солиҳ валиюллоҳ тарафидан содир бўлади. Меҳробда Марям алайҳассаломнинг хузурларида таомнинг пайдо бўлиши, китобдан илми бор шахснинг кўз очиб юмгунча малика Билқиснинг тахтини Ямандан Фаластинга олиб келиб қўйиши кабилар ана шу навга киради. Бу эса каромат деб номланади.

Учинчи нав, кофир киши тарафидан содир бўлади. Сомирийнинг зеб-зийнатлардан Бани Исроилга ўкирувчи бузоқ ясаб бериши шу навга мисол бўлади. Бу эса истидрож деб номланади.

Биринчи навбатда юқоридаги ҳар уч нав бўлиши мумкинлигига иймон келтириш вожибдир. Чунки, уларнинг бари Қуръонда келгандир. Иккинчидан, агар мазкур ходисаларнинг рўй бериши Қуръонда батафсил баён қилинган бўлса, унга ҳам иймон келтириш вожиб бўлади.

Аммо баъзи одамлар ўзлари авлиё деб номлаб олган кишиларга нисбат берган кароматлар ҳақида келган хабарлар рост ҳам, ёлғон ҳам бўлиш эҳтимоли бор. Агар у валий кишидан содир бўлган тақдирда ҳам. Аслида валий бу тақводор мўъмин кишидир.

أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَ اللَّهِ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿١٢٦﴾ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَكَانُوا

يَتَّقُونَ ﴿١٢٧﴾

“Огоҳ бўлингизки, албатта, Аллоҳнинг валий (дўст)ларига (охиратда) хавф йўқдир ва улар тақвиши ҳам чекмаслар. Улар иймон келтирган ва тақволи бўлганлардир”³⁶⁹

Агар бу хабарни тасдиқласанг ҳам, тасдиқламасанг ҳам ҳечқиси йўқ. Агар тўғри деб топмасанг, тасдиқламасанг ҳам бўлаверади, бунда гуноҳ йўқдир.

Лекин, гумон қилинаётган каромат гуноҳни ҳам ичига олса ёки мўъмин бўлмаган ёхуд тақводор бўлмаган кишидан содир бўлса, бу каромат эмасдир.

Мўжиза ва сеҳр:

Мусо алайҳиссалом ва сеҳргарлар ўртасида бўлган баҳса сеҳргарлар ўз калтакларини ерга ташлашди. Улар одамларга ҳаракатланиб турган илондек кўринди. Мусо алайҳиссалом ҳам ҳассаларини ташладилар. У ҳам илонга айланди ва ҳалиги ҳаракатланиб турган илонларни еб қўйди. Мана шу икки иш бир хилми?! Мусо алайҳиссаломнинг қилган ишлари сеҳргарлар қилган ишнинг жинсиданми?!

Агар ўша жинсдан бўлса, нима учун сеҳргарлар дарҳол иймон келтирди? Сеҳргарларнинг қилган иши одамларни кўзига кўринган уйдирма, яъни, кўзбўямачилик эди, холос. Сеҳргарлар одамлар кўзига ҳасса ва арқон ёрдамида илонни кўрсатишди. Аслида улар ҳасса ва арқонлигича қолган эди. Мусо алайҳиссаломнинг ҳассалари эса ўзи илонга айланди. Агар тасвирга олиш қурилмаси бўлиб, ўшани суратга олинганда, ҳақиқий илоннинг тасвири ҳосил бўлган бўлар эди. Сеҳргарларникида эса ҳасса билан арқон намоён бўларди.

Ана шунинг учун ҳам сеҳргарлар дарҳол иймон келтирди. Улар бу нарса сеҳр ҳам, хаёл ҳам эмаслигини билишди. Бу нарсадан қалблари титраб кетди ва иймонга келишга ундади. Иймон қалбга шундай мустаҳкам ўрнашдики, Фиръавнга ҳеч парво қилмай қарши чиқа бошлашди. Улар ўзлари иймон келтирган Аллоҳнинг буюклиги ва қудратини тасаввур қилишди. Фиръавннинг қудрати уларга арзимас бўлиб кўринди. Унинг робб эканлиги ёлғонга чиқди. Дунё уларнинг кўзига тор бўлиб кетди, ҳатто Фиръавннинг таҳдидларига, осиб ўлдириш, аъзоларини кесиш дағдағасига парво ҳам қилишмади. Фиръавн азоб берса фақат бу дунёдагина азоб бера олади. Бу дунё охират олдида нима

³⁶⁹ Юнус сураси, 62-63-оятлар

деган гап? Унинг вақтинчалик азоби охиратдаги доимий неъмат ва лаззатлар олдида арзимас нарсакү. Шунинг учун ҳам кўркмасдан унинг бетига тахқирона шундай дейишди:

فَأَقْضِ مَا أَنْتَ قَاضٍ إِنَّمَا تَقْضِي هَذِهِ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا

“Бас, қиладиган ҳукмингни қилавер! Сен фақат шу дунёдагина ҳукм қилурсан”³⁷⁰

Мен ҳам, Аллоҳга қасамки, Фиръавн сеҳргарларида пайдо бўлган иймон менда ҳам бўлишини жуда хоҳлардим. Аслида ўзим исломда туғилган, аждодларим мусулмон бўлиб ўтишган бўлса ҳам. У сеҳргарлар таслим³⁷¹ бўлишгандан кейин қисқа муддат ичида ана шундай ҳавас қилса арзигулик иймонга эга бўлган эдилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам мўжизалари:

Энг катта иккита мўжиза бу Қуръон ва у кишининг ислом рисолатини кўтариб юришдек тақдирга лойиқ хусусиятларидир.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаёт йўлларининг ўзи бир мўжиза.

Ўзлари башардирлар. Аллоҳ бу ҳақиқатни эълон қилиш учун, одамлар у кишини илоҳ қилиб олмаслиги ёки у кишига илоҳлик сифатини бермаслиги учун ўзларига башар эканликларини эътироф қилишни буюрган. У кишига роббилари жалла ва аъло шундай дейди:

قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيَّ

“(Эй, Муҳаммад, уларга) айтинг: “Дарҳақиқат, мен ҳам сизлар каби бир башардирман. (Фақат) менга ваҳий этилмоқда”³⁷²

яъни, башарлик сифатларида худди сизлардек бир башардирман. Лекин, батаҳқиқ буюкликда у кишига ўхшаш ҳеч ким йўқ. Аллоҳ таоло Одам болалари ичида бундай сифатга эга фақатгина бир кишини яратган бўлиб, у зотнинг исмлари Муҳаммад ибн Абдуллоҳдир. У кишига, у зотнинг оталари бўлмиш Иброҳимга, Мусо ва Исога ҳамда барча пайғамбарларга Аллоҳнинг саловати ва саломи бўлсин.

Тарих зарварақларида номлари муҳрланиб қолган бирор киши билан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни солиштиришимиз у кишига ҳам, ҳақиқатга ҳам айни зулмдир. Ақли зўр бўлган кишилар марҳаматлилиқ ва нутқ баён қилишда қолоқ бўлган. Нутқи зўр, хаёли учқур бўлган кимсаларнинг тафаккур доираси паст бўлган. Бошқарувчиликда донг таратган кимсаларнинг ахлоқи бузук бўлган³⁷³.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам буюкликни ҳар жиҳатдан ўзларида жам қилган ягона зотдирлар. Бошқаларда шундай бир жиҳат бўлганки, улар ўзларининг ана шу жиҳатларини беркитишга, одамлардан яширишга уринганлар. Одамлар билиб қолишидан жуда кўркқанлар. Шаҳватига ёхуд оиласига ёки заифлигига боғлиқ жиҳатлари бўлган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам эса бутун ҳаётлари одамларга очиқ бўлган ва

³⁷⁰ Тоҳо сураси, 72-оят

³⁷¹ Исломнинг умумий маъноси, хос маъноси ва янада хосроқ бўлган маъноси бор. Мусулмон умумий маънода пайғамбарларга эргашган ва уларнинг рисолатини тасдиқ қилган барча кишилардир. Мусулмон хос маънода Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам рисолатлари эргашган кишилардир. Янада хос маънода бўлган мусулмон киши Жаброил алайҳиссаломнинг ҳадисларида келган кишидир. Бу ҳадисда иймон, ислом ва эҳсон нималиги тушунтириб берилган. Бу ердаги таслим бўлган, яъни мусулмондан мурод умумий маънодаги мусулмон кишидир.

³⁷² Каҳф сураси, 110-оят

³⁷³ Европа адибларига назар солган кимса уларнинг ҳаммаси шундай бўлганлигига гувоҳ бўлади. Александр Дюма, Батлер, Байрон шулар жумласидандир. Уларнинг бошқарувчилари борасида ҳам ана шундай. Наполеон Бонапартдан тортиб энг кичик бошқарувчиларида ҳам шунга гувоҳ бўлишимиз мумкин.

китобларда битилган ягона зотдирлар. У кишининг ҳаётларида ҳам, оилаларида ҳам, сифатларида ҳам одамлардан яширадиган, уларнинг билиб қолишидан қўрқадиган жиҳатлари бўлмаган. Ким хоҳласа китоблардан у кишининг ҳаётларини тўлиқ ўқиб ўрганиши мумкин.

Ўзларидан содир бўлган нарсани одамлар ичида тарқатиш учун ўз сафдошларига рухсат берган ягона зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. У зот ўз сафдошлари ўзларидан ҳар қанақанги ҳолатда, соғлом пайтда ҳам, инсоний заифлик пайтда ҳам, ғазабланган пайтларида ҳам, таъсирли ҳолатларида ҳам содир бўлган ҳодисаларни одамларга етказишга изн берганлар.

У кишининг аёллари ўзлари билан Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрталарида рўй берган барча воқеаларни ривоят қилганлар. Оиша онамиз Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг изнлари билан у кишининг уйдаги ҳолатлари, ўз аҳллари билан бўлган воқеалари ҳақида қанчадан-қанча ҳадисларни ривоят қилиб берганлар. Чунки, у кишининг қилган ишларининг барчаси дин ва шариятдан эди. Агар бу китоб ўқувчилари ичида ёш болалар ва аёллар бўлмаганида эди, мазкур ҳадислар ичидан бир нечасини шу ерда келтириб ўтган бўлар эдим. Ҳадис, сийрат, фикҳ китоблари ичида бундай ҳадислар тўлиб ётибди.

Ўз сафдошлари у кишидан барча ҳолатларда, инсоний зарурат бўлиб қоладиган вазиятларда ҳам тутган йўллари ҳақида ривоят қилганлар. Биз у зотнинг қандай овқатланганликларини, қандай кийинганликларини, қандай ухлаганликларини, қандай ҳожат чиқарганларини ва унинг қолдиғидан қандай тозаланганликларигача биламиз.

Қани менга у кишидан бошқа, одамларга қўрқмай шундай дейишга журъат қилган бирор буюк кимсани кўрсатингларчи: “мана шу менинг феълим ва ҳаёт йўлимдир. Буларни дўстга ҳам душманга ҳам етказавинг. Токи менга эргашишни истаган кимса ўзи хоҳлаган нарсасини топа олсин”.

Ҳаёт йўли ана шундай тафсилотларигача битиб қўйилган бошқа бир буюк кимса борми ўзи? Бир минг уч юз йилдан кейин ҳам пайғамбаримизнинг ҳаётлари икки-чикиригача бизга маълум бўлганчалик сийрат соҳибичи?!

Инсоний табиатда бўладими, ахлоқ-одобда, шахсий сифатларда бўладими, барчасида буюкликни кўрамыз. Қилиб ўтган ишлари ҳам буюқдир. Ўз умматлари тарихида ҳам, бутун олам тарихида ҳам у киши ҳақларида қолган ёдгорликларда буюкликка гувоҳ бўламыз.

Бошқа буюк кишиларнинг буюклигини таққослаш мумкин бўлган бир жиҳати бор. Аммо, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буюкликлари таққослаш мушкулдир. Чунки, у зот буюкликнинг барча сабабларини ўзларида жамлаган эдилар. Хулқ-атворда ҳам, тутган ишларида ҳам, ёдгорликларда ҳам буюқдирлар.

Ўз қавмларининг буюги бўлган кишилар қавмларига бошқаларга зарар бериш ҳисобига фойда келтирганлар. Бунга моҳир саркардалар, жангчи бошқарувчиларни мисол қилиш мумкин.

Баъзи кишиларнинг буюклиги бутун оламга фойда келтирган бўлса ҳам, фақат маълум бир доирадагина бўлган. Мисол учун, Аллоҳ яратиб қўйган табиат қонуниятлардан бирини кашф қилган. Ёхуд бирор-бир касалликка даво топган. Ёки фалсафа назарияларидан бирини илгари сурган. Баён ёки шеърда ижод қилиб девон ёзган.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буюкликлари эса бутун оламга тегишли бўлиб, барча жиҳатларни қамраб олгандир.

У кишига эргашишга даъват қилувчи киши, биз таниган кўпчилик даъватчилар ҳам ўзлари гапирётган нарсанинг хилофини қилишади. Холи қолганда қилмайдиган ишларини кўпчилик ичига кирганда қилишади. Қўрқинч ёки рағбат, очлик ёки ҳожат тушган маҳалда нафслари уларга ғолиб келади. Ўзлари даъват қилган барча нарсаларни унутишади. Мен бировни ёмонлаб гапирганим йўқ, мисол учун ўзим ҳам шундай. Мен ҳам йиғилишларда хутба айтсам, ҳаққа, яхшиликка ва ҳидоятга чақирувчи китоблар ёзган маҳалимда ўзимни осмонларда ҳис қиламан. Ёмонликка ундовчи нафсим менга ғолиб

келиб қолганда ҳалиги олийликдан асар ҳам қолмайди ва тезда ерга қайтиб тушаман. Кўпгина ваъзхон ва хотиблар ҳам ўзлари гапираётган нарсага сира амал қилишмайди. Улар қилаётган ишида айтган ваъзларидан асар ҳам кўринмайди.

Аммо, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам университетда ислом аҳкомлари хусусида лексия айтмаганлар, соатлаб мадрасаларда дарс бермаганлар, ваъз халқаларида ўтирмаган бўлсалар ҳам ўзларига ваҳий қилинган нарсаларни уйда, масжидда, йўлда ҳам етказар эдилар. Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарар эдилар. Аммо, буларни тиллари билан ҳам, феъллари билан ҳам айтардилар. Ўзлари айтган нарсага амал ҳам қилар эдилар. У кишининг хулқлари Қуръон эди. Сиз бу ҳадисни эшитасиз, аммо унинг маъносини тафаккур қилмайсиз. Бунинг маъноси шуки: у кишининг барча ҳатти-ҳаракатлари, ҳар бир хулқлари тиловат қилинадиган оят, ўқиладиган лексия, дарс халқаси ва ваъз мажлиси эди. Чунки, буларнинг бари Қуръон буюргандек бўлар эди.

У зот кечаси билан намоз ўқир, ҳатто оёқлари шишиб кетар эди. Аллоҳдан доим мағфират сўраб юрар эдилар. У кишига “ахир, Аллоҳ сизнинг аввалги-ю кейинги гуноҳларингизни мағфират қилган эмасми?!”, дейилса, “шукр қилувчи банда бўлмайинми?”, дер эдилар. У кишининг барча феълларида ибодат бор эди. Чунки, яхшиликка бўлган ҳар бир ҳаракат, ёмонликни қайтаришга бўлган ҳар бир уриниш, жамоани тузатишга бўлган ҳар бир саъй, агар Аллоҳнинг розилигини истаб қилинса, ўз соҳиби учун ибодат бўлади. У киши ўзлари даъват қилган нарсага ўзларининг иймонлари қандай бўлганлигини, уни амалда қандай қилиб татбиқ қилганликларини биргина мисол орқали келтириш билан кифояланаман.

Агар шарафли оиладан бир қиз, мисол учун вазирнинг қизи ўғирликда айбланаётган бўлса уни ҳам Нурияга³⁷⁴ ўхшаб қамашади деб ўйлайсизми? Агар у ўғри бўлса, қонун ҳукумати унга Нурияга қўллаган жазосини қўллайдими? Ёки турли хил баҳоналар билан унинг айбини беркитиб, жазони ундан енгиллатадими?

Худди шундай воқеа Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида ҳам содир бўлди. Қурайшнинг шарафли оилаларидан бўлмиш, яъни Бани Махзум қабиласининг Валийд оиласидан чиққан бир қиз ўғирлик қилади. Валийд ўша пайтда ваҳийд (яъни, ягона) деб аталар эди. Бу оила Ҳошим ва Уммая оиласидан кейин учинчи ўринда турувчи энг шарафли оила эди. У қизнинг жинояти исботланди. Хукм чиқарилди. Одамлар ўртада воситачилик қилишга уриндилар. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам авф ва кечиритишни яхши кўрганлари учун уни ҳам кечиритишади, деб гумон қилишди. Шунда у зот ғазаб қилдилар ва одамларга уқтириб: “Сизлардан олдин ўтганларни ҳалок қилган нарса агар шарафли кишилари жиноят қилса, индашмас эди. Агар заифи жиноят қилса жазога тортишар эди”, дейишди. Шундан сўнг уларга шундай ажойиб гапни гапирдиларки, бу гап ислом ҳаётида мустаҳкам рукн бўлиб ўрнашиб қолди. Шунда ҳадд (Аллоҳ жазосини Ўзи белгилаб қўйган жиноят) содир бўлганда шафоат (дунёдаги воситачилик) ҳам, авф ҳам фойда бермаслиги маълум бўлди: “Аллоҳга қасамки, агар Муҳаммаднинг қизи Фотима ўғирлик қилганида унинг ҳам қўлини кесган бўлар эдим”.

Бундай ишлар у зот учун табиий бир ҳол эди. Чунки, у зот даъват билан яшар ва даъват учун яшар эдилар. У кишининг ҳавойи нафслари ўзларига нозил бўлган нарсага эргашган эди. У зотга қариндошлик, дўстлик орқали боғланган одамларнинг яқинлиги ҳам агар даъват йўлидан оғишадиган бўлишса фойда бермас эди.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзи кишиларга ўхшаб фақат таом ёки либос учун яшамаганлар. Нафс хоҳлайдиган барча нарсаларга ружуъ қўймаганлар. Шу билан бирга ўзларини зоҳид деб даъво қилувчи баъзи кимсаларга ўхшаб, ўзларини машаққатли ҳаётга уриб, очликни ҳам ихтиёр қилмаганлар. Фақирона кийимларни киймаганлар. Ўзларига тақдим қилинган мазали таомлардан ер эдилар. Агар у кишига

³⁷⁴ Нурия лўли қиз. Лўлилар ҳақида турли гаплар айланиб юради. Уларнинг асли циган миллатига мансуб бўлиб, уларни Ҳажжож бин Юсуф Сақафий Ироқ марказига жойлаштирган. Шундан кейин улар шу ердан тарқалиб кетган.

ёқмаса (ҳаром бўлмаса) емай қўя қолар эдилар, таомни айбламасдилар. У киши таомни бирор марта бўлса ҳам ёмонлаганлари маълум эмас. Агар очликка сабрлари етмай ҳолдан тойиб кетадиган бўлсалар, қорниларига тош боғлаб олар эдилар. Кийим кийишда ҳам ўзлари топган нарсани кияверар эдилар. Бирор махсус устбош ёки махсус турдаги мато ёхуд махсус ранг танламас эдилар. Дўппининг устидан салла кияр эдилар. Баъзан салласиз дўппининг ўзини ҳам кийиб юрар эдилар. Кўйлак, изор, ридо ҳам кияр эдилар. Баъзан бурда, жубба ҳам кияр эдилар. Бу жуббанинг енгилари узун, кенг эмас, балки тор ва калта бўлар эди. Саллалари ҳам ҳозирги кундаги саллаларга ўхшаган эмас эди. Балки, Ҳижоз аҳлидаги саллалар каби, бошга ўралган бир парча мато бўлар эди. Саллага ҳожатлари йўқ пайтда у матони елкаларига ташлаб олар эдилар. Ундан уруш вақтида асирларни боғлаш учун фойдаланар эдилар. Шунингдек, салла Ҳижоз аҳли ичида қуёшли кунда ҳам жуда асқотади. Қуёшнинг тафтидан сақланиш учун у билан бошларини боғлаб олишади. Шунинг учун ҳам: “саллалар арабларнинг игнабаргли қалин ўрмони”, дейилади. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саллага махсус рангни танламас эдилар. У кишининг фатҳ кундаги саллаларининг ранги қора бўлган.

Ислонда бирор кийим ҳаром қилинмайди. Фақатгина авратни очиб турувчи кийимлар ҳаромдир. Муслима аёл юзи ва икки қўлидан бошқа жойини очиши жоиз эмас. Эркаклар учун ипак мумкин эмас. Ислондан бошқа динлар учун хос бўлган кийимлар кийиш ҳам мумкин эмас. Чунки, бундай либос кийилса, у ҳам ўшалардан деб гумон қилиниши мумкин. Роҳибларнинг кийими бунга мисолдир. Аёллар учун хос бўлган кийимлар эркакларга, эркаклар учун хос кийимлар эса аёлларга ҳаромдир. Шунингдек, кийимда ҳам ортиқча исрофгарчилик бўлмаслиги зарур. Шу шартларни ўзида мужассам қиладиган бошқа ҳар қандай кийим ислон динида жоиздир.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ бандалари учун чиқариб берган зийнатларни, пок ризқларни ҳаромга чиқармаганлар. Уларни рад ҳам қилмаганлар. Агар топсалар уни кийиш ёки ейишдан бош тортмаганлар. Лекин, уларга хирс қўймаганлар. Дунёлари учун энг катта ташвиш ҳам қилиб олмаганлар.

Шунингдек, бойлик ва обрў-эътибор шахватидан ҳам фориғ бўлганлар. Агар бойликни истаганларида, у кишига Қурайш хоҳлаганча мол-дунё бериш таклифи билан чиққанлигидан хабарингиз бор. Агар обрў-эътиборни ирода қилганларида, у кишига Қурайш истаганча салтанат беришни ваъда қилган эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даъватни тўхтатишлари учун Қурайш қабиласи нафс хоҳлайдиган бирор нарса қолмай ҳаммасини у кишига сарф қилишга тайёр эдилар. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса улар таклиф қилган барча нарсалардан бош тортишди. Бундай йўл тутишларига сабаб у зотнинг уларга бўлган раҳм-шафқатлари эди.

Шунингдек, у зот жинсий шахватдан ҳам холий эдилар. Баъзи шарқшунослар Росули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламни ўзларининг ноқис ақллари ўлчови орқали ўрганиб, у кишини жинсий шахватда айблайдилар. Улар у зотни ўзлари бошқа буюк деб билган кишиларга қиёс қиладилар. У тўққиз аёлга уйланган, демек, ўта шахватпараст инсон бўлган экан, деб ўйлашади. Мисол учун, Наполеон Болония шахрини босиб олиб, одамларини ўзига бўйсундиради. У ерлик одамлар шахарни озод қилиш учун бир Болониялик қизни³⁷⁵ Наполеонга таклиф қилишади. У ҳам бу қизни севиб қолади. Шу қизга эришиш эвазига Болония шахрини озод этишга ваъда беради. Ўзининг мана шундай жирканч, қабиҳ ҳаракати йўлида у қизнинг отасини ҳам аямайди. Бундай гуноҳ фақат Наполеондагина эмас, балки Александр Дюма, Байрон, Гот, Батлер ва бошқа бир неча ўнлаб тарихда қолган шахслар ҳаётида рўй берган. Одамлар буюк деб билган кишиларнинг таржимаи ҳоли ана шулардан иборат. Уларнинг ҳаётида рўй берган баъзи воқеаларни ўқиган кишининг бурни жийирилиб жирканиши турган гап. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларини ўқиб, у кишини шахватпараст деб ўйлаган “ақлли” инсон психология илмида ўта қоқок экан. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи

³⁷⁵ Бу қизнинг исми Мари Валевска. У ҳақида қиссалар машҳур бўлиб кетган. Ҳаттоки, филмлар ишланган.

васалламнинг тарихларидан беҳабар экан. Илмий изланишда пок ва мурдор нарсаларни бир-биридан ажрата олишдек нозик илмдан анча йироқда экан.

Жинсий рағбат ўта кучайган пайт бу инсоннинг йигирма беш ёш атрофлардаги вақтидир. Бу ёш ўта хатарли ёш бўлиб, ҳар бир оқил ва оқила маъсиятга бошловчи нарсалардан ўта ҳазир бўлиши лозим. Авратлар очилишидан, эркак-аёл аралашидан, номаҳрамларга кўз тикишдан, улар ҳақида фикрга чўмишдан ўзини эҳтиёт қилиш керак. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ёшда қаерда эдилар? У кишинг ёшлик ҳодисалари нималардан иборат эди? Ўзлари хур киши эдилар. Хур шаҳарда яшардилар. Агар жинсий рағбат туфайли ҳаром лаззатни ирода қилганларида эди, у кишига бирорта инсон монъелик қилмасди. У кишининг тенгқурлари ўша вақтда ана шундай ҳаром лаззатларга ғарқ бўлган эдилар. Чунки, бу нарсдан тўсувчи, уни ҳаром деб айтувчи на дин ва на қонун бор эди.

Дарҳақиқат, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари дўстга ҳам, душманга ҳам очиқ-ойдин баён қилингандир. Ҳар қандай танқидчи ҳам у зотнинг ҳаёт йўлларига истаганча синчковлик билан назар солиши мумкин. У зот ҳам шу ёшда ўз тенгқурлари каби жинсий шаҳватга берилиб, ана шундай ҳузур ва лаззатлар домига ғарқ бўлган эдиларми? Фақатгина бир маротаба ўз тенгқурлари каби баъзи ўйин-кулги ҳақида фикр юритгандилар. Ўшанда ҳам Аллоҳ у кишининг кўзларига уйку солиб қўйганди. Шу тариқа ҳалиги фикр ҳам ўтиб кетган. Агар у зотдан шунга ўхшаш бирор иш содир бўлганда у кишининг мушриклардан бўлган душманлари жим ўтирган бўлармиди? Ахир улар у зотга турли йўл билан уруш қилиш ва азият етказишга ўта ҳарис эдиларку. У зот йигирма беш ёшларида уйландилар. Уйланди ҳам гўзал, бокира қизга уйландиларми ёхуд оналари қатор қирқ ёшли бева аёлгами? У кишининг аксар аёллари бева эди. Уларга оммавий фойдани кўзлаб уйланганлар. Аллоҳ таоло у кишига бир вақтнинг ўзида тўрттадан ортиқ никоҳни ҳалол қилган эди. Бу борада бошқа мусулмонларга қараганда у кишига кўпроқ имконият ато этилганди. Шунинг муқобилида бошқа мусулмонларга ҳалол қилинган ҳақни Аллоҳ у кишига ҳаром қилган эди. Бу талоқ ҳаққидир.

Жинсий қувват эркакликни кўрсатиб турувчи асосий белги бўладиган бўлса, қандай қилиб айб бўлсин? Агар эркак кишининг эркаклиги шу нарсада билинмаса, нимада билинсин?! Аммо айб шуки, киши фақатгина жинсий қувват учун яшаши, фақат шу нарса ҳақида фикр юритиши ва унга ҳаром йўл орқали эришишидир.

У зотнинг Зайнабга уйланишлари қиссаси ҳақида душманлар бир гапни қайта-қайта такрорлайдилар. Уларнинг бу гапида ҳеч қандай маъно йўқ. Чунки, улар қасддан воқеъликни бузиб кўрсатишга интилганлар ёхуд воқеъликни зоҳиран хато тушунганлар.

Зайнаб чиройли қиз бўлиб, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қариндошлари эди. Агар у зот унга уйланишни истаганларида бошиданок уйланган бўлар эдилар. У зотнинг бундай қарорлари Зайнабнинг ҳам, оиласининг ҳам энга катта орзуларидан бири эди. Лекин, Аллоҳ таоло Зайнабни исломий ислоҳотлардан иккитасини амалга оширишга сабабчи қилиб қўйди. Бу ислоҳотлардан бири тажриба маконидаги ҳолатни тузатиш учун қаратилган бўлса, иккинчиси Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларидаги ҳолатни тузатиш учун қаратилган эди.

Ислом дини арабларнинг энг шарафли оиласидан бўлган Зайнабни асранди ўғил Зайдга никоҳлантириш орқали жоҳилият буюклигига, инсонларни табақаланишига барҳам беришни ирода қилган эди. Бу жуфтликка назар солган одам унда тенглик йўқлигига гувоҳ бўлади. Зайнаб ва унинг оиласи ёқтирмаса ҳам Зайнаб Зайдга турмушга чиқди. Уларнинг ҳаёти узлуксиз қийинчилик ва тушунмовчиликлардан иборат бўлди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ажрашишни хоҳлаб қолди. Лекин, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайдни талоқ қилишдан қайтариб турдилар. Унга:

أَمْسِكْ عَلَيْكَ زَوْجَكَ وَاتَّقِ اللَّهَ

дедилар. Охири пичоқ бориб суякка тақалди. Ўзаро бирга яшашга ҳеч қандай чора қолмади ва Зайд Зайнабни талоқ қилди. Ана шу ерда иккинчи тажриба амалга оширила бошлади. Бу энг қийин ва машаққатлиси эди. Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга оғир юк бўлиб тушадиган бу тажриба у зотнинг Зайнабга уйланишлари тажрибаси эди. Бундан кўзланган мақсад ўша пайтдаги асранди ўғил одатини ботил қилиш, яъни, асранди ўғилнинг хотини асраб олган одамга ҳаром эмаслигини баён қилиш эди. Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам одамлар Муҳаммад ўз ўғлининг хотинига уйланиб олди, дейишларидан қўрқаётган эдилар. Бу Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга жуда оғир ботар эди. Шу билан бирга Аллоҳнинг амрига бўйсунушлари ҳам керак эди.

Ҳикоя ислом душманлари гумон қилгандек, улар чамалаганден бўлган эмас. Уларнинг бу борадаги айтаётган гаплари беҳуда гапдан бошқа нарса эмас. Бу ҳикояни келтириш орқали ислом душманларига раддия беришни мақсад қилганим йўқ. Чунки, уларнинг беҳуда гаплари раддия беришга арзимади. Фақатгина ўқувчилар ичида бу қиссани билмаганлар бўлса, қисқача тарзда баён қилиб бердим³⁷⁷.

Жасад қуввати моддий қаршилик устидан ғалаба қозониш учун, қалб қуввати эса душманлар устидан зафар кучиш учун хизмат қилади. Бу ерда ундан ҳам катта қувват ҳақида сўз кетмоқда. Бу хулқ қувватидир. У орқали нафс, унинг табиати, рағбатлари, майллари устидан ғалаба қозонилади.

Бу мусулмон кишининг нафсий масаласи бўлиб, Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уни турли муносабатлари ила ҳар хил лафзлар билан таъриф қилганлар: “Паҳлавон курашда³⁷⁸ кураги ерга тегмаган инсон эмас, балки ғазаб келганда нафсини жиловлай олган кишидир”. Бу ҳақиқатни ўзингиз ҳам идрок қила оласиз. Масалан, душман билан олишиб, уни енгиш учун битта қувват керак бўлса, ғазаб келганда уни енгиб, юракдаги оловни ўчириш, ҳаракат ва товушда сокинликни намоён этиш учун юзта қувват керак бўлади. Бу эса ҳалиги қувватдан юз маротаба қийинроқдир. Инсонга ғазаб келганда ғазаб унинг кўзини кўр қилиб қўяди. Ҳаттоки, олдида турган нарсани ҳам кўра олмайди. Ана шундай ҳолатда чиройли хулқ томон бурилиб, мулойимлик ёки авф қилиш ўта қийин ишдир. Бундай матонатни ўн минг одам ичидан биттасида ҳам топиш мушкул.

Тасаввур қилиб кўр. Бир киши сен учун жуда азиз ва севимли бўлган инсонни ўлдириб қўйди. Сўнгра сенинг даъватингга (сен даъватчи бўлсанг) бош эгиб келди. Яқин кишинг учун тўккан ёшларингни, қалб маҳзунлигини унутиб, уни кечира оласанми?

Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Ҳамзанинг қотили Ваҳшийни исломни қабул қилганда авф қилган эдилар. Аммо, у кишида ҳам инсонлик табиати ғолиб келиб, “кўзимга кўринма”, деган гапни айтгандилар. У кишининг бу табиати исломга хилоф эмас эди. Ваҳший ҳам у зотнинг кўзларига кўринмасликка ҳаракат қилиб, у зотдан ўзини олиб қочарди.

Абу Суфённинг хотини Ҳиндчи. Унинг Муҳаммад соллalloҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг даъватларига бўлган нафрати туфайли пайғамбаримизга етказган озорларини нафақат аёл зоти, балки эркак зоти ҳам, ёввойи ҳайвон ҳам етказа олмайди. Ҳамзанинг кўкрагини ёриб, жигарини суғуриб олган ва чайнаб ташлаган эди. Ҳинд Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан бўлган жангларда ана шундай қилмишларни қилганди. Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам эса уни кечирган, унинг байъати ва исломини қабул қилган эдилар.

Тоиф аҳлининг ҳам Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга етказган озорлари ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Улар ҳам исломни қабул қилганларида, уларни кечириб юборгандилар. Мана сизларга яна бир мисол. У зотнинг мақомлари қанчалик буюк

³⁷⁶ Аҳзоб сураси, 37-оят

³⁷⁷ Саййид Рашид Ризонинг “Нидаун лил-жинс ал-латиф (аёлларга хитоб)” китобини ўқиб кўринг!

³⁷⁸ Инсон ғазаб вақтида ўзини тия оладиган асаблар қуввати, душманларини курашда йиқитувчи жангчининг қувватидан кучлироқ эканлиги таъкидланмоқда.

эканлигини кўрсатади. Макка аҳли у зотга ва у кишининг саҳобаларига жуда катта азоб-укубат етказган эди. У зотнинг жасадларига ҳам, руҳларига ҳам, акидаларига ҳам кўплаб азиятлар етказганди. У зот ҳақларида турли-туман гап-сўзлар қилган, мусулмонларни ғорларга қамаб қўйган ҳам макка аҳли эди. У зотнинг йўлларига тиканлар сочиб ташлар, сажда қилиб турган чоғларида бошларига туянинг ичак-чавоқларини тўкиб кетар эди. У кишининг ҳар турли масхаромуз гаплар билан ҳақоратлар эди. Бу бир ёки икки кун давом этмади, балки, ўн уч йил давомида ана шундай кўргуликларни у зотнинг бошларига солишди. У зотнинг устларига уруш қилиб, қариндош ва биродарларини сўйган эди бу душманлар. Вақтлар ўтиб Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар устидан зафар кучдилар. У зотнинг олдиларида, Каъба атрофида ҳеч нарса қўлларидан келмай, хору-зор ҳолатда турдилар. Ана шунда қасос олиш соати келди... Йўк, қасос сўзини қўйиб турунг. Бу сўз у зотнинг мақомлари лойиқ эмас. Бундай узоқ вақт давом этган азиятлардан кейин ҳеч шак-шубҳасиз жазо бериш вақти келганда, у зот шундай дедилар:

“Сизларни нима қиламан, деб ўйлайсизлар?”

Улар ўзлари қилиб ўтган қилмишларини эсладилар. Жазога лойиқ эканликларини билишди. Шу билан бир қаторда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқларини ҳам эсга олдилар.

“Сен карим биродаримизсан ва карим биродаримизнинг ўғлисан”, дедилар.

Сўнгра қатъий ҳукм чиқишини кутиб, сукут сақлаб турдилар. Агар уларнинг барчасини қатл қилиш ҳақида ҳукм чиқарилганда ҳам, дўсту-душман тарихчилардан бирортаси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни бирор оғиз сўз билан маломат қила олмас эдилар. Аммо, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳукмлари бошқача бўлди. Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, барча асрларни ҳайратга солган ҳукм бўлди. Уларга “Боринглар, сизлар озодсизлар!”, дедилар.

Мен Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай мақомларини мазкур мўжаз китобда келтираётганимдан афсусдаман. Агар китоб фақат у кишига бағишланган китоб бўлганида эди, сизларга у зотнинг бундай мақомларидан бир нечтасида келтириб ўтган бўлардим. Бундай мақомга эришишда ўн минглаб курашчининг қуввати керак бўлади.

Менинг ҳайрон қоладиган жойим шундаки, кейинги уламолар ичида сийрат ёзувчилари мўжизалар ҳақида кўп ёзиб юборишган. Бу борада муболағага кетиб, у зотдан содир бўлмаган мўжизаларни ҳам ўзларидан қўшиб юборишган. Бунга уларнинг нима ҳожати бор экан? Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сийратларининг ўзи энг катта мўжизаку.

Мўжиза ўзи нима? Одамлар уни қилишдан ожиз қоладиган ҳар қандай иш мўжиза эмасми? У зотнинг ростгўйликлари ва омонатдорликлари ўзи мўжиза. Мен сизларга бу борада кўплаб мисоллар келтириб ўтирмайман. Фақатгина битта мисол келтираман. Мен бу ҳодисани юзлаб ўқиганман. Аммо бу менга оддий хабардек туюлаверар эди. Бир куни уни яхши эътибор билан мутолаъа қилдим. Ўйлаб қарасам, ажиб воқеълардан бири экан. Қани, бошқа бирор кишининг сийратида ана шундай ҳодиса рўй берганмикин?! Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага ҳижрат қилганликларини яхши биласизлар. Қурайшдан олган омонатларни адо қилиш учун ўз ўринларига ҳазрати Алини қолдириб кетишади. Бу омонатлар нима эканлиги ҳақида бирор марта фикр юритиб кўрганмисиз? Али розияллоҳу анҳуни ўз ўринларига қолдиришларига сабаб омонатларни Қурайшга қайтариш эди. Мусулмонларга эмас, балки айнан Қурайшга қайтариш учун эди. Чунки, пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрат қилган вақтларида Маккада бирорта ҳам мусулмон қолмаган эди. Ҳижрат қилганларнинг охиригиси эдилар у зот. Гўёки, чўкаётган кема капитани барча йўловчиларнинг кемадан тушиб, хавфсиз жойга етиб олгунича кемани тарк этмагани каби, у зот ҳам Маккани тарк этганлари йўк эди. Бу у зотнинг сизларга айтмоқчи бўлганим, биринчи фазилатлари эди.

Омонатлар қиссаси эса қуйидагича: Қурайш Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ўрталарида ўтган ҳар қанча гап-сўзга қарамай, ўз захираларини ишониб

топшириш учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа омонатдорроқ кишини топа олмаган эди. Тасаввур қилиб кўринг! Иккита қарама-қарши гуруҳ. Улар ўртасида жанг кетяпти. Тил, қўл ва ақида жанги. Гуруҳлардан бирининг раҳбарлари ўз моллари ва пулларини душман томондаги кишига омонат қилиб топшириб қўйган!

Мана шу каби ҳодисани эшитганмисиз? Агар у зотнинг ахлоқларида, омонатдорликларида мўжиза бўлмаса душман томон қандай қилиб у зотга ўз омонатларини ишониб топширди? Бундай омонатдорликни бошқалар қилишдан ожиз қолишларида шак-шубҳа борми?!

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ана шундай зот эдилар!

Бадр куни жангдан олдин сафларни текислаш мақсадида уни кўздан кечириб турган эдилар. Қўлларида бир калтак (ёғоч бўлаги) бор эди. Сувад бин Ғузайяни сафдан олдинга чиқиб қолганлигини кўрдилар ва қорнига қўлларидаги калтак билан аста урдилар-да: “тўғри тур, эй Сувад!”, дедилар.

У «эй Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам! Мени оғритдингиз, Аллоҳ сизни ҳақ ва адолат билан юборган-ку», деди. Ана шу ҳолатни тасаввур қилиб кўринг! Армия кўмондонига оддий аскар ана шундай гап айтишга журъат қилмоқда. Уни нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

Адабини бериб қўйиш керакми? Ундан юз ўгириш керакми? Ёки унга юмшоққўнгиллик билан бокиб, унинг бу хатосини кечириш керакми? Ёки кечириб қўя қолиш билан кифояланмай: “Кечирасан, сендан узр сўрайман”, дейиш керакми?

Аммо, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч ким қилмайдиган, ҳаттоки, ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайдиган ишни қилдилар. Унга қоринларини очиб, қўлига калтакни тутқаздилар ва “қайтар!”, дедилар. Яъни, “сени оғритганим каби, сен ҳам мени оғритгин!”, дедилар.

Башарият саййиди бўлсалар ҳам ўзларини тутиб бердилар!

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ана шундай зот эдилар!

Ҳаёт йўлларининг барчаси мўжиза эди. Дунёнинг барча улуғ кишилари ўзларидан бундай сийрат қолдиришдан ожиз эдилар. Бу ҳаёт йўлининг ҳар бир бурчагида улуғлик ва шараф мавжуд. Жасад қувватида ҳам, руҳий ҳолатда ҳам баркамол эдилар. Ғалабадан қувониб манманликка берилиб кетмас, мағлубиятдан даҳшатга тушиб, қарорларидан қайтмас эдилар.

Қизгин жангларда кўрсатган сабот-матонатлари ҳам чексиз эди. Ҳаттоки, паҳлавон саҳобалар ҳам у киши билан ҳимояланар эди. У кишининг шижоатлари олдида манаман деган баҳодирлар ҳам кўркувдан титраб қоларди. Мискин ва фақирлар, бева ва қарияларга кўрсатган раҳм-шафқатлари, камтарликлари, буларнинг барчаси мўжиза эди.

Ҳақни тасдиқ қилишлари, Аллоҳдан амрни етказишдаги ростгўйликлари ҳам мўжиза эди. Ҳаттоки, у зот ўзларининг хатоларини тузатиш ва у кишини итоб қилиш ҳақидаги оятларни ҳам етказганлар. Аҳдга вафо қилишлари, сўзларининг устидан чиқишлари мислсиз эди. Агарда аҳдга вафо қилиш ўзларига машаққат келтирадиган бўлса ҳам. Шахсий муомалаларда ҳам, давлат ишларида ҳам шундай эдилар.

У зотнинг ўта ҳассосликлари ҳам мўжиза эди. У зот таом одобларини, поклик қоидаларини ўз замонларида йўлга қўйган эдилар. Саҳобаларига ўргатиб, ўзлари ҳам улар билан биргаликда амал қилишар эди. Улар каби яшар эдилар. Улар билан бир иш тепасида маслаҳатлашардилар, уларга кулоқ осардилар. Мажлисда бўш ўрин топиб ўтирардилар, гарчи бўш жой мажлис охирида бўлса ҳам. У кишини излаб келган одам қавм ичидаги кишиларнинг юзига қараб ажрата ололмас ва “қай бирингиз Муҳаммадсизлар?”, деб сўрар эди.

Чунки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан ўтиришда ёки кийимда ажралиб турмас эдилар. Барча нарсаларда улар билан бир хил эдилар. Аёллари билан бўлган муносабатлари, уйларида ўзларини тутишлари, ҳазил³⁷⁹ ва

³⁷⁹ У зот ҳазил ҳам қилиб турардилар. Фақат барча ҳазиллари рост бўлар эди, ёлғон аралашмасди (тарж.)

кўнгилхушликлари барчаси мўжиза эди. У зот ўз тавозеълари ва чиройли хулқлари ила хар бир қалбга маҳбуб эдилар.

Ўз саҳобаларини у зот учун алоҳида ўринларидан туришдан қайтарган эдилар. Ўз аҳли оилалари ишларини ҳам қилар эдилар. Маҳсиларини ҳам ўз қўллари билан таъмирлар эдилар.

У зот факирона ҳаёт кечирганлар. Аммо бой бўлишдан ожиз бўлганлари учун эмас, балки ўз зоҳидликлари ила шу йўлни танлаганлар. Агар хоҳлаганларида у зотнинг қасрлари Кисро ва Қайсарнинг қасрларидан ҳашаматлироқ бўлар эди. Лекин, у зот охиратни ирода қилдилар. У зотнинг тўққизта аёлларининг уйи³⁸⁰ узунлиги йигирма беш метрдан ошмасди.

Оиша розияллоҳу анҳонинг уйлари сут ва лойдан қурилган биргина хонача эди. Бу хонанинг торлиги шунчалик эдики, Оиша онамиз ухлаганларида Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқишга сиғмас эдилар. Сажда қилганларида Оиша онамизнинг оёқларини суриб туриб сажда қилар эдилар. У зотнинг таомлари борасида сўз кетганда Оиша онамиздан шундай ҳадис бор: Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хонадонларида олтмиш кунлаб ўчоққа ўт ёқилмай қолган кунлар бўлган. Одамлар Оиша онамиздан: “нима ер эдинглар?”, деб сўраганларида, “хурмо ва сув”, деб жавоб берганлар. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оилаларининг таомланиши ана шундай эди.

У зот балоғат ва фасоҳатда ҳам инсонларнинг энг олдиси эдилар.

Буларнинг барчаси инсонларни ожиз қолдирувчи сифатлардир. Бундан маълум бўладики, Аллоҳ ўзининг энг олий рисолатини ва пайғамбарларнинг хотамини токи Одам фарзандлари ичидан унга муносиб бўлган бир кишини мукамал тайёрлаб олгунча жўнатмай турган. У зотнинг сурат ва сийратда ҳеч бир ўхшашлари йўқ.

Аллоҳ ўз рисолатини қачон ва қаерга юборишни яхши билгувчироқдир.



³⁸⁰ Тўққизта аёлларининг уйлари пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари дафн қилинган хужраи шарифда эди.

КИТОБЛАРГА ИЙМОН

Қуръон:

Қуръон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўжизаларидир.

Баъзилар Қуръонни Муҳаммаднинг ўзи тўқиб чиқарди, дейишди, яна баъзилар у кишининг пайғамбарликларини инкор этди. Бошқа тоифа кишилар эса у зотни илоҳ деб васф қилди: Биз эса: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг бандаси ва росулидир”, деб гувоҳлик берамиз.

Қуръон инсон мислини келтиришдан ожиз бўлган илоҳий китобдир. У фақатгина Аллоҳ ҳузуридан келиши мумкин. Ким Қуръонни Муҳаммаднинг ўзи ёзган деса, Муҳаммадга илоҳлик сифатини берган бўлади.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўқиш-ёзишни билмайдиган оми зот эдилар. Умрларида мактабга кирмаганлар. Балки, туғилиб ўсган юртларида мактабнинг ўзи бўлмаган. Ўз юртлари маданият ривож топган бирор мамлакатда ҳам бўлмаган. Балки, тоғу-тошлар орасидаги, сахро кумлари ортидаги бир қишлоқ эди. Рим, Константинопол ва Кисро шаҳарларидан ҳам беҳабар бўлган бир юрт эди. Унда бирор киши Юнон ёки Рим фалсафасини билмас, бирор киши Ҳиндистон ва Эрон адабиёти ҳақида эшитиб ҳам кўрмаган эди.

Олими ҳам, тадқиқотчиси ҳам йўқ бўлган бир қишлоқ. У зот ўша қишлоқдан нарига чиқмаганлар ҳам. Чиққан бўлсалар ҳам яна шунга ўхшаш ёки бундан сал каттароқ қишлоққа борган бўлишлари мумкин. Борганларида ҳам у ерда бир ёки бир неча кунгина туриб, яна ўз юртларига қайтиб келишган.

Ана шундай инсон Қуръондек улуғ бир нарса келтира олиши мумкинми?

Қадим тарихда шунга ўхшаш бирор ҳодиса бўлганми?

Моцарт ўн яшардан ҳам кичиклик пайтида мусиқа парчасини ёзган. Япон шоири Башо ҳам шундай ёшда илк шеърини ёзган. “Jane Eyre” нинг муаллифи Шарлотта Бронте ва унинг “Wuthering Heights (жалали доvon)” асарини ёзган синглиси Эмилия Бронтелар ҳам ўз замонасининг юксак намоёндаларидан бўлишган. Шекспир ҳам ўздан бой маданий мерос қолдирган. Буларнинг барчаси мумкин бўлган ишлардир. Истеъдодли ёш киши ажиб қиссалар ёхуд янги илмий назариялар ёзиши мумкин. Чунки, у истеъдодли. Истеъдод ўқувчилар ёхуд университет битирувчилари томонидан ўрганиш орқали эришиладиган нарса эмас. Истеъдоднинг пайдо бўлишини кўриб ёки ҳис қилиб бўлмайди. Тарихда машур бўлган, илм, адабиёт ва санъатда истеъдодли бўлган кимсалар ўз замонларидан мисол учун, бир аср илгарилаб кетишган. Аммо бу ўзиб кетишнинг чегараси бордир, яъни ақлга сиғадиган ўзиб кетишликдир.

Аммо Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламда юз берган ҳолат бутун бошли тарихда зинҳор кузатилмаган. Энг чиройли адабий услубдаги китобни келтирдилар. Бу китоб қонунчилик борасида ҳам баркамолликнинг чўқиссига етган қонунларни ўзида мужассам қилган эди. Унда илоҳиёт ва ғайбий нарсалар ҳақида хабарлар бор эди. Бирор инсон билмайдиган китоб эди бу. Инсон ақли уни мустақил идрок қила олмайди. Унда шундай қонуниятлар борки, бу қонуниятларни ўша аср одамлари тугул, ундан кейин келадиган асрларда ҳам бирор инсон ўзича била олмас эди. Унда шундай қонуниятларга ишоралар бор эдики, у қонуниятлар бир минг уч юз йилдан кейингина кашф қилина бошлади. Ҳозиргача кашф қилинмаган қонуниятлар ҳам яширилгандир.

Аллоҳ таоло бутун инсу-жинга қарата “қани қўлларингдан келса, барчаларинг бирлашиб ана шунга ўхшаш бир китоб келтирингчи?! Ҳеч бўлмаганда унинг сураларига ўхшаш ўнта сура келтирингларчи?! Унга ҳам қодир бўлмасангиз бир дона сура келтирингчи?!”, дея мурожаат қилди. Улар эса ожиз қолдилар. Аллоҳ таолонинг бу мурожаати ҳозиргача қоимдир. Ожизлик ҳам ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Унинг ожиз қолдирадиган жиҳатларини балоғат уламолари излаб кўрдилар. Унинг ожиз қолдирадиган жиҳати фақатгина лафзларида ёхуд ғайбий нарсалар ҳақида берган хабарларида эмас, балки унинг барчаси ожиз қолдирувчидир.

Гўёки, у бир гўзал аёлга ўхшайди. Унинг гўзаллиги фақатгина терисининг рангида ёхуд кўзларида ёхуд бирор аъзосида эмас, балки, унинг гўзаллиги ана шуларнинг барида мужассам бўлгандир. Қуръонга назар солган одам ҳам унинг ҳар бир жиҳатида ожиз қолдиришлик хусусияти бор эканлигига гувоҳ бўлади.

Шахсиятни аниқлаш бўлими раиси Аллоҳ таолонинг мана бу оятини эшитганда мусулмон бўлганлигини биласизми?

بَلَىٰ قَدَرِينَ عَلَىٰ أَنْ نُسَوِّيَ بَنَانَهُ

“Йўқ, Биз унинг бармоқларини (ҳам тиклаб) текислаб қўйишига қодирмиз!”³⁸¹

Нега айнан бармоқлар ҳақида сўз кетяпти? Унинг нима хусусияти бор? Муҳр ҳам айнан бош бармоқдан олинади. Ер юзида қанча инсон мавжуд? Икки кишининг бош бармоқ излари ҳаргиз бир-бирига мувофиқ келмас экан. Бу ажойиб илоҳий мўжиза энди-энди маълум бўлди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида ҳам, у кишидан кейин ҳозиргача бўлган замонларда ҳам бу ҳақиқатни ҳеч ким англай олмаган.

Демак, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръонни Аллоҳ таоло ҳузуридан қабул қилиб олган эканлар. Қуръон Аллоҳнинг каломи экан. Қуръони Каримда юзлаб ана шундай мисоллар топилади. Ичимизда ҳар куни биттагина бўлса ҳам оятга диққат билан разм солиб, тафаккур қилиб ўрганадиган одам йўқ. Қуръон ўрганувчи ҳар сафар бир оятни ўрганганда унда аввалгилар беҳабар бўлган ажойиб мўжизаларга гувоҳ бўлади. Чунки, Қуръоннинг ажойиботлари битмас-туганмасдир.

Ана шунинг учун ҳам Қуръон ҳар бир замонда янгича тафсир қилиниши керак. Уни адиб ҳам, ҳуқуқшунос ҳам, астроном ҳам, психолог ҳам, социолог ҳам, тарихшунос ҳам тафсир қилиши керак. Уларнинг ҳар бири Қуръонда ўз илми ва мутахассислигига доир ажойиб мўжизаларга гувоҳ бўлади. Ўз илми ва ихтисослиги Қуръон Аллоҳнинг каломи эканлигига далил қилади.

Аввалги пайғамбарларнинг мўжизалари бир марта юз бериб, кейин ўтиб кетган. Аммо Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўжизалари ҳозиргача қоимдир, ҳар куни тақрорланиб туради. Бошқа пайғамбарларнинг мўжизалари ўз пайғамбарлигидан бошқа жинсда бўлиб, унинг пайғамбар эканлигини тасдиқласа, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарликларининг ўзи мўжизадир. У зотга ва бошқа барча пайғамбарларга Аллоҳнинг селовати ва саломи бўлсин.

КИТОБЛАРГА ИЙМОН

Биз Қуръонга ва Қуръонда хабари келган бошқа нозил бўлган китобларга иймон келтираемиз. Бу китоблар: Иброҳим саҳифалари, Мусо саҳифалари, таврот, Довуд алайҳиссаломга берилган забур, Исо алайҳиссаломга берилган инжиллардир.

Қуръон улар устидан ҳукм чиқарувчи ҳоким ва уларнинг саҳихлиги ёки ўзгартириб юборилганлиги ҳақида хабар берувчи мезондир. Аллоҳ таоло айтади:

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَابِ وَمُهَيْمِنًا عَلَيْهِ

“Сизга (эса, эй, Муҳаммад,) ўзидан олдинги Китоб(лар)ни тасдиқ этувчи ва у (китоблар)ни мувофиқлаштирувчи сифатида Китоб (Қуръон)ни ҳақиқатан нозил қилдик”³⁸²

³⁸¹ Қиёмат сураси, 4-оят

³⁸² Моид сураси, 48-оят

Аллоҳ Қуръонда бу китоблар ҳақида берган хабарларга иймон келтирамиз. Уларни инкор қилган кимсани кофир деб ҳукм қиламиз. Бу китобларда келган хабарлардан Қуръонга мувофиқ келганини асл ҳолатида сақланиб қолган, деб эътиқод қиламиз. Ўзгартириш киритиш бу хабарларгача етиб келмаган. Қуръонга хилоф келган хабарларни эса асл ҳолатидан ўзгартириб юборилган, дея эътиқод қиламиз.

Иброҳим саҳифалари:

Аллоҳ бизга Иброҳим саҳифаларида келган баъзи нарсалар ҳақида ва бу нарсалар Мусо саҳифаларида ҳам такрорланганлиги ҳақида хабар беради.

أَمْ لَمْ يُنَبِّأْ بِمَا فِي صُحُفِ مُوسَىٰ ﴿٦٦﴾ وَإِبْرَاهِيمَ الَّذِي وَفَّىٰ ﴿٦٧﴾ أَلَّا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ ﴿٦٨﴾
وَأَنْ لَّيْسَ لِلْإِنْسَانِ إِلَّا مَا سَعَىٰ ﴿٦٩﴾ وَأَنَّ سَعْيَهُ سَوْفَ يُرَىٰ ﴿٧٠﴾ ثُمَّ يُجْزَاهُ الْجَزَاءَ الْأَوْفَىٰ ﴿٧١﴾
وَأَنَّ إِلَىٰ رَبِّكَ الْمُنْتَهَىٰ ﴿٧٢﴾ وَأَنَّهُ هُوَ أَضْحَكَ وَأَبْكَىٰ ﴿٧٣﴾ وَأَنَّهُ هُوَ أَمَاتٌ وَأَحْيَا ﴿٧٤﴾ وَأَنَّهُ خَلَقَ
الزَّوْجَيْنِ الذَّكَرَ وَالْأُنثَىٰ ﴿٧٥﴾ مِنْ نُّطْفَةٍ إِذَا تُمْنَىٰ ﴿٧٦﴾ وَأَنَّ عَلَيْهِ النَّشْأَةَ الْأُخْرَىٰ ﴿٧٧﴾ وَأَنَّهُ هُوَ
أَعْنَىٰ وَأَقْنَىٰ ﴿٧٨﴾ وَأَنَّهُ هُوَ رَبُّ الشَّعْرَىٰ ﴿٧٩﴾ وَأَنَّهُ أَهْلَكَ عَادًا الْأُولَىٰ ﴿٨٠﴾ وَثَمُودًا فَمَا أَبْقَىٰ
﴿٨١﴾ وَقَوْمِ نُوحٍ مِّن قَبْلُ إِذْهُمْ كَانُوا هُمْ أَظْلَمَ وَأَطْغَىٰ ﴿٨٢﴾ وَالْمُؤْتَفِكَةَ أَهْوَىٰ ﴿٨٣﴾ فَغَشَّاهَا مَا
غَشَّىٰ ﴿٨٤﴾

“Ёки (у) Мусо саҳифаларидаги нарсалардан беҳабарми?! Ёки вафодор зот - Иброҳимнинг (саҳифаларидан) ҳамми?! (Уларда ёзилган эдики:) ҳеч бир кўтарувчи (гуноҳкор) ўзга (жоннинг) юкини (гуноҳини) кўтармас. Инсонга фақат ўзи қилган ҳаракатигина (мансуб) бўлур. Унинг қилган саъйи (ҳаракати) яқинда (Қиёматда) кўринур. Сўнгга у тўла жазо (ёки мукофот) олур. Албатта, охирги манзил ёлғиз Раббингиз олдида (бормоқлик)дир.

Албатта, қулдирган ҳам, йиғлатган ҳам Унинг Ўзидир. Албатта, ўлдирган ҳам, тирилтирган ҳам Унинг Ўзидир. У эркак ва аёл - жуфтларни яратгандир, шитоб чиқадиған нутфа (маний)дан. Албатта, (ўлғанидан сўнг) иккинчи бор пайдо қилиш ҳам фақат Унинг зиммасидадир. Албатта, бой қилган ҳам, бадавлат қилган ҳам Унинг Ўзидир. Албатта, Шеърo (юлдузи)нинг Парвардигори ҳам Унинг Ўзидир. Ҳақиқатан, У аввалги Од (қабиласи)ни ҳалок этди. Яна Самуд (қабиласи)ни ҳам. Бас, (улардан бирортасини тирик) қолдирмади. Яна У илгари Нуҳ қавмини ҳам (ҳалок қилган эди). Чунки уларнинг ўзлари ўта золим ва тугёнга кетган кимсалар эдилар. Яна У зот остин-устин бўлган қишлоқни (Лут қавмини) ҳам (ҳалок этган). Уни ўраган нарса (ёзилган тошлар) билан ўраб ташлади”³⁸³

قَدْ أَفْلَحَ مَن تَزَكَّىٰ ﴿٨٥﴾ وَذَكَرَ اسْمَ رَبِّهِ فَصَلَّىٰ ﴿٨٦﴾ بَلْ تُؤَثِّرُونَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا ﴿٨٧﴾ وَالْآخِرَةَ
خَيْرٌ وَأَبْقَىٰ ﴿٨٨﴾ إِنَّ هَذَا لَفِي الصُّحُفِ الْأُولَىٰ ﴿٨٩﴾ صُحُفِ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَىٰ ﴿٩٠﴾

³⁸³ Нажм сураси, 36-54-оятлар

“Нажот топувчи одам, ҳақиқатан, (куфру исёндан) пок бўлур ва Парвардигорининг номини ёд этиб, намоз ўқир. Ҳа, сизлар, (эй, кофирлар,) дунё ҳаётини устун қўюрсизлар. Ҳолбуки, охират яхшироқ ва боқийроқдир. Дарвоқе, бу (насиҳатлар) аввалги (пайғамбарларга нозил бўлган) саҳифаларда - Иброҳим ва Мусо саҳифаларида (ҳам) бордир”³⁸⁴

Таврот:

Таврот Аллоҳ ҳузуридан нозил бўлгандир. Унда одамлар учун ҳидоят ва Аллоҳнинг ҳукмлари бордир:

وَكَيْفَ تُحْكُمُونَكَ وَعِنْدَهُمُ التَّوْرَةُ فِيهَا حُكْمُ اللَّهِ

“Ўзларида Таврот ва унда Аллоҳнинг ҳукми бўла туриб, нечук Сизни ҳукм чиқаришига ундайдилар”³⁸⁵

إِنَّا أَنْزَلْنَا التَّوْرَةَ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ

“Дарвоқе, Биз Тавротни нозил этдик. Унда ҳидоят ва нур бордир”³⁸⁶

Қуръонда Тавротдаги баъзи ҳукмлар ҳақида хабар берилади:

وَكَتَبْنَا عَلَيْهِمْ فِيهَا أَنَّ النَّفْسَ بِالنَّفْسِ وَالْعَيْنَ بِالْعَيْنِ وَالْأَنْفَ بِالْأَنْفِ وَالْأُذُنَ بِالْأُذُنِ
وَالسِّنَّ بِالسِّنِّ وَالْجُرُوحَ قِصَاصٌ

“Биз унда (Тавротда) уларга жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, қулоққа қулоқ, тишига тиш ва жароҳатларга қасос (олинур) деб, битиб қўйдик”³⁸⁷

Тавротда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг башоратлари борлиги ҳам Қуръонда битилгандир:

الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ الرَّسُولَ النَّبِيَّ الْأُمِّيَّ الَّذِي يَجِدُونَهُ مَكْتُوبًا عِنْدَهُمْ فِي التَّوْرَةِ

“Улар омий (саводсиз) элчи - исми ўзларидаги Тавротда ёзилган пайғамбарга эргашадилар”³⁸⁸

Тавротда яна мўъминларнинг баъзи сифатлари ҳам келгандир:

مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ وَالَّذِينَ مَعَهُ أَشِدَّاءُ عَلَى الْكُفَّارِ رُحَمَاءُ بَيْنَهُمْ تَرَاهُمْ رُكَّعًا سُجَّدًا يَبْتَغُونَ
فَضْلًا مِّنَ اللَّهِ وَرِضْوَانًا سِيمَاهُمْ فِي وُجُوهِهِمْ مِّنْ أَثَرِ السُّجُودِ ذَلِكَ مَثَلُهُمْ فِي التَّوْرَةِ

³⁸⁴ Аъло суаси, 14-19-оятлар

³⁸⁵ Моида сураси, 43-оят

³⁸⁶ Моида сураси, 44-оят

³⁸⁷ Моида сураси, 45-оят. Баъзи олимлар шу оят ҳақида баҳс қилганлар. “Бу ҳукми биз шариатимизга киритамизми ёки йўқми”, деб. Манор тафсирига мурожаат қилинсин.

³⁸⁸ Аъроф сураси, 157-оят

“Муҳаммад Аллоҳнинг расулидир. У билан бирга бўлган (мўъмин)лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида (мўъминларга нисбатан) эса раҳм-шафқатлидирлар. Уларни (мудом) Аллоҳдан фазл ва розилик тилаб рукуъ, сужуд қилаётган ҳолларида кўрарсиз. Уларнинг юзларида сажда асоратидан (қолган) белгилари бордир. Мана шу (сифатлар) уларнинг Тавротдаги мисолларидир”³⁸⁹

Забур:

Аллоҳ таоло айтади:

وَأَتَيْنَا دَاوُدَ زُبُورًا ﴿٥٥﴾

“ва Довудга Забурни бердик”³⁹⁰

Аллоҳ бизга Забурда ерни солиҳ бандалар мерос қилиб олишлари ҳақида ёзилганлигининг хабарини беради. Аллоҳ таоло:

وَلَقَدْ كَتَبْنَا فِي الزَّبُورِ مِنْ بَعْدِ الذِّكْرِ أَنَّ الْأَرْضَ يَرِثُهَا عِبَادِيَ الصَّالِحُونَ ﴿٥٦﴾

“Биз Зикрдан сўнг Забурда: “Албатта, (жаннатдек) ерга фақат Менинг солиҳ бандаларим ворис бўлурлар”, - деб ёзиб қўйгандирмиз”³⁹¹

деган. Бу ерда ердан мурод эҳтимол, жаннат бўлса керак. Чунки, Аллоҳ жаннатга кирган мўъминларнинг тилидан шундай деган:

وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي صَدَقْنَا وَعَدُّهُ وَأَوْثَقْنَا الْأَرْضَ نَتَّبِعُ مِنْ الْجَنَّةِ حَيْثُ نَشَاءُ ﴿٥٧﴾

“Бизларга ваъдасини рост қилган ва бизларни (бу) ерга ворис қилган Аллоҳга ҳамдқи, жаннатдан ўзимиз хоҳлаган ердан ўрин оляпмиз”³⁹²

Инжил:

Аллоҳ таоло айтади:

وَأَتَيْنَاهُ الْإِنجِيلَ فِيهِ هُدًى وَنُورٌ وَمُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ التَّوْرَةِ ﴿٥٨﴾

“ва унга Инжилни - ичида ҳидоят ва нури билан ўздан олдинги (туширилган) Тавротни тасдиқ этувчи қилиб бердик”³⁹³

Инжил Аллоҳ таоло томонидан нозил қилинган бўлиб, у шаръий аҳкомларни ўз ичига олади:

وَلِيَحْكُمَ أَهْلَ الْإِنجِيلِ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فِيهِ ﴿٥٩﴾

“Инжил эгалари ундаги Аллоҳ нозил этган нарса (оятлар) билан ҳукм қилсинлар”³⁹⁴

³⁸⁹ Фатҳ сураси, 29-оят

³⁹⁰ Исро сураси, 55-оят

³⁹¹ Анбиё сураси, 105-оят

³⁹² Зумар сураси, 74-оят

³⁹³ Моида сураси, 46-оят

Инжилда Тавротда келган шариятни тўғриловчи битиклар ҳам бор.

وَمُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ التَّوْرَةِ وَلَا حِلَّ لَكُمْ بَعْضَ الَّذِي هُرِّمَ عَلَيْكُمْ

“(Мен) ўзимдан олдинги (нозил этилган) Тавротни тасдиқлаш ва сизлар учун ҳаром қилинган айрим нарсаларни ҳалол қилиб бериш учун келдим”³⁹⁵

Инжилда ҳам Тавротда бўлгани каби Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида башорат ва мўъминларнинг баъзи сифатлари ҳақида битиклар бордир.

Биз Аллоҳ нозил қилган барча саҳифалар, таврот, забур ҳамда инжилга иймон келтирамиз ва Иброҳим, Мусо, Довуд ва Исо каби барча Пайгамбарларни эҳтиром қиламиз. Уларнинг барчасига Аллоҳнинг саловати ёғилсин.



³⁹⁴ Моида сураси, 47-оят

³⁹⁵ Оли Имрон сураси, 50-оят

ХОТИМА

Ана шу ислом ақидаларидир.

Ким буларга ва Қуръон хабар берган барча нарсаларга, жумладан, осмонлар, ер ва инсоннинг яратилиши ҳақидаги нарсаларга эътиқод қилса, бу эътиқоднинг асари унинг амалида кўринса, ана ўша комил мусулмондир. У саҳиҳлигига эътидоқ қилган Қуръонга амал қилади. Қуръонни тушунмай тиловат қилиш билан, англамаган ҳолда чиройли тартил қилиш билан кифояланиб қолмайди. Балки, ўзи учун дастурул амал қилиб олади. Унинг ҳалоллини ҳалол деб билади, ҳаромини ҳаром деб билади. У вожиб қилган нарсаларга амал қилади ва у қайтарган нарсани тарк қилади.

Бошқа динлар фақатгина ибодатхоналарда акс этса, ислом дини фақатгина масжидда зоҳир бўлмайди. Балки, масжидда ҳам, уйда ҳам, бозорда ҳам, уруш вақтида ҳам, тинчликда ҳам ислом ўзини акс эттиради. Ислом мусулмон киши билан доим бирга юради. Унга нима жоизу, нима ножоиз эканлигини баён қилиб туради. Ислом дини мусулмон киши билан у ёлғиз қолганда ҳам, оила аъзолари даврасида бўлганда ҳам, тижоратида ҳам, ишида ҳам бирга бўлади. Мусулмон киши асли мубоҳ нарсаларни Аллоҳ йўлида, савоб умидида қилса, унинг ҳар бир амали ўзи учун беш вақт намоз каби ибодат бўлади. Бошқа динлар махсус ибодатлардан иборат бўлиб, сиёсатга ҳам, илмга ҳам алоқаси йўқ бўладиган бўлса, ислом дини ҳам ибодат, ҳам қонун, ҳам бошқарув низоми, ҳам ахлоқий маданият, ҳам илм, ҳам сиёсат, ҳам амалдан иборатдир. Истаган фикҳ китобингизни очиб кўринг, унинг мундарижасида юқоридаги жабҳаларнинг барчаси келтирилгандир.

Бошқа динларда ибодатлар фақат намоздан иборат бўлса, бизда ибодат деганда фақат намоз ё рўза тушунилмайди. Ҳар бир киши одамларга манфаат етадиган ишни Аллоҳнинг розилигини истаб қиладиган бўлса ибодат бўлаверади.

Бошқа дин вакиллари дин ва илм орасини бир-биридан ажратадиган бўлишса, ислом илм динидир. Қуръонда илк бор нозил қилинган калима ҳам “ўқи!” калимасидир. “уруш қил!”, “мол-дунё тўпла!”, “дунёда зоҳид бўл!” каби калималар эмас, балки айнан “ўқи!” калимасидир. Бу калимадан кейин илмнинг зикри келган. Аллоҳ инсонга мол-дунё, қувват ёки обрў-эътибор бериб шарафламади, балки билмаган нарсасини ўргатиш орқали уни мукаррам қилди.

Мусулмон жамиятининг барча илмга эҳтиёжи бордир. Барча илмларни эгаллаш қодир бўлган кишилар учун фарзи кифоядир. Кимё, медицина, авиация илмларини ўрганишни диний фарзлардан қилиб қўйган исломдан бошқа бирор дин борми?

Ислом бойлик динидир. Аллоҳ таоло Қуръонда молни яхшилик дея номлаган:

وَإِنَّهُ لِحُبِّ الْخَيْرِ لَشَدِيدٌ

“Яна у яхшилик (мол-дунё) муҳаббатига жуда қаттиқ (берилувчи)дир”³⁹⁶

Васият қилиш ҳақидаги оятда шундай деб марҳамат қилади:

إِنْ تَرَكَ خَيْرًا

“ва (ўзидан кейин) бирор яхшилик (бойлик) қолдираётган бўлса”³⁹⁷

Мусулмонлар бой бўлишлари керак, фақат мол-дунёни ҳалолдан топиш шарт билан ҳамда мол-дунё қўлларида бўлсин, қалбларида эмас. Мол-дунё ҳам, коинотдаги

³⁹⁶ Одиёт сураси, 8-оят

³⁹⁷ Бақара сураси, 180-оят

барча нарса инсон учун бўйсундириб қўйилгандир. Мусулмон инсон ўзини Аллоҳнинг бандаси эканлиги ҳис қилиб туради. Шу билан бирга у бу коинотдаги барча нарсалар устидан саййиддир. Уларни ўзи истаганча тасарруф қилади. Аллоҳ бу коинотда яратиб қўйган нарсалардан, қонуниятлардан ўзи учун манфаат излайди. Фойдали нарсаларга рағбат қилади, лекин унинг лаззатини жуда улуғлаб юбормайди. Агар унинг лаззатини жуда улуғлаб юборадиган бўлса, унга кул бўлиб қолади. Ана шунда уни Аллоҳ таоло ибодатига шерик қилиб қўйган бўлади.

Мол-дунёни Аллоҳ таоло фойдани жалб қилиш учун сабаб қилиб қўйган. Агар сен мол-дунёни тўплаб, уни беркитсанг ва ундан фойдаланмасанг унга хизматкор ва кул бўлиб қоласан. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ана шундай кишилар ҳақида: “*дирҳам қулларининг ҳолига вой бўлсин!*”, деганлар.

Кийим совуқдан ҳимояланиш ва жасадни тўсиб туриш учундир. Агар унинг лаззатини улуғлаб сақлаб юрсанг, ундан фойдаланмайдиган бўлсанг, унинг қулига айланиб қоласан: “*либос қулларининг ҳолига вой бўлсин!*”.

Ислом қувват динидир, лекин зулмга ўтиб кетилмайди.

Ислом дунё ва охират учундир:

رَبَّنَا إِنَّا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةٌ وَفِي الآخِرَةِ حَسَنَةٌ

“*Эй, Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охиратда ҳам яхшилик (ато этгин)*”³⁹⁸

Ислом дини мусулмонлардан иймонни тасдиқ этишлари, шариъатга эргашишларини, шу билан бир қаторда, энг олий, энг кучли, энг билимдон ва энг бой уммат бўлишларини, дунё ва охират яхшиликларини қўлга киритишларини истайди.

Ҳар бир мусулмон яна шуни билсинки, унинг яна бир бошқа вазифаси бордир. Бу ислом дини ҳақида тушунча бериш, Аллоҳнинг йўлига ҳикмат ва чиройли насихат ила чақиришдир. Инсонларни ислом динига киришларига мажбур қилинмайди:

لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ

“*Динда зўрлаш йўқ*”³⁹⁹

Ислом динининг гўзал жиҳатларини кўрсата билиш лозим. Одамларни ислом динига қуруқ гап билан даъват қилибгина қолмай, ўзининг гўзал ахлоқи, чиройли амали билан бу динга муҳаббатини ошириш керак. Ўзини мусулмонман деб юрган баъзи кимсалар сингари ислом динини бузғунчилик дини қилиб кўрсатмаслик, одамларнинг бу динга нисбатан нафратларини уйғотмаслик зарур. Ислом динини гўзал қилиб кўрсатмоқчи бўлган одам, аввало ўзи ақлли, ислом динини яхши билувчи бўлсин. Ўз замонасининг етук маданият соҳиби бўлсин. Одамларга шу давр нуқтаи назаридан, улар тушунадиган қилиб гапирсин. Юмшоққўнгил, ширинсухан бўлсин, қўпол, қалби қаттиқ, жафокаш бўлмасин.

Ислом дини баҳс-мунозарадан кўркмайди. Чунки, бу динда барча нарса аниқ далил ва ҳужжат билан келгандир. Бирор кимса ислом динига хилоф гапни даъво қилиб чиқадиган бўлса, ундан далил келтириш талаб қилинади:

قُلْ هَاتُوا بُرْهَانَكُمْ إِن كُنْتُمْ صَادِقِينَ

³⁹⁸ Бақара сураси, 201-оят

³⁹⁹ Бақара сураси, 256-оят

“Агар ростгўй бўлсангиз, далилингизни келтиринг!”⁴⁰⁰

وَمَنْ يَدْعُ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ لَا بُرْهَانَ لَهُ بِهِ

“Кимки ўзида ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган ҳолда Аллоҳ билан бирга бошқа (бирор)
“илоҳ”га илтижо қилса...”⁴⁰¹

Тавҳидга зид бўлган далил келтириш мумкин бўлмаган ишдир. Аллоҳнинг ягоналиги инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Аллоҳ бу динни Ўзи нозил қилган ва уни Ўзи ҳимоя қилишга ваъда берган:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ

“Албатта, бу зикрни (яъни, Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва уни Ўзимиз
асрагувчимиз!”⁴⁰²

Ислом дини боқийдир. У завол топмайди. Охир-оқибат унга қайтилади. Биз мусулмонлар агар ўз динимизда собит турсак дунёда юксак шарафга эга бўламиз ва охиратда Аллоҳнинг мукофотига эришамиз. Акс ҳолда, Аллоҳ бизнинг ўрнимизга бошқа бир қавмни келтириб қўяди. Улар ислом динига кириб, бу диннинг мақомини янада юксакларга кўтаришади.

Аллоҳдан паноҳ сўраймизки, бизни бошқа қавмга алмаштириб қўймасин. Бизни динимизда собит қилсин. Ўз нусратини бизнинг қўлимизда қилсин. Гуноҳларимизни мағфират қилиб, ўз раҳматига олсин!

Дуоларимизнинг охири эса: "Оламлар Парвардигори – Аллоҳга хамд!" дейишликдир.



⁴⁰⁰ Бақара сураси, 111-оят

⁴⁰¹ Муминун сураси, 117-оят

⁴⁰² Ҳижр сураси, 9-оят